



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 20 » октябрь

№ 649

Toshkent sh.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адリア органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қылади:

1. Күйидагиларни назарда тутувчи **Ёнғин хавфсизлиги қоидалари** иловага мувофиқ тасдиқлансын:

одамларнинг ҳәети ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мұлкіни, атроф табиий мұхитни ёнғинлардан химоя килиш юзасидан **умумий ёнғин хавфсизлиги талаблари**;

ёнғин келиб чиқиши хавфи юқори бўлган ишларни амалга оширишда ҳамда **муҳандислик асбоб-ускуналаридан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талаблари**;

ишлаб чиқариш, ижтимоий, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳалардаги **объектлар ҳамда маъмурӣ бинолар учун ёнғин хавфсизлиги талаблари**.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсади ҳамда мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;

аҳоли, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари орасида мунтазам равишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан таништириш ва тушунтириш юзасидан тизимли тарғибот ва ташвиқтот ишларини олиб борсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қылган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири вазифасини бажарувчи Т.А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “20” октябрдаги “649” сон қарорига
илова

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари

I бўлим. Умумий қоидалар

1-боб. Қоидаларни қўллаш соҳаси

1. Ушбу Ёнғин хавфсизлиги қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий мухитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудида умумий ёнғин хавфсизлиги талабларини белгилайди.

Қоидалар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилий-хукукий шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда – ташкилотлар), уларнинг ходимлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда ушбу Қоидалар билан бирга “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган ёнғин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган бошқа норматив-хукукий хужжатларга ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга амал қилиш лозим.

3. Ёнғин хавфсизлиги соҳасига оид бошқа норматив-хукукий хужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар ҳамда идоравий хужжатлар талаблари ушбу Қоидаларда белгиланган талаблардан паст бўлмаслиги керак.

4. Ушбу Қоидалар:

ўрмон хўжалиги худудларида;

кон қазилма ва шахта иншоотларида;

портловчи материаллар ишлаб чиқарилаётганда, ташилаётганда, сақланаётганда, улардан фойдаланилаётганда ва улар утилизация қилинаётганда;

саноат учун мўлжалланган портловчи материаллардан фойдаланилган ҳолда портлатиш ишларини олиб борувчи ташкилотларда;

ҳаво, сув, темир йўл, автомобиль транспорти ҳамда электр транспортида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгиламайди.

2-боб. Асосий тушунчалар

5. Ушбу Қоидаларда күйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

объект – юридик ёки жисмоний шахснинг мулкий комплекси (ёки унинг бир қисми), шу жумладан, улар учун ёнгин хавфсизлиги талаблари белгиланган бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, технологик қурилмалар, асбоб-ускуна, агрегатлар, буюмлар ва бошқа мол-мулк;

оловли ишлар – учқун ҳосил бўлиши, очик алангадан фойдаланиш билан боғлик ишлар (электр пайвандлаш, газ пайвандлаш, ёнувчи суюқликлардан фойдаланиб кесиш, кавшарлаш лампаларидан фойдаланиш, битум эритиш ва учқун чиқариш билан боғлик бошқа ишлар);

технологик жараён – модда ва маҳсулотларнинг хусусиятини ва (ёки) ҳолатини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми;

одамлар оммавий бўладиган объект – бир вактнинг ўзида 50 нафардан кўп одамлар бўлиши кўзда тутилган хона, бино, иншоот (турап жойлар бундан мустасно);

ёнғинга қарши оралиқ – ёнгин тарқалишининг олдини олиш учун бинолар ва (ёки) иншоотлар оралиғидаги белгиланган масофа;

ёнғинга қарши техник ҳимоя воситалари – ёнгинни автоматик тарзда аниқлаш ва ўчириш, тутунни чиқариш, хабар бериш, ёнғинга қарши сув таъминоти тизимлари, шунингдек, одамларни ва моддий бойликларни ёнғиндан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган бошқа техник воситалар.

3-боб. Ташкилий-техник тадбирлар

6. Ташкилот раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатлар ва норматив хужжатлар ҳамда ушбу Қоидаларнинг талабларига ҳар бир объектда риоя этилишини ва бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

б) таркибий тузилмалар низомларида ва объект ходимларининг лавозим йўриқномаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларни назарда тутиш;

в) объект бўйича буйруқ билан:

объектнинг технологик ускуналарини, шамоллатиш ва иситиш тизимлари, яшиндан ҳимоя қилувчи ва ерга улаш мосламаларини, алоқа ва хабар бериш воситаларини, ёнғинга қарши техник ҳимоя воситаларини соз ҳолда сақлаш ва фойдаланиш учун ҳамда ташкилотнинг объектларида ёнгин хавфсизлиги бўйича масъул шахсларни тайинлаш;

ҳар бир объект учун унинг ёнгин хавфлилигига кўра ёнғинга қарши режимини белгилайдиган ёнгин хавфсизлиги йўриқномалари ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш;

оловли ва бошқа ёнғин хавфи мавжуд ишларни хавфсиз бажариш тартиби ва вактини белгилаш ҳамда улар бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш;

объектнинг ходимлари ўртасида ёнғин содир бўлган вақтдаги мажбуриятларини тақсимлаш;

г) тегишли ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш орқали ходимларни ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларига ўргатишни ва ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ ёнғин-техник минимум бўйича машғулотлар ўtkазишни ташкил этиш;

д) ёнғин содир бўлгандан унинг сабабини, содир этилиши ва ривожланиши (тарқалиши) шароитларини, ёнғин келиб чиқишида ва ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишида айбдор бўлган шахсларни аниқлаш чораларини кўриш;

е) ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ ёнғин хавфсизлиги ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақидаги маълумотлардан иборат ахборот стендларини ташкил этиш, шунингдек, улар ўз вақтида янгиланишини таъминлаш.

7. Ўта муҳим давлат аҳамиятига молик объектларда, йирик ижтимоий-маданий объектларда, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига киритилган, портлаш-ёнғин хавфи муҳитини пайдо қилишга қодир бўлган моддалар ишлатиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишлов бериладиган, ҳосил қилинадиган, сакланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган объектларда ташкилот раҳбарининг буйруги билан ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш бўйича саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида ёнғин-техник комиссияси тузилиши ҳамда ушбу Қоидаларга 4-иловага мувофиқ объектнинг ёнғин хавфсизлиги паспорти ишлаб чиқилиши керак.

8. Ёнғинда одамларни хавфсиз эвакуация қилиш, ёнғинларни самарали ўчириш, шунингдек, ёнғинга қарши ҳимоя воситалари жойлашган жойларни белгилаш мақсадида бир вақтнинг ўзида қаватида 10 нафардан ортиқ одамлар бўладиган бино ва иншоотларнинг (турап жойлардан ташқари) йўлаклари ва эвакуация йўлларининг кўринадиган жойларида қуидагилар:

ушбу Қоидаларга 5-иловага мувофиқ ишлаб чиқилган ёнғин вақтида бинони тарқ этиш эвакуация режаси (схемаси) ўрнатилган бўлиши;

давлат стандарти талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ёнғин хавфсизлиги белгилари жойлаштирилган бўлиши керак.

9. Ташкилотларнинг ходимлари ҳамда фуқаролар куидагиларга мажбурдирлар:

а) норматив-хуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, норматив ҳужжатларда, давлат ёнғин назоратининг ҳужжатларида ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилишга;

б) газ ва майший электр асбобларидан, майший-кимё воситаларидан фойдаланишда, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар билан ҳамда ёнғин хавфлилиги жиҳатидан хавфли бўлган бошқа моддалар, материаллар ва ускуналар ёрдамида ишларни бажаришда эҳтиёткорлик чораларини кўришга;

в) ёнгинни сезиб қолганда зудлик билан бу ҳақда ёнгиндан саклаш хизматига хабар беришга ҳамда одамларни, мол-мулкни эвакуация қилиш ва ёнгинни ўчириш юзасидан чоралар кўришга.

10. Объектлар ушбу Қоидаларга 6-иловага мувофиқ соз ҳолатдаги ёнгинга қарши техник ҳимоя воситалари, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва бошқа ёнгин техникаси, шунингдек, тезкор алоқа воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

11. Ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналар эшикларининг (дарвозаларининг) ташки тарафига, шунингдек, ташки курилмаларнинг ҳудудига ушбу Қоидаларга 7-иловага мувофиқ портлаб ёниш ва ёнгин хавфи бўйича тоифаларнинг ҳамда зоналар синфининг белгиси ўрнатилиши керак.

12. Портлаб ёниш ва ёнгин хавфлилиги бўйича “А” ва “Б” тоифаларига мансуб хоналарнинг эшикларига қўшимча равишда ушбу Қоидаларга 8-иловага мувофиқ ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларининг маълумот картаси ўрнатилиши керак.

4-боб. Ёнгин содир бўлганда харакат қилиш тартиби

13. Ҳар бир фуқаро ёнгинни сезганда куйидагиларни бажариши мажбур:

а) зудлик билан “101” телефон рақами орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (кейинги ўринларда – ФВВ) ёнгин-кутқарув бўлинмасига хабар бериш (хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнгин чиқсан жой ва ўзининг фамилиясини айтиш);

б) одамларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш чораларини кўриш;

в) имкон қадар мавжуд ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан ёнгинни ўчириш чораларини кўриш.

14. Ёнгин жойга етиб келган ташкилот раҳбари (мансадор шахс):

а) одамлар ҳаётига хавф туғилган тақдирда, уларни мавжуд куч ва воситалар ёрдамида кутқариш чораларини кўришга;

б) зарур бўлганда электр энергиясини (ёнгинга қарши ҳимоя тизимидан ташқари) ўчириш, юкларни ташишга мўлжалланган мосламалар, агрегатлар, аппаратларнинг иш фаолиятини тўхтатиш, хомашё, газ, буғ ва сув коммуникацияларини ёпиб қўйиш, авария рўй берган ва унга туташ хоналарнинг шамоллатиш тизими ишини тўхтатиш, хоналар тутун билан қопланиши ва ёнгин тарқалишининг олдини олишга имкон берадиган бошқа чораларни кўришга;

в) ёнгинни ўчиришга қаратилган ишлардан ташқари бинодаги барча ишларни тўхтатишга (агар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бўйича мумкин бўлса);

г) ёнгинни ўчиришга жалб этилган ходимлардан ташқари барча ходимларни хавфли ҳудуд ташқарисига чиқаришга;

д) ёнгин-кутқарув бўлинмалари етиб келгунга қадар (объектнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда) ёнгинни ўчиришда умумий раҳбарлик қилишга;

е) ёнгинни ўчиришда иштирок этаётган ходимлар хавфсизлик талабларига риоя килишларини таъминлашга;

ж) ёнгин ўчириш билан бир вақтда одамларни эвакуация қилиш ва моддий бойликларни ҳимоя қилишни ташкил этишга;

з) ёнгин-күтқарув бўлинмаларини кутиб олишни ва ёнгин содир бўлган жойга қисқа йўл билан олиб боришни ташкил этишга мажбур.

15. Ташкилот (объект) раҳбари (ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс) ёнгин-күтқарув бўлинмаси ёнгинга етиб келиши билан ёнгинни ўчириш раҳбариға ёнгин жойи ҳақида, хоналарда одамларнинг мавжудлиги, ёрдамга муҳтожлар ҳамда ёнгинни ўчиришга жалб этилганлар, сақланаётган ва ишлатилаётган моддалар, материаллар, маҳсулотларнинг миқдори ва ёнгинни ўчириш бўйича кўрилган чоралар ҳақида ахборот бериши керак.

16. Ташкилот (объект) раҳбари (mansabdar shaxsi) ёнгинни ўчириш штаби таркибиға киритилганда:

а) ёнгинни ўчириш раҳбари томонидан берилган вазифаларни бажарилишини таъминлашга;

б) объектнинг хусусиятлари, туташ бино ва иншоотлар ҳақида ёнгинни ўчириш раҳбариға маълумот тақдим этишга;

в) ёнгинни ўчириш раҳбари томонидан берилган вазифалар бажарилишида объект ходимларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга мажбур.

II бўлим. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган умумий талаблар

5-боб. Худудларга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

17. Аҳоли яшаш пунктлари ва ташкилотларнинг худудлари ҳамда ташкилотларга, тураг жойларга, дала ҳовлиларга ва бошқа курилмаларга туташ қисмлари ўз вақтида ёнувчи чиқиндилар, ахлатлар, қадоқлар, хазонлар, қуруқ ўтлар ва бошқа ёнувчи буюмлардан тозаланиши керак.

Ёнувчи чиқиндилар, ахлатлар ва шу каби бошқа буюмларни маҳсус ажратилган майдонлардаги ёнмайдиган материалдан ишланган контейнерларга ёки кутиларга йиғиш ва кейинчалик худуддан олиб кетиш лозим.

18. Бино ва иншоотларнинг ёнгинга қарши оралиқларида турли буюмларни, асбоб-ускуналарни, қадоқларни ва транспорт воситаларини сақлаш ҳамда бино ва иншоотларни куриш (ўрнатиш) тақиқланади.

19. Худуд ва хоналарнинг жойлаштирилиши, биноларнинг оловга бардошлилик даражаси, уларнинг орасидаги ёнгинга қарши масофалар, хоналардан чиқиш эшиклари амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мос келиши ва ёнгин хавфсизлиги таъминланган ҳолатда сақланиши керак.

20. Биноларга, иншоотларга, очик омборларга, сув таъминоти манбаларига, стационар ўт ўчириш нарвонларига ва ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларига олиб борувчи йўлларни, тор кўчаларни ва ўтиш жойларини тўсиб ва ёпиб кўйиш тақиқланади.

Йўллар ва тор кўчалар қишида қордан ва музлардан тозаланиши керак.

21. Йўллар ва тор кўчаларни таъмирлаш учун ёпилиши ёки ёнгин ўчириш автомобилларининг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бошқа сабаблар ҳақида ёнгин-кутқарув хизматига дарҳол хабар берилиши ҳамда ушбу жойларга тўсиб қўйилган йўл қисмини энг яқин айланиб ўтиш йўналишини кўрсатувчи белгилар ўрнатилиши ёки йўлнинг таъмирланаётган қисмидан ўтиш имкони яратилиши керак.

22. Вактинчалик қурилмалар, дўконлар, киосклар ва шу кабиларни бошқа бино ва иншоотлардан камида 15 м масофада (агарда бошқа нормалар билан каттароқ ёнгинга қарши оралиқ масофа талаб этилмаса) ёки ёнгинга қарши деворлар олдига жойлаштириш лозим.

Саноат корхоналарининг худудида (курилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган худудлардан ташқари) вактинчалик ёнувчан бино ва иншоотларни, шу жумладан, вагон ва контейнерларни қуриш (ўрнатиш) тақиқланади.

23. Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнгин чиқиши хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун маҳсус ажратилган ва “Чекиш жойи” белгиси ўрнатилган жойлардан ташқари, чекиш тақиқланади.

24. Ёкиб юбориш йўли билан заарсизлантиришга рухсат этилган чиқиндиларни ёкиш муассаса ходимларининг назорати остида ва шамолсиз об-ҳавода маҳсус ажратилган жойларда амалга оширилади.

25. Ёнгинга қарши сув манбаларини, ташқи ёнгин нарвонларини, бино ва иншоотларга кириш жойларини тезда топиш учун ташкилотлар худуди етарли даражада ташқи ёритиш чироқлари билан таъминланган бўлиши лозим.

26. Турар жойлар, дала ҳовлилар ва ташкилотларнинг худудидаги очиқ майдонларда ичida енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар бўлган идишларни ҳамда сиқилган ва суюлтирилган газ билан тўлдирилган баллонларни қолдириш тақиқланади.

27. Ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, санаторийлар ва соғломлаштириш муассасаларининг худудига кириш жойларида мавжуд ва курилаётган бино ва иншоотлар, худудга кириш жойлари, худуд ичидаги йўллар ва ёнгинга қарши сув таъминоти манбалари кўрсатилган схемалар осиб қўйилиши керак. Схемалар куёш нурига, қор ва ёмғирга чидамли материаллардан ишланиши лозим. Дарвозалар, шлагбаумлар ва худудга киришни чеклайдиган бошқа қурилмалар механизациялаштирилган бўлса, уларни қўлда очиш имкони бўлиши керак.

28. Объектлар (ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардан ташқари), дала ҳовлилар ва турар жойлар худудида қуйидагилар бажарилган тақдирда овқат тайёрлаш учун маҳсус мосламалар жойлаштирилиши мумкин:

а) ёниш майдонча ташқарисига тарқалишининг олдини олиш чоралари кўрилганда;

б) ёниш жараёни доимий назоратга олиниб, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари (ўт ўчиргич, сув билан тўлдирилган сифим, белкурак ва бошқалар) билан таъминланганда. Овқат тайёрланиб бўлгандан сўнг, ёнаётган ва чўғланаётган материаллар тўлиқ ўчирилиши керак.

29. Тандирларни жойлаштиришда ушбу худудда шамол эсишининг асосий йўналиши ҳисобга олиниши ҳамда тандир хўжалик қурилмалари ва турар жойга нисбатан шамол эсадиган томонга қаратиб ўрнатилиши лозим.

6-боб. Бино, иншоот ва хоналарга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

30. Объектлар, ушбу Қоидаларга 9-иловага мувофиқ автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва ёнғин сигнализацияси билан жихозланган бўлиши лозим.

31. Бинолар, иншоотлар ва хоналардан, асбоб-ускуналардан, жихозлардан фақат лойиҳа ва эксплуатацион-техник хужжатларда белгиланган мақсадларда ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланиш керак.

Белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳасиз конструктив, ҳажмий-войиҳавий ва муҳандислик-техник ечимларга ўзгартириш киритилиши тақиқланади.

32. Бинолар, иншоотлар ва хоналардаги ёнғинга қарши тизимлар ва қурилмалар (тутунга қарши ҳимоя, ёнғин автоматикаси воситалари, ёнғинга қарши сув таъминоти тизимлари, ёнғинга қарши эшиклар, парда ва клапанлар, тутун чиқариш люклари, ёнғинга қарши девор ва шифтлардаги бошқа ҳимоя мосламалари ва шу кабилар) доимо соз ва ишчи ҳолатда бўлиши керак.

33. Эшикларнинг ўзини ёладиган мосламалари доимо соз ҳолатда бўлиши зарур, тутунга қарши ва ёнғинга чидамли эшикларнинг осон очилишига ёки ёпилишига тўскинлик қилувчи бирон-бир мослама ўрнатиш мумкин эмас.

34. Қурилиш конструкциялари, ёнувчи, пардозлаш ва иссиқликни тутувчи материалларнинг, ускуналарнинг металлдан ишланган устунларнинг (тиргакларнинг) оловдан ҳимоялаш қопламлари (оловдан ҳимоялаш хусусиятларини йўқотиш ва пасайтиришни ҳисобга олган ҳолда сувоклар, махсус бўёқлар, лок ва шу кабилар) бузилиши ҳолатлари дарҳол бартараф этилиши керак.

Меъёр талаблари асосида ишлов берилган (шимдирилган) ёғоч конструкциялари, декорация ва матолар оловдан ҳимоялаш таркибининг таъсир муддати тугаган ёки ҳимоялаш хусусиятини йўқотган бўлса, уларга такроран ишлов берилиши (шимдирилиши) лозим.

Оловдан ҳимоялаш таркиби билан ишлов берилган (шимдирилган) конструкция ва материалларнинг ҳолати йилига камида 2 марта текширилиши лозим. Текшириш натижалари тегишли ҳужжатларда (далолатнома, журналда) қайд этилади.

35. Ҳар хил мұхандислик ва технологик коммуникациялар, ёнғинга қарши девор, ораёпмалар ва түсувчи конструкциялар билан кесишиг жойда ҳосил бўлган тешик ва туйнуклар қурилишда ишлатиладиган қоришмалар ёки ёнмайдиган материаллар билан суваб (беркитиб) ташланиши керак, бунда тутун ва газни ўтказмаслиги ҳамда талаб даражасида оловга бардошлилик чегараси таъминланиши керак.

36. Хоналарни қайта лойиҳалаштиришда, уларнинг функционал вазифаси ўзгартирилганда ёки янги технологик ускуналар ўрнатилаётганда амалдаги қурилиш ва технологик лойиҳалаш нормаларининг ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш керак.

Хоналар ижарага берилганда ижарага олувчилар томонидан ушбу турдаги бино учун ёнғинга қарши режим бажарилиши керак.

37. 1000 нафар ва ундан ортиқ одам сиғимига эга бўлган муассасаларда энг яқин ёнгин-күтқарув бўлинмаси билан тўғридан-тўғри телефон алоқаси ўрнатилиши керак.

38. Ташкилотларнинг хоналарида, бино ва иншоотларда (якка тартибдаги турар жойлардан ташқари) куйидагилар тақиқланади:

а) ертўла ва цоколь қаватларида, йўлакларда, зина катакларида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни, порох, портловчи моддаларни, газ баллонларини, аэрозоль идишдаги товарларни, цеплулоид ва бошқа портлаш хавфи бор модда ва материалларни сақлаш ва фойдаланиш, амалдаги норматив хужжатларда келтирилган ҳолатлар бундан мустасно;

б) чордоқлар, техник қаватлар, шамоллатиш тизими ўрнатилган ва бошқа техник хоналардан ишлаб чиқариш участкалари, устахоналар сифатида фойдаланиш ҳамда ушбу жойларда маҳсулотлар, ускуналар, мебеллар ва бошқа буюмларни сақлаш;

в) лифт ҳолларига хужра, киоск, савдо шохобчалари ва шу кабиларни жойлаштириш;

г) ертўла ва цоколь қаватларидан чиқиш эшиклари умумий зинапоя катакчаларидан алоҳида ажратилмаган бўлса, уларда ёнувчи материалларни сақлаш омборлари ва устахоналарни ташкил этиш ҳамда бошқа хўжалик хоналарини жойлаштириш;

д) лойиҳада кўзда тутилган вестибюль ва ҳоллар, йўлаклар, тамбур ва зина катакларининг эшикларини олиб ташлаш;

е) балкон ва лоджияларнинг эшик ва люкларини, қўшни хонага ўтиш йўлаклари ва ташқи күтқарув зиналарига чиқиш жойларини мебель, ускуна ва бошқа буюмлар билан тўсиб кўйиш;

ж) бензин, керосин ва бошқа енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлардан фойдаланган ҳолда хоналарни тозалаш ва кийимларни ювиш, шунингдек, кавшарлаш лампаси ва очик оловдан фойдаланган ҳолда яхлаб қолган (музлаган) кувурларни эритиш;

з) белгиланган тартибда тасдиқланган норма ва қоидаларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари деразаларга очилмайдиган панжаралар ўрнатиш;

и) ёнгин вақтида хавфсизлик зонасига кирувчи лоджия ва балконларни ойналар билан қоплаш;

к) зина катакларида ва йўлакларда хужралар ташкил этиш, шунингдек, зинанинг қаватлар орасидаги қисмида (марш) ва майдонларида буюмлар, мебель ва бошқа ёнувчи материалларни сақлаш (бинонинг биринчи ва цоколь қаватларидағи зина катаклари остида фақат марказий иситиш тизимини бошқариш тармоклари, сув ўлчагич тармоклари ва электр шчитлари ўрнатилган деворлари ёнмайдиган материаллардан ишланган хоналарни жойлаштириш мумкин);

л) омборлар ва бошқа ишлаб чиқариш хоналарида (оловга бардошлилиги V-даражали бинолардан ташқари) ёнувчи ва қийин ёнувчи материаллардан ҳамда тунука металдан ясалган антресоллар, шунингдек, бошқа ички хоналарни ташкил этиш.

39. Бино ва иншоотларнинг ташки ёнгин нарвонлари ва том устидаги тўсиқлар доимо соз ҳолда бўлиши ва йилига камида 2 маротаба чидамлилиги бўйича синовдан ўтказилиши керак. Текшириш натижалари тегишли хужжатларда (далолатнома, журналда) қайд этилади.

40. Чордоклар, техник қаватлар ва ертўлаларнинг деразалари ойна билан қопланган, уларнинг эшиклари қулфланган ҳолатда бўлиши лозим. Эшикларга калит қаерда сақланиши ёзиг қўйилиши керак.

Бино ва иншоотларнинг ертўла ва цоколь қаватларидағи ёруғлик дарчалари мунтазам равишда ёнувчи ахлатлардан тозаланиб турилиши керак. Ушбу ёруғлик дарчаларини ва деразаларни очилмайдиган қилиб ёпиб ташлаш тақиқланади.

41. Томоша, овқатланиш, кўргазма, савдо-сотик, биржа, ибодат хоналари ва бошқа заллар (хоналар), трибуналар, шунингдек, катта ва бошқа одамлар оммавий бўладиган хоналарга ташриф буюрувчилар сони, лойиҳалаш бўйича меъёрий хужжатларда белгиланганидан ёки эвакуация йўлларининг одамларни чиқара олиш қобилиятини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш орқали аниқланган сонидан кўп бўлиши тақиқланади.

Лойиҳалаш бўйича норматив хужжатларда ҳисоблаш учун кўрсаткичлар бўлмаса, заллардан (хоналардан) одамларнинг эвакуациясини таъминлаш вақтини 2 min, битта одамга тўғри келадиган майдонни эса $0,75 \text{ m}^2$ деб ҳисоблаш лозим.

7-боб. Хавфсиз эвакуацияни таъминлаш

42. Эвакуация чиқиш жойларининг сони, уларнинг ўлчамлари, ёритиш ва тутундан ҳимояланиш таъминланганлиги шароитлари, шунингдек, эвакуация йўлларининг узунлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

43. Эвакуация йўлларидағи эшикларни қулфлаб қўйиш тақиқланади. Хонада одамлар бўлганида эшикларни ички томонидан осон очиладиган қилиб қулфлаш мумкин.

Эвакуация йўлларидағи барча эшиклар бинодан чиқиш йўналиши бўйича эркин очилиши керак.

44. Эллик нафар одам йиғилиши мумкин бўлган барча хоналарда ҳамда барча зина катакларида, ўтиш жойлари ва бошқа эвакуация йўлларида эвакуация ёритиш чироклари ўрнатилиши лозим.

45. Бино ва иншоотларда ҳамда улардан чиқиш эшикларининг устки қисмида эвакуация йўлларини ва чиқиш жойларини кўрсатувчи ёнгин хавфсизлиги белгилари ўрнатилиши керак.

Одамлар оммавий бўладиган бино ва иншоотлардаги эвакуация йўллари бўйлаб чиқиш эшикларининг устки қисмида бинони тарк этиш йўналиши бўйича яшил рангдаги “Чиқиш” деган ёзуви ёруғлик кўрсаткичлари ўрнатилиши лозим.

Оммавий тадбирларни ўтказишда бинода одамлар бўладиган вақт ичида ёруғлик кўрсаткичлари ёқилган ҳолатда бўлиши керак.

Жамоат бино ва иншоотларининг хоналари ва эвакуация йўлларидағи чиқиш кўрсаткичлари ҳамда пол устидаги ёниб турадиган “югурувчи йўлакча” типидаги чиқиш йўналишини кўрсатиб турадиган кўрсаткичлар соз ҳолатда бўлиши лозим.

46. Хавфсиз эвакуацияни таъминлаш мақсадида куйидагилар тақиқланади:

а) йўлаклар, тамбурлар, галерея, лифт ҳоллари, зинапоялар олдидағи майдонларни, зинанинг қаватлар орасидаги қисмини (марш) ва қопқоқли туйникларни (люкларни) мебель, асбоб-ускуна, ҳар ҳил буюмлар билан тўсиб кўйиш, шунингдек, эвакуация эшикларини михлаб (беркитиб) ташлаш;

б) хоналардан чиқиш жойларида (тамбурларда) ҳар хил кийим қуритиш жойлари, гардероб ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда турли буюмларни ва материалларни сақлаш (кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги тураг жойлар бундан мустасно);

в) эвакуация йўлларида эшикларни имитация қиласидаги витражлар, ойналар, остоналар, турникетлар, суриладиган, кўтариладиган ва айланадиган эшикларни ҳамда одамларнинг хонани ёки бинони эркин ҳолда тарк этишларига халақит берадиган бошқа турдаги мосламаларни ўрнатиш;

г) эвакуация йўлларида (оловга бардошлилиги V-даражали бўлган бинолардан ташқари) деворлар, шифтлар, зинапоялар ва зина катаклари ҳамда полларни қоплашда, пардозлашда, бўёқлашда ёнувчи материаллардан фойдаланиш;

д) йўлак, ҳолл, тамбур ва зина катакларидаги ўзи ёпиладиган эшикларни очик ҳолатда ушлаш учун мосламаларини маҳкамлаб кўйиш (агар бу мақсадда ёнгин вақтида автоматик ҳолда ёпилиш мосламаси ўрнатилмаган бўлса) ҳамда уларни олиб кўйиш;

е) тутун қопламайдиган зина катакларидаги ҳаво пурковчи зоналарни ойна билан қоплаш ёки ёпиш;

ж) эшик ва дарчаларга ўрнатилган арматурали ойналарни оддий ойналарга алмаштириш.

47. Технологик, күргазмали ва бошқа ускуналарни ўрнатишида лойиҳалаш нормаларига мувофиқ хоналардан зина катакларига ва бошқа эвакуация йўлларига чиқиш (ўтиш) йўлаклари таъминланган бўлиши керак.

48. Эвакуация йўлларидаги гиламлар, гилам пойандозлар ва бошқа ўрамли қопламалар полга мустаҳкам қотирилган бўлиши керак.

Ушбу қопламаларни вестибюль ва зина катакларига жойлаштириш тақиқланади.

8-боб. Технологик жараённи ташкил этишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

49. Технологик жараёнлар регламентлар, техник эксплуатация килиш қоидалари ва бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган норматив-техник ва фойдаланиш хужжатларига мувофиқ ташкил этилиши керак.

50. Ишлаб чиқариш биноларида, хоналарида технологик жараёнда ишлатиладиган ва ўзаро алоқада экзотермик реакцияларга киришиши мумкин бўлган моддалар ва материаллар маҳсус ажратилган, авария ҳолатларида ҳам ушбу моддалар билан алоқа қилишга имкон бермайдиган жойларга жойлаштирилиши керак. Моддалар ва материалларни ташишда ушбу Коидаларга 10-иловага мувофиқ уларнинг агрегат ҳолати, бир-бирига тўғри (мос) келиши, шунингдек, ёнғинни ўчирувчи воситаларнинг бир хиллигини ҳисобга олиш керак.

51. Технологик жараёнда ишлатиладиган ёнувчи моддалар ва материалларни хонада бевосита қурилмалар ва жиҳозларнинг ёнида технологик регламентларда (карталар ва бошқаларда) назарда тутилган микдорда саклашга рухсат этилади. Ушбу микдор бир сменада ишлатиладиган меъёрдан ошмаслиги керак.

52. Маҳсус шкафларда кийимларни куритганда белгиланган ҳарорат режимини назорат қилиш керак.

Кийимларни қуритиши хоналарида ёғланган кийимларни, матоларни, шунингдек, гугурт, чақнатгичлар (ёндирувчилар) ва ёнувчи материаллари бўлган кийимларни саклаш тақиқланади.

53. Ускуналарга, қувурларга, сифимили қурилмаларга, коммуникацияларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, синовдан ўтказиш, текшириш ва диагностика қилиш белгиланган муддатларда ҳамда уларнинг фойдаланиш бўйича тегишли техник хужжатларида назарда тутилган ёнғин хавфсизлиги чораларини кўрган ҳолда амалга оширилиши керак.

54. Машина ва ускуналарнинг қисмларини (деталларини) ювиш (мойдан тозалаш) учун ёнмайдиган техник суюқликлар ва таркиблар, шунингдек, ёнғин таъсирига хавфсиз қурилмалар ва усуллардан фойдаланиш керак.

55. Ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган носозликлари мавжуд ускуналар ва қурилмаларда, шунингдек, ўлчов воситалари, автоматлаштириш, назорат қилиш ва ҳарорат, босим, концентрация ва ёнувчан буғлар, суюқликлар, газларнинг бошқа технологик параметрларини белгиловчи авария ҳолатларига

қарши ҳимоя тизимлари ўчирилганда ишлаб чиқариш ишларини ўтказиш тақиқланади.

56. Енгил алангаланадиган ва ёнувчи моддалар ва материалларни қайта ишлаш ва саклаш ускуналари ва идишлари герметик зич бўлиши керак. Герметиклик (зичланиш) ҳолати вақти-вақти билан текширилиши ва шикастланганда, эскиргандан тикланиши керак.

57. Очик олов ва электр иситиш мосламалари ёрдамида ишлар олиб бориладиган столларда ва ҳаво тортувчи шкафларда портловчи реактивларни, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни саклашга, уларни тўкишга ва қурилмаларга куйишга рухсат этилмайди. Енгил алангаланувчи суюқликларни қиздириш пайтида, суюқликнинг авария ҳолатида тўкилишининг олдини олиш учун қурилма тагида хандақ (кювет) ўрнатилган бўлиши керак.

58. Портлаб ёниш ва ёнгин хавфи бўйича “А” ва “Б” тоифали ишлаб чиқариш хоналарида ускунанинг ишлаши пайтида учқун пайдо бўлиши эҳтимоли олди олиниши керак. Ушбу хоналарнинг поллари зарба ва ишқаланиш таъсирида учқун чиқармайдиган материаллардан ишланган бўлиши керак. Контейнернинг (идишнинг) ички қисми қуруқ ва тоза, коррозия изларисиз бўлиши керак. Технологик ускуналар, шунингдек, қувурлар статик электрдан ҳимояланган бўлиши лозим. Хавфли ҳудудларда ишлатиладиган тўқимачилик матоларига антистатик воситалар билан ишлов берилган бўлиши керак.

59. Портлаш ва ёнгин хавфи мавжуд бўлган ҳудудлардаги барча ишлар ҳар қандай ишлаш шароитларида ҳам портлашлардан ҳимояланган ҳаракатлар билан учқун чиқармайдиган воситалар ва жихозлардан фойдаланган ҳолда бажарилиши керак. Хавфли ҳудудларда ишлайдиган ходимлар антистатик воситалар билан ишлов берилган ҳимоя кийимлари билан таъминланиши лозим.

60. Портловчи моддаларни ушлаб қолишга мўлжалланган тозалаш воситаларини ишлатишда куйидагилар талаб қилинади:

а) фильтрлаш мосламаларини тозалашни чиқиндилар тўпланишига кўра амалга ошириш;

б) циклонлардан чангни тушириш ишларини вентилятор ўчирилган ҳолда бажариш;

в) фильтрлаш мосламаларини тозалаш ва таъмирлаш пайтида очик олов ёки учқун чиқарадиган воситалардан фойдаланмаслик;

г) хавфсизлик ва оловушлаш воситаларининг (клапанлар, мемброналар, оловтўсқичлар) созлигини назорат қилиш;

д) ўз-ўзидан ёниб кетишга мойил бўлган чиқиндиларни йиғишида уларнинг ҳароратини доимий равишда назорат қилиб бориш. Ўз-ўзидан ёниб кетадиган ўчоклар пайдо бўлганда, уларни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни дарҳол кўриш ва технологик қоидаларга мувофиқ чиқиндилар ва кулларни олиб ташлаш.

61. Технологик жараёнларни амалга оширишда бошқариш, назорат қилиш ва авариядан ҳимоялаш тизимларини ўчириб қўйишга рухсат этилмайди.

Зарур ҳолларда текшириш, синаш ва созлаш учун алоҳида қурилманинг ўчирилишига технологик жараённинг хавфсизлигини таъминлаш бўйча буйруқда кўрсатилган мансабдор шахснинг ёзма топшириғига кўра технологик жараённинг хавфсизлиги таъминланган ҳолда рухсат этилиши мумкин.

62. Бўяш, ёғсизлантириш ва ювиш цехлари, участкалар ва қурилмаларни ишлатишда куйидаги талабларга риоя қилиш керак:

а) бўяш шкафлари, камералари ва кабиналаридан улардаги ҳаво тортиш тизими, пуркагичлар (гидрофильтрлар) ҳамда техник ҳужжатларда назарда тутилган ёнувчан бўёқ ва локлар заррачаларини ушлаш учун бошқа самарали мосламалари носоз бўлганда фойдаланиш тақиқланади;

б) бўяш мосламаларини ёнувчан қолдиқлардан тозалаш ишлари ҳар куни смена тугаганидан кейин вентиляция ишлаб турган ҳолатда амалга оширилиши керак. Қирғичлар (скребоклар) учун чиқармайдиган материалдан тайёрланиши лозим;

в) лок-бўёқ материаллари иш жойларига смена талабидан кўп бўлмаган миқдорда тайёр ҳолатда олиб келиниши керак (куну тун ишлайдиганлар учун – бир суткага етадиганидан кўп бўлмаган миқдорда).

63. Қувурлардаги қотиб қолган енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар, музли тикинлар ёнғинга хавфсиз тарзда (иссиқ сув, буғ, қиздирилган қум ва бошқалар ёрдамида) қиздирилиши керак. Иситиш учун очиқ оловдан ва қиздирилган буюмлардан фойдаланиш тақиқланади.

64. Оловтўсқичларсиз (гидравлик қулфларсиз) ёки улар ўчирилганда куйидагиларни ишлатишга рухсат берилмайди:

а) енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар билан идишлар ва аппаратларнинг нафас олиш тармоқларини;

б) тўлиқ бўлмаган ёки даврий оқим билан ишлайдиган енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар тармоқларини;

в) газ ва буғ-ҳаво тармоқларини, агар уларда портловчи концентрациядаги аралашмалар пайдо бўлганда.

65. Оловтўсқичлар ва гидравлик қулфларини ўрнатиш жойларини текшириш ва таъмирлаш учун ушбу жойларга эркин кириш имконияти бўлиши керак. Оловтўсқичларни текшириш ва зарур ҳолатларда уларни тозалаш графикга мувофик, лекин З ойда бир мартадан кам бўлмаган тарзда амалга оширилиши керак.

9-боб. Моддалар ва материалларни сақлашга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий қондалар

66. Моддалар ва материалларни сақлаш (жойлаштириш) уларнинг агрегат ҳолати, сақлаш мувофиқлиги, шунингдек, ўчирувчи моддаларнинг

бир хиллигини ҳисобга олган ҳолда ушбу Қоидаларга 10-иловага мувофиқ амалга оширилади. Объектларда номаълум таркибли, портловчи ва ёниш хавфи бўйича хусусиятлари ўрганилмаган моддалар ва материаллардан фойдаланиш ва сақлаш тақиқланади.

67. Ҳаво, сув, ёнувчан моддалар билан тасирлашганда ўз-ўзидан ёниб кетиши ёки портловчи аралашмалар (кальций карбиди ва бошқа карбидлар, ишқорий металллар, натрий гидриди, барий пероксида ва бошқалар) ҳосил қилиши мумкин бўлган кимёвий реактивлар бундай тасирланишни бутунлай истисно қиласиган, шунингдек, юқори ҳарорат ва механик таъсиrlардан холи маҳсус шароитларда сақланиши керак.

68. Маҳсулотларни омборларда сақлаш унинг ҳолатини назорат қилиш учун эркин кириш имкони яратилган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўтиш жойлари ва сақлаш жойлари полда аниқ кўринадиган чегара чизиқлари билан белгиланиши керак. Стеллажлар (штабеллар, сақлаш жойлари) орасидаги ўтиш йўллари бўш бўлиши керак. Стеллажлар (штабеллар, сақлаш жойлари) орасидаги кенглиги камида 1 м бўлган йўлаклар, майдони 300 m^2 дан ортиқ бўлган омборхоналарда эса девор билан штабеллар (стеллаж) ўртасида кўшимча равишда 0,8 м йўлаклар қолдирилиши лозим.

Чироқлардан сақланадиган товарларгача бўлган масофа 0,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

69. Омборхона бинолари ва хоналарида моддалар ва материалларни жойлаштириш режаси осиб қўйилиши керак. Ушбу режаларда моддалар ва материалларнинг сақлаш жойлари, шунингдек, уларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари акс эттирилиши лозим.

70. Портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўлган моддалар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш хоналарида (агар бу ишлаб чиқариш учун зарур бўлса), бир смена эҳтиёжларидан ортиқ бўлмаган микдорда сақлашга рухсат этилади. Бунда улар маҳсус ажратилган жойларда, маҳкам беркитиладиган ёнмайдиган шкаф ёки қутиларда сақлаш шарт.

71. Контеинерларни очиш, созлигини текшириш ҳамда кичик таъмиглаш ишлари, маҳсулотларни қадоқлаш, ёнғинга хавфли суюқликларнинг (нитро бўёклар, лок ва бошқа ёнувчи суюқликларнинг) аралашмаларини тайёрлаш билан боғлиқ барча ишлар сақлаш жойларидан ажратилган (изоляцияланган) хоналарда амалга оширилиши керак.

2-§. Енгил алантанувчи ва ёнувчи суюқликларни ҳамда ёнувчи газларни сақлаш, ташиш ва тарқатишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

72. Енгил алантанувчи ва ёнувчи суюқликларни иш жойларига етказиб бериш марказлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Смена эҳтиёжи 200 L гача бўлганда енгил алантанувчи ва ёнувчи суюқликларни хавфсиз герметик қадоқларда иш жойига етказиб беришга рухсат этилади.

73. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газларни тўкишда (куйишда) сифимларнинг герметиклигини таъминловчи ва буғларни ушлаб турувчи автоматлаштирилган куйиш мосламаларидан фойдаланиш лозим. Бунда худуд атрофидаги ҳавода газ йигилиб қолишига йўл кўйилмаслиги керак.

74. Технологик аппаратларни ва сифимларни тўлдириш ва бўшатиши учун ускуналардан енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни очик оқим билан кўйилишига йўл кўйилмайди.

75. Тўкилган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни сорбент материаллар (қипик, кум) ёки бошқа ёнғинга қарши воситалар ёрдамида зудлик билан йиғиб олиш ҳамда бинолар ва ташки курилмалар ҳудудидан олиб чиқилиши лозим. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларнинг авариявий тўкилишини бартараф этиш учун объектда авариявий сорбент захираси бўлиши керак.

76. Технологик шартларга кўра очик курилмалар, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар бўлган сифимили идишлар ва контейнерлардан фойдаланишини тақиқлаб бўлмайдиган цехларда кўйидагиларни таъминлаш зарур:

а) очик ванналар ва сифимларда соз ҳолатдаги учқундан хавфсиз қопқоқларнинг бўлишини ҳамда уларни ишлатилмаётган пайтда ва ёнғин даврида ёпилишини;

б) суюқликни стационар ванналар ва сифимлардан авариявий тўкиб олинишини.

77. Тўкиш-куйиш жараёнида идишлар тошириб юборилишига йўл кўйилмайди. Иситиладиган ёки ёзда узок муддат сақланадиган резервуарни енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар билан тўлдиришда суюқлик микдори (резервуарнинг тошиб кетишининг олдини олиш учун) қиздирилганда суюқликнинг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

78. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар билан ишлашда синтетик матолардан тикилган маҳсус кийимлардан фойдаланиш тақиқланади.

79. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар омборлари худудига, шунингдек, ушбу омборлар эстакадаларига қайта ишланган газни чиқариб юбориш тизимларида учқун сўндиригичи бўлмаган ва ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан жиҳозланмаган тракторлар, автомобиллар, тепловозлар ва бошқа ички ёниш двигателли транспорт воситаларининг кириши тақиқланади.

80. Юкларни тушириш пайтида, резервуарларни кўрикдан ўтказишида, намуна олиш ёки суюқлик даражасини ўлчашда иш жойини ёритиш учун портлашдан ҳимояланган фонарлардан фойдаланиш керак. Юкларни ортиш ва тушириш ишлари олиб бориладиган жойларда очик оловдан фойдаланиш тақиқланади.

81. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар сақланадиган шиша идишлар герметиклиги йўқотилишини истисно қилиш мақсадида ёнмайдиган таглик ва бўш жойлари сингдирувчи материаллар билан тўлдирилган ёғоч, пластмасса, металдан тайёрланган мустахкам кутиларга қадоқланади. Кутиларнинг деворлари ёпилган шиша идишлардан 5 см дан баландрок бўлиши керак.

82. Сигими 30 L дан ортиқ бўлган енгил алангаланувчи суюқликлар сақланадиган шиша идишларни устма-уст сақланиши ҳамда уларни стеллажларга ёки штабелларга қўйиш тақиқланади.

83. Омборларда енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар барабанларини кўлда жойлаштиришда полга 2 қатордан кўп бўлмаган тарзда ўрнатиш керак, механизациялаштирилган жойлаштиришда – ёнувчи суюқликлар 5 қатордан ошмаслиги, енгил алангаланувчи суюқликлар эса – 3 та қатордан ошмаслиги керак. Штабелнинг кенглиги 2 та барабандан катта бўлмаслиги лозим. Барабанларни ташиш учун асосий ўтиш жойларининг кенглиги камида 1,8 м, штабеллар ораси эса камида 1 м бўлиши керак.

84. Тўлдирилган барча баллонларнинг вентиллари ва резбали уланиш жойларининг герметиклиги текширилиши керак.

85. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар оқиб (сизиб) чиқиш ҳолатларида қуидагиларни бажариш керак:

а) барча технологик операцияларни, шунингдек, ёнгинга хавфли вазиятни қуршаб олиш ва бартараф қилиш билан боғлиқ бўлмаган транспорт воситаларининг ҳаракатини тўхтатиш, мумкин бўлган ёндириш манбани (олов, учқун ва бошқалар) бартараф этиш;

б) воқеа жойига авария хизматларини ва ёнгин-кутқарув бўлинмаларини чақириш. Темир йўл линиялари кирган обьект ҳудудида авария ҳолати ёки тўкилган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газларнинг ёниши кузатилганда дарҳол темир йўл станцияси навбатчисига хабар бериш керак. Хабарда ёнгин хавфи ёки ёнгиннинг хусусияти, цистерна-вагонларда ташилаётган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газларнинг номи, уларнинг миқдори маълум қилиниши керак.

86. Ҳаво шарларини ва шунга ўхшаш бошқа буюмларни тўлдириш (шишириш) учун ёнувчи газлардан фойдаланиш тақиқланади.

3-§. Темир йўл цистерналари ва қуийш-тўкиш эстакадаларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

87. Эстакадада маҳсулотларни тўкиш ва қуийш вақтида маневр ишларини бажариш тақиқланади.

Икки томонлама эстакадаларда енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни қуийш ва тўкишда, қуийш-тўкиш жараёни тугамагунча иккинчи йўлга цистерна киритилиши тақиқланади.

88. Күйиш-тўкиш ишлари бошланишидан олдин цистерналар учқун ҳосил қилмайдиган материалдан тайёрланган махсус тормоз бошмоқлари ёрдамида рельсга маҳкамланади.

89. Цистернанинг носоз ости қўйиш қурилмаларини уларнинг конструкцияларида кўзда тутилмаган мосламалар, шунингдек, учқун чиқарувчи материалдан ясалган мосламалар ёрдамида очишга рухсат этилмайди.

90. Махсулотни қўйиш-тўкиш ҳаракатлари тугагач қўйиш-тўкиш устунлари, қувурлар, вакуум ва очиш учун мўлжалланган идишлар, ўлчагичлар, маҳсулот қабул қилгичлар ва бошқа жиҳозлардан маҳсулот бўшатилиши ва цистерналарнинг люк қопқоқлари герметик равиша ёпилиши керак.

91. Қўйиш-тўкиш эстакадалари худудида цистерналарни таъмирлаш тақиқланади.

92. Цистерналардан ёнувчи газлар тўкилаётган сифимлар, тўкиш қувурларига эга бўлган цистерналар, шунингдек, тўкиш вақтида ишлаётган насос ва компрессорлар қаровсиз қолдирилишига йўл қўйилмайди.

93. Қўйиш-тўкиш ишлари амалга оширилмаётган вақтда цистернани коммуникацияларга улаб туриш тақиқланади. Ёнувчи газларни қўйиш ёки тўкиш пайтида узок танаффус пайдо бўлса, улаш шланглари цистернадан узиб қўйилиши лозим.

94. Ёнувчи газлар билан цистернани тўлдириш жараёнида цистерна қозонидаги газ даражасини назорат қилиш керак. Агар маҳсулот оқиши (сизиб чиқиши) аниқланса, цистернани тўлдириш тўхтатилади, маҳсулот тўкилади, босим туширилади ва носозликни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилади.

95. Таъмирлаш ишларини олиб боришда қуйидагилар тақиқланади:

а) қозонни юкланган ва бўш ҳолатида уни дегазация қилинишидан олдин таъмирлаш;

б) цистерна қозонига зарба бериш;

в) учқун чиқарувчи воситадан ва цистернага бевосита яқин тарзда очик оловдан фойдаланиш.

96. Суюлтирилган углеводород гази оқишида (сизиб чиқишида) қуйидагиларни бажариш лозим:

а) суюлтирилган углеводород газини тўкиш (қўйиш) бўйича барча технологик операцияларни тўхтатиш, шунингдек, ёнгин хавфи ҳолатини куршаб олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ бўлмаган поездлар ҳаракати ва маневр ишларини тўхтатиш, потенциал ёниш манбани (олов, учқун ва бошқалар) бартараф қилиш;

б) суюлтирилган углеводород гази тўкилган жойдан ёнувчан моддаларни олиб ташлаш;

в) оқишини тўхтатиш ва (ёки) цистерна ичидаги суюлтирилган углеводород газини бошқа соз цистернага (сигимга) ўтказиш;

- г) суюлтирилган углеводород гази билан тўлдирилган цистернавагонни хавфсиз зонага олиб бориш;
- д) воқеа содир бўлган жойга авария-қутқарув бўлинмаларини ва газ таъминоти хизматини чақириш;
- е) суюлтирилган углеводород газини туннеллар, ертўлалар, канализацияга киришига йўл қўймаслик чоралари кўриш.

97. Агар интенсив оқим бўлса, газнинг цистернадан бутунлай чиқиб кетишига имкон яратиш, бунда 200 м радиусдаги газ йигилиши мумкин бўлган зоналарни газ тарқалиб кеткунга қадар кузатиб туриш керак.

4-§. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газларнинг резервуар паркларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

98. Резервуарларда ва катта сифимили иншоотларда факат уларга мўлжалланган маҳсулотлар сақланиши керак. Зарур ҳолларда ва тегишли тайёргарлик бўлганда, резервуарга бошқа маҳсулот кўйишга, яъни буг босими эгилувчанлиги ҳисоб-китоб бўйича ушбу турдаги резервуарнидан ошмаса рухсат берилади.

99. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар тўлдирилган сифимлар, резервуарлардан фойдаланиш жараёнида уларнинг герметиклиги, сифон жўмраклари, фланецли уланиш жойларининг қистирмалари, сальникли зичланишларнинг ҳолати устидан доимий назорат ўрнатилган бўлиши керак. Аниқланган носозликлар дарҳол бартараф этилиши керак.

100. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар тўлдирилган сифимлар, резервуарлар жойлашган ва айлана тўсик (обвалование) билан ўралган худудга автотранспорт воситаларининг киришига факат таъмирлаш ишларини олиб бориш учун объект раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма топшириғи асосида рухсат берилади.

101. Нафас олиш арматураларини текширганда клапанлар ва тўрларни кирлардан тозалаш, қишида эса муздан тозалаш керак. Гидравлик клапанларида суюқлик сатҳини текшириш зарур. Гидравлик ҳимоя клапани факат қийин буғланадиган ва музламайдиган суюқлик билан тўлдирилиши керак. Ушбу суюқликни йилига камида икки марта алмаштириш керак ва ҳар бир чиқаришдан кейин суюқлик кўшилиши керак.

102. Стационар ўлчаш мосламалари бўлмаса, сифим ускунасидаги суюқлик даражаси рангли металлдан ясалган лот билан ўлчангандан, люкнинг ички қисмига ўлчаш тасмаси туширилганда учкун ҳосил қилмайдиган ҳалқа ёки металлдан ясалган колодкани ўрнатиш керак.

103. Резервуарларнинг ички юзасини пирофор бирикмалардан ва коррозиядан тозалаш тасдиқланган жадвалга мувофиқ мунтазам равишда амалга оширилиши керак.

104. Ёнувчи газларни биринчи марта тўлдиришдан олдин резервуарларни инерт газ ёки буғ билан шамоллатиш керак. Шамоллатувчи газлар, уларнинг ёнишининг олдини олиш бўйича чоралар кўрилган ҳолатда свечалар орқали чиқарилади. Шамоллатишнинг якуни свечадан чиқарилаётган газ-ҳаво аралашмасидаги кислород микдори билан белгиланади. Агар аралашмадаги кислород микдори 1 фоиздан ошмаса, шамоллатиш якунланган ҳисобланади. Резервуарлар ёнувчи газлардан бўшатилгандан кейин ҳаво билан шамоллатишга рухсат берилмайди.

105. Авария ҳолатларида газни чиқариш тармоқларига қулфли арматура ўрнатиш зарурати бўлса, ушбу арматураларни масофадан бошқариш хавфсиз жойдан амалга оширилиши керак.

106. Резервуардаги (сигимлардаги) енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлардан намуна олиш ва уларнинг микдорини ўлчаш сутканинг ёруғ вақтида амалга оширилиши керак.

107. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни резервуарларга (сигимларга) очиқ оқим билан узатиш тақиқланади. Резервуарни тўлдириш ва бўшатиш тезлиги резервуарга ўрнатилган нафас олиш клапанларнинг (шамоллатиш қувурларининг) умумий ўтказувчанлигидан ошмаслиги керак.

108. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар омборларида куйидагилар тақиқланади:

- а) герметик бўлмаган қурилмалар ва қулфли арматураларни ишлатиш;
- б) бузилишлар ва ёриқлар, сузувчи қопқоқларида тешиклар ёки ёриқлар бўлган резервуарлар, шунингдек, носоз бўлган ўлчаш воситалари, асбоблар, маҳсулот таъминот қувурлари ва стационар ёнғинга қарши қурилмаларни ишлатиш;
- в) айлана тўсиқ (обвалование) ичидагарахтлар, буталар ва курук ўсимликларнинг бўлиши;
- г) сигимларни (резервуарларни) ёнувчан материаллардан тайёрланган тагликка ўрнатиш;
- д) резервуарлар ва цистерналарни ҳаддан ортиқ тўлдириб юбориш;
- е) нефть ва нефть маҳсулотларини куйиш-тўкиш пайтида резервуарлардан намуна олиш ёки маҳсулот сатхини ўлчаш;
- ж) момақалдироқ пайтида нефть ва нефть маҳсулотларини куйиш ва тўкиш, шунингдек, резервуарлардан намуна олиш ёки сатхини ўлчаш.

109. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар омборларида:

- а) нафас оловчи клапанлар ва оловтўсқичларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник ҳужжатларига мувофиқ текшириш керак;
- б) нафас олиш арматураларини текширгандага клапанлар ва тўрларни муздан тозалаш керак, улар факат ёнгин чиқишини истисно қилган усулларда иситилади;

в) намуна олиш ва идишдаги суюқлик даражасини ўлчаш учкун ҳосил қилмайдиган материаллардан тайёрланган асбоблар ёрдамида амалга оширилиши керак;

г) суюқликни факат яроқли контейнерда сақлашга рухсат берилади. Тўкилган суюқликни дарҳол тозалаш керак;

д) нефть маҳсулотларини тўкиш, шунингдек, қадоқлаш материаллари ва контейнерларни тўғридан-тўғри омборхоналарда ва ўралган жойларда сақлаш тақиқланади.

III бўлим. Мухандислик асбоб-ускуналаридан фойдаланишда умумий ёнгин хавфсизлиги талаблари

10-боб. Электр ускуналари ва яшиндан ҳимоя

110. Электр ускуналари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Энергетика корхоналари учун ёнгин хавфсизлиги қоидалари”, “Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари”, “Истеъмолчилар электр курилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари”, “Истеъмолчилар электр курилмаларини эксплуатация қилишда техника хавфсизлиги қоидалари”, “Ўзбекистон электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари” ва бошқа норматив хужжатлар талабларига мувофиқ ўрнатилиши ва фойдаланилиши керак.

111. Электр тармоғига уланган электр курилмалари ва жиҳозларини қаровсиз қолдиришга йўл қўйилмайди (фойдаланиш хужжатларида уларни назоратсиз ишлашига рухсат этиладиган қурилмалар бундан мустасно).

Иш тугагандан сўнг бинодаги (тузилмадаги) барча электр курилмалари ўчирилган бўлиши керак, навбатчи чироқлар, ёнгинга қарши автоматлаштирилган мосламалар учун қувват манбалари, огохлантириш ва эвакуация назорати тизимлари, тутунга қарши ҳимоя тизимлари, шунингдек, технологик жараённинг шартларига мувофиқ сутка давомида ишлаши керак бўлган электр қурилмалари бундан мустасно.

112. Одамлар оммавий бўладиган обьектларда мато ва кийимларни дазмоллаш учун маҳсус хоналар жиҳозланиши ҳамда унда электр ва бошқа иситиш анжомларидан фойдаланиш бўйича қатъий режим ўрнатилиши лозим.

113. Электр қурилмаларидан фойдаланишда қуйидагилар тақиқланади:

а) электр жиҳозларини ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган шароитларда ишлатиш ёки носозлиги бўлган электр жиҳозларидан фойдаланиш;

б) ҳимоя қобиги шикастланган ёки ҳимоялаш хусусиятини йўқотган электр кабель ва симлардан фойдаланиш;

в) шикастланган (носоз) электр розеткаларидан, рубильниклардан, ҳимоя воситаларидан, электр симлари кутиларидан ва бошқа электр қурилмалардан фойдаланиш;

г) электр симлари ва кабелларини елимлаш ва бўяш, электр лампалар ва ёриткичларни қофоз, мато ва бошқа ёнувчи материаллар билан ўраш, шунингдек, ёнувчан материаллар сақланадиган омборхона (ёрдамчи) биноларидаги чироқлардан ҳимоя қалпокларини ечиб олган ҳолда фойдаланиш;

д) ёнмайдиган материалдан ишланган тагликларисиз (подставка) дазмол, электр плитка, электр чойнак ва бошқа электр иситиш анжомларидан фойдаланиш;

е) тармоқка уланган электр иситиш мосламаларини ва бошқа майший электр жиҳозларини назоратсиз қолдириш (ишлаб чиқарувчи корхонанинг йўриқномасида куну тун ишлайдиган ва (ёки) ишлаши мумкин бўлган электр жиҳозлари бундан мустасно);

ж) ностандарт (кўлбола) электр иситиш мосламаларидан, шунингдек, уларда конструкциясида назарда тутилган ёнгин келиб чиқиш эҳтимолини истисно қилувчи терморегуляторлари мавжуд бўлмагандан ёки ишламай қолганда фойдаланиш;

з) электр узатиш тармоқлари ва электр жиҳозларини ортиқча юкланишдан ва қисқа туташувлардан ҳимоя қилиш учун автоматик саклагичлар ва калибрланган эрувчан ҳимоя ўрнатмаси ўрнига қўлбола тайёрланган (сим ўрамалари, “қўлбола саклагич” ва бошқаларни) воситаларни кўллаш;

и) омборхоналар ичидан, шунингдек, ёнгин ҳамда ёнгин-портлаш хавфи бўлган худудлардан электр сим ва кабелларни транзит ҳолда ҳамда ҳаво кувурлари ва кувурлар тармоғи орқали олиб ўтиш;

к) ёнувчи материаллар сақлаш омборхоналари ва бостирмалари, ёнувчан томлар устидан очиқ электр узатиш линиялари ва ташки электр симларини ётқизиш;

л) архивлар, музейлар, галереялар, кутубхоналар ва омборлар биноларида электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш;

м) электр тармоғининг юкламасини рухсат этилган меъёридан ошириш;

н) курилиш-монтаж, таъмирлаш ва авариявий-тиклаш ишлари амалга оширилаётган жойларни электр таъминоти билан таъминлаш ҳамда вақтинча иллюминация ёритиш учун ўтказилган электр ўтказгичлардан ташқари вақтинчалик электр ўтказгичлардан фойдаланиш ва уларни ўрнатиш;

о) радио ва телефон симларидан электр тармоқлари симлари сифатида фойдаланиш;

п) таксимловчи электр шчитлари ва ишга тушириш бошқарув жиҳозларини очиқ ҳолатида ишлатиш;

р) турли хил материаллардан (мис ва алюминийдан) тайёрланган электр симлари (кабеллари) ўтказгичларни бир-бирига тўғридан-тўғри улаш;

с) бир-бирини заҳираловчи электр занжирларини, ишчи ва авария ёритиш занжирларини, бошқарув ва таъминловчи электр кабелларини бир лотокда ёки курилиш конструкциясининг бир ёпиқ каналида, боғламида, металл енгда, кувурда ўтказиш тақиқланади.

114. Күчма электр ёриткичлар эгилувчан электр симлардан фойдаланган ҳолда ишланиши, шиша қалпоклар билан жиҳозланган ҳамда сакловчи ҳимоя сеткаси ва осиб қўйиш учун илгак билан таъминланган бўлиши керак.

115. Софитларни ўрнатиш вақтида факат ёнмайдиган материаллар ишлатилиши, уларнинг корпуслари ушлаб турувчи трасслардан ҳимояланган (изоляция қилинган) бўлиши керак.

Прожектор ва софитларни ёнувчи конструкция ва материаллардан 0,5 м дан кам бўлмаган масофада ўрнатиш лозим.

116. Биноларда (иншоотларда) яшин қайтаргич, статик электрдан ҳимоялаш мосламаларини соз ҳолатда саклаш керак.

117. Момақалдироқ пайтида куйидагиларга рухсат этилмайди:

а) яшин қайтаргич воситаларини таъмирлаш;
б) газ қувурлари ва ҳаво чиқариш мосламалари орқали ишлаб чиқариш маҳсулотларини атмосферага чиқариш;

в) енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ва ёнувчи газли қувурлар ва қурилмаларни шамолллатишни амалга ошириш;

г) енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газларнинг қувиш-тўкиш ишларини амалга ошириш.

118. Темир йўлларда қувиш-тўкиш ишлари давомида резервуарларни, қувурларни, эстакадаларни ва цистерналарни ерга уланмасдан фойдаланиш тақиқланади.

11-боб. Иситишда ёнғин хавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий қондалар

119. Биноларда (иншоотларда) факат саноатда (заводда) ишлаб чиқарилган иссиқлик ҳосил қилувчи қурилмалардан (шу жумладан, иссиқлик тўпламайдиган печлардан) ва иситиш мосламаларидан (турли буюмлардан ясалган печлар бундан мустасно) фойдаланишга рухсат этилади.

120. Иситиш мавсуми бошланишидан олдин печлар, қозонлар, иссиқлик ҳосил қилувчи ускуналар ҳамда бошқа иситиш анжомлари ва тизимлари текширилган ва таъмирланган бўлиши керак. Носоз иситиш печлари, қозонхона жиҳозлари, иссиқлик ҳосил қилувчи қурилмалар ва бошқа иситиш анжомларидан фойдаланиш тақиқланади.

121. Суюқ ёқилғида ишлайдиган қозонхона жиҳозларининг иссиқлик ҳосил қиладиган ускуналари ва иситиш мосламаларининг ҳар бир форсункасида қумли таглик бўлиши керак ва ёнилғи тармоғида камида иккита вентиль бўлиши зарур (биринчиси – ўчоқда, иккинчиси – ёнилғили идишда).

122. Қозонхона ва бошқа иссиқлик чиқарувчи қурилмалардан фойдаланишда куйидагилар тақиқланади:

а) маҳсус ўкув курсида ўқитилмаган ва тегишли малакани берувчи гувоҳномага эга бўлмаган шахслар ишлашига йўл қўйилиши (туар жой биноларида ўрнатилганлар бундан мустасно);

б) қозонхоналарда ва иссиқлик чиқарувчи курилмалар ўрнатилган хоналарда суюқ ёқилғи маҳсулотларини саклаш;

в) иситиш ускуналаридан фойдаланиш учун техник шартларда кўрсатилмаган нефть маҳсулотлари чиқиндиларидан ва бошқа енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлардан ёқилғи сифатида фойдаланиш;

г) ёқилғи узатиш тизимидан суюқ ёқилғи томганда (газ сизиб чиқканда) иссиқлик ўтказувчи курилмалардан фойдаланиш;

д) қўлбола ясалган газ горелкаларидан фойдаланиш;

е) ўчиб қолган форсунка ёки газ горелкаларига ёқилғини узатиш;

ж) ускуналарнинг ёниш камераларини шамоллатмасдан ёкиш, шунингдек, машъала ёрдамида ва бошқа шунга ўхшаш асбоблардан фойдаланмасдан ёкиш;

з) ёқилғи таъминотини назорат қилиш ва бошқариш асбоблари билан жиҳозланмаганда, улар носоз ёки ўчирилган ҳолатда бўлганда ишлатиш;

и) кийимларни ёки бошқа ёнувчи материалларни қозонлар устида ва мўриларда саклаш. Иссиқлик нурланишининг йўналиши бўйича ёнувчан материалларгача бўлган масофа камидаги 1,25 т бўлиши керак;

к) кўриш туйнуги орқали ишлатилувчи аралашмани ёкиш;

л) сарфлаш материаллари бакларини пуркагичлар, шунингдек, қозонхона жиҳозлари деворига 2 т яқинликда ўрнатиш;

м) очик ёқилғи баклари билан ишлаш;

н) сатҳ ўлчаш мосламалари билан жиҳозланмаган сарфлаш материаллари баклари билан ишлаш;

о) курилма ва сарфлаш баклари яқинида ёнувчан материаллардан тўсиқлар ўрнатиш;

п) шамоллатиш каналлари ва бошқа каналлардан дудбурон сифатида фойдаланиш.

2-§. Печ ёрдамида иситишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

123. Одамлар оммавий бўладиган обьектларда, шунингдек, сутка давомида болалар бўладиган муассасаларнинг ётоқхоналарида иситиш печларини ўрнатиш тақиқланади.

124. Суюқ ва қаттиқ ёқилғида ишлайдиган дудбурон ва печларни, иситиш мавсуми бошланишидан олдин ҳамда иситиш мавсуми давомида курумдан тозалаш лозим, ушбу ишлар камидаги:

а) иситиш печлари уч ойда бир марта;

б) доимий (узлуксиз) ишлатиладиган печ ва ўчоклар икки ойда бир марта;

в) ошхона плиталари ва бошқа узлуксиз (узок муддат) ёқиладиган печлар ойига бир марта ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг талабларига мувофик

истеъмолчиларнинг ички газ тармоқларини, газдан фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни техник текшириш ва уларга профилактик хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

125. Иситиш печларидан фойдаланишда куйидагилар тақиқланади:

а) ёқилган печларни назоратсиз қолдириш ҳамда уларни назорат қилишни ёш болаларга топшириш;

б) печлар атрофида ва уларнинг эшиклари (туйнуклари) олдидаги тунука қопламасида ёқилғи ва бошқа ёнувчи моддалар ва материалларни жойлаштириш;

в) печ ва тандирларни ёкиш учун енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлардан (бензин, керосин, дизель ёнилғиси ва бошқалар) фойдаланиш;

г) ушбу турдаги ёқилғиларга мўлжалланмаган печларни кўмир, кокс ва газ ёқилғилари билан ёкиш;

д) хоналарда мажлис ёки бошқа оммавий тадбирлар ўтказилиши даврида печларни ёкиш;

е) вентиляция (шамоллатиш) ва газ каналларидан дудбурон сифатида фойдаланиш;

ж) печларни ҳаддан зиёд қиздириб юбориш;

з) печлар ва бошқа иситиш мосламаларини ёнувчан конструкциялардан ёнгинга қарши бўлинмасиз (ажратмасиз), ёнмайдиган материалдан тайёрланган ўлчами $0,5 \times 0,7$ m дан кам бўлмаган ўчоқнинг олдига қўйиладиган панелларсиз (ёғочдан тайёрланган ва бошқа ёнувчан материаллардан тайёрлаган полларда), шунингдек, бўлинма (ажратма) ва ўчоқ олди панелларида куйишлар ва шикастланишлар (ёриклар) бўлганда ишлатиш;

и) печларни ёкиш учун узунлиги ўчоқ катталигидан каттароқ ўтиндан фойдаланиш;

к) печларни эшиги очилган ҳолда ёкиш.

126. Биноларда ва иншоотларда (яшаш уйларидан ташқари) печларни ёкиш, иш вақти тугашидан икки соат олдин, шифохона ва бошқа одамлар куну тун бўладиган обьектларда эса уйкуга кетишдан икки соат олдин тўхтатилиши лозим.

Болалар кундуз куни бўладиган хоналардаги печларни ёкиш ишлари камида болалар келишидан бир соат олдин тугатилиши лозим. Ёқилғи сифатида газдан фойдаланиладиган обьектларда печларни ёкиш ҳар тўрт соатда бир маротаба бир соатдан кам бўлмаган танаффус билан амалга оширилиши лозим.

127. Ўтхонадан сидириб олинадиган кул ва кулга айланмаган колдиклар (шлаклар) устига сув қуйиб, уларни маҳсус ажратилган хавфсиз жойларга олиб чиқиб ташлаш керак.

128. Стандартлар ва техник шартларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган металл печларни ўрнатиш мумкин эмас.

Тураг жой бинолари ва ташкилотларда, маҳсус корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган металлдан ясалган вақтинчалик ва бошқа печларни ўрнатишда ушбу маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчи корхонасининг кўрсатмалари

(йўриқномаси) ҳамда иситиш тизимларига қўйиладиган лойиҳалаш талаблари бажарилиши лозим.

129. Печлардан моддий бойликларгача, савдо расталари, пештахта, шкафлар ва бошқа анжомларгача бўлган масофа 0,7 м дан, ўтхона оғзидан эса 1,25 м дан кам бўлмаслиги лозим.

130. Чордоклардаги барча дудбуронлар ва тутун каналлари ўтган барча деворларнинг юзалари ёрикларсиз, соз ҳолатда ва оқланган бўлиши лозим.

131. Қаттиқ ёқилғида ишлайдиган қозонхоналарнинг дудбуронлари учун сўндиргич билан жиҳозланиши керак.

132. З соатдан кўп ёқиладиган, шу жумладан, газ билан иситиладиган печлар (ошхона, кир ювиш хоналари ва бошқалар) 51 см кенгликдаги ва З соатдан кам ёқиладиганлар эса 38 см кенгликдаги ёнғинга қарши деворлар билан ажратилиши керак.

3-§. Инфрақизил нурли горелкалар билан иситишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

133. Полга ўрнатиладиган инфрақизил нурли горелкага эга кўчма курилмалар барқарор асосга эга бўлиши керак. Горелканинг нурланиш юзасидан газ баллонларига, ёнувчан материаллардан ясалган тузилмаларга, электр жиҳозларигача бўлган масофа горелкадан фойдаланиш ҳужжатларига мос келиши керак, лекин 1 м дан кам бўлмаслиги лозим.

134. Инфрақизил нурли горелкаларни ишлатишда куйидагилар тақиқланади:

а) горелка ўчган ҳолатларда газ таъминотини тўхтатадиган автоматик кулф билан жиҳозланмаган курилмалардан фойдаланиш;

б) табиий шамоллатиш ёки ҳаво алмашинувининг мос келадиган даражаси бўлган сунъий шамоллатиш мавжуд бўлмаган хоналарда, шунингдек, ертўлада ёки цоколь қаватларда фойдаланиш;

в) горелкани шикастланган керамика ва кўзга кўринадиган олов “тиллари” билан ишлатиш;

г) хонада газ ҳиди бўлганда ишлатиш;

д) захира баллонларини ишлаётган горелка яқинида сақлаш;

е) газ баллонлари ёнида очик оловдан фойдаланиш.

135. Очик жойларда ишлаш вақтида (иш жойларини иситиш, нам жойларни куритиш учун) шамолга чидамли горелкалардан фойдаланиш керак.

12-боб. Шамоллатиш ва совитиш тизимларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

136. Ҳаво ўтказгичларидаги оловни тўхтатувчи курилмалар (заслонка, шибер, клапан ва бошқалар), автоматик ёнғин ўчириш ёки ёнғин сигнализацияси курилмаларини шамоллатиш тизими билан блокировка қилиш мосламалари, ёнғин вақтида шамоллатиш тизимини автоматик

равишда ўчириш мосламалари доимо соз бўлиши ва белгиланган вақтда текшириб турилиши керак.

137. Шамоллатиш ва совитиш тизимларидан фойдаланишда қуидагилар тақиқланади:

- а) шамоллатиш тизими камераларининг эшикларини очик ҳолда қолдириш;
- б) ҳаво тортиш каналларини, туйнук ва панжараларни беркитиш;
- в) ҳаво ўтказгичларга газ иситиш асбобларини улаш;
- г) ҳаво ўтказгичларда йиғилиб колган ёғ қатламлари, чанг ва бошка ёнувчи моддаларнинг қолдиқларини ёкиш;
- д) оловни тўхтатувчи қурилмаларни ўчириш ва олиб ташлаш;
- е) ҳаво қувурлари ва уларнинг уланишлари яхлитлигини бузиш.

138. Шамоллатиш камералари, циклон, фильтрлар, ҳаво ўтказгичлар обьект раҳбари томонидан белгиланган муддатларда ёнувчи чанг ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тозаланиши керак.

Портлаш ва ёнгин хавфи бўлган хоналарнинг шамоллатиш тизимларини хавфсиз усул билан тозалаш тартиби обьект раҳбари томонидан ишлаб чиқилган бўлиши керак.

139. Ёниш ва портлаш хавфи мавжуд хоналардаги технологик ускуналарни гидрофильтри, қуруқ фильтри, чанг ушлагич ва бошка шамоллатиш (аспирация) қурилмалари носоз ёки ўчирилган бўлса ишлатишга йўл қўйилмайди.

140. Ёнувчи чанг, тола ва бошка чиқиндиларни чиқариб ташловчи вентиляторга бегона жисмлар тушишининг олдини олиш мақсадида уларнинг олдига тош ушлагич, темир парчаларини ушлаб қолиш учун эса магнитли ушлагичлар ўрнатилиши лозим.

141. Маҳаллий ҳаво сўриш тизимлари ва пневматранспорт қувурларида уларни вақти билан кўздан кечириш, тозалаш ва ёнгин содир бўлганда уни ўчириш учун маҳсус туйнуклар бўлиши лозим.

Назорат қилиш туйнуклари бир-биридан 15 м узок бўлмаган масофада жойлашиши керак, бундан ташқари тростниклар, бурилишлар, девор ва тўсиқлар оралигидан ўтувчи жойларга ҳам ўрнатилиши керак.

142. Чангдан тозаловчи машина ва агрегатлардаги ҳаво тозалаш фильтрлари алоҳида хоналарда ўрнатилиши лозим.

143. Рециркуляцияда, ускунадан чиқариладиган чангланган ҳаво фильтрлар орқали икки босқичли тозалашдан ўтказилиши лозим.

13-боб. Бошка турдаги муҳандислик асбоб-ускуналарига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

144. Носоз газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбоблари ва газ қувурларининг жўмракларини очик ҳолда қолдириш, газ асбобларидан 50 sm

яқинликда мебеллар ва бошқа ёнувчи жиҳозлар ва буюмларни қўйиш ёки ўрнатиш мумкин эмас.

145. Ёнгин ва ёнгин-портлаш хавфи бўлган суюкликларни канализация тизимиға тўкишга (шу жумладан, авария ҳолатларида ҳам) рухсат этилмайди. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюкликлар ишлатиладиган обьектларнинг канализация кувурларига ўрнатилган гидрозатворлар доимо соз ҳолатда бўлиши лозим.

146. Ахлатлар ҳамда кийим ўтишига мўлжалланган кувурларнинг (йўлларнинг) клапанлари зич ёпилиши лозим.

IV бўлим. Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва ёнгинга қарши техник ҳимоя воситаларига қўйиладиган талаблар

14-боб. Ёнгин ҳақида хабар бериш ва ёнгинни ўчириш техник воситаларини сақлаш

147. Объектда буйруқ (фармойиш) асосида ёнгинга қарши автоматика, тутунга қарши ҳимоя тизимлари, одамларни ёнгиндан огохлантирувчи курилмаларни ишлатишга жавобгар шахслар тайинланиши керак.

148. Ёнгин сигнализацияси ва ёнгин ўчириш курилмалари, тутундан ҳимоялаш, одамларга ёнгин ҳақида хабар бериш ва эвакуацияни бошқариш тизимларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда режали-огохлантирув таъмирлаш бўйича регламент ишлари, мослама ва курилмаларни ишлаб чиқарган корхонанинг техник хужжатлари ва таъмирлаш ишларининг ўтказиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда тузилган йиллик иш режаси асосида амалга оширилади. Техник хизмат кўрсатиш ва режали-огохлантирув таъмирлаш ишлари, корхонада қонун хужжатларига мувофиқ маҳсус ва даврий тайёргарликдан ўтган ходимлар ёки шартнома бўйича маҳсус лицензияга эга бўлган ташкилот томонидан амалга оширилади.

Ускуна ва мосламаларни ўчириб қўйиш йўли билан (алоҳида линия, ташвишгоҳ) таъмирлаш ёки техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга ошириладиган даврда обьект раҳбари бино, иншоот, хона, технологик ускуналарнинг ёнгиндан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириши керак.

149. Ёнгин автоматика мосламаларига, тутунга қарши ҳимоялаш тизимларига, одамларни ёнгиндан огохлантиришга обьект мутахассислари томонидан техник хизмат кўрсатишни амалга оширишнинг имкони бўлмаган тақдирда, курилмаларни ишга туширгандан кейин 30 кун ичida ушбу фаолият тури бўйича лицензияга эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан уни амалга ошириш бўйича шартнома тузиш керак.

Ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизимларига техник хизмат кўрсатиш шартномаси бекор қилинганда, корхона раҳбари 24 соат ичida шартномалар бўйича туман (шаҳар) Фавқулодда вазиятлар бўлимини ёки обьектга хизмат кўрсатадиган фавқулодда вазиятлар бўлинмаларини хабар қилиши шарт.

150. Ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизимлари, одамларни ёнгиндан огоҳлантириш қурилмаларига жавобгар шахс куйидагиларни:

а) ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизимлари, одамларни ёнгиндан огоҳлантириш мосламаларини ишчи ҳолатда ва ишга ярокли тарзда сакланишини;

б) ўз вактида ва сифатли хизмат кўрсатилиши ва таъмирланишини назорат қилишни;

в) хизмат кўрсатиш (агар мавжуд бўлса) ва корхонанинг тезкор ходимларини тайёрлаш, шунингдек, ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизими қурилмалари билан ҳимояланган биноларда ишлайдиган ишчилар учун кўрсатмалар берилишини;

г) ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизимлари, одамларни ёнгиндан огоҳлантириш қурилмаларидан фойдаланиш хужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг юритилишини тизимли равишда назорат қилишни;

д) давлат ёнгин назорати органларини ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизимлари, одамларни ёнгиндан огоҳлантириш қурилмалари ишга тушишининг барча ҳолатлари ва ишламай қолиши тўғрисида хабардор қилинишини;

е) ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизимлари, одамларни ёнгиндан огоҳлантириш қурилмаларининг ишлаши пайтида аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш чоралари кўрилишини;

ж) шикоятларни тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига (зарур ҳолларда) ўз вактида тақдим этилишини;

з) ёнгин автоматика мосламалари, тутунга қарши ҳимоялаш тизимлари, одамларни ёнгиндан огоҳлантириш қурилмалари техник хужжатларининг тўлиқ тўплами мавжудлиги ва сакланишини таъминлаши керак.

151. Диспетчерлик пункти (ёнгин ўчириш пости) хонасида кўринадиган жойга куйидаги хужжатлар жойлаштирилиши керак:

а) ёнгин тўғрисида сигналларни қабул қилганда ва ёнгин автоматика мосламалари (тизимлари) носозлигига тезкор (навбатчи) ходимларнинг ҳаракатлари тартиби тўғрисида;

б) ёнгинга қарши сув таъминоти тизимларининг умумий схемаси;

в) ўчириш воситасини узатиш йўналишлари ва уни ишга тушириш усули кўрсатилган автоматик ёнгин ўчириш мосламаларининг принципиал схемаси;

г) ёнгин автоматикаси билан ҳимояланган бинолар рўйхати;

д) ёнгиндан ҳимоя қилишнинг техник воситаларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар;

е) авария ва маҳсус хизматларнинг, корхона раҳбарлари ва масъул шахсларнинг манзили ва телефон рақамларининг рўйхати.

Ушбу хужжатлар, қабул-назорат мосламаларидан сигналлар қабул қилинган ҳолларда навбатчиларнинг ҳаракатлари тўғрисидаги йўрикномадан ташқари ёнгин пости хонасида маҳсус папкада сақланиши мумкин.

Диспетчерлик пункти (ёнгин ўчириш пости) телефон алоқаси ва ишчи ҳолатдаги фонарлар (камида 3 дона) билан таъминланган бўлиши керак.

152. Ёнгин ўчириш пости, насос станциялари ва ёнгинни ўчириш станциялари хоналаридаги телефон ва (ёки) радио алоқа воситалари ишчи ҳолатда бўлиши керак. Телефонларни тармоқдан узиб қўйиш тақиқланади.

153. Ёнгинга қарши техник ҳимоя воситаларини бўяш, шунингдек, уларнинг жойлашгандигини кўрсатадиган белги (символлар) амалдаги техник норматив-хукукий хужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

154. Турар жойлар ва ётоқхоналар хоналарининг ижарабчилари, ҳамда эгалари хоналардаги ёнгиндан огоҳлантирувчи воситаларни ишга яроқли ҳолда сақлашлари шарт.

155. Турар жой эгалари ёнгинни ўчириш мосламасини ишлаб чиқарувчининг (паспорти) талабларига мувофиқ сақлаши ҳамда йилига икки маротаба ёнгин ўчириш қурилмаларининг шланглари механик шикастланишини визуал ва сув юбориш орқали текшириши шарт.

156. Ёнгин ҳакидаги хабарни қабул қилиш-назорат мосламалари ёнгин ҳакида сигналларни қабул қилишга ва ёнгин-күтқарув бўлинмаларига хабар беришга маъсул бўлган шахсларнинг (навбатчиларнинг) куну тун доимий бўладиган хоналарига ўрнатилиши керак.

157. Ёнгиндан хабар берувчи воситалар (кейинги ўринларда – ёнгин хабарлагичлари) ҳар доим тоза туриши керак. Ҳимояланган хоналардаги таъмиглаш ишлари давомида ёнгиндан хабар берувчи воситаларни сувок, бўёқ ва оҳакдан ҳимоя қилиш керак. Таъмиглашни тутатгандан сўнг ҳимоя воситалари ечилиши керак.

158. Носоз ёнгин хабарлагичлар ўрнига бошқа турдаги ёки иш принципи бошқача бўлган ёнгин хабарлагичларини ўрнатиш, шунингдек, улар бўлмаганда шлейф блокини туташтириш тақиқланади.

159. Корхонада ёнгиндан хабар берувчи воситаларнинг захираси ўрнатилганлар сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак.

160. Ёнгин сигнализацияси тизимининг ёнгин хабарлагичлари ва ёнгинни автоматик ўчириш қурилмаларининг кўзгатувчилари ҳимояланадиган хонага ўрнатилишда унинг барча нуқталаридаги ёнгинни ўз вақтида аниқлаш имконини таъминлаши лозим.

15-боб. Ёнгин сигнализацияси ҳамда ёнгиндан хабар бериш ва эвакуацияни бошқариш тизимларига қўйиладиган талаблар

161. Ёнгин автоматикаси қурилмалари доимо соз ва ишчи ҳолатда, лойиха хужжатларига мувофиқ сақланиши керак.

Қоидалар ва нормаларда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари курилмаларни автоматик ишга тушириш режимидан кўлда ишга туширадиган режимга ўтказиш тақиқланади.

162. Ёнғин ҳақида хабар бериш тизими эвакуация қилиш режасига мувофиқ бир вақтнинг ўзида бутун бино (иншоот) бўйича ёки танлов асосида унинг алоҳида қисмларига (қават, бўлимлар ва бошқалар) сигнал юборилишини таъминлай олиши керак.

163. Даволаш, мактабгача таълим ташкилотларида ҳамда мактаб-интернатларнинг ётоқхоналарида фақат ходимларга ёнғин ҳақида хабар берилади.

164. Ёнғин ҳақида хабар бериш тизимидан фойдаланиш тартиби, уларнинг йўриқномаларида ва ёнғин вақтида бинони тарк этиш режаларида келтирилиши ҳамда уларда тизимни ишга тушириш ҳукуқига эга бўлган шахслар белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

165. Ёнғин ҳақида хабар бериш мосламалари билан жиҳозланиши талаб этилмаган обьектнинг раҳбари ёнғин ҳақида хабарни одамларга етказиш тартибини ишлаб чиқиши ва масъул шахсни тайинлаши лозим.

166. Хабар бериш (радиокарнай) мосламаларида овозни пасайтириш ва баланд қилиш мосламалари бўлмаслиги ҳамда тармоққа тўғридиан тўғри узуб куйиш имкониятисиз уланган бўлиши лозим.

167. Эвакуация қилишни бошқариш ва узатиладиган хабар матнининг ишончлилиги таъминланган ҳолда ички радиоэшиттириш тармоги ва корхонадаги мавжуд бошқа тармоқлардан фойдаланиш мумкин.

168. Носоз ёнғин хабарлагичларни шлейфларда қолдириш тақиқланади. Таъмирлаш пайтида носоз кўлдан ишлайдиган ёнғин хабарлагич ўрнатилган жойга яқин жойда жойлашган соз ҳолатдаги кўлдан ишлайдиган ёнғин хабарлагичи ҳақидаги белги қўйилади.

169. Ёнғин хабарлагичларига ва қўл ёрдамида ишга тушириладиган ёнғин хабарлагичларига эркин ўтиш имкони таъминланган бўлиши керак.

170. Объектларда ўрнатилган автоном ёнғин хабарлагичларини демонтаж қилиш тақиқланади (бинолар ичидаги таъмирлаш ишлари ёки автоном ёнғин хабарлагичлари носоз бўлган ҳолда уларнинг ўрнига кейинчалик ўрнатиш шарти билан алмаштириш ҳолатлари бундан мустасно).

171. Автоном ёнғин хабарлагичларига хизмат кўрсатиш тартиби, шунингдек, қувват манбаи алмашиниши частотаси ишлаб чиқарувчининг техник хужжатларидаги кўрсатмаларга мувофиқ бўлиши керак. Қувват манбаи зарядсизланган бўлса, уни дарҳол алмаштириш керак.

172. Автоном ёнғин хабарлагичларининг ишга яроклилигини текшириш ишлаб чиқарувчининг техник хужжатларига мувофиқ амалга оширилади, аммо З ойда бир мартадан кам бўлмаган тарзда. Автоном ёнғин хабарлагичи ишламай қолганда, уни алмаштириш керак.

16-боб. Автоматик ёнгинни ўчириш қурилмалариға қўйиладиган талаблар

1-§. Сувли ва кўпикли автоматик ёнгин ўчириш қурилмалариға қўйиладиган талаблар

173. Курилмалардан фойдалинишда куйидагилар тақиқланади:

- а) очилган, носоз пуркагичлар ўрнига тикин ва беркитувчиларни ўрнатиш;
- б) бошқа ускуналарни илиш ёки маҳкамлаш учун кувурлардан ва пуркагичлардан фойдаланиш;
- в) ишлаб чиқариш ускуналари ва санитария жиҳозларини курилма кувурларига улаш;
- г) курилмани автоматик режимдан кўл режимиға ўтказиш;
- д) кувурларга беркитиш арматуралари ва фланецли уланишларни ўрнатиш;
- е) кувур тармоклари маҳкамлагичларини бўшатиш ва букилишларини ўзгартириш.

174. Ёнгин ўчириш қурилмалари сифимлари ва баллонлардаги ёнгин ўчириш воситасининг оғирлиги ёки босими ҳисобдаги кўрсаткичлардан 10 фоиз ва ундан кўпга камайган бўлса, уларни тўлдириш ёки алмаштириш талаб этилади.

175. Курилмаларнинг спринклерли (дренчерли) сув пуркагичларига механик шикаст етказиш хавфи бор жойлар иссиқлик ва сувни сепиши майдонига таъсир кўрсатмайдиган ҳамда уни ўзгартирмайдиган ишончли тўсиқ билан ҳимояланиши керак.

Очилиб кетган ёки носоз пуркагичларнинг ўрнини тикин (пробка) ёки заглушкалар билан беркитиш тақиқланади.

176. Ёнгин ўчириш станцияси ёнгин вақтида қурилмани бошқариш йўриқномаси ва тизимнинг бир-бирига уланиш чизмаси билан таъминланган бўлиши керак.

Ҳар бир бошқариш нуқтаси олдида ҳимоядаги хоналар, улардаги сув пуркагичларнинг сони ва русуми ёзилган кўрсаткич билан таъминланиши керак. Жўмрак ва задвижкаларга уланиш чизмасига мувофиқ тартиб рақамлари қўйилиши лозим.

177. Бошқарув блоки хонаси доимий равишида ёпиқ бўлиши керак. Хоналарнинг калитлари хизмат кўрсатувчи ходим (агар мавжуд бўлса) ва тезкор ходимларда сақланиши керак.

178. Сув, паст ва ўрта каррали кўпик билан ёнгин ўчириш мосламалари билан ҳимояланган хоналарда изоляцияланмаган очик электр токини ўтказувчи қисмлари бўлган ускуналарнинг автоматик равишида ўчириш мосламалари ишга яроқли бўлиши ва ҳар ҳафта назорат қилиниши керак.

179. Кўпик ҳосил қилувчи модда ва унинг эритмасини сақлаш ишлаб чиқарувчининг кўпик ҳосил қилувчи модданинг музлашини истисно этадиган ҳарорат ва намлик шароитларига риоя этиш бўйича тавсияларига мувофиқ амалга оширилади. Кўпик ҳосил қилувчи модданинг сифати ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган муддатда назорат қилиниши керак.

2-§. Газ ва аэрозолли ёнғин ўчириш қурилмаларга қўйиладиган талаблар

180. Ёнғин сигнализацияси, спринклер ва дренчер тизимларининг қабул-назорат қурилмасига хизмат кўрсатувчи навбатчи шахсларига навбатчилик пайтида ухлаш ҳамда ушбу қурилмаларни қаровсиз қолдириш тақиқланади.

181. Ҳимояланган хоналарда ишлайдиган шахслар учун қурилмалар ишга тушгани тўғрисида хабарни (сигнални) олганларидан сўнг уларнинг ҳаракатлари ва эвакуация килиш тартиби тўғрисидаги йўрикнома кўринадиган жойларга ўрнатилиши керак.

182. Ёнғинни ўчириш станциясининг хоналарида станциялар тармоқларининг схемалари ва қурилмаларнинг принципиал схемалари ўрнатилиши керак.

183. Ёнғин ўчириш қурилмаларининг ҳар бир тарқатиш ускунасида ҳимояланадиган хонанинг номлари ва жойлашишини кўрсатувчи йўналиш рақами кўрсатилган ёрлик бўлиши керак. Газли ёнғин ўчирувчи батареяларнинг олд томонида бўлим рақамларини кўрсатадиган ёрликлар бўлиши керак.

184. Ҳимояланган хонага туташган хоналарнинг ҳаво каналларидағи герметикланган клапанларнинг ишга яроқлилигини текшириш ойига камида бир марта амалга оширилади. Текшириш натижалари журналга қайд этилади.

17-боб. Ёнғинга қарши сув таъминоти

185. Ҳар бир обьектдаги ёнғин ўчириш насос станциясида ва ёнғин ўчириш станциясининг хонасида ёнғинга қарши сув резервуарлари (сув олиш мумкин бўлган жойлар), гидрантлар, клапанлар, сув кувурлари тармоғи қисмларидаги кувурлар диаметрлари кўрсатилган ёнғинга қарши сув таъминоти умумий схемаси бўлиши керак. Ёнғин ўчириш насос станцияси хонасида ёнғинга қарши сув таъминотининг умумий чизмаси ҳамда насосларнинг бир-бирига уланиш чизмаси осиб қўйилиши лозим.

186. Ёнғинга қарши сув таъминотини ташкил этишда қуйидагилар тақиқланади:

а) сув таъминоти тармоғининг қисмларини ёнғин ўчириш гидрантлари ва уларга ўрнатилган кранлардан ўчириш, шунингдек, ёнғинни ўчириш учун зарур бўлган тармоқдаги босимни пасайтириш (насос станцияларининг ишламай қолиши, таъмирлаш ишлари ёки авария юз берган тақдирда, тегишли ёнғин-күтқарув бўлинмалари бу ҳақда дарҳол огохлантирилиши керак);

б) лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқмасдан ва керакли оқимни таъминлаш учун ташқи синовларни ўтказмасдан, сув сарфини кўпайтириш ва тармоқдаги босимнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган ёнғинга қарши сув таъминоти тармоғига кўшимча уланишларни амалга ошириш;

в) ёнғинни ўчириш гидрантлари ва кранларини демонтаж қилиш;

г) ёнғинни ўчириш гидрантлари люкининг қопқоғини асфальт, бетон ва бошқа қопламалар билан қоплаш.

187. Обектдаги ташқи ва ички ёнгинга қарши сув таъминоти тизимининг ҳолатини текшириш камида бойда бир марта (ташқи тизим учун – баҳор-ёз ва кузнинг бошланишида, сув чиқариш йўли билан текшириш), шунингдек, ҳар бир мукаммал таъмирдан сўнг реконструкция қилинган ёки янги истеъмолчилар далолатнома тузилган ҳолда комиссия орқали сув таъминотига уланганда ўтказилиши керак.

188. Ташқи ва ички ёнгинга қарши сув таъминоти тизимининг ҳолатини назорат қилиш масъул шахслар томонидан қуидагилар амалга оширилиши лозим:

а) ёнгинни ўчириш жўмракларининг тўпламни ташқи кўриқдан ўтказиш ҳамда сувнинг чиқишини (ёнгинни ўчириш спринклер пуркагич мосламасининг таъминот қувурларига уланган кранлардан ташқари) текшириш;

б) ихтиёрий шаклдаги далолатномани тузган ҳолда беркитиш арматураларини кўздан кечириш, ёнгинни ўчириш енглари ўрамаларини қуритиш (зарур ҳолларда) ва қайта ўраш;

в) ёнгинни ўчириш гидрантлари (люк, кудук, ёнгинга қарши гидрант) корпуси мавжудлиги, ишга яроқлилиги ва ҳолатини, ўрнатилган ёнгин хавфсизлиги белгиларининг мавжудлигини текшириш;

г) ёнгинга қарши насослар зарур босимни ушлаб туриши ва асосийдан захира насосга (агар мавжуд бўлса) ўтишнинг ишончлилигини ҳар ойда камида бир марта далолатнома тузиш орқали текшириш;

д) ёнгинга қарши резервуарларни, сифимларни зарур сув сатхини, сув олиш воситалари мавжудлиги ва уларнинг созлиги, қияликлар, ёнгин-кутқарув машиналари, шамоллатиш мосламалари ва бошқа жиҳозларни ўрнатиш учун кириш йўллари ва майдонлар мавжудлигини текшириш, сув ҳавзасини (резервуарни) атроф мухитнинг салбий ҳароратида ишлатилишини таъминлаш чораларини кўриш.

189. Ёнгинни ўчириш мосламаси ўрнатилган сув таъминоти тизими зарур босимни ва ёнгинни ўчириш учун сувнинг етарли миқдорини таъминлаши керак.

190. Клапанлар ва насослар корхонанинг ёнгинга қарши сув таъминотининг умумий схемасига мос келадиган рақамларга эга бўлиши керак. Техник қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва бошқа ишлар билан боғлиқ сув таъминоти тизимидағи ўзгаришлар тегишли техник ҳужжатлар ва схемаларда акс эттирилиши керак.

191. Ёнгинни ўчириш насос станциясининг кириш эшиклари ёпик ҳолатда сақланиши керак. Эшикларда калитларнинг жойлашуви ҳақида маълумотлар кўрсатилиши лозим.

192. Ёнгинга қарши резервуарлар (ер ости ва ярим ер ости) икки қопқоқли люк билан жиҳозланган бўлиши керак, уларнинг орасидаги бўшлиқ қиши мавсумда иссиқликни изоляцияловчи материаллар билан тўлдирилиши керак (қипик, майда бўлаклар, сиқилган сомон ва бошқалар).

193. Сув миноралари йилнинг барча фаслларида ёнгин-қутқарув техникаларига сув олиш учун мослаштирилган бўлиши керак. Сув минорасидан сувни автоцистерналар ва ёнгин-қутқарув техникаларига олиш учун сув олиш мосламаси қишида иситилиши керак.

194. Ёнгинни ўчириш гидрантлари, сув хавзалари рақамланган бўлиши керак, амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ кўрсаткич белгиларига эга бўлиши керак. Ёнгинни ўчириш гидрантлари ва сув хавзалари жойлашган жойларини тунги вақтда аниклаш учун мўлжалланган ёруғлик ёки люминесцент кўрсатгичлар кўринадиган жойларга 2,0 - 2,5 м баландликда жойлаштирилиши керак.

195. Ёнгинни ўчириш гидрантлари қиши шароитида ишлашга тайёрланиши керак (гидрант ва қудукдан сув чиқарилан, қудукларнинг қопқоқлари доимо қор ва муздан тозаланган ва иситилган бўлиши керак).

196. Ёнгинни ўчириш колонкаси ёнгинни ўчириш гидрантларига тўсқинликларсиз ўрнатилиши керак. Гидрант қудуғи курук, чиқиндилардан тозаланган бўлиши ва унинг қопқоғи осон очилиши керак. Ёнгинни ўчириш гидрант қудуқларининг қопқоғида (қопқоқнинг тепасида) транспорт воситаларини тўхтатиш тақиқланади.

197. Объектнинг худудида ва унинг ташқарисида жойлашган ёнгинни ўчиришга мўлжалланган сув манбаларига ёнгинни ўчириш техникаларини ўрнатиш ва улардан йилнинг барча фаслларида сув олиш учун кириш йўллари ва қаттиқ қопламали майдон ташкил этилиши керак. Ёнгинни ўчириш гидрантлари, сув хавзалари, резервуарлари, сув миноралари ва бошқа ёнгинга қарши сув таъминоти манбаларига ҳамда курук кувурларга кириш ва ўтиш йўлаклари доимо бўш бўлиши керак.

198. Ёнгинни ўчириш ёки ўқув машғулотлари учун ишлатилган сув захираси зудлик билан қайта тўлдирилиши керак.

199. Ёнгинга қарши резервуарлардан сув оқиши аниқланганда уларни зудлик билан таъмирлаш ва сув билан тўлдириш чораларини кўриш керак.

200. Градирняларга бориш йўллари қаттиқ қопламага эга бўлиши ва унинг ҳовузидаги сувдан ёнгин ўчириш мақсадида ишлатиш имконияти яратилган бўлиши керак.

201. Ички ёнгинга қарши сув таъминоти тизимидағи ёнгинни ўчириш жўмраклари ёнгинга қарши шкафлар ичига ўрнатилган, ёнгинни ўчириш енглари ва дастаклари билан жихозланган бўлиши керак. Ички ёнгинни ўчириш жўмракларидағи ёнгинни ўчириш енглари курук, жуфт ўрамага ўралган, жўмракка ва дастакка уланган бўлиши лозим.

202. Ёнгинни ўчириш жўмракларидан доимо фойдаланиш шароити мавжуд бўлиши керак.

18-боб. Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари

203. Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларига барча турдаги кўчма ва транспортировка қилинадиган ўт ўчиргичлар, тўкма материаллари (кум, перлит ва бошқалар) бўлган кутилар, шунингдек, ёнгинга чидамли матолар

(асбест матоси, кигиз, намат ва бошқалар), бочкалар ва сув билан тўлдирилган идишлар, кўлда фойдаланиладиган механизациялашмаган ва механизациялашган ёнғинга қарши воситалар (илгаклар, ломлар, белкураклар, болталар, электр симларини кесиш мосламалари, электрдвигатель томонидан бошқариладиган асбоблар, ички ёниш двигатели ва бошқалар) киради.

204. Объект худуди, хоналар, бино ва иншоотлар ушбу Қоидаларга 6-иловага мувофиқ ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан таъминланиши керак.

205. Ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари уларнинг паспортларидағи маълумотларга мувофиқ сақланиши лозим.

Тегишли сертификати ёки сифат хужжатлари бўлмаган ёнғинни ўчириш воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

206. Ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларидан белгиланган мақсадлардан ташқари бошқа мақсадларда фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

207. Хоналарда, бино ва иншоотларда жойлашган ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг сақланиши ва улардан фойдаланишга тайёрлиги учун жавобгарлик ушбу объект раҳбари зиммасига юкланди.

208. Ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари уларни ишлатиш эҳтимоли юқори бўлган ва кўринадиган жойларга ўрнатилиши ҳамда уларга олиб борувчи йўллар доимо бўш ва тўсиб қўйилмаган бўлиши лозим.

209. Объектнинг худудидаги (бинонинг ташқарисидаги) ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ёғингарчилик таъсиридан ҳимоя қилувчи маҳсус ёнғинга қарши қалқонлари ва стендларига жамланган бўлиши керак.

210. Ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини йўлакларга, ўтиш жойларига жойлаштириш одамларни хавфсиз эвакуация қилишга тўсқинлик қилмаслиги керак. Кўчма ўт ўчиргичлар эшиқдан унинг тўлиқ очилиши учун етарли бўлган масофада ва полдан 1,5 м баландликда (ўт ўчиргичнинг пастки қисмигача) жойлашган бўлиши керак.

211. Углекислотали, кимёвий, ҳаво-кўпикли, кукунли ва бошқа ўт ўчиргичларнинг беркитиш арматуралари (кранлари ва ричаг клапанлари) муҳрланган бўлиши керак.

212. Ишлатилган ҳамда муҳрлари бузилган ўт ўчиргичлар текшириш ёки зарядлаш учун дарҳол қайтарилиши керак.

213. Ўт ўчиргичлар, уларни сақлаш учун белгиланган ҳарорат диапазонига мувофиқ бўлмаган жойларда ўрнатилмаслиги керак.

214. Совук даврда очик ҳавода ёки иситилмайдиган хоналарда жойлашган ва манфий ҳароратда ишлаш учун мўлжалланмаган ўт ўчиргичлар иситиладиган хонада сақланиши лозим. Бундай ҳолларда ёнғинга қарши қалқонлар ва стендларга энг яқин иситиладиган хоналарда сақланаётган ўт ўчиргичлари тўғрисида маълумот жойлаштирилиши керак.

215. Барча турдаги ёнғинга қарши воситаларни зарядлаш, текшириш ва қайта зарядлаш амалдаги стандартга, ишлаб чиқарувчининг паспортига ёки фойдаланиш кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

О'зDSt 3414: 2019га мувофиқ ўтказилган даврий текширув давомида белгиланган параметрларга мос келмайдиган оғишлар аниқланганда уларни бартараф этиш ва ўт ўчиргични зарядлаш керак.

216. Асбест мато, кигизни (наматни) қопқоқли металл қутиларда саклаш, вақти-вақти билан (уч ойда бир марта) қуритиш ва чангдан тозалаш тавсия этилади.

217. Кум қутилари 3, 1 ва $0,5 \text{ m}^3$ сифимга эга бўлиши ва белкурак билан жиҳозланиши керак.

Ёнгинга қарши қалқон таркибига киритилган кум учун идишлар камидаги $0,1 \text{ m}^3$ сифимга эга бўлиши керак. Кутининг тузилиши қумни олиш кулайлигини таъминлаши ва ёнгарчилик тушишини истисно қилиши керак. Кумни қутига солишдан олдин қумалоқ бўлишининг олдини олиш мақсадида қуритиб, элакдан ўтказиш керак.

218. Сувли бочкалар камидаги 200 L сифимга, қопқоқка эга бўлиши, қизил рангга бўялган ва оқ бўёқ билан “Ёнгинни ўчириш учун” сўзлари ёзилган бўлиши керак. Ҳар бир бочка қизил рангга бўялган ва “Ёнгин чelаги” сўзлари ёзилган иккита чelак билан жиҳозланган бўлиши керак.

V бўлим. Юқори даражада ёнгин хавфи мавжуд ишларни амалга оширишни ташкил этиш

19-боб. Оловли ишларга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий қоидалар

219. Куйидагилар пайвандлаш ва бошқа оловли ишларни (кейинги ўринларда – оловли ишлар) бажариш жойлари бўлиши мумкин:

а) доимий – ушбу мақсадлар учун маҳсус жиҳозланган цехларда, устахоналарда ёки очик майдончаларда ташкил этиладиган;

б) вақтинчалик – бундай ишларни амалга оширишга мўлжалланмаган ва маҳсус жиҳозланмаган ташкилот ва турар жой бинолари ва иншоотларида (шу жумладан, қурилаётган ва фойдаланилаётган), шунингдек, уларнинг худудида (очик майдончаларида) қурилмаларни таъмирлаш ва қурилиш тузилмаларини ўрнатиш мақсадида бажариладиган.

220. Вақтинчалик жойларда (қурилиш майдончалари ва хусусий уйлардан ташқари) оловли ишларни бажариш учун ташкилот раҳбари ёки ёнгин хавфсизлиги учун жавобгар шахс томонидан ушбу Қоидаларга 11-иловага мувофиқ шаклда оловли ишни ўтказиш учун наряд-рухсатномаси расмийлаштирилади.

221. Қурилиш майдончаларида ва ёнгин хавфи бўлмаган жойларда факат техника хавфсизлиги қоидаларини ва ушбу Қоидаларнинг талабларини яхши биладиган юқори малакали мутахассисларга оловли ишларни наряд-рухсатномасини расмийлаштирмасдан бажаришга рухсат берилади.

Ёзма рухсат олмасдан оловли ишларни мустақил бажаришга рухсат берилган мутахассислар рўйхати обьект раҳбари томонидан тасдиқланади.

222. Доимий оловли ишлар амалга ошириладиган жойлар ташкилот раҳбарининг буйруғи билан белгиланади.

223. Оловли ишлар бажариладиган жойни ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан (ўт ўчиргич ёки кум билан тўлдирилган кути, белкурак ва сув тўлдирилган челак) таъминлаш лозим. Агар пайвандлаш ишлари амалга оширилаётган жой яқинида ички ёнгинни ўчириш жўмраклари мавжуд бўлса, унда ушбу ички ёнгинни ўчириш жўмракларига ёнгинни ўчириш енг ва дастаклари уланган (фойдаланишга тайёр) ҳолатда бўлиши зарур.

224. Бинолар, иншоотлар ёки бошқа жойларда оловли ишлар олиб борилишида, ушбу жойларнинг ёнида ёки остида бўлган ёнадиган конструкциялар металл тўсиклар билан ёки сув тўкилган ҳолда ёнишдан ишончли ҳимояланган бўлиши керак, шунингдек, учкунларнинг тарқалишига ва уларнинг ёнувчан қисмлари тушиши керак бўлмаган жой ва қаватга тушишига қарши чоралар кўрилиши керак.

225. Оловли ишлар тугагандан сўнг ишни бажарувчи ушбу ишлар амалга оширилган жойни, шунингдек, оловли ишлар таъсири этиши керак бўлмаган жойлар ва қаватларни синчковлик билан текшириши, ёнувчан конструкцияларга сув қувиши ва ёнгинга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни бартараф қилиши шарт.

226. Объект раҳбари ёки бинодаги ёнгин хавфсизлиги учун масъул бўлган бошқа мансабдор шахс вақтинча оловли ишлар ўтказиладиган жой иш тугаганидан кейин 3-5 соат ичida текширилишини таъминлаши керак.

227. Ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд жойларда пайвандлаш, газли кесиш, бензинли кесиш ва чилангарлик ишлари фақат портловчи ва ёнгин хавфи мавжуд маҳсулотлар, ускуналар ва бинолар яхшилаб тозалангач, портловчи чанг ва моддалар, енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда уларнинг буғлари тўлиқ тозалагандан сўнг амалга оширилиши керак. Хона доимий равишда шамоллатилиши ва газ анализаторлари ёрдамида экспресс-таҳлилларни ўтказиш орқали ҳаво муҳитининг ҳолати назорат қилиниши керак.

228. Енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар сақлаган идишларни (цистерналар, баклар ва бошқаларни) пайвандлашдан олдин тозалаш, каустик содали иссиқ сув билан ювиш, буғлаш, куритиш ва ҳаво муҳитини лаборатория таҳлилидан ёки кўчма газ анализаторлари ёрдамида текшириш (экспресс усул) ҳамда шамоллатиш керак. Пайвандлаш ишлари ушбу идишларнинг туйнуклари, люклари ва тиқинлари очиқ ҳолатда, шунингдек, кўчма шамоллатиш орқали амалга оширилиши керак.

229. Вақтинчалик оловли ишлар ўтказиладиган жойлар ва пайвандлаш мосламалари, газ баллонлари ва ёнадиган суюқлик билан тўлдирилган контейнерлар ўрнатилган жойлар камида 5 м радиусда ёнувчи материаллардан тозаланган бўлиши керак.

230. Оловли ишларни бажараётганды күйидагилар тақиқланади:

- а) носоз бўлган аппаратларда ишга киришиш;
- б) янги бўялган конструкциялар ва буюмларни тўлик куrimагунга қадар пайвандлаш, кесиш ёки кавшарлаш;
- в) оловли ишларни бажаришда ёғ-мой, бензин, керосин бошқа ёнувчи суюқликлар излари қолган кийим ва қўлқоплардан фойдаланиш;
- г) пайвандлаш жойларида кийим, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни ҳамда бошқа ёнувчи материалларни сақлаш;
- д) ўкувчиларга, шунингдек, малака сертификатига эга бўлмаган ходимларга мустақил равишда ишлашга рухсат бериш;
- е) сиқилган, суюлтирилган ва эриган газлар баллонларига электр симлари тегиб туришига имкон бериш;
- ж) ёнувчан ва заҳарли моддалар билан тўлдирилган, шунингдек, босим остида ёки электр кучланишида бўлган курилмалар ва аппаратларда иш олиб бориш;
- з) томга гидроизоляция ва буг изоляциясини, ёнувчан ва қийин ёнувчан иситиши панелларни ўрнатиш, пол қопламаларини ёпиштириш ва ёнувчан локлар, елиmlар, мастикалар ва бошқа ёнувчан материаллардан фойдаланган ҳолда биноларни пардозлаш ишлари билан бир вақтда оловли ишларни бажариш;
- и) ёнувчан ва қийин ёнадиган иссиқлик сакловчи материаллари билан қопланган енгил металл конструкциялардан ясалган биноларда (хоналарда) оловли ишларни бажариш;
- к) хонада болалар бўлганда оловли ишларни бажариш.

20-боб. Электр пайвандлаш ишларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

231. Биноларда электр пайвандлаш ишлари факат ҳаво алмашиш имконига эга бўлган хоналарда амалга оширилиши лозим.

232. Ёнғин хавфи эҳтимоли бор хоналарда пайвандлаш ишларини бажариш жойи ёнмайдиган тўсиқ билан ҳимояланган бўлиши ва тўсиқнинг баландлиги камида 2,5 m, тўсиқ ва пол орасидаги масофа эса – кўпи билан 5 sm га тенг бўлиши керак.

233. Пайвандлаш ишлари бажариладиган хоналардаги поллар ёнмайдиган материаллардан ясалган бўлиши зарур.

234. Резервуарлар, қозонхоналар ва металл курилмаларининг бошқа ёпиқ бўшлиқларида, пайвандлаш курилмаси ясси синган пайтда пайвандлашни ўчирадиган махсус мослама билан жиҳозланган бўлса, бунда ўчирилиш пайтидаги вақтнинг кечикиши эса 0,5 sec дан ошмаса ясси пайвандлашга рухсат этилади.

235. Кўлда пайвандлаш курилмаси рубильник ёки контактор (пайвандлаш токи манбайнин тақсимловчи цех тармоғига уланиш учун), саклагич (бирламчи

занжирда) ва пайвандлаш токининг миқдорини кўрсатувчи асбоблар (ток регуляторидаги амперметр ёки шкала) билан таъминланган бўлиши зарур.

236. Электр пайвандлаш кабеллари (электр симлари) кислород ўтувчи қувурлардан камида 0,5 м масофада, ацетилен ва бошқа ёнувчи газлар қувурларидан эса камида 1 м масофада ўтган бўлиши лозим. Баъзи ҳолларда, кабель ҳимоя металл қувурга ўралган тақдирда, белгиланган масофаларни икки баравар камайтиришга рухсат берилади.

237. Электр пайвандлаш ишларини бажараётганда манбага пайвандланадиган иш қисмидан қайтиб келадиган сим фақат изоляция қилинган сим билан амалга оширилади ва изоляция сифати жиҳатидан электрод ушлагичга уланган тўғридан-тўғри симга мос келиши керак.

238. Қайтиш сими сифатида ички темир йўллар, ноллаш ёки ерга улаш қурилмалари ҳамда биноларнинг металл конструкциялари, коммуникациялар ва технологик ускуналардан фойдаланиш тақиқланади. Пайвандлаш жараёни иккита симдан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

239. Ўзига ўзи пайвандланадиган ҳар қандай профилнинг темир шиналари, пайвандлаш плиталари, стеллажлар ва конструкциялар, пайвандлаш оқими манбаи билан пайвандланадиган иш қисмини боғлайдиган қайтиш сими бўлиб хизмат қилиши мумкин, агар уларнинг кесишмаси иситиши шароитида пайвандлаш токининг хавфсиз оқимини таъминласа.

Қайтиш сими сифатида ишлатиладиган алоҳида элементлар орасидаги алоқа жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши керак (мурват, қисқичлар ёки тутқичлардан фойдаланган ҳолда).

240. Агрегат ва ишга тушириш мосламаларини тозалаш ҳар куни иш тугаганидан кейин амалга оширилиши лозим. Пайвандлаш ускуналарини таъмирлаш ишлари режали-огохлантирув таъмирлашни амалга ошириш режасига мувофиқ бажарилиши керак.

241. Пайвандлаш қувват манбанинг цехнинг тақсимлаш тармоғига улаш учун исталган маркалардаги симларидан фойдаланишга рухсат этилмайди. Истисно тариқасида қувват симлари сифатида мустаҳкамланган изоляция ва механик шикастланишдан ҳимоя қилинган симлардан фойдаланиш мумкин.

242. Электродга электр токини етказиб бериш учун ўрта даражадаги шароитларга мўлжалланган ҳимоя шлангидаги изоляцияланган букиловчан симлардан фойдаланиш керак. Эгиловчанлиги кам бўлган симлардан фойдаланганда уларни электрод ушлагичга эгиловчан шланг симидан ёки узунлиги камида 3 м бўлган симдан ясалган узатма орқали улаш лозим.

243. Электр симлари ва пайвандлаш мосламалари ёнишининг олдини олиш мақсадида симларни уларнинг кесимини оқим қиймати ва иш кучланишининг қиймати бўйича изоляциялаш зарур, шунингдек, номинал ток рухсат этилган чегаралари электр саклагичларнинг эрувчан ўрнатмалари тўғри танланиши керак.

244. Изоляциясиз ёки изоляцияси шикастланган симлардан, кўлбола электр саклагичлар ва талаб этиладиган миқдордаги пайвандлаш токи ўтишини таъминлаб бермайдиган симлардан фойдаланиш тақиқланади.

245. Пайвандлаш симларини пресслаш, пайвандлаш, кавшарлаш билан ёки маҳсус қисқичлар ёрдамида бир-бирига улаш лозим. Электр симлари электрод ушлагичга, пайвандланадиган буюмга ва пайвандлаш аппаратига шайбаларни кўйиб болтлар билан маҳкамланган мисдан ясалган кабель учликлари ёрдамида уланиши лозим.

246. Пайвандлаш аппаратлари, тақсимловчи шчитлар ва бошка ускуналарга ҳамда пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойга уланган симлар ишончли изоляцияланган, керакли жойларда юқори ҳарорат таъсиридан, механик шикастланишлардан ва кимёвий таъсирилардан ҳимояланган бўлиши керак.

247. Ёнгин хавфи мавжуд бўлган бино ва иншоотларда электр пайвандлаш ишлари олиб борилаётганда пайвандланаётган буюмдан ток манбаигача ўтказилган қайтиш сими изоляцияланган бўлиши ҳамда унинг изоляциясининг сифати электрод ушлагичга уланган тўғри сим изоляциясининг сифатидан паст бўлиши лозим.

248. Кўлда пайвандлаш учун мўлжалланган электрод ушлагичлар пайвандлашда вақтинчалик узилишлар юзага келганда ёки устига темирли буюмлар тушиб кетганда унинг қобиғи пайвандланаётган деталь билан қисқа туташиб кетишига йўл кўймайдиган конструкцияга эга бўлиши лозим. Электрод ушлагичнинг дастаси ёнмайдиган диэлектрик ёки иссиқлик ўтказмайдиган материалдан ясалган бўлиши зарур.

249. Пайвандлаш учун кўлланиладиган электродлар пайвандлаш токининг номинал (белгиланган) миқдорига мувофиқ бўлиши лозим.

Пайвандлаш жараёнида электродлар алмаштирилганда уларнинг қолдиқлари пайвандлаш ишлари бажариладиган жойда ўрнатиладиган маҳсус металл қутига ташланиши керак.

250. Электр пайвандлаш ускунаси ҳар доим ерга уланган бўлиши керак. Асосий электр пайвандлаш ускуналарини ерга улашдан ташқари пайвандлаш мосламаларида тўғридан-тўғри пайвандлаш трансформаторининг маҳсулотга борадиган иккиласми ўрамаси (қайтиш сими) уланган терминалини бевосита ерга кўйиш керак.

251. Очиқ ҳавода ўрнатиладиган пайвандлаш генераторлари ва трансформаторлари ҳамда уларнинг барча ёрдамчи асбоб-ускуналари ёпиқ ёки ҳимояланган шаклда ишланган, захни ўтказмайдиган изоляцияга эга бўлиши ҳамда ёнмайдиган материаллардан қурилган бостирма остида ўрнатилиши лозим.

252. Пайвандлаш агрегати алоҳида қисмларининг (трансформаторлар, подшипниклар, чўткалар, иккиласми занжир контактлари ва шу кабилар) қизиши ҳарорати 75 °С дан юқори бўлмаслиги лозим.

21-боб. Газ билан пайвандлаш ва газли кесиши ишларига кўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

253. Газ пайвандлаш ишларини олиб бориш учун кўчма ацетилен генераторларини очик майдонларда ўрнатиш лозим. Уларни фақат ҳаво алмасиш имконига эга жойларда вақтингчалик ишлатиш мумкин.

254. Ацетилен генераторларини пайвандлаш ишлари олиб бориладиган жойдан, очик аланга ва қизиб кетган буюмлардан, компрессор ва вентиляторлар ҳаво тортадиган жойлардан камидаги 10 м бўлган масофада тўсиб кўйилган ҳолда жойлаштириш лозим.

Ацетилен генератори ўрнатилганда “Бегоналарга кириш тақиқланади”, “Ёнғин хавфи мавжуд”, “Чекилмасин”, “Олов билан яқинлашманг” каби эслатмалар илинади.

255. Пайвандлаш ускуналари ёрдами газ тармоқларини таъмирлашга фақат Газ хўжалигига хавфсизлик қоидаларига мувофиқ бинолар ва ташки курилмалар худудида жойлашган ишлатиладиган табиий газ қувурлари учун рухсат этилади.

256. Авария юз берган жойда газланишини назорат қилиш газ анализаторлари ёрдамида амалга оширилиши керак. Газ қувурларидан газ чиқиши жойлари совун эмульсияси ёрдамида аниқланади. Ушбу мақсадлар учун очик олов манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида газ тамоқларининг деформацияланган жойида пайвандлаш, изоляциялаш ва траншеяни тозалаш тақиқланади.

257. Ишлар тугагандан сўнг кўчма генератордаги кальций карбиди охиригача ишлатилиши лозим. Генераторлардан чиқариб ташланадиган оҳакли лой бунинг учун мослаштирилган идишга тўкилиши ва маҳсус бункерга ёки лойли чукурга ташланиши талаб этилади.

258. Очик лойли чукурлар панжаралар билан тўсиб кўйилиши, ёпиқлари эса – ёнмайдиган том бостирмасига эга бўлиши ҳамда оқимли шамоллатиш ва лойни чиқариб ташлаш учун тегишли туйнуклар билан жиҳозланиши зарур.

259. Оҳакли лой сақланадиган жойлардан камидаги 10 м радиусдаги масофада очик аланга манбаларидан фойдаланиш тақиқланади ва бу ҳақида тегишли огохлантирувчи белгилар илиб кўйилиши лозим.

260. Газ баллонларни сақлаш ва ташиш фақат уларнинг бўйинларига хавфсизлик қолпоқлари ўрнатилган ҳолда амалга оширилади. Баллонларни ташишда силкинишлар ва зарбаларга рухсат этилмайди.

Баллонлар пайвандлаш жойига маҳсус араваларда ва замбилларда етказиб берилади. Баллонларни елкаларда ва қўлларда ташиш тақиқланади.

261. Газ солинган баллонларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланишда улар қуёш нурлари ва бошқа иссиқлик манбалари таъсиридан ҳимояланган бўлиши лозим.

262. Хоналарда ўрнатиладиган газ баллонлари иситиш радиаторлари ва бошқа иситиш асбоб-ускуналардан камида 1 м масофада, очиқ оловли иссиқлик манбаларидан эса – камида 5 м масофада бўлиши лозим.

263. Айланма рампа (гурухли) курилмалардан горелкаларгача бўлган масофа (горизонтал бўйича) 10 м ва ёнувчан газлар ва кислородли баллонлардан камида 5 м дан кам бўлган масофада сакланиш керак.

264. Бир хонада кислород ва газ билан тўлдирилган баллонларни ҳамда кальций карбидини, бўёқлар, мойлар ва ёғларни саклаш тақиқланади.

265. Пайвандлаш устахонасида 10 тадан кам пайвандлаш постлари бўлгандага ҳар бир пост учун биттадан кислород ёки газ тўлдирилган захира баллонлар сакланиши мумкин. Захира баллонлар маҳсус пўлат шитлар билан тўсиб кўйилиши ёки пайвандлаш устахонасига кўшимча курилган маҳсус ёрдамчи жойларда сакланиши лозим. Пайвандлаш устахонасида 10 тадан ортиқ пайвандлаш постлари бўлгандага марказлаштирилган газ таъминоти бўлиши зарур.

266. Кислород ва ёнувчи газлар билан тўлдирилган ҳамда улардан бўшаган баллонларга бир хил хавфсизлик чоралари кўрилиши керак.

267. Кальций карбиди солинган барабанларни саклаш ва очиш жойларида чекиши, очиқ алангадан фойдаланиш ва зарбада учкун ҳосил қилиши мумкин бўлган асбоблардан фойдаланиш тақиқланади.

268. Кальций карбиди солинган барабанларни жезли зубило ва болға ёрдамида очиш лозим. Кавшарланган барабанлар маҳсус пичоқ билан очилади. Барабан қопқоғидаги кесиб очиладиган жойга дастлаб солидолнинг қалин қатлами суртилади.

269. Очилган кальций карбидли барабанларнинг сув ўтказмайдиган ва барабани зич қоплаб оладиган, четлари букилган қопқоқлар билан ҳимояси таъминланиши ҳамда қопқоқ бортининг баландлиги камида 50 mm га teng бўлиши лозим.

270. Газ пайвандлаш ва газ билан кесиш ишларини бажаришда қўйидагилар тақиқланади:

а) музлаб қолган ацетилен генераторлари, кувурлар, вентиллар, редукторлар ва пайвандлаш курилмаларининг бошқа деталларини очиқ аланга ёки қиздирилган буюмлар ёрдамида иситиш ҳамда урганда учкун ҳосил бўлиши мумкин бўлган асбоблардан фойдаланиш;

б) кислород баллонларини, редукторлар ва бошқа ускуналарнинг турли мой ва мойланиб кетган кийимлар ва артиш материалларига тегиб кетишига йўл кўйиш;

в) кислород ва ёнувчи газ билан тўлдирилган баллонлар, ацетилен генераторлари ва оҳак-лой чукурларидан 10 m дан кам бўлган масофада очиқ алангадан фойдаланиш;

г) бир сув затворидан икки пайвандчи томонидан фойдаланиш, грануляцияси белгилангандан йирикроқ бўлган кальций карбидини ортиш ёки уни аппаратнинг воронкасига темирли хипчин ёки сим билан итариб солиш, карбид кукунидан фойдаланиш;

д) кальций карбидини хўл ортиш корзиналарига солиш ёки газ тўплагичда сув мавжуд бўлганда генераторлар “сув-карбид устидан” режимида ишлашда корзина ҳажмининг яримидан ортигини карбид билан тўлдириш;

е) ёнувчи газлар учун мўлжалланган шлангни кислород оқими билан тозалаш, кислород учун мўлжалланган шлангни ёнувчи газ оқими билан тозалаш ҳамда ушбу шлангларни алмаштириб ишлатиш, узунлиги 30 м дан кўп бўлмаган шланглардан фойдаланиш. Газ пайвандлаш ишларини бажаришда узунлиги 40 м гача бўлган шланглардан фойдаланиш мумкин. Узунлиги 40 м дан ортиқ бўлган шланглардан фойдаланишга алоҳида ҳолатларда ишларни бошқариш ва хавфсизлик бўйича мухандиснинг руҳсати билан амалга оширишга руҳсат берилади;

ж) газ етказиб берувчи шлангларни бураб ташлаш, буклаш ёки сикиб қўйиш;

з) газ тўплагичда ацетилен мавжуд бўлганда генераторни кўчириш;

и) генератордаги газ босимини атайлаб ёки бир ҳаракатда солинадиган кальций карбидининг микдорини ошириш йўли билан ацетилен генераторининг ишини жадаллаштириш.

271. Кальций карбида солинган барабанларни очиш учун мисдан ясалган асбоблардан фойдаланиш ҳамда ацетилен аппаратураси билан пайвандлаш ва ацетилен билан туташиб кетиш эҳтимоли бўлган бошқа жойларда мисдан кавшарлаш учун фойдаланиш тақиқланади.

22-боб. Ёнувчи суюқликлардан фойдаланиб кавшарлаш ишларини, қатрон ва мастика, битум эритиш (қайнатиш) ишларини амалга оширишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

1-§. Ёнувчи суюқликлардан фойдаланиб металл кесиш ишларини амалга оширишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

272. Бензин ва керосин ёрдамида кесиш ишлари учун иш жойи электр пайвандлаш ишларида бўлгани каби ташкил этилади. Бунда енгил аллангаланадиган ва ёнувчи суюқликни тўкиб юбориш мумкин эмаслигига ва улар тўғри сакланишига, кесиш ва ёнувчи суюқлик солинган кичик бакдан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

273. Ёнувчи суюқликлар ёрдамида кесиш ишлари бажарилаётган жойда фақат бир смена эҳтиёжларига етадиган микдордаги ёқилғи сакланиши мумкин. Ёнилғи оловли ишлар олиб борилаётган жойдан камида 10 м масофада соз ҳолатдаги, синмайдиган, зич ёпиладиган маҳсус идишда сакланиши зарур.

274. Бензин ва керосин ёрдамида кесиш ишлари учун таркибида бегона аралашмалар ва сув мавжуд бўлмаган ёнувчи суюқликдан фойдаланиш лозим. Ёнилғи билан бак ҳажмининг 3/4 қисмидан ортиқ тўлдиришга йўл қўйилмайди.

275. Ёнилғи солинадиган бак соз ва герметик зич ёпиладиган бўлиши лозим. Бакда манометр ҳамда бакдаги босим 5 атмосферадан ортиқ кўтарилиб кетишига йўл қўймайдиган сақловчи клапан бўлиши лозим. Сув ёрдамида 10 атмосфера босимида синалмаган, ёнувчи суюқликлар сирқиб чиқаётган ёки насоси носоз бўлган баклардан фойдаланиш тақиқланади.

276. Иш жойида қуйилган ёнувчи суюқликни ўт олдириб, резакнинг тўғирловчи қисмини қиздириш тақиқланади.

277. Ёнилғи солинган бак кислород солинган баллонлардан ва очиқ аланга манбаларидан камидаги 5 м масофада, кесувчининг иш жойидан эса – камидаги 3 м масофада ўрнатилган бўлиши лозим. Бунда бакни иш жараёнида олов ва учкун тегмайдиган ҳолатда жойлаштириш лозим.

278. Бензин ва керосин ёрдамида кесиш ишларини олиб борища қуйидагилар тақиқланади:

а) ёнувчи суюқлик солинган бақдаги ҳаво босими резакдаги кислороднинг ишчи босимидан юқори бўлган ҳолатда кесиш ишларини бажариш;

б) резакнинг буғлаткичини тўқ қизил рангача қиздириб юбориш ҳамда иш бажариш вақтида резакни тик ҳолатда, головкаси билан тепа томон илиб қўйиш;

в) резакка кислород ва ёнувчи суюқликни узатувчи шлангларни сикиб қўйиш, бураб юбориш ёки буклаб қўйиш;

г) резакка бензин ёки керосин узатиш учун кислород шлангидан фойдаланиш.

2-§. Ёнувчи суюқликлардан фойдаланиб кавшарлаш ишларини амалга оширишга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

279. Кавшарлаш ишларини олиб борища иш жойи ёнувчи материаллардан тозаланган, иш жойидан 5 м дан кам масофада жойлашган ёнувчи конструкциялар алангаланишдан темирли тўсиқлар билан ишончли химояланган ёки устига сув сепилган бўлиши лозим.

280. Кавшарлаш лампаларини соз ҳолатда сақлаш, бир ойда бир марта мустаҳкамлигини ва герметиклигини текшириш ҳамда текширув санаси ва натижаларини маҳсус юритилган журналга киритиш лозим. Бундан ташқари, камидаги йилда бир марта гидравлик босим остида синаш керак.

281. Ҳар бир лампа заводда ўтказилган гидравлик синов натижалари ва рухсат этилган ишчи босим акс эттирилган паспортга эга бўлиши лозим. Лампалар белгиланган босимга созланган пружинали сақлагич клапанлар билан жиҳозланиши лозим.

282. Кавшарлаш лампаларига ёнувчи суюқлик куйиш ва уни ўт олдириш маҳсус ажратилган жойларда амалга оширилиши зарур. Ёнувчи суюқликни куйиш жараёнида унинг тўкилиши ва очиқ алангадан фойдаланиш тақиқланади.

283. Кавшарлаш лампасидан олов отилиб чиқишининг олдини олиш учун унга қуйиладиган ёнувчи суюқлик бегона аралашмалар ва сувдан тозаланган бўлиши лозим.

284. Кавшарлаш лампаси портлаб кетишининг олдини олиш учун қуйидагилар тақиқланади:

а) керосинда ишлайдиган лампалар учун ёнилғи сифатида бензин ёки бензин билан керосин аралашмасидан фойдаланиш;

б) лампа резервуаридаги босимни паспортида назарда тутилган босимдан ҳаво билан кўпайтириш;

в) лампага унинг ҳажмининг 3/4 қисмидан ортиқ миқдорда керосин қувиш;

г) насос ёрдамида дам урилаётган лампанинг суюқлиги билан горелкани қиздириш;

д) ёниб турган ёки ҳали совишга улгурмаган лампанинг ҳаво винтини ва ёнилғи қувиш қопқогини бураб чиқариш;

е) очик алангага яқин жойда (ёниб турган гугурт, сигарета ва ҳоказолар) лампани қисмларга ажратиш, таъмирлаш ҳамда унинг ичидан суюқликни тўкиш ёки ичига қувиш.

285. Конструкцияси ёки пардозлари ёнувчи материаллардан ишланган биноларда музлаб қолган водопровод, канализация ва буғ кувурларини қиздириш учун кавшарлаш лампаларидан фойдаланиш тақиқланади.

3-§. Битумлар ва қатронларни эритиш (қайнатиш) ишларини амалга оширишга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

286. Битум ва қатронларни эритиш қозонларини янги қурилаётган иморатлар, бинолар ва ёнувчи курилиш материалларидан камида 50 m масофада жойлашган маҳсус ажратилган жойларда ўрнатиш керак.

Қозонларни биноларнинг чордоқ хоналарига ҳамда қопламаларнинг устига (ёнмайдиган қопламалар бундан мустасно) ўрнатиш тақиқланади.

287. Ёнгарчиликларидан ҳимоялаш ва қозонда аллангаланган массани ўчириш учун ҳар бир қозон зич ёпиладиган ёнмайдиган қопқоқ билан таъминланиши, битум қайнаб кетганда ўт ёкиш камерасига тўкилишидан ҳимояловчи мослама билан жиҳозланиши лозим.

288. Қозонни ўрнатганда унинг ўт ёкиш камераси устидаги чети қарама-карши томондаги четидан 5-6 sm га баландроқ бўлиши зарур. Қозоннинг ўт ёкиш камераси ёнмайдиган материалдан ясалган қопқоқ билан жиҳозланган бўлиши лозим.

289. Ишлар якунлангандан кейин қозонларнинг ўт ёкиш камераларидаги олов ўчирилиши ва устига сув сепилиши керак.

290. Юзага келиши мумкин бўлган ёнгинни ўчириш мақсадида битум эритиш жойи ҳажми $0,5 \text{ m}^3$ га teng бўлган куруқ қумли кутилар, 2 та белкурак ва ўт ўчиргичлар (кўпиклик ёки кукунли) билан таъминланиши зарур.

291. Газ баллонларидаги газ ёрдамида ишлатилганда күчма қозонларни шамоллатиладиган металл шкафларда иккитадан күп бўлмаган микдорда, қозондан камида 20 т масофада жойлаштириш керак.

Металл шкафлар доимо қулфланган ҳолатда туриши зарур.

292. Битумни эритиш ёки иситиш вақтида қозонларни қаровсиз қолдириш тақиқланади.

293. Битум ва қатронларни эритувчи суюклик (растворитель) билан эритиш тақиқланади.

294. Қиздирилган битумни эритувчи суюклик билан аралаштиришда битумни суюклика қўшиш лозим. Аралаштириш фақат ёғочли қоргич билан амалга оширилиши керак.

295. Қиздирилган битумни эритувчи суюклик билан аралаштиришда 50 м радиусда очиқ алангадан фойдаланиш тақиқланади.

23-боб. Бўяш ишларига қуйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

296. Бўяш цехи ва участкалари портлашдан ҳимояланган мажбурий шамоллатиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

297. Иш жараёнида заарли буғ ва газлар чиқадиган (бўяш камералари, ванналар, кўлда бўяш постлари, қуритиш камералари, сиртларни бўяш учун тозалаш ва тайёрлаш постлари ҳамда агрегатлар ва ҳоказо) иш жойлари маҳаллий ҳаво тортиш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши зарур.

298. Бўёқ тайёрлаш бўлимининг ташқи девори ёнмайдиган тўсувчи конструкциялардан ишланган, тўғридан-тўғри ташқарига чиқиш жойи билан таъминланган бир қаватли бинода маҳсус ажратилган хонада жойлашган бўлиши лозим.

299. Бўяш цехларидаги электр ускуналари ва ёритқичлар портлашдан ҳимояланган шаклда бажарилган бўлиши лозим.

Электр ёқиши қурилмалари бўяш ва қуритиш камераларининг ташқарисида ўрнатилиши зарур.

300. Бўёқлар, локлар, грунтлар, шпатлёвкалар, қотиувчилар, суюлтирувчи ва эритувчилар сақланадиган жойларда ҳар бир идишда уларнинг аниқ номи ёзилган ёрлиги бўлиши керак.

301. Лок-бўёқ материаллари, куқунли полимер бўёқлар, суюлтирувчилар, эритувчилар, қотиувчилар, ювиш, ёғизлантириш ва ялтиратиш таркибларини тайёрлаш учун ярим тайёр маҳсулотларни алоҳида биноларда ёки мажбурий шамоллатиш тизими ва ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан жиҳозланган ер ости омборларда сақлаш лозим.

302. Лок-бўёқ материалларини сақлаш омборлари стеллажлар (ёпиқ металл шкафлар) билан жиҳозланган бўлиши зарур.

303. Бир-бирига таъсир кўрсатувчи моддалар алоҳида сақланиши лозим. Бўш идишларни саклаш учун бўяш хонасининг ташқарисидан камидаги 25 т масофада бўлган маҳсус ажратилган майдон бўлиши керак.

304. Лок-бўёқ материаллари учун суюкликларни эритувчилар сифатида бензол, метанол ва пиробензолдан фойдаланиш тақиқланади. Мумкин бўлган барча ҳолатларда лок-бўёқ материалларида толуол ва ксиолни ишлатишни чеклаб қўйиш (15 фоиздан ортмаган ҳолда) лозим.

305. Енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюкликлар ёрдамида бажариладиган ишларни амалга ошириш учун учкун чиқармайдиган материаллардан (алюминий, мис, пластмасса, бронза) ясалган асбобларни ишлатиш лозим. Енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюкликлар ёрдамида ишлар бажарилгандан сўнг ушбу асбоблар очик майдонда ёки шамоллатиш тизимиға эга бўлган хоналарда ювилиши лозим.

306. Ҳар бир электр бўяш камераси углекислотали автоматик ёнгин ўчириш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

307. Куритиш камералари ташки деворларининг ҳарорати 45°C дан юқори бўлмаслигини таъминлайдиган ишончли иссиқлик изоляцияси билан жиҳозланган бўлиши зарур.

308. Лок-бўёқ материалларидан бўшаган идишларни юмшоқ скребокалар ва чўткалар (мисдан ёки алюминийдан ясалган) ёрдамида тозалаш лозим.

309. Полга тўкилган бўёқлар ва эритувчиларни куруқ кум ёки қиринди ёрдамида зудлик билан йигиш ва бўяш хонасидан чиқариб ташлаш керак.

310. Ишлатиб бўлинган артиш материалларини қопқоқли темир қутиларга солиш ҳамда иш вақти тугаганидан сўнг бинонинг ташқарисидаги маҳсус ажратилган жойларга олиб чиқиш лозим.

311. Бўяш ишларини бажаришда қуидагилар тақиқланади:

а) бўёқ тайёрлаш ва бўяш хоналарида очик оловдан фойдаланиш ва учкун чиқариш билан боғлиқ бўлган (пайвандлаш ишлари, чархловчи дастгоҳларда иш бажариш) ишларни амалга ошириш;

б) камераларни тозалаш учун кора металлардан ясалган ва ишқаланишда учкун чиқарадиган абразив асбоблардан фойдаланиш;

в) бўяш участкаларида ҳамда бўёқлар ва эритувчилар сакланадиган жойларда олов ёкиш, кавшарлайдиган лампалар ва электр кавшарлаш асбобларидан фойдаланиш;

г) портлашнинг олдини олиш мақсадида бочкалар, бидонлар, сиғимлар ва ичида лок-бўёқ материаллари мавжуд бўлган (ёки аввал солинган) идишларнинг ичини гугурт ёки бошқа алланга манбалари билан ёритиш;

д) енгил аллангаланувчи суюкликларни очик идишларда саклаш;

е) ишчи хоналарда бўёқлар ва эритувчилардан бўшаган идишларни саклаш;

ж) ишчи хоналарда ифлосланган ва мойланиб кетган артиш материалларини иш туганадан сўнг йиғиширилмаган ҳолда қолдириш.

24-боб. Нефть қувурлари ва резервуарларини таъмирлаш ишларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

312. Ёпиқ сигимлардаги оловли ишлар фақат наряд-рухсатнома асосида ўтказилиши керак.

313. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюкликлар ҳамда ёнувчи газлар сақланадиган сигимлар ва аппаратларда оловли ишларни ўтказишдан аввал улар тозаланиши, ювилиши, буғланиши, инерт газлар ва сикилган ҳаво ёрдамида тозаланиши керак. Уларда оловли ишларни ўтказишда люклар ва қопқоқлар очиқ ҳолатда бўлиши ҳамда доимий шамоллатилиши керак. Ишларни бошлашдан аввал сигимлар 40°C дан ошмайдиган ҳароратгача совитилиши керак.

314. Резервуарда оловли ишларни бажариш билан боғлиқ таъмирлаш ишларини ўтказишдан олдин унинг тайёрлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилиши керак.

315. Сигимлар ва аппаратларга уланган барча коммуникациялар ҳимоя арматураси билан ёпилган ва ажратилган бўлиши керак.

Аппаратни кўрикдан ўтказиш, тозалаш ёки таъмирлаш учун уни очишдан олдин аппаратнинг ичидаги босимни атмосфера босимигача тушириш ёки вакуумни сўндириш, аппарат ичидан ишлаб чиқариш маҳсулотларини чиқариб ташлаш ва уни барча коммуникациялардан тиқинлар билан ажратиш керак. Бу ҳақда смена бошлиқларининг журналига ёки коммуникациялардаги тиқинларни олиш ва ўрнатиш бўйича маҳсус журналга ёзиб қўйилади.

316. Сигимлар ва аппаратларда оловли ишларни бажаришдан олдин улар ерга ишончли уланиши керак.

317. Пайвандлаш аппарати электр ёйи узилган вақтда бўш юришини (холостой ход) автоматик равишда ўчириш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши керак.

318. Оловли ишларни бошлашдан аввал ва ҳар бир танаффусдан кейин таъмирлаш ишлари ўтказилаётган сигимлар, аппаратлар, қувурлар ва технологик қурилмалардаги ҳамда ишлаб чиқариш биноси ва худудидаги ҳаво таркибида углеводород газлари, шунингдек, шароитдан келиб чиқиб олtingugurt бирикмали газлар ва бошқа шу каби ёндош газлар мавжудлиги ҳамда уларнинг микдори текширилиши керак. Текширишни ўтказиш даврийлиги наряд-рухсатномага асосан белгиланади. Агар худудда ёки технологик қурилмада ёнувчи газлар ҳамда буғларнинг микдори рухсат этилган чегаравий концентрациядан ошиб кетган ҳолатларда таъмирлаш ишларини зудлик билан тўхтатиш керак.

319. Иш бажарувчиларнинг сигимларга тушиши ва чиқиши учун учкун чиқармайдиган материалдан тайёрланган нарвонлардан фойдаланиш керак.

320. Қувурлар, резервуарлар ва бошқа технологик қурилмаларда таъмирлаш ва оловли ишларни ўтказиш учун газлардан тозалашда нефть маҳсулотлари буғларнинг хавфсиз концентрацияси таъминланган бўлиши керак.

321. Курилмаларда носозликлар аниқланганда ишчиларни содир бўлиши мумкин бўлган портлаш ва ёнғинлардан ҳимоя қилиш бўйича биринчи навбатдаги чоралар кўрилиши, шунингдек, нефть маҳсулотлари тарқалишини чеклаш чоралари кўрилиши керак.

322. Пайвандлаш ускуналари ўрнатилган оловли ишларни ўтказиш жойлари ва майдончаларда қуидаги ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилган бўлиши шарт:

а) ушбу ишларни ўтказиш жойларига енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар буғларининг тарқалиши бутунлай бартараф этилган бўлиши керак;

б) обьектлардаги пайвандлаш ва кесиш ишлари ўтказиладиган жойларнинг конструкциялари ёнадиган материаллардан ишланган бўлса, улар ёнмайдиган яхлит тўсиқлар билан тўсиб қўйилиши керак. Бунда тўсиқнинг баландлиги 1,8 м дан кам бўлмаслиги, тўсиқ ва ер оралиғи 0,05 м дан ошмаслиги керак. Қизиган чўғларнинг тарқалишини чеклаш учун юқоридаги оралиқлар ўлчами 0,001 x 0,001 м дан кам бўлмаган ёнмайдиган сим тўрлар билан тўсиленган бўлиши керак.

323. Қуидаги масофалардан яқин бўлмаган ҳолатларда обьект худудида очиқ оловдан фойдаланиб таъмирлаш ишларини бажаришга рухсат берилади:

а) тўкиш-куйиш эстакадаларидан куйиш ва тўкиш жараёнларини бажаришда – 100 м, ушбу жараёнлар бажарилмаётган вақтда – 50 м;

б) газ компрессорли аппаратлар, газгольдерлар, резервуарлар парклари ва енгил алангаланувчи суюқликлар бўлган алоҳида резервуарлардан – 40 м;

в) канализация қудуклари ва оқиб тушиш жойларидан, сурима қопқоклар узеллари ва ёнувчи маҳсулот сизиб чиқиши мумкин бўлган жойлардан – 20 м. Канализация қудуклари ва оқиб тушиш жойлари кўрсатилган масофадан яқинда жойлашганда қудукларнинг қопқокларини қалинлиги 5 sm бўлган тупроқ қатлами билан кўмиб ташлаш керак.

VI бўлим. Объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари

25-боб. Одамлар куну тун бўладиган обьектларга ва турар жойларга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

324. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан ташқари якка тартибдаги ва кўп квартирали уйларнинг турар жойларида, ётоқхоналарнинг яшаш хоналарида, жойлаштириш воситалари номерларида ёнғин, портлаш ва ёнғин-портлаш хавфи бўлган модда ва материаллар ишлатиладиган ва сакланадиган турли ишлаб чиқариш ва омборхоналарни ташкил этиш тақиқланади, шу жумладан, улардан фойдаланиш мақсадлари ўзгарганда ҳам (ижрага берилишида ҳам).

325. Якка тартибдаги ва кўп квартирали уйларнинг турар жойларида 10 L гача бўлган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни ёпик идиша саклашга (фойдаланишга) рухсат берилади. 3 L дан ортиқ бўлган енгил

алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ёнмайдиган ва синмайдиган идишларда сақланиш лозим.

326. Ёнувчи газ билан тўлдирилган баллонларни, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни якка тартибдаги ва кўп квартирали уйларнинг туар жойларининг эвакуация йўлларида, цоколь қаватларида, ертўла ва чордокларида сақлашга рухсат берилмайди.

327. Ошхонадаги ва бошқа майший газ ускуналарини газ билан таъминлайдиган газ баллонли қурилмалар (алоҳида баллонлар) газ таъминоти ташкилотларининг лойиҳаларида (чизмаларига) мувофиқ ўрнатилиши ҳамда улардан Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоидалари талабларига асосан фойдаланиш лозим.

328. Дала ҳовли уйларидан узок вакт фойдаланилмаганда, уларнинг электр таъминоти ўчирилиши ва газ баллонларининг жўмраклари (клапанлари) мустаҳкам ёпилиши керак.

329. Ташриф буюрувчилар учун вақтинчалик яшашга мўлжалланган жойлаштириш воситаларида, ёнгин хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган эслатмалар (йўриқномалар) ушбу Қоидаларга 12-иловага мувофиқ бир нечта тилларда ишлаб чиқилиши лозим.

330. Жойлаштириш воситаларида ташриф буюрувчилар ёнгин хавфсизлиги қоидалари билан (имзо қўйдириш орқали) таништирилиши керак.

Ташриф буюрувчиларни ёнгин хавфсизлиги қоидалари билан видеороликлар орқали таништириш йўлга кўйилган тақдирда, имзо қўйдириш талаб этилмайди.

331. Жойлаштириш воситалари номерларида (“электрон кулф” тизими билан жиҳозланган номерлар бундан мустасно) иситиш мосламаларидан (сув қайнатиш ва электр иситиш мосламаси, электр чойнаклар, дазмол ва бошқалардан) фойдаланиш тақиқланади.

Ушбу ишлар учун маъмурият томонидан алоҳида хона ажратилиши лозим.

332. Жойлаштириш воситаларининг яшашга мўлжалланган қаватларида омборхона,офис ва бошқаларни жойлаштиришга рухсат этилмайди.

333. Тунги вақтда одамлар бўладиган ижтимоий обьектларда (мактаб-интернат, болалар уйлари, ногиронлар ва қариялар уйлари, шифохоналар, санаторий, ёзги дам олиш оромгоҳлари ва бошқалар) ходимларнинг куну тунлик навбатчилиги ташкил этилиши лозим. Навбатчиликда турган ходимда доимо барча эвакуация эшиклари кулфларининг калитлар тўплами бўлиши, калитларнинг иккинчи тўплами навбатчилилар хонасида сақланиши лозим.

Тўпламлардаги ҳар бир калитда қайси эшикдаги қулфга тааллуқлилиги юзасидан ёзувлари бўлиши керак.

Тунги вақтдаги навбатчи (коровул) шаҳар телефон тармоғига уланган телефон аппарати мавжуд бўлган хонада бўлиши керак, уларга ухлаш ва обьект худудини тарк этишга рухсат этилмайди.

Бино қаватларининг йўлакларида, холларда ва бошқа эвакуация йўлларида жиҳозларни жойлаштириш тақиқланади.

334. Ҳар бир якка тартибдаги ва кўп квартирали уйларнинг туар жойларида ўт ўчиригич бўлиши тавсия этилади.

26-боб. Соғломлаштириш муассасалари ва дам олиш уйларига (базаларига) қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

335. Соғломлаштириш муассасаси ва дам олиш уйи (базаси), шунингдек, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи раҳбари мавсум бошланишидан олдин маҳаллий Давлат ёнгин назорати органлари вакилининг иштирокида муассасанинг ёнфинга қарши ҳолатини ўрганиб чиқиши ҳамда аниқланган ёнгин хавфсизлиги талабларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

336. Соғломлаштириш муассасаси, дам олиш уйи (базаси) ва болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи раҳбари обьект худудидаги барча бинолар, одамлар яшаш жойлари (яшаш уйлари, палаткалар ва бошқалар), хўжалик бинолари (овқат тайёрлаш, кўчма электр станциялар ва бошқалар) маъмурий ва майший хизматлар, савдо шохобчалари, ташки ёнфинга қарши сув таъминоти тизимлари, гулханлар ёкиш жойлари, автотурагоҳлар ва бошқа бинолар кўрсатилган ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режасини ва обьектларнинг умумий чизмаси ишлаб чиқилишини таъминлашга мажбур.

Ишлаб чиқилган чизмалар обьект худудига кириш дарвозаси олдига (агар бир нечта кириш дарвозаси мавжуд бўлса ҳар бирига) кўринарли жойга ўрнатилиши шарт.

337. Ёнгин содир бўлганда болаларни ва мол-мulkни кутқариш режалари оромгоҳлар ва соғломлаштириш муассасаларининг барча хизмат кўрсатувчи ишчи-хизматчилари билан болаларни қабул қилишдан олдин ва ҳар бир сменадан сўнг амалий тарзда ўрганилиши керак.

338. Соғломлаштириш муассасалари, дам олиш уйлари (базалари) ва болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларининг худудига ёнгин ўчириш автомобиллари кириб-чиқиши учун 2 тадан кам бўлмаган дарвозалар бўлиши керак.

339. Соғломлаштириш муассасалари ва болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари худудидаги йўллар ва йўлаклар ёнфинга қарши мақсадда айланма шаклда бўлиши керак.

340. Қишлоқ жойлардаги энг яқин ёнгин-кутқарув бўлинмасиигача 3000 м² дан ортиқ масофада жойлашган дам олиш уйлари (базалари) ва бошқа соғломлаштириш муассасалари ёнгин ўчириш мотопомпаси ёки ёнгин ўчиришга мослаштирилган (қайта жиҳозланган) техника ва анжомлар билан таъминланиши керак.

341. Соғломлаштириш муассасалари, дам олиш уйлари (базалари) ва болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари худудида ёнгин ўчириш мотопомпаси ҳамда бошқа ёнгин ўчириш жиҳозлари ва техникаларини саклаш учун 20-30 м² майдонга эга бўлган алоҳида бино курилган бўлиши лозим.

342. Соғломлаштириш муассасалари ва болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари худудида баландлиги 10 м гача бўлган бинолар ташки ёнгинга қарши тиркагич нарвонлар билан таъминланиши керак.

Тиркагич нарвонлар маҳсус ажратилган жойларда сақланиши лозим.

343. Соғломлаштириш муассасалари ва болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари худудидаги баландлиги 10 м дан юқори бўлган биноларга темирдан ишланган ташки ёнгинга қарши нарвонлар ўрнатилиши лозим. Ушбу нарвонлар ер устидан 1,5-1,8 м баландликдан бошланиши керак.

344. Қийин ёнувчи ва ёнувчи бостирмали ётоқхоналарниг остики қисмида омборхоналар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш учун ёрдамчи хоналар ташкил этиш тақиқланади.

345. Болаларни жойлаштириш учун мўлжалланган палаткаларга ҳар йили оловдан ҳимоя қилиш таркиби билан ишлов берилиши лозим.

346. Гуруҳлар жойлаштирилган павильонлар хоналари ўртасида оловга бардошли чегараси 0,75 соатдан (45 мин дан) кам бўлмаган ёнмайдиган деворлар ва оловга бардошли чегараси 0,6 соатдан (36 мин дан) кам бўлмаган эшиклар ўрнатилган бўлиши керак.

Ётоқхоналар, ошхона ва оммавий маданий тадбирларни ўтказиш хоналари оловга бардошли деворлар билан ажратилиши лозим.

347. Болалар ёзги дам олиш оромгоҳларининг кўп қаватли биноларида кичик ёшдаги болаларни биринчи қаватларда жойлаштириш лозим.

348. Хоналардаги стол, стул ва каравотлар чиқиши йўлакларини тўсиб қўймаслигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак.

349. Болалар учун гулханларни ёқиши факат маҳсус тайёрланган ва бинолардан 100 м узоқликда жойлашган майдонларда рухсат этилади. Шамолли об-ҳаво шароитида гулхан ёқиши тақиқланади.

350. Байрам тугагандан сўнг гулханни сув билан ўчириш ва шундан сўнг тупроқ билан кўмиб ташлаш керак.

351. Электр ёритиш тармоқлари бўлмаган бостирма, омбор, чордок, ертўла ва бошқа жойларга киргандан кўл электр фонаридан фойдаланиши лозим, бундай вазиятларда гугурт, шам ва бошқа очиқ олов манбаларидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

352. Соғломлаштириш муассасалари, дам олиш уйлари (базалари) ва болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида мавжуд оловга бардошлилиги IV ва V-даражали бўлган ётоқхона, ошхоналар ва клублар бинолари яшиндан ҳимоя қилувчи мосламалар билан жиҳозланиши керак.

353. Барча ётоқхоналар, заллар, фойе, вестибюль, йўлаклар, зинапоялар, ошхоналар марказлаштирилган ҳолда ёнғин ҳақида хабар бериш мосламаси билан таъминланиши лозим. Агар ёнғин ҳақида хабар бериш мақсадида радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланиладиган бўлса, куну тун ишлайдиган репродукторлар (радио карнайлар) ўрнатилиши керак.

354. Соғломлаштириш муассасалари, дам олиш уйлари (базалари) ва болалар ёзги дам олиш оромгохларида ёнгин-күтқарув бўлинмалари билан телефон алоқаси ўрнатилиган бўлиши лозим. Истисно тарикасида ёнгин-күтқарув бўлинмаси билан тўғридан-тўғри телефон алоқа воситаси мавжуд бўлган диспетчерлик хизмати билан куну тун рация орқали алоқа ўрнатишга рухсат этилади.

Соғломлаштириш муассасалари ва болалар ёзги дам олиш оромгохлари ҳудудида ёнгин ёки бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда хавфни билдирувчи сигнал берувчи мосламалар ўрнатилган бўлиш керак.

355. Ўрмон массивларида ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган соғломлаштириш муассасалари ва дам олиш уйлари (базалари), шунингдек, болаларнинг ёзги дам олиш оромгохлари ҳудудида ёнгин тарқалишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим (ўрмон массивлари томонидан периметри бўйлаб кенглиги 3 м дан кам бўлмаган маданлаштирилган ҳимоя йўли бўлиши керак).

356. Соғломлаштириш муассасалари, дам олиш уйлари (базалари) ва болалар ёзги дам олиш оромгохлари ҳудудларида мушакбозлик қилиш ва пиротехника буюмларидан фойдаланиш белиланган тартибда амалга оширилиши лозим.

357. Соғломлаштириш муассасалари, дам олиш уйлари (базалари) ва болалар ёзги дам олиш оромгохлари ҳудудида шахсий автомобилларни вактинчалик саклаш жойларини ташкил этиш тақиқланади. Ушбу объектларга тегишли бўлган хўжалик ишларида фойдаланиладиган автотранспорт воситалари майший-хизмат ҳудудларидаги гаражларда сакланиши керак.

27-боб. Кўргазмалар, бозорлар, ярмаркалар, умумий овқатланиш ва савдо объектларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий қоидалар

358. Кўргазмалар, бозорлар, ярмаркалар, умумий овқатланиш ва савдо объектларида (кейинги ўринларда – савдо объектлари) куйидагилар тақиқланади:

- а) мижозлар савдо залларида бўлганда оловли ишларни олиб бориш;
- б) агар савдо объектлари енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газларни (шу жумладан, газ тўлдирилган баллонлар, лок-бўёқ материаллари, суюлтирувчилар, аэрозоль идишдаги товарлар), порох, капсюлалар, ўқ-дори, пиротехник ва бошқа портловчи буюмларнинг савдоси билан шуғулланишга мослаштирилмаган бўлса, савдо қилиш;
- в) енгил аллангаланувчи ва ёнувчи газлар ҳамда пиротехник буюмлар билан савдо қилиш бўлимлари ва секцияларни бинонинг эвакуация йўлларида барча эшиклар, зина катаклари ва бошқа эвакуация чиқиш жойларидан 4 м дан кам бўлган масофада жойлаштириш;
- г) савдо залларида ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни ўрнатиш;

д) зина катаклари олдидағи майдончаларда, тамбур, холл, вестибюль, йүлаклар ва бошқа эвакуация йўлларида савдо-сотик билан шуғулланиш, савдо ва ўйин аппаратларини жойлаштириш (ўрнатиш).

359. Савдо залларида ва эвакуация йўлларида ёнувчи моддалар, чиқиндилар, қадоқлар (маҳсулотлар ўраладиган ёки солинадиган қоп, яшик, картон ва ҳоказо) ва контейнерларни вақтингча сақлаш тақиқланади.

360. Ёнувчи ёки ёнмайдиган товар маҳсулотларини ёнадиган қадоқларда, дераза (туйнук) ёки тутун тортиш тизими мавжуд бўлмаган хоналарда сақлаш тақиқланади.

361. Ярим тайёр маҳсулотларни идишсиз (қадоксиз) кўтариб-тушириш учун мўлжалланган шахтали юклаш кўтаргичлар туйнуклари факат уларни юклаш даврида очиладиган заслонкалар билан таъминланиши лозим.

362. Савдо майдонларида одамларнинг оммавий бўлиши билан боғлик савдо-сотик, акциялар ва бошқа шу каби тадбирларни ўтказиши ташкил этувчи масъуллар ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриши, шу жумладан, савдо майдонларига ташриф буюрувчиларни лойиҳада назарда тутилган сонидан ошиб кетишини чеклашга, шунингдек, уларнинг бажарилиши учун жавобгар шахсларни тайинлашга мажбур.

363. Иш жараёнида (вақтида) эвакуация йўлларида ва ўтиш жойларида юк ва товарларни ортиш (тушириш) тақиқланади.

364. Иш жараёнида (вақтида) юкларни қабул қилиш ва олиб чиқиши ишлари савдо обьектларининг (биноларнинг) орқа томонидан харидорларнинг савдо обьектларида (биноларида) ҳаракатланишига ва чиқишига халақит бермаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

365. Ҳар бирининг ҳажми 1 L дан ошадиган шиша идишларга қадоқланган майший кимё воситалари, лок, бўёқлар ва бошқа енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, шунингдек, “Ёнгин хавфи мавжуд”, “Очиқ олов яқинида сепилмасин” огохлантирувчи ёзувлари бўлмаган ёнгин чиқиши хавфи мавжуд бўлган товар ва маҳсулотларни сотиш тақиқланади.

366. Ёнгин чиқиши хавфи мавжуд бўлган маҳсулотларни қадоқлаш ишлари фактат ушбу мақсад учун мўлжалланган маҳсус хоналарда амалга оширилиши лозим.

367. Савдо обьектларининг биноларида (павильонларида) мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш қоидаларига риоя қилган ҳолда мойли электррадиаторлар ва электрокалорифер иситиш ускуналаридан фойдаланишга рухсат этилади.

368. Электр иситгичлардан доимий равишида ёнмайдиган тагликларга ўрнатилган ҳолда фойдаланиш лозим. Иситиш қурилмасининг иссиқлик тарқатиш (қизиши) юзаси ёнувчан материаллар ҳамда бино (иншоотлар) конструкцияларидан камида 0,5 m узоқликда бўлиши лозим.

369. Керосин ва бошқа ёнувчи суюқликларни идишларга куйиш йўли билан савдо қилиш ҳамда уларни сақлаш фактат деворлари, шу жумладан,

пол қисми ёнмайдиган материаллардан ишланган хоналарда амалга оширилишига рухсат берилади. Авария ҳолатида ёнувчи суюқликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу хоналарнинг пол сатҳи қўшни хоналарнинг пол сатҳидан паст бўлиши лозим. Ушбу биноларда иситиш печларидан фойдаланиш тақиқланади.

370. Керосин ва бошқа ёнувчи суюқликлар солинган сифимлар (резервуар, бочка) ўрнатилган (сақланаётган) омборлар билан савдо заллари оралиги ёнгинга қарши деворлар билан ажратилиши лозим. Сифимларнинг ҳажми 5 m^3 дан юқори бўлиши мумкин эмас.

371. Резервуардан тарқатиш сифимларига ёнувчи суюқликларни узатиб берувчи қувурлар стационар қотирилган бўлиши ва уларни тарқатиш сифимларига уланган жойлари жўмраклар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Тарқатиш сифимларининг ҳажми 100 L гача бўлиши керак. Қувурлар ва тарқатиш сифимлари камида иккита жойдан ерга уланган бўлиши лозим. Ерга уланишнинг ишончлилиги электр қаршиликни ўлчаш йўли билан камида 1 йилда бир марта текширилиши керак.

372. Керосинни тарқатиш пештахтаси (растаси) ёнмайдиган ва зарбадан учкун чиқишини истисно этадиган материалдан қопланган бўлиши лозим.

373. Керосин савдоси амалга оширилаётган биноларда (иншоотларда) қадоқлаш материалларини (пайраха, сомон, қофоз ва бошқаларни) сақлаш тақиқланади.

374. Керосин ва бошқа ёнувчи суюқликлардан бўшатилган (бўшаган) идишлар факат маҳсус ажратилган майдонларда сақланиш лозим.

2-§. Ярмаркалар, бозорлар ва кўргазмаларга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

375. Очиқ майдонларда ёки биноларда (иншоотларда) белгиланган тартибда ташкил этилган кийим бозорларида ташкилот раҳбари қуидаги ёнгин хавфсизлиги талаблари бажарилишини тъминлайди:

а) эвакуация йўлларига олиб борувчи йўлаклар ва ўтиш жойларидаги савдо расталарнинг ўтиш қаторларининг кенглиги 2 м дан кам бўлмаслигини;

б) савдо қаторларининг ҳар 30 м дан сўнг кенглиги камида 1,4 м бўлган кўндаланг йўлаклар бўлишини.

376. Ярмаркалар ва бозорларда ёнгин содир бўлганда одамларни ва моддий бойликларни эвакуация қилиш, биноларни ва худудни тарк этиш режалари (схемаси) ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мажбуриятлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ёнгин содир бўлганда фуқароларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш бўйича товушли хабар бериш мосламаларини ёқиши ва ишлатиш тартиби ҳамда хабар бериш матни ярмарка ва бозорлар раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилади.

377. Ярмарка ва бозорлар худудига ёнгин-кутқарув автомобиллари кириб-чиқиши учун кенглиги 5 м дан кам бўлмаган дарвоза бўлиши керак.

Агар ушбу объектлар худуди бир гектардан ошик бўлса, худуд рельефига қараб бир нечта кириш жойлари ташкил этилиши мумкин, лекин уларнинг сони камидан иккита бўлиши лозим. Ярмарка ва бозорларнинг иш вақтида уларнинг худудларига кириш дарвозалари ва уларга бориш йўллари доимо очик бўлиши лозим.

378. Ярмарка ва бозорларда савдо расталари, бинолар, иншоотлар, омборлар, ёнғинга қарши сув манбаларининг жойлашуви, уларга ёнғин-кутқарув автомобилларини олиб борувчи йўллар, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ўрнатилган жойлар, шунингдек, харидорларнинг юриш ва ўтиш йўлаклари кўрсатилган схемалар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

379. Ярмарка ва бозорларнинг маҳсус ажратилган худудларида ҳар бир гурухда 10 тадан автомобиллар ва уларнинг тиркамалари ҳамда 20 тадан савдо палаткаларини ўрнатишга рухсат берилади. Бунда уларнинг умумий майдони 160 m^2 дан ошмаслиги керак.

380. Транспорт воситалари кўргазмалари ўтказиладиган биноларда (иншоотларда) ва очик майдонларда қуидагиларга йўл қўйилмайди:

- а) транспорт воситаларини жойлаштириш тартибини бузиш;
- б) транспорт воситалари орасидаги масофани, шунингдек, улардан биноларгача (иншоотларгача) белгиланган масофани қисқартириш;
- в) чиқиш дарвозаларини тўсиб қуиши;
- г) биноларда транспорт воситаларига ёнилғи ва мойларни қуиши ҳамда уларни тўкиб олиш;
- д) транспорт воситаларини ёнилғи бакларининг қопқоқларини (оғзини) очик ҳолда саклаш;
- е) бинода (иншоотда) бўлган транспорт воситаларининг аккумуляторларини уларнинг ўзида (ешиб олмасдан) зарядлаш;
- ё) транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиши.

3-§. Ўқ-дорилар ва пиротехника буюмларини сотиш ва сақлашга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

381. Ўқ-дорилар (порох, капсюлалар, патронлар), пиротехника ва бошка портловчи буюмлар савдоси маҳсус дўконларда амалга оширилиши лозим.

Ушбу буюмлар савдоси учун ихтисослаштирилмаган биноларда (иншоотларда) маҳсус савдо дўконларини жойлаштириш тақиқланади.

382. Битта савдо майдонида курол-яроғ ва уларга тегишли патронларни бошка товарлар билан бирлашган ҳолда сотиш тақиқланади. Спорт, ов ва балиқ овлаш аксессуарлари ва курол учун эҳтиёт қисмлар бундан мустасно.

383. Ўқ-дори ва пиротехника буюмлари бошка бинолардан (иншоотлардан) ёнғинга қарши деворлар билан ажратилган хоналарга ўрнатилган металл шкафларда сақланиши лозим.

Ушбу металл шкафларни ертўлаларда жойлаштириш тақиқланади.

384. Ўқ-дори ва пиротехника буюмларини, порох ҳамда капсюлаларни ёки патронларни битта шкафда (сейфда) бирга саклаш тақиқланади. Савдо дўконларидағи (шу жумладан, дўконларнинг омборхонасидағи) пиротехника буюмларнинг умумий вазни 50 kg дан ошмаслиги лозим.

385. Савдо дўконида (шу жумладан, дўкон омборхонасида) 50 kg тутунли ёки 50 kg тутунсиз порохни саклаш мумкин.

386. Порохни фақат ишлаб чиқарувчи томонидан қадоқланган идишларда сотиш мумкин.

387. Савдо объектларида куйидагилар тақиқланади:

а) пиротехника буюмларини улардан фойдаланиш йўриқномасисиз сотиш;

б) пиротехника буюмларини ишлаб чиқарувчи томонидан қадоқланган идишлардан бошқаларида сотиш;

в) пиротехника буюмларини харидорлар учун осон олиш мумкин бўлган жойларда саклаш;

г) пиротехника буюмларини ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган бино ва иншоотларда саклаш.

388. Пиротехника буюмларидан фойдаланиш йўриқномаларида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ёнгин хавфсизлиги қоидаларида риоя қилиш юзасидан кўрсатмалар бўлиши лозим. Истеъмолчи учун маълумотларнинг мазмуни пиротехника буюмларининг хавфлилик даражасига мос келиши керак.

389. Пиротехника буюмларининг хавфлилик даражаси аккредитацияланган лаборатория томонидан ўтказилган синовлар натижалари билан тасдиқланиши лозим. Синов натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар (мувофиқлик сертификати, синов баённомаси ёки уларнинг нусхалари) сотувчиларда сакланиши керак.

28-боб. Мактабгача таълим ташкилотларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

390. Мактабгача таълим ташкилотларининг биноларида, шунингдек, оммавий тадбирлар (томуша) ўтказиладиган хоналарда камида иккита эвакуация эшиклари бўлиши керак.

391. Мактабгача таълим ташкилотларида куйидагилар тақиқланади:

а) бинони енгил алангаланувчи материаллар билан қоплаш (сомон, пайраха, қамиш, полигал, лексан ва шу кабилар);

б) ёғочли биноларнинг мансарда (чордок) хоналарида болаларни жойлаштириш;

в) ёғочдан курилган биноларда кир ювиш хоналари ва ошхоналарни жойлаштириш;

г) ётоқхоналар ва гуруҳлар хоналарининг остки қисмида газ асбобларини ўрнатиш;

д) ёғочдан ва бошқа ёнувчи материаллардан курилган биноларда 50 ва ундан ортиқ болаларни жойлаштириш;

е) болалар жойлашган биноларнинг хоналарида печларни ёкиш, шам, керосин лампалар, очиқ оловдан фойдаланиш имконини берувчи курилмалар ва электр иситиш асбобларидан фойдаланиш.

392. Кичик ёшдаги (ясли) гурухлардаги болаларни биноларнинг пастки қаватларида жойлаштириш лозим.

393. Гурухлар хоналарига тўшалган гиламлар, гилам пойандозлар ва бошқа қопламалар полга мустаҳкам котирилган бўлиши керак.

394. Мактабгача таълим ташкилотларининг ходимлари, болаларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ва ёнгин содир бўлганда ҳаракат қилиш тартибини маҳсус дастурларга мувофиқ ўргатишлари шарт.

29-боб. Маъмурий биноалар, илмий ва таълим обьектларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

395. Портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи бўлган модда ва материалларни қўллаш билан боғлиқ тажриба (синов) курилмаларида ишларни бажаришга фақат обьект раҳбарининг буйруғи билан тайинланган комиссия томонидан ушбу курилма фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг рухсат берилади.

396. Тажриба ишлари раҳбари (масъул ижрочи) тадқиқотлар олиб борища ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриши керак.

397. Лаборатория ва бошқа хоналарда бир смена эҳтиёжидан ортиқ бўлмаган микдорда енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликларни сақлаш мумкин. Суюқликларни хонага олиб келиш ёпик, хавфсиз идишда амалга оширилиши лозим.

398. Ҳаво тортиш шкафида бажарилаётган ишларга дахлдор (тааллукли) бўлмаган материаллар ва ускуналар мавжуд бўлса, шунингдек, шамоллатиш тизими ўчирилганда ва унинг носозлигига ушбу шкафда ишлаш тақиқланади.

Столдан суюқликлар окиб кетмаслигини таъминловчи қирралар (бортиклар) соз ҳолда бўлиши керак.

399. Ишлатиб бўлинган енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар иш вақти тугагандан сўнг маҳсус беркитиладиган идишга йиғилиши ҳамда утилизация қилиш учун лаборатория хонасидан олиб чиқилиши лозим.

Енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликларни канализацияга тўкиш тақиқланади.

400. Енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар солиб ишлатилган идишлар тажриба тугаганидан сўнг ёнгин хавфи бўлмаган эритмалар билан ювилиши керак.

401. Мактаб бинолари ўкув мавсуми бошланишидан олдин маҳсус тайинланган комиссия томонидан қабул қилиниши ва ушбу комиссия таркибига давлат ёнгин назорати органининг мансабдор шахси киритилиши керак.

402. Ўкув ва хизмат хоналарида фақат ўқитиш жараёнига тааллукли бўлган мебель, ускуна, андаза, асбоблар, буюмлар, кўлланмалар ва бошқа кўргазмали ўкув куролларини саклаш керак.

403. Синф ва ўкув хоналаридаги парталарнинг (столларнинг) сони, лойиҳалаш меъёрларида белгиланган сонидан ошмаслиги керак.

404. Ўкувчи ва талабалар билан илмий тадқиқотлар ўтказишида, енгил алангалаувчи ва ёнувчи суюкликлардан турмушда фойдаланишида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан машғулотлар (сухбатлар) ўтказилиши лозим.

405. Машғулотлар тугагандан сўнг ўкув хоналари, устахона ва лабораториялардан барча ёнгин ҳамда ёнгин-портлаш хавфи бўлган модда ва материалларни маҳсус жиҳозланган омборхоналарга олиб чиқиб жойлаштириш керак.

Ёнгин ҳамда ёнгин-портлаш хавфи бўлган модда ва материалларни маҳсус жиҳозланган омборхоналарда саклаш, ушбу модда ва материалларнинг физик-кимёвий, портлаш ва ёниш хусусиятиларига мувофик уларнинг бирхиллиги (ўхшашлиги) нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

406. Архив сакловхоналари металл шкафлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Ёниш хусусиятини пасайтирувчи бирикма билан ишлов берилган ёғоч шкафлардан фойдаланишига рухсат этилади. Ишлов берилган сана ва унинг амал қилиш муддатини кўрсатган ҳолда ушбу ишни бажарган ташкилотнинг тегишли далолатномаси рамийлаштирилиши керак. Архив хужжатларини сакловхонанинг полида саклашга йўл кўйилмайди.

407. Хужжатларни саклаш учун стеллаж, шкафлар ва бошқа жиҳозларни бинонинг ташки деворларига яқин масофада ҳамда иситиш асбоблари, электр ёриткичлар ва бошқа электр иситиш мосламаларидан 0,5 м дан яқин масофада жойлаштиришга йўл кўйилмайди.

30-боб. Маданий-маърифий, томоша ва спорт обьектларига кўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий қоидалар

408. Чет эл ташкилотлари билан гастроль, томошалар ва кўргазмаларни ташкил этиш юзасидан тузиладиган шартномаларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар белгиланиши шарт.

409. Музейлар ва расмлар галереялари учун кўргазма экспонатлари ва бошқа қимматбаҳо буюмларни эвакуация қилиш режалари, цирк ва ҳайвонот боғлари учун ҳайвонларни эвакуация қилиш режалари ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

410. Оммавий тадбирларни ўтказишидан олдин барча маданий-маърифий, томоша ва спорт обьектларининг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги белгиланган тартибда ташкил этиладиган оммавий тадбирларни ўтказишини назорат қилувчи комиссиясининг ишчи гурухлари томонидан текшириб чиқилиши шарт.

411. Томоша заллари ва трибуналардаги ўриндиқлар қаторлари бўйича бир-бирига уланган ва полга маҳкам ўрнатилган бўлиши керак.

Ложалардаги ўриндиқлар сони 12 тадан кўп бўлмаса ҳамда алоҳида чиқиш эшиклари бўлса, улардаги креслоларни (стулларни) маҳкамлаш шарт эмас.

Рақс кечалари ўтказишга мўлжалланган томоша залларида ўриндиқлар сони 200 тадан ортиқ бўлмаса, ўриндиқларни ҳар бир қаторда бири бирига ўзаро маҳкамланиши шарти билан полга маҳкамламасликка рухсат этилади.

412. Саҳнадаги ёғоч қурилмалар (декорацияларни маҳкамлаш ва кўтариш-тушириш учун саҳна тепасидаги панжаралар (колосник), осма кўприклар, ишчи галереялар ва шу кабилар), бинонинг чордоклари, ёнувчи декорациялар, саҳна ва кўргазма безаклари ҳамда томоша ва экспозиция заллари, фойе, буфет деворларига қопланадиган матоларга (драпировкага) ёниш хусусиятини пасайтирувчи бирикма билан ишлов берилиши лозим. Объектда ушбу ишлар қайси ташкилот томонидан, қачон бажарилганлиги (санаси) ва амал қилиш муддати кўрсатилган далолатнома бўлиши шарт.

413. Театр ва томоша муассасаларининг саҳна қисмида бир вақтнинг ўзида 2 тадан ортиқ бўлмаган спектаклга мўлжалланган декорация, саҳна жиҳозлари туришига рухсат берилади. Декорацияларни, бутафория, ёғочли дастгоҳлар ва бошқа мол-мulkни трюмларда, колоснида, ишчи майдонларда (галерея), зинапоялар майдончалари ва уларнинг остки қисмида ҳамда томошибинлар залининг остки қисмида жойлашган ертўлада саклаш тақиқланади.

414. Саҳна асари саҳнанинг атрофида кўйилганда 1 м кенглиқдаги йўлак қолдирилиши шарт. Коронғилаштирилган саҳна томошаларини кўйиш вақтида йўлакларнинг ёритилиши пол қисмидаги электр чироқлари орқали амалга оширилиши лозим.

Спектакль тугагандан сўнг барча декорация ва бутафориялар қисимларга бўлинниб, саҳнадан олиниши ва маҳсус омборхоналарда сакланиши керак. Декорация ва бутафорияларни саклаш омборларида кенглиги 1,5 м дан кам бўлмаган йўлаклар қолдирилиши керак.

415. Саҳнада чекиши, очик оловдан фойдаланиш (машъала, шам, қандил ва шу кабилар), ёйли прожекторлардан, мушаклар (фейерверк) ва бошқа турдаги оловли эффектлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

416. Саҳна юзасига ёнғинга қарши парданинг тушиш жойини кўрсатувчи қизил рангли чизиқ чизилган бўлиши керак. Саҳна жиҳозлари ва декорациялар ушбу чизиқдан чиқиб кетмаслиги лозим.

417. Спектакллар (репетициялар) тугагандан сўнг ёнғинга қарши парда тушириб кўйилиши керак. Ёнғинга қарши парда саҳна юзасига қумли затвор (эластик ёстиқча) ёрдамида зич ёпилиши керак. Кўтариб-туширувчи механизмининг тушириш тезлиги 0,2 м/с дан кам бўлмаган холда ишлашга тўғриланган бўлиши керак.

418. Қишки мавсумда тутун тортиш тизимининг клапанлари иссиқ ҳолда тутилиши керак ва ҳар 10 кунда бир марта текширилиб турилиши шарт. Текширув натижалари маҳсус журналда қайд этилиши лозим.

419. Пиротехника маҳсулотларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш маҳсус қоидалар талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Уларни қўлбола усулда тайёрлаш ҳамда томоша муассасаларида, хоналарда ва стадион трибуналарида, маданият ва истироҳат боғларида ва одамлар оммавий бўладиган бошқа обьектларда сақлаш тақиқланади.

420. Очик майдонда маҳсус оловли эффектларни ўтказиш зарурати туғилганда саҳналаштирувчи жавобгар шахс (бош режиссёр, бадий раҳбар) томонидан ёнгиннинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

421. Томошабинлар залларининг шифти ва деворларини акустик қопламалар билан жиҳозлаш учун оловдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ишлов берилмаган (шимирилмаган) ёнувчи материаллардан фойдаланиш тақиқланади.

422. Деворлар ва саҳна қисмининг зина катакларидаги ўтиш жойлари ўзи ёпиладиган мосламалар ўрнатилган ёнгинга чидамли эшиклар билан ҳимояланган бўлиши шарт.

423. Актёрларнинг спектаклларда фойдаланиладиган кийим-кечакларни сақлаш хоналаридаги кийим осиш мосламалари оралиғида эркин ҳаракатланиш учун оралик масофалар сақланиши лозим.

Кийим-кечакларни сақлаш хоналаридаги марказий ўтиш йўлаги 1,2 м дан кам бўлмаслиги лозим. Кийим қабул қиласидаган шахслар, кийимларнинг чўнтакларини текшириб, улардаги гугурт, ёндиригичлар ва шу кабиларни олиб қуишилари керак.

424. Елим эритиш ва қайнатиш ишлари, шу мақсадда ажратилган маҳсус жойларда, ёнмайдиган асосга ўрнатилган электр елим қайнатгичларда амалга оширилиши лозим.

425. Ёритиш қурилмаларини цирк гумбази остига жойлаштиришда уларни ёнувчан материаллардан тайёрланган конструкцияларга тегиши имкониятини истисно қилиш керак.

426. Ҳайвон ва паррандаларни сақлаш хоналарида (отхона, паррандахона ва бошқалар), кундалик таъминотдан ортиқча ем-хашак сақлаш тақиқланади.

427. Ҳайвонларга овқат тайёрлаш хоналари цирк хоналаридан ёнмайдиган материаллардан тайёрланган конструкциялар билан ажратилган бўлиши керак.

2-§. Оммавий тадбирларни ўтказишга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

428. Оммавий тадбир бошланишидан олдин обьект раҳбари тадбирни ўтказиш учун ёнгин хавфсизлиги бўйича масъул шахсларни тайинлаши ва қуидагиларни:

а) ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинганлиги бўйича тайёрлигини аниқлаш учун тадбирдан олдин хоналарни кўздан кечирилишини (эвакуация

чиқиш йўллари ва ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари етарли эканлигини, алоқа ва ёнгин автоматикаси воситаларининг созлигини);

б) саҳна ва томоша залларида масъул ходимлар навбатчилигини таъминлаши зарур.

429. Битта эвакуация чиқиш эшиги мавжуд бўлган хоналарда 50 нафардан кўп бўлмаган одамлар иштирокида тадбирлар ўтказишга рухсат этилади.

Оловга бардошлилиги IV ва V-даражали бўлган биноларда одамлар оммавий бўладиган (50 ва ундан ортиқ одамлар йигиладиган) тадбирлар фақат 1-қават хоналарида ўтказилишига рухсат этилади.

430. Янги йил байрамлари ва одамлар оммавий бўладиган бошқа тадбирларни ўтказиш ва ташкил этишда:

а) фақат шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига жавоб берадиган, эвакуация чиқиш жойлари иккитадан кам бўлмаган, шифти ёнувчи бўлган биноларнинг 2 қаватидан юкорида жойлашмаган ва деразаларига панжаралар ўрнатилмаган хоналардан фойдаланиш мумкин;

б) арча мустаҳкам таглиқка ўрнатилиши ва хонадан чиқиш йўлакларни тўсиб қўймаслиги лозим;

в) арча шохлари шифт ва деворлардан 1 т дан кам бўлмаган узокликда жойлашган бўлиши лозим;

г) хонада электр ёруғлиги бўлмаса, одамлар оммавий бўладиган тадбирлар куннинг ёруғ вактида ўтказилиши керак;

д) тадбирларда тегишли мувофиқлик сертификатига эга бўлган электр гирляндалар ва иллюминациялардан фойдаланиш мумкин;

е) иллюминацияларда носозликлар аниқланганда (электр симларнинг кизиши, чироқларнинг ўчиб ёниши, учқунлар чиқиши ва шу кабилар), улар зудлик билан электр кучланишдан узилиши лозим.

431. Одамлар оммавий бўладиган тадбирларни ўтказишда хоналарда куйидагилар тақиқланади:

а) ёйли прожекторлар, шамлар ва пакилдокларни ишлатиш, мушакбозлик қилиш ҳамда ёнгинга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ёнгин хавфи мавжуд ёритиш эфектларни уюштириш;

б) арчани цеплуюидли ўйинчоқлар ҳамда оловдан ҳимоя қилиш таркиби билан ишлов берилмаган (шимдирилмаган) дока ва пахта билан безатиш;

в) болаларга тез ёнувчи материаллардан тикилган кийимлар кийгизиш;

г) томошалар бошланишидан олдин ёки томоша вактида бўёқлаш, оловли ва бошқа ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд ишларни амалга ошириш;

д) хоналарни қоронғилантириш учун деразаларга сояблар ўрнатиш;

е) қаторлар оралиғидаги ўтиш жойларини торайтириш, у ерларга кўшимча стул, креслолар ва шу кабиларни ўрнатиш;

ж) спектакль ва томошалар давомида хонанинг электр ёруғлигини тўлиқ (батамом) ўчириш;

з) хоналарни белгиланган меъёрдан ортиқ одамлар билан тўлдиришга йўл кўйиш.

Тадбирлар ўтказилаётган вақтда саҳна ва томоша залларида масъул ходимларнинг навбатчилиги ташкил этилиши керак.

432. Одамлар оммавий бўладиган бинолардаги ходимлар, электр энергияси ўчиб қолганда фойдаланишлари учун электр фонарлар билан таъминланган бўлиши керак. Электр фонарлар сони раҳбар томонидан объектнинг хусусиятларидан, бинодаги одамлар сонидан, навбатчи ходимларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда электр фонарларнинг сони навбатчи ходимларнинг сонидан кам бўлмаслиги лозим.

433. Одамлар оммавий бўладиган объектларнинг 1-қаватида жойлашган хоналар дераза ва эшикларига темир панжаралар ўрнатиш тақиқланади.

31-боб. Даволаш муассасаларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

434. Шифохона раҳбари ҳар куни bemорларга жавоб бериш ва янгиларини қабул қилиш ишлари тугатилгандан сўнг шифохонанинг ҳар бир биносида мавжуд bemорларнинг ва тиббиёт ходимларининг сони тўғрисида туман (шаҳар) ёнғин-қутқарув бўлинмасига хабар бериши шарт.

435. Қишлоқ жойларда жойлашган даволаш муассасаларининг ҳар бир биноси биттадан нарвон билан таъминланиши лозим.

436. Ҳаракати чекланган bemорлар доимо бўладиган шифохоналар ва бошқа даволаш муассасаларининг бинолари, ҳар бешта bemорга (ногиронга) бир дона ҳисобида санитар замбиллари билан таъминланган бўлиши шарт. Шифохоналарда оғир bemорлар ва болалар учун мўлжалланган хоналарни бинонинг пастки қаватларида жойлаштириш керак.

437. Bemорлар хоналаридаги каравотлар ўртасидаги оралиқ масофа 0,8 м дан кам бўлмаслиги, марказий (асосий) йўлакнинг кенглиги эса 1,2 м дан кам бўлмаслиги шарт. Стуллар, тумбочка ва бошқа мебеллар эвакуация йўлларини ва эшикларини тўсиб қўймаслиги керак.

438. Bemорлар хоналарига (палата) кислород бериш, коида тариқасида, марказлашган ҳолда алоҳида ўрнатилган баллонлар курилмаси (баллонлар сони 10 тадан ортиқ бўлмаган) орқали ёки марказий кислород таянч масканидан (баллонлар сони 10 тадан ортиқ бўлса) амалга оширилиши керак.

Марказлашган ҳолда кислород билан таъминлаш йўлга қўйилмаган бўлса, кислород ёстиқчалардан фойдаланиш тартиби муассаса раҳбарининг буйруғи билан белгиланади.

Бир дона кислород баллонини муассаса биносининг оловга бардошли ташки девори олдида ёнмайдиган шкаф ичидаги ўрнатишга рухсат этилади.

439. Даволаш муассасаларида қўйидагилар тақиқланади:

а) bemорлар хоналари жойлашган корпусларда даволаш жараёни билан боғлиқ бўлмаган (лойиҳалаш меъёрларида белгилангандаридан ташкари) бошқа хоналарни жойлаштириш;

- б) йўлакларда, холл ва бошқа эвакуация йўлларида каравотлар ўрнатиш;
- в) bemорлар ва тиббиёт ходимлари бўладиган хоналарнинг деразаларига металл панжаралар ўрнатиш;
- г) ёғочли деворлар ва шифтларга гулқоғоз ёпиштириш ва уларни ёнувчи нитро ёки мойли бўёқлар билан бўяш;
- д) хоналарни пардозлаш учун ёнганда заҳарли моддалар чиқарадиган материаллардан фойдаланиш;
- е) кислород баллонларини даволаш муассасаларининг бинолари ичига ўрнатиш ва улардан фойдаланиш;
- ж) bemорлар хоналарига кислород юбориш учун резина ва пластмасса кувурлардан (шлангдан) фойдаланиш;
- з) носоз даволаш электр жиҳозларидан фойдаланиш;
- и) иситиш печларининг ўт ёқиши эшикларини bemорлар хонасига ўрнатиш;
- к) даволаш муассасаларининг ертўла ва цоколь қаватларида устахона ва омборхоналарни жойлаштириш.

440. Сув қайнатгич, сув иситгич ва титанлар ўрнатиш, тиббиёт асбобларини стерилизация қилиш ҳамда парафин ва озокеритларни эритиш (иситиш, қиздириш) ишлари фақат шу мақсад учун ажратилган хоналарда амалга оширилишига рухсат берилади. Тиббиёт асбобларини қайнатиш учун ёпик спиралли стерилизаторлардан фойдаланиш керак. Ушбу мақсадда керогаз, керосин лампалари ва примуслардан фойдаланиш тақиқланади.

441. Лабораториялар, бўлимлар, шифокорлар хоналарида дори воситалари ва реактивларни (спирт, эфир ва шу каби бошқа енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни) ёпиладиган махсус металл шкафларда умумий миқдори 3 kg дан кўп бўлмаган ҳамда ўзаро бири-бири билан сақлаш мумкинлигини инобатга олган ҳолда сақлашга рухсат этилади.

442. Печ ёрдамида иситиладиган ёғочли биноларга 25 нафардан ортиқ bemорлар ва болаларни жойлаштириш тақиқланади.

443. Ҳажми 300 kg дан ортиқ бўлган рентген плёнкаларини сақлаш хоналари алоҳида турган биноларда жойлаштирилиши керак, ҳажми 300 kg дан кам бўлган ҳолда 1-турдаги ёнғинга қарши девор ва ораёпмалари билан тўсиб ажратилган сакловхоналарда сақлашга рухсат этилади. Рентген плёнкаларини сақлаш архив сакловхоналаридан қўшни биноларгача бўлган масофа 15 m дан кам бўлмаслиги керак.

444. Архив сакловхонасининг битта бўлимида (секциясида) 500 кг дан ортиқ бўлмаган рентген плёнкасини сақлашга рухсат этилади. Ҳар бир бўлим (секция) ўзининг тортувчи шамоллатиш тизими билан жиҳозланган бўлиши зарур. Секция эшиклари фақат ташқарига очилиши керак. Архив сакловхоналаридаги деразалар майдонининг пол майдонига нисбати 1:8 дан кам бўлмаслиги керак.

445. Архив сақловхоналарини иситиш тизими марказлаштирилган бўлиши керак. Уларни иситиш учун буғли иситиш тизими, темир печлар ва вақтингачалик темир кувурли печлардан фойдаланиш тақиқланади.

446. Архив сақловхоналарида электр қутилар, ўчириш мосламалари, электр қўнғироқлар ва штепсел улагичлар (электр асбоб, розетка) ўрнатиш тақиқланади. Ишдан ташқари вақтда архив сақловхоналаридаги электр тармоғи электр манбаидан ўчирилган бўлиши шарт.

447. Рентген плёнкаларини 4 kg гача бўлган миқдорда архив сақловхонасидан ташқарида жойлашган темир шкафларда (кутиларда) ва ушбу шкафларни иситиш асбобларидан 1 m узоқликда жойлаштирилган ҳолда сақлашга рухсат этилади. Бундай шкафлар ўрнатилган хоналарда чекиш ва барча турдаги иситиш асбобларидан фойдаланиш тақиқланади.

448. Рентген плёнкаларини сақлаш архив сақловхоналари металл (асбест устидан темир туника билан ўралган ёғоч) стеллажлар ёки чукурлиги ва узунлиги 50 см дан ортиқ бўлмаган бўлимларга бўлинган шкафлар билан жиҳозланади. Шкафлардан девор, дераза, шифт ва полгача бўлган масофа 0,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

449. Физиотерапия бўлимлари ва хоналарида полни қоплаш ҳамда даволаш хоналари учун пардалар тайёрлашда статик электрни ҳосил қиласидан ва тўплайдиган синтетик материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

450. Тиббий чўмилиш бассейнларида сувни заарсизлантириш мақсадида ишлатиладиган хлор захирасини сақлаш учун хлорнинг истеъмол омбори билан таъминлаш керак. Ертўлага ёки бинога туташган ер сатҳи даражасидан паст бўлган бошқа хонага хлорлаш курилмасини ва хлорни сақлаш омбориши жойлаштириш тақиқланади.

Хлорлаш курилмаси ва хлорни сақлаш омборлари жойлаштирилган хоналарда ёнувчи материалларни сақлашга рухсат этилмайди.

32-боб. Телевидение ва радиоэшиттириш объектларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

1-§. Телевизион студияларга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

451. Кўрсатув ва унга тайёргарлик кўриш (репетиция) вақтида ёнфинга қарши режимга риоя қилинишини назорат қилиш учун студия ва аппарат хоналари бўйича жавобгар шахслар тайинланиши керак.

452. Телевизион студияларни акустик қопламалари билан қоплаш учун овоз ютувчи ёнмайдиган ёки қийин ёнувчи материал ва конструкциялардан фойдаланиш керак. Акустика конструкцияларини мустаҳкамлаш ва ўрнатиш учун асослар ёнмайдиган ёки қийин ёнувчи материалдан ишланган бўлиши керак.

453. Павильонларда чекиш, очик оловдан (машъала, шам, канделябр ва бошқалардан) фойдаланиш, ёйли прожекторлар ишлатиш ҳамда ўқ отиш, фейрверк ва оловли эффектлар ташкил этиш қатъиян тақиқланади. Суратга

олиш жараёнида оловли эффектлардан фойдаланишга зарурат туғилса, яъни ўқ отиш ва портлаш ҳолатларини имитация қилиш ёнгин хавфсизлигига тўлиқ кафолат берувчи маҳсус ускуналар ёрдамида ҳамда ёнгиндан саклаш хизмати вакилларининг кузатувида амалга оширилиши керак.

Актёрларнинг сигарета чекиши лозим бўлган саҳналари аппарат студия комплексининг навбатчи муҳандиси билан келишилган ҳолда олиб борилиши лозим.

454. Телевизион студияларда ишлатиладиган барча ёнувчи декорациялар ва пардозлаш материалларига оловдан ҳимоя қилувчи таркиб билан ишлов берилиши (шимдирилиши) керак.

Объект раҳбарида эса ушбу ишларни ким томонидан, қачон бажарилганлиги (санаси) ва амал қилиш муддати кўрсатилган далолатнома бўлиши шарт.

455. Павильонларда декорацияларни саклаш жойларига аниқ белгилар кўйилган бўлиши керак. Бошқа декорациялар маҳсус омборхоналарда (сейф ва бошқаларда) сакланиши керак. Кўрсатувлар тугагач студиядан ортиқча бўлган декорациялар олиб ташланиши зарур.

456. Электр шчитлар атрофида ҳар хил буюмларни жойлаштириш тақиқланади.

457. Осма ва қия ҳамда пастки ёруғлик агрегатларининг ёриткичлари металл ёки шиша тўрли ҳимоя қалпоқлари билан ҳимояланган бўлиши шарт.

458. Электр тақсимловчи шчитларга, алоқа воситаларига, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларига ва ускуналарига бориш ва ўтиш йўлаклари ҳамда чиқиши жойларини тўсиб кўйиш қатъиян ман этилади.

459. Декорацияларни қуриш ва ўрнатишида эркин ҳаракатланадиган йўлак тўсиб кўйилишига йўл кўйилмайди. Алоҳида декорациялар орасидаги ёки декорация ва девор орасидаги эркин ҳаракатланадиган йўлакнинг кенглиги 1,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

460. Павильонларда декорацияларни ўрнатиш деворлар ва электр тақсимлаш мосламаларидан 1,5 м дан кам бўлмаган масофа қолдириб ўрнатилади. Дарвозалар қаршисида ва улардан ҳар томонга 3 м дан кам бўлмаган йўлак қолдирилиши шарт.

461. Ёритиш ускуналари шифт, балкон ва бошқаларнинг остида жойлаштирилганда ускунанинг устки қисмидан шифтгача ҳамда декорация, балкон ва бошқаларнинг энг яқин ён тарафларигача бўлган масофа ёйли ёриткичлар учун 0,8 м ва чўғланма лампали ёриткичлар учун 0,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

462. Электр ёритиш ускуналарини ўрнатиш учун осма ҳавоза, тахтасупа ва бошқа мосламалар мустаҳкам материаллардан ишланган бўлиши ва ускуналарнинг тушиб кетиш эҳтимолини олдини олишга қаратилган мосламалар билан таъминланган бўлиш керак.

463. Одамлар ўтадиган ва оғир юкларни олиб ўтиш йўлакларининг пол қисмидан ўтказилган (ётқизилган) электр сим ва кабеллар оловдан ҳимоя

қилиш таркиби билан ишлов берилган ёғочли ўтиш кўприклари билан ҳимояланиши керак.

464. Кўчма ёриткичлар корпусларининг ҳимоя даражаси ҳар куни иш бошланишидан олдин текширилиши ва ҳимоя даражаси сусайган ёриткичлар зудлик билан алмаштирилиши зарур.

465. Лампалар ва ёритқичлардан чиқаётган иссиқликни пасайтириш учун табиий шамоллатиш ташкил этилиши зарур. Лампалар бошқа буюмларга тегиб кетишидан ва зарбадан ҳимояланиши лозим. Шишиси қорайиб қолган ва шишиб чиқсан лампалар зудлик билан алмаштирилиши керак.

466. Телестудияларда куйидаги умумий мажбурий талабларни бажариш зарур:

а) саҳналаштиришга алоқаси бўлмаган шахсларнинг иштирок этишларига йўл кўймаслик;

б) очик турдаги ток тақсимлаш шчитлари ва саклагичларни ўрнатмаслик;

в) прожекторларнинг нурларини фильтр қилиш сифатида цеплофан ва бошқа ёнувчи материаллардан фойдаланмаслик, ёнмайдиган материаллардан ишланган рангли фильтрлар металл қисқичлари ёрдамида мустаҳкам қотирилган бўлиши керак;

г) вақтинча ўтказилган электр симлардан фойдаланмаслик;

д) иш вақти тугагандан сўнг электр ёриткичлар ва электр тармокларини кучланиш остида қолдирмаслик;

е) маъмуриятни хабардор қилмасдан таъмирлаш ишларини олиб бориш.

Ушбу талаблар бажарилишини кўрсатувлар давомида, ёзиш ёки репетициялар вақтида назорат қилиш телестудия режиссёрига, у йўқлигига эса тегишли бўлинманинг навбатчи смена бошлиғига юклатилади.

467. Телевизион кўрсатувларнинг саҳналарини жиҳозлаш учун ҳар хил турдаги электр асбоб-ускуналардан (моторлар, вентиляторлар, электр сиреналари, пасайтирувчи трансформаторлари мавжуд электр қўнфироқлар ва бошқалардан) электр хавфсизлиги учун масъул ходим томонидан кўрикдан ўтказилгандан сўнг фойдаланишга рухсат этилади.

2-§. Телевизион аппарат хоналарига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

468. Телемарказларнинг аппарат студия комплекси йўлакларида ва кўп ишлайдиган кабель коммуникацияларида кабеллар қопқоғи очиладиган маҳсус ариқчаларда жойлаштирилади. Олинадиган поллардаги ариқчалар, қопқоқлар ва металл устунларнинг барча темир қисмлари ерга уланган бўлиши керак. Кам ишлатиладиган кабеллар учун кувурлар тўплами ишлатилиши мумкин, бунда тўпламни текшириш туйнукчалари бўлиши ва электр ускуналарининг тузилиши қоидалари талабларига тўлиқ риоя этилиши керак.

Кабель каналлари ва олинадиган полларга қуидаги талаблар қўйилади:

кабель каналларнинг ҳамда олинадиган полнинг ости чукурлиги 15 см дан кам бўлмаслиги керак (ва тоза сақланиши шарт);

кабель каналлари ёнмайдиган материаллардан, уларнинг копқоклари ва олинадиган поллар ёнмайдиган ва қийин ёнувчи материаллардан ишланиши керак.

469. Телевизион аппарат хоналарида ишлаш вактида корпуслари ерга уланмаган жиҳозлардан фойдаланиш тақиқланади.

3-§. Ёруғликни тартибга солиш станциялари, автотрансформатор хоналарига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

470. Ишга туширувчи мосламаларда “ишга тушириш” ва “иш” ҳолатини қўрсатувчи белгилар қўйилган бўлиши керак. Контактли ўчиргичлар, магнитли қўшгичлар, рубилниклар ва бошқалар ҳамда гурухли шчитларда ўрнатилган сақлагичларда қайси ёритиш асбобларига қарашли эканлиги ҳақида белги қўйилиши керак. Барча бошқарув калитлари, тугмалари ва дастакларида (рукояткаларида), улар бажарадиган вазифаларни қўрсатувчи (“ўчириш”, “ёкиш” ва бошқа) ёзувлар бўлиши керак.

471. Пультлар ва бошқа асбобларнинг корпуслари ишончли тарзда ерга уланган бўлиши керак.

4-§. Телекинопроекцион аппаратхоналар ва кино қўриш залларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

472. Киноаппарат хоналарида аппаратлардан фойдаланиш ҳужжатларини, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги бўйича йўрикномаларни ойнали рамкада деворга осиб қўйиш мумкин.

473. Ёруғлик манбаи сифатида ионли лампа ишлатиладиган ҳар бир кинопроекторнинг фонари устига алоҳида ҳаво сўриш мосламаси ўрнатилиши лозим. Ушбу ҳаво сўриш мосламасини бинонинг умумий шамоллатиш тизимига улаш тақиқланади.

474. Барча кинопроекцион хоналарнинг томоша туйнуклари, пардалари автоматик равишда тушувчи ёки қўлда бошқариладиган ойнали заслонкалар билан таъминланиши керак.

475. Ертўлаларда томоша залларини жойлаштириш тақиқланади.

476. Чўғланиш лампали кинопроекторлар билан жиҳозланган кино курилмаларида тасмани айлантириб ўраш мосламаси, аппаратура ва жиҳозлардан иборат 1 та киноаппарат жойлаштирилиши мумкин.

5-§. Видеоёзиш блокига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

477. Видеоёзиш аппаратлари хонасида ҳар бир видеомагнитафонга 10 тадан кўп бўлмаган видеотасмали кассеталар сақланиши мумкин. Видеотасмалар шкаф ёки ёнмайдиган стеллажларда, ишлаб чиқарувчининг филофларида сақланиши лозим (пластмассали кассеталарда).

478. Аппаратлар хонасида кийим-кечак ва захира ускуналарни сақлаш тақиқланади.

479. Видеоёзиш аппаратлари хонасидаги ҳавонинг ҳарорати ва намлигини бир маромда сақлаш тизими ёнғин содир бўлган пайтда автоматик равишда ўчириш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

480. Магнит видеотасмалар (видеотека) алоҳида ажратилган, ёнмайдиган шкаф ва стеллажлар билан таъминланган хоналарда сақланиши керак.

481. Ҳар чоракда бир марта видеомагнитафонларнинг барча блоклари, шунингдек, кабель каналлари ва пол оралиғидаги бўшликлар ҳаво пуфлаш йўли билан чангдан тозаланиши лозим.

482. Videomagnitafonlarning vakuum насослари фильтрлари алоҳида портлашдан ҳимояланган қилиб бажарилган ҳаво тортиш ва ҳаво бериш мосламалари ўрнатилган хоналарда бензин билан ювилади.

483. Видеоёзиш цехи (бўлими) бошлиғи енгил алганланувчи ва ёнувчи суюқликлардан фойдаланиш билан боғлик профилактик ишларни бошлашдан олдин цех ишчиларига йўл-йўриқ бериши ва ишга шахсан ўзи раҳбарлик қилиши лозим.

484. Видеоёзиш аппаратлари хоналиги автоматик ёнғин сигнализацияси ўрнатилган бўлиши керак.

485. Видеоёзиш блокларида кабелларни ўтказиш (ётқизиш), ушбу Қоидаларнинг 463-бандида телевизион студиялари учун белгиланган талаблар асосида полдаги ариқчаларда (каналларда) бажарилади.

6-§. Телевидение ва радионинг ҳаракатланувчи техник воситаларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

486. Радио ва телевидениенинг ҳаракатланувчи техник воситалари (автозвукопередвижка, ҳаракатланувчи электростанциялар ва бошқалар) камида иккита углекислотали ўт ўчиригичлар билан таъминланади, шулардан биттаси ҳайдовчи кабинасида, иккинчиси ускуналар турган салон қисмida ўрнатилади.

487. Телекўрсатув, видеоёзиш ва радиоэшиттиришларни олиб бориш учун ҳаракатланувчи техник воситалар объект ёнига ўрнатилганда қўйидагиларни:

а) ҳаракатланувчи техник воситаларни (автобусларни) жойлаштиришда, уларнинг ёнғин содир бўлганда хавфли худуддан (зонадан) ортиқча манёврларсиз чиқиб кетиш шароитларини;

б) автобусни ўт олдириш тизими ўчирилган ҳолда ишончли кўл тормозига қўйиш ва ғилдираклар тагига тиргаклар (башмаклар) ўрнатилишини;

в) кучланиш электр тармоғи автобуснинг электр тақсимлаш шчитига ишончли уланишини ҳамда уланиш жойларининг (контакт) қизимаслиги ва учқун чиқармаслигинин таъминланиш лозим.

488. Ҳаракатланувчи техник воситаларни электр тармоғига улаш ишлари, электр тақсимлаш курилмалари жойлашган корхонанинг электр тармоғига хизмат кўрсатувчи ходими (электриги) томонидан амалга оширилиши лозим.

Кучланиш электр тармоғига ҳаракатланувчи техник воситалар уланганидан сўнг уларга ёнилғи ва мой маҳсулотларини қўйиш тақиқланади.

489. Автобус йўлга чиқишидан олдин унинг техник ҳолати обьектнинг автотранспорт воситаларининг техник ҳолатига жавобгар шахс томонидан кўриқдан ўтказилиши ва бу ҳақида йўл варақасига белги қўйилиши лозим.

490. Автобуснинг ёнилғи ва газ тизими уланиш жойларидан бензин, мой, антифриз оқиши (томиши) кузатилганда, электр симларнинг ва ускуналарнинг ҳимоя қобиқлари шикастланганда, электр симларда ва улаш мосламаларида учкун чиқиш ҳолатлари мавжудлигига унинг йўлга чиқиши қатъиян тақиқланади.

491. Ҳаракат ва ишлаш вақтида ёнгин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида қуидагилар тақиқланади:

а) двигатель ва унинг картерида мой ва ёнилғи билан аралашган кирларнинг йиғилиши;

б) мой ва ёнилғи теккан мато ва бошқа артиш учун ишлатиладиган воситаларни автобус ҳайдовчиси кабинасида ва салонида қолдириш;

в) двигательни ўт олдириш учун карбюраторга ёнилғи қуийш;

г) автобус салонида ва двигателни ёнилғи билан таъминлаш тизими яқинида сигарета чекиш;

д) енгил алангаланувчи суюқликлар ва бошқа ёнувчи материалларни автобус салонида ташиш;

е) ускуналарнинг носозлигини тузатиш ва аниқлашда очик оловдан фойдаланиш.

33-боб. Ҳаммомларга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

492. Буғ хонасида тошли печ ёнмайдиган материаллар асосида ўрнатилиши керак.

493. Ҳаммомларда қуидагилар тақиқланади:

а) тошли печнинг электр тармоғига уланган электр иситгичини назоратсиз қолдириш;

б) кўлбода ясалган иссиқлик электр иситгичларини ўрнатиш;

в) ўчиқ ёки носоз терморегуляторли тошли печдан фойдаланиш;

д) очик оловдан фойдаланиш.

494. Буғ хонаси автоматик тарзда ҳимояловчи ва 8 соатлик узлуксиз ишлагандан сўнг тўлиқ совитилгунга қадар ўчирувчи ҳамда буғ хонасидаги ҳарорат 110°C га етганда автоматик тарзда ўчирадиган ҳимоя воситасига эга электрда ишлайдиган тошли печ билан жиҳозланган бўлиши керак.

Тошли печнинг қуввати буғ хонасининг ҳажмига мос келиши керак (ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ).

Қаттиқ ёқилғида ишлайдиган буғли печларни ишлатишда иситиш печларига қўйилган ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш керак. Бундай ҳолатда ўт қалаш жойи буғ хонасидан ташқарида жойлашган бўлиши керак.

495. Буғ хонасини безашда баргли дараҳтлар ёғочидан фойдаланиш керак.

496. Тошли печ ўрнатилган жойдаги буғ хонасининг деворлари полдан камида 1,4 м баландликда ёнмайдиган материаллар (ғишт, тош, сопол плиткалар ва бошқа шу каби материаллар) билан ишланган бўлиши керак. Бунда тошли печнинг ўт қалаш эшиги тепасидан ёнмайдиган материаллар билан қопланган жойнинг юқорисигача бўлган масофа камида 250 mm бўлиши керак. Ўт қалаш эшигидан қарама-қарши деворгача бўлган масофа 0,7 m дан кам бўлмаслиги керак.

497. Тошли печнинг юқори қисмидаги шифт остига ёнмайдиган иссиқликни тутувчи қалкон ўрнатилиши керак. Қалконнинг ўлчами камида 1,2 x 1,2 m бўлиши керак. Қалкон ва шифт орасидаги масофа камида 0,05 m бўлиши керак.

498. Буғ хонанинг эшиги хонадан ташқарига чиқиш томонга очилиши лозим.

499. Буғ хонадаги эшик ва полнинг орасида 0,03 m дан кам бўлмаган бўшлиқ бўлишини таъминлаш керак.

34-боб. Ибодатхоналарнинг бино ва иншоотларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

500. Шамдонлар, лампалар ва очик оловли бошқа қурилмалар ёнмайдиган асосларга ўрнатилиши керак. Улар қулаб тушишининг олдини олиш учун полга ишончли қотирилиши керак.

501. Ёнувчи суюқликлар (лампад, лампалар ва бошқалар учун) металл шкафларда сақланиши лозим. Хонада 5 L гача ёнувчи суюқликларни сақлашга рухсат этилади.

502. Лампад ва лампаларга ёнувчи суюқликларни қуиши ёнмайдиган материалдан тайёрланган идиш устида синмайдиган ёпиқ идиш орқали амалга оширилиши керак.

Лампад ва лампаларга ёнувчи суюқликларни тўлдириш фақат очик алнга бўлмаганда, электр иситиши мосламалари ёкик бўлганда эса – улардан камида 1 m масофада амалга оширилиши керак.

503. Намозхонадаги лампад ва лампаларни тўлдириш учун ёнувчи суюқликлар захираси синмайдиган ва зич ёпиладиган идишда сақланиши керак ва унинг миқдори кунлик талабдан кўп бўлмаслиги керак.

504. Ибодатхона иншоотларида ташриф буюрувчилар томонидан маросим ўtkазилаётганда ҳар қандай ёнғин хавфи мавжуд бўлган ишларни амалга ошириш тақиқланади.

35-боб. Қишлоқ хўжалиги обьектларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

1-§. Қайта ишлаш обьектларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

505. Элеваторларда куйидагилар тақиқланади:

- а) битта силосда (бункерда) турли маҳсулотларни биргаликда сақлаш;
- б) ишлаб чиқариш хоналарида жойлашган бункер ва силосларда аспирацион чиқиндилар ва саноат чангларини йиғиш ва сақлаш.

506. Шоли, тариқ ва гречиха пўчоқлари дон заводининг икки кун ишлаши учун сифимга эга бункер типидаги омборларда сақланиши керак. Пўчоқларни очик жойларда ва айвонлар остида сақлаш тақиқланади.

507. Шрот ва кунжараларнинг ҳарорати 35°C дан юқори бўлганда, улардаги намликтининг масса улуши ва эритувчининг қолдиқ микдори технологик йўриқномаларда белгилангандан ортиқ бўлганда уларни омборхоналарга жойлаштириш тақиқланади. Сақланаётган шрот ва кунжараларнинг ҳарорати ҳар куни ўлчаб турилиши керак.

Ўз-ўзидан ёниш ҳолатларининг олдини олиш учун шрот, кунжара ва бошқа унли хомашёларни вақти-вақти билан эгаллаб турган сифимлардан бўшларига кўчириб туриш керак. Ушбу ишларни бункер ва силосларда узлуксиз сақлашнинг рухсат этилган муддатлари асосида ишлаб чиқилган жадвалларга мувофиқ амалга ошириш лозим.

508. Суюқ ёнилғида ишлайдиган бўр ва тузларни қуритиш курилмаларида ёнилғи баки қуритиш ва ишлаб чиқариш хоналарининг ташқи томонига ўрнатилиши керак.

509. Ўт қалаш жойи мавжуд бўлган қуритиш курилмалари жойлашган хоналарда бегона материаллар, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни ҳамда қаттиқ ёқилғиларни (бир марта тўлдириш учун зарур бўлган микдордан ортиқ бўлмаган) сақлаш тақиқланади.

510. Қуритиш курилмаларида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларнинг сизиб чиқиши аниқланганда курилма дарҳол тўхтатилиши керак. Қуритиш курилмаси ишлаши вақтида аниқланган носозликларни бартараф этиш тақиқланади.

511. Ун ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг соябон ва сўрувчи қувурларининг ички юзасидаги ёнувчан чиқиндиларни тегишли далолатномалар тузган ҳолда мунтазам (ярим йилда камида бир марта) тозалаб туриш керак.

512. Суюқ ёнилғида ишлайдиган нон пишириш печлари ва қовуриш барабанларида ёнилгини узатиш ва ўт олдириш тизимлари блокировкаланадиган бўлиши керак. Қувурлар, сальник ва жўмракларнинг уланган жойларидан ёнилгининг сизиб чиқишига йўл қўйилмайди.

513. Макарон ва ун ишлаб чиқариш корхоналарида куйидагилар тақиқланади:

а) пишириш камерасида ушоқ ва нон маҳсулотлари тўпланиб қолиши (тўпланган ушоқлар металл идишларга йиғиб олиниши ва мунтазам равишда тозалаб турилиши керак);

б) унни бошқа ёнувчи материаллар билан бирга сақлаш (ун чиқиндилари ва бўш қоплар алоҳида хоналарда сақланиши керак).

514. Қандолат маҳсулотлари жойланган кутилар тахланишида уларнинг баландлиги 3,5 м дан ошмаслиги керак.

515. Дон қуритиш қурилмаларининг ёнилғи тизими улагичлари ва арматуралари заводда ишлаб чиқарилган бўлиши ҳамда ёнилғининг оқиб чиқишига йўл кўймаслиги керак. Ер устидаги ёнилғи сақлаш сифими ерга уланган бўлиши керак.

516. Дон қуритиш қурилмаларининг хоналари бир смена давомида камида икки марта тозаланиб турилиши лозим, уларда енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда бошқа ёнувчи материалларни сақлаш тақиқланади. Йиғилган чиқинди ва чангларни хоналардан ташқарида маҳсус ташкил этилан жойларга чиқариб ташлаш керак.

517. Қуритиш қурилмаси ишлаши пайтида чиқариш механизмларининг созлигини доимий равишда кузатиб бориш ва уларнинг тиқилиб қолишига йўл кўймаслик керак. Донни узлуксиз чиқариб турадиган қуритгичларда қуритиш агентини қуритиш камерасига етказиб беришни тўхтатмасдан унинг чиқарилишини кечиктириш тақиқланади.

518. Қуритгич куну тун ишлаганда ҳар 10 кунда камида бир марта унинг шахталари ичидаги дондан бўшатиб тозаланиши, ҳаво тақсимлаш қурилмалари, чиқарувчи механизмлари, қуритгич ва ўт қалаш жойининг бошқа ускуналари кўздан кечирилиши керак. Кўздан кечиришда аниқланган камчиликлар бартараф этилиши керак.

519. Дон қуритиш қурилмаларини ёниш жараёнини, қуритиш агентининг ҳароратини, донни қиздириш ва сатҳини ўлчаш датчикларини назорат қилувчи автоматика тизимисиз ишлатиш ҳамда ишлаб турган ўт қалаш жойини назоратсиз қолдириш тақиқланади.

Машъала ўчиб қолганда қайта ёқишидан олдин ўт қалаш жойи 5 min давомида шамоллатилиши керак. Печда ёқилғи ёки газ буғлари тўпланишига йўл кўйилмайди.

520. Дон қуритиш қурилмаларининг технологик эҳтиёжлари учун енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликларининг сақлаш сифимларидан фойдаланишда куйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

а) обьектнинг бинолари (иншоотлари) конструкциялари (орқали) ёнилғи қувурларининг транзит ўтказилишига йўл кўймаслик;

б) фақат герметик бўлган сифимлардан фойдаланиш, агар сизиб чиқиш аниқланса, сифим бўшатилиши ва таъмирланиши керак;

в) сифимларни ёнилғи билан тұлдиришда махсус насослар ёки ёнилғи күйиш мосламаларидан фойдаланиш. Бунда очық идишлардан фойдаланиш тақиқланади;

д) ёнилғининг түкилиб кетишига йўл қўймаслик;

е) ёнилғи узатиш қувурлари учун камида иккитадан ёпувчи жўмраклар бўлиши (сифим ва қуритиш хоналарида).

521. Суюқ ва газсимон ёнилғиларда ишловчи қуритиш агрегатларини ўт олдириш фақат электр ўт олдириш тизими орқали бажарилиши керак. Бунда машъалалардан фойдаланиш тақиқланади.

522. Аспирацион ва пневмотранспорт тизимларнинг циклонларини дон қуритиш хоналари ва қозонхоналарнинг мўриконларига қаратилган ҳолда бино деворига жойлаштириш ман этилади.

523. Соатига 12 t дан ортиқ ишлаб чиқариш қувватига эга дон қуритиш мажмуалари қуритиш зонасидаги ёнғин ўчоқларини автоматик аниқловчи, ёнғин тўғрисида хабар берувчи овозли ва нурли сигнализациялар, иссиқлик оқимидағи учқунларни ушловчи учқун ушлагичлар ҳамда қуритиш зонасидаги алангани ўчириш учун сув узатувчи комплекс ҳимоя тизимли курилмалар билан таъминланган бўлиши керак.

524. Қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иссиқлик генераторлари билан жиҳозланган дон қуритиш мажмуаларини ўрнатиш ва ишлатишда куйидаги талаблар бажарилиши керак:

а) қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иссиқлик генераторларининг ўт қалаш жойлари уларнинг зич ёпилишига тўсқинлик қилувчи деформацияга учрамаган бўлиши керак;

б) иссиқлик генераторларининг дудбуронлари учқун сўндиригичлар билан жиҳозланган бўлиши керак;

в) ўлчамлари иссиқлик генераторининг ўт қалаш жойидан катта бўлган қаттиқ ёқилғидан фойдаланишга йўл қўйилмайди;

г) дудбуронларни курумдан тозалашни иссиқлик генераторини ишга туширишдан олдин, мавсумий консервациядан сўнг ва фойдаланиш даврида бир ойда камида бир марта амалга оширилиши керак;

д) иссиқлик генераторига туташ худудни ёнувчи чиқиндилардан ва иссиқлик генераторларининг учқун ушловчи мосламаларини ҳар сменада камида бир марта тозалаш лозим. Электрдвигателлар, ёриткичлар ва кабеллар ҳафтасига камида бир марта ёнувчи чанглардан тозаланиши керак;

е) кул, шлак ва кўмири махсус белгиланган жойларга чиқариб ташлаш керак. Бундай тўплаш жойларини бинолардан (иншоотлардан) 15 m дан ва дон қуритиш конструкцияларидан 30 m дан кам бўлган масофада жойлаштириш мумкин эмас;

ж) дон қуритигичнинг ишлаш жараёнида оператор иссиқлик генераторининг ишлашини доимий кузатиб бориши керак;

3) иссиқлик генераторида ёқилғини ёқиши учун енгил алангаланувчи суюқликлардан фойдаланишга йўл кўйилмайди;

и) иссиқлик генератори учун ёқилғи маҳсулотлари техник ҳужжатларда кўрсатилган физик-кимёвий хусусиятларга мос келиши керак.

525. Дон ёниши аниқланганда, зудлик билан агрегатни тўхтатиш, донни совитиш учун тушириш ва ёнган излари бўлган жойларни олиб ташлаш керак.

526. Қаттиқ ёқилғини тахлашда қуидагилар бажарилиши лозим:

а) тахлаш учун фақат қатъий белгиланган майдонлардан фойдаланиш. Куритгич яқинида қаттиқ ёқилғи захирасини сақлашда унинг миқдори бир мартада юкландиган ҳажмдан ошмаслиги керак;

б) ёнгин ўчириш техникаси ўтиши учун талаб этиладиган ёнгинга қарши оралиқларига риоя қилиш;

в) қаттиқ ёқилғини ўт қалаш жойидан 3 м дан яқин сақлашга йўл кўйилмайди.

527. Қуидаги ҳолатларда қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иссиқлик генераторларидан фойдаланиш тақиқланади:

а) иссиқликни алмаштириб берувчи курилмасисиз;

б) тегишли ҳужжатларсиз қайта жиҳозланганда;

в) иссиқликни алмаштириб берувчи курилманинг деворларида шикастланиш (тешиклар) мавжуд бўлганда.

528. Ёнгин аломатлари аниқланганда ўт қалаш жойига ёқилғи беришни тўхтатиш ва қуритиш камерасига қуритурви агентни етказиб берувчи вентиляторни электр манбадан ўчириш, зудлик билан ёнгин-қутқарув бўлинмасига ёнгин ҳақида хабар бериш ва ёнгинни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

529. Мойли ўсимликларнинг ертўла ва ярим ертўла омборлари, мойли ўсимликларни ташиш учун мўлжалланган галереялар ва туннеллар механик шамоллатиш ва ёритиш тизимлари билан жиҳозланиши керак. Чукурлиги 0,5 м дан ортиқ бўлган мойли ўсимликларни ташиш учун ўрнатилган курилмалар жойлашган чукурчалар механик шамоллатиш тизими билан жиҳозланган, қопқоқлар билан ёпилган ёки ўралган бўлиши керак.

530. Мойли ўсимликларни сақлаш ертўла ва ярим ертўла омборларида, уларни ташиш галереяларида, туннеллар ва чукурчаларда ҳаво мухитини назорат қилиш тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилиши керак. Жадвал объект раҳбари томонидан белгиланади.

531. Шрот омборининг силос қутилари люк-қопқоқлари ва панжараплари зарба ва ишқаланиш вақтида учкун ҳосил қилмайдиган материаллардан тайёрланиши керак.

532. Ўз-ўзидан қизиш ва алангаланишни, шунингдек, элеваторнинг силос қутилар ва бункер омборларида тикилиб қолишининг олдини олиш учун мойли ўсимликларни тахлашдан олдин уларни тозалаш ва қуритиш зарур. Омборларга жойлаштиришда уруғнинг намлиги меъёр талабларига

мувофиқ бўлиши лозим. Уруғларнинг ҳарорати 40 °C дан ошмаслиги керак, агар ташки ҳаво ҳарорати 35 °C дан ортиқ бўлса, унинг ҳарорати 5 °C дан ошмаслиги керак.

533. Дефлегматорлар ва сиртки конденсаторларининг тизимларида ҳамда ёғни абсорбциялашда ҳаво-буғ аралашмасидан эритувчиларни рекуперация қилиш жараёнлари ҳаво ва эритмаларнинг буғлари аралашмаси алангаланишига олиб келувчи ёндириш манбаларини истисно қиладиган шароитларда бажарилиши керак.

534. Куритиш қурилмаларидан фойдаланишда куритиш жараёни режими ва назорат ҳамда сигнализация жиҳозларининг созлигини доимий равишда назорат қилиш керак.

Пуркаш механизмининг двигателини авариявий тўхташида куритиш камерасининг автоматик ёнғин ўчириш тизими буғнинг ҳисобланган миқдори билан таъминланиши керак.

535. Куритиш қурилмаларини (камералар, циклонлар ва бошқаларни) ва ёнғинга қарши техник ҳимоя воситаларининг (огоҳлантириш, технологик ва шошилинч) созлиги кундалик назорат қилиниши лозим. Хабар беришдан ташқари автоматика қиздириш ҳарорати кескин ошганда ёки ёнғинларда куритиш агенти ёки ёқилғини печга етказиб бериш бутунлай тўхтатилишини таъминлаши керак.

536. Куритгичларда печ устига панжаралар ўрнатилишига рухсат берилмайди. Печ томонида панжаралар печнинг шифтига қадар тўсиленган бўлиши керак.

537. Ҳар иш сменасидан сўнг куритгичнинг ўт қалаш жойи, кул тўпланиш камераси, учқун сўндиригич циклони ва аралаштириш камераси кулдан тозаланиши лозим.

538. Куритиш камераларига янги донларни солишдан олдин улар камера ва лотокларга тушган сомон ва турли чиқиндилардан тозаланиши керак.

Куритиш хоналарида бошоқли дон экинлари захирасини саклашга йўл кўйилмайди.

539. Бошоқли дон экинлари юкландан сўнг панжара остига тушган ва унда осилиб қолган пояларни олиб ташлаш ҳамда печни, деворларни ва полни тозалаш керак. Бошоқли дон экинларини қуритиш биносининг деворларига тақаган ҳолда саклашга йўл кўйилмайди.

540. Зигир, каноп ва бошқа экинларга ишлов бериш хоналари машина бўлинмасидан ажратилган ҳолда бўлиши керак.

Машина бўлинмасига ўрнатилган ички ёниш двигателининг тутун чиқариш қувурлари учқун сўндиригичлар билан жиҳозланиши керак. Ёнувчи конструкциялардан ўтган тутун чиқариш қувурларининг чиқиш жойига ёнғинга қарши ажратма (разделка) ўрнатилиши лозим.

541. Экинлар хомашёсини ғарамларда, бостирмалар остида, ёпиқ омборларда, тола ва канопларни эса – факат ёпиқ омборларда саклаш керак.

542. Экинларга бирламчи ишлов бериш вақтида қуидагилар тақиқланади:

а) зигирни хұжаликлар худудида хирмонларда ва таъмирлаш цехлари, гараж ва бошқа жойларда сақлаш;

б) автомобиллар ва тракторлар ишлаб чиқариш биноларига, тайёр маҳсулот омборлари ва бостирмалар остига кириши. Белгиланган бинолар, ғарамлар ва бостирмаларгача автомобиллар 5 м дан ва тракторлар 10 м дан кам бўлмаган масофада тўхташи;

в) эзиш-титиш цехида иситиш печларини ўрнатиш.

543. Зигирни қайта ишлаш пункти худудига кирувчи автомобиллар, тракторлар ва бошқа ўзиорар транспорт воситалари соз ҳолдаги учқун сўндиригич билан жиҳозланиши керак.

544. Дағал ем-хашак ва толали ўсимликлар жойлашган ғарам, штабел ва бостирмаларга транспорт воситалари факат тутун чиқариш кувурининг қарама-карши томони билан ҳайдаб келиниши лозим. Бунда тутун чиқариш кувури учқун сўндиригич билан жиҳозланган бўлиши ва ғармалардан 3 м дан кам бўлмаган масофада тўхтатилиши лозим.

545. Бошоқли дон экинларини табиий қуритиш маҳсус белгиланган майдонларда амалга оширилиши керак.

Бошоқли дон экинларини сунъий қуритиш факат маҳсус қуритгичларда, ригларда (овинларда) бажарилиши керак.

546. Бошоқли дон экинларини қуритиш учун ригларда (овинларда) жойлаштирилган печ конструкцияларидан учқунлар хона ичига тушишини олди олинган бўлиши керак.

Қуритгич ва ригларда (овинларда) зигирни ёйиш учун печнинг устига панжара ўрнатишга йўл қўйилмайди. Печдан ёнувчи конструкцияларгача бўлган масофа камида 1 м бўлиши керак. Печ томонидаги панжаралар печнинг шифтига қадар ёнмайдиган материаллардан ишланган тўсикларга эга бўлиши керак.

547. Қуритгич ва ригларда (овинларда) қуидаги талабларга риоя қилиш керак:

а) бошоқли дон маҳсулотини қуритишда иссиқлик ҳарорати 80 °С дан, бошоқларни қуритганда эса 50 °С дан кўп бўлмаслиги керак;

б) вентилятор ўт қалаш бошланишидан бир соатдан кейин ёқилиши керак.

548. Эзиш-титиш агрегатлари жойлашган хоналар ҳаво тортувчи шамоллатиш тизими билан жиҳозланган бўлиши ва титиш агрегатлари эса зонтлар билан жиҳозланиши керак.

549. Ишлаб чиқариш хоналарида жойлашган бошоқли дон экинлари бир смена эҳтиёжидан ортиқча бўлмаган микдордан ошмаслиги керак. Штабеллардаги бошоқли дон экинларини машиналарга 3 м га яқин тахланиши тақиқланади.

550. Хоналардан тайёр маҳсулотлар омборхонага сменада камида 2 марта олиб чиқилиши керак.

551. Ҳар иш куни тугагандан сўнг эзиш-титиш цехи хоналари чанг, тола ва бошқа чиқиндилардан тозаланиши керак. Даастгохлар, деворлар ва цехнинг ички юзалари супурилган ва тозаланган бўлиши керак.

552. Тамаки экинларини қуритишда ишлатиладиган токчалар ва жавонлар ёнмайдиган материаллардан тайёрланини лозими. Иссиклик қувурлари устидаги оловли қуритгичларга тамаки тушишидан ҳимоялайдиган металл соябонлар ўрнатилиши керак.

553. Мой ва ёқилгини сизиб чиқаётган қурилмаларга кимёвий моддаларни қўшиш учун тайёрлаш ва бошқа юклаш-тушириш ишларини амалга оширишга йўл кўйилмайди.

554. Соатига 50 t дан ортиқ ишлаб чиқариш қувватига эга нориялар тасмаларнинг тўхташ жойларида тескари ишлашдан ҳимоя қиласидиган автоматик тўхташ ускуналари билан жиҳозланади. Норияларни ва бошқа алоҳида деталларни ёғочдан ёки бошқа ёнувчи материаллардан ясаш тақиқланади.

555. Тозаланмаган дон учун шнеклар йирик аралашмаларни ушлаб қолиш учун мўлжалланган панжаралар ва маҳсулот босими остида очиладиган сақловчи клапанлар билан жиҳозланиши керак. Панжараларни тозалаш даврийлиги ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

556. Барча тасмали узатмаларнинг тасмаларини таранглиги бир хил бўлиши керак. Тўлиқ бўлмаган камарлар тўплами билан ишлаш ёки шкифли ариқчалари профилига тўғри келмайдиган профилли камарлардан фойдаланиш тақиқланади.

2-§. Паррандачилик ва чорвачилик объектларига кўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

557. Ички (бириктирилган) вакуум-насос, иссиқлик ишлаб чиқариш, олов ёрдамида озуқа пишириш ва иситиш, шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида йирик озуқа захирасини сақлаш учун хоналар ёнгинга қарши тўсиқлар билан ажратилган бўлиши ҳамда тўғридан-тўғри ташқарига чиқиши жойлари билан таъминланиши керак.

558. Чорвачилик ва паррандачилик учун мўлжалланган биноларда транспорт воситалари, тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун цехлар, омборлар ва автотургоҳларни ташкил этиш, шунингдек, хўжаликка техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажариш тақиқланади.

Чорвачилик ва паррандачилик биноларига учқун сўндиригич билан жиҳозланмаган тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги машиналари кириши тақиқланади.

559. Чорвачилик учун мўлжалланган биноларнинг дарвозалари ва эшиклари факат ташқарига очилиши ҳамда тўсиб кўйилмаган бўлиши керак. Дарвоза ва эшиклар олдидаги барча жойлар ҳар доим қордан тозаланган бўлиши керак. Кириш жойларига остона, зина ва бошқалар ўрнатилишига рухсат этилмайди.

560. Чорва моллари ва паррандаларни сақлаш учун биноларнинг дарвозалари ва эшиклари фақат осон очиладиган зулфинлар ёки илгаклар билан ёпилиши мумкин. Ушбу мақсадлар учун қулфлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

561. Чорвачилик фермаларида (мажмуаларида) 20 ёки ундан ортиқ бош қорамоллар бўлганда гурухли боғлаш усулидан фойдаланиш керак. Боғлаш конструкцияси ёнгин содир бўлганда ҳайвонлар биноларни тезда тарк этишини таъминлаши керак.

562. Жун олиш қурилмасининг бензинли двигателини бинолардан 15 т масофада куруқ ўт ва қолдиклардан тозаланган жойга ўрнатиш керак. Ёқилғи ва мойлаш материалларини сақлаш ёпиқ металл идишда жун олиш жойидан ва бинолардан 20 т масофада амалга оширилади.

563. Жун олиш жойида бир сменада тўпланадиган миқдордан ортиқ юнглар йигилиши ҳамда йўлаклар ва чиқиш жойлари тўсиб қўйилиши тақиқланади.

564. Объект раҳбари чорвачилик ва паррандачилик биноларида (агар уларда чорва моллари ва паррандалар мавжуд бўлса) тунги навбатчиликни ташкил этади.

565. Электр брудерларни ўрнатиш ва ишлатишда қуидаги талабларга риоя қилиш керак:

а) иситиш элементларидан тўшама ва ёнувчи буюмларгача бўлган масофа вертикал бўйича камида 80 sm ва горизонтал бўйича камида 25 sm бўлиши керак;

б) иситиш элементлари заводда ишлаб чиқарилган бўлиши ва чўғланма зарраларни чиқариши истисно этилган бўлиши керак. Очик иситиш элементларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди;

в) брудерларни электр энергияси билан таъминлаш тақсимлагичдан мустақил линияларда амалга оширилади. Ҳар бир брудер алоҳида ўчиргичлар билан таъминланган бўлиши керак;

г) электр тақсимлаш кутиси электр тизимидан тўлиқ ўчириш мақсадида ўчиргичлар, шунингдек, қисқа туташув, ортиқча юкланиш ва ҳоказолардан ҳимоя қурилмалари билан таъминланиши керак;

е) брудер остидаги ҳарорат режими автоматик равишда сақланиши керак.

566. Мобил ультрабинафша ускуналари ва уларнинг электр жиҳозлари ёнувчи материаллардан камида 1 т масофада ўрнатилиши лозим.

Электр ва ультрабинафша ускуналарнинг элетр таъминоти симлари пол сатҳидан камида 2,5 т баландликда ва ёнувчи конструкциялардан 10 sm масофада ўtkазилиши керак.

3-§. Ўрим-йигим ва сақлаш объектларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

567. Йигим-терим бошланишидан олдин унда иштирок этадиган барча шахслар ёнгинга қарши йўл-йўриқдан ўтиши керак. Ифим-теримга жалб этилган қишлоқ хўжалик техникалари ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари

(барча турдаги комбайн ва тракторлар иккитадан ўт ўчиригич, белкурак ва супурги) билан таъминланган ҳамда соз ҳолатдаги учкун сўндиригич билан жиҳозланган бўлиши керак.

568. Темир йўл ва автомобиль йўлларининг муҳофаза зоналарига бошоқли экинларни экишга йўл қўйилмайди. Ушбу зоналардан ўриб олинган ўтлар дон массивларидан 30 м дан яқин бўлмаган масофада жойлаштирилиши мумкин.

569. Бошоқли экинлар етилишидан олдин ғалла майдонларининг ўрмонлар, дашт зоналари, автомобиль ва темир йўллари билан туташган жойлари камидаги 4 м кенгликда ўриб олиниши ва шудгорланиши керак.

570. Ғалла ўрим-йигими ғалла майдонларини комбайннинг бир кунлик ўриш меъёри ҳисобида майдонларга бўлинишидан бошланиши керак. Ушбу майдонлар орасида 8 м дан кам бўлмаган кенгликда йўлаклар очилиши ҳамда ўрилган ғалла дарҳол олиб ташланиши лозим. Ўриб олинган йўлаклар ўртасида кенглиги камидаги 4 м бўлган шудгор қилинади.

571. Вақтинчалик дала шийпонлари ғаллазорлар, пичан ёки сомон ғарамларидан ва бошқалардан 100 м дан яқин бўлмаслиги керак. Вақтинчалик дала шийпонлари учун ажратилган жойлар хас-хашак ва курук ўтлардан тозаланиб, камидаги 4 м кенгликда шудгорланиши керак.

572. Майдони 25 гектардан ортиқ бўлган ғалла майдонларини ўришда содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин майдонини шудгорлаш учун омочли трактор доимо тайёр бўлиши керак.

573. Далаларда гулхан, хас-хашак ва экин қолдиқларини ёкиш тақиқланади.

574. Дон хирмонлари бино ва иншоотлардан 50 м дан, ғалла майдонларидан эса 100 м дан яқин бўлмаган масофада жойлашган бўлиши керак.

575. Бошоқли экинларни йигиб-териб олиш ва ем-хашак тайёрлаш даврида куйидагилар тақиқланади:

а) тракторлар ва автомобиллардан капотсиз ёки капоти очик ҳолатда фойдаланиш;

б) тракторлар ва автомобиллар двигателларининг радиаторларидаги чангни кавшарлаш лампаси ёрдамида ёки бошқа усулларда ёкиш;

в) ёнгинни ўчириш ускуналари билан жиҳозланган ва тунда ёритилган маҳсус майдонлардан ташқари майдонларда транспорт воситаларига ёнилғи қуиши.

576. Ички ёнув двигателларига эга бўлган транспорт воситасининг ҳайдовчиси двигатель, коллектор, тутун чиқариш кувури, учкун сўндиригич юзасини чанг ва қурумдан смена давоми камидаги 2-3 марта тозалаб туриши керак.

577. Тракторлар, электр машиналар ва бошқа ўзиорар транспорт воситаларининг аккумуляторлари келмалари, стартерлари ва генераторлари

уларга ўтказувчи мосламалар тегиб қолишидан (контактдан) ҳимояланган бўлиши керак.

578. Двигатель радиаторларини чиқинди газлар ёрдамида чангдан тозалаш дон майдонларидан ташқарида амалга оширилиши керак. Двигатель радиаторларида чангни ёкиш учун очиқ оловдан фойдаланишга йўл кўйилмайди.

579. Ўрим комбайнларининг битерли вали, сомон йигувчи транспортёрлар ва бошқа айланувчи қисмлари ўралиб қолган сомонлардан ўз вақтида тозаланиши зарур.

580. Ўрим машиналари ва агрегатларига техник хизмат кўрсатиш, таъмиглаш ва тўхташ жойларини ташкил этиш ғалла майдонларидан 30 м дан яқин бўлмаган жойда рухсат этилади.

581. Хўжалик-ишлаб чиқариш мажмуаси худудида дағал ем омборлари скирда, уюм, ғарамдан (кейинги ўринларда – ғарам) 15 м дан яқин бўлмаган масофада жойлаштирилиши ҳамда камидаги 4 м кенгликда шудгорланган майдон билан ажратилиши керак. Алоҳида ғарамлар орасида (уларнинг асосидан) 5 м дан кам бўлмаган ҳимоя ораликлари такшил этилиши керак. Битта ғарам асосининг майдони 300 m^2 дан, прессланган пичан ёки сомон штабелларида эса – 500 m^2 дан ошмаслиги керак.

Сомон ва пичанлардан 50 м дан яқин масофада очиқ олов билан ишлашга рухсат берилмайди.

582. Алоҳида штабел, бостирма ёки ғарамлар орасидаги масофа 20 м дан кам бўлмаслиги керак. Штабеллар, бостирмалар ва ғарамлар жуфт қилиб жойлаштирилиши керак, бунда штабеллар, бостирмалар ва ғарамларнинг бир жуфтлари орасидаги масофа 6 м дан, кўшни жуфтлар билан эса 30 м дан кам бўлмаслиги керак. Ёнгинга қарши оралиқ масофаси блоклар орасида (20 та штабел ёки ғарам) камидаги 100 м бўлиши керак. Икки жуфт скирда орасидаги оралиқ камидаги 4 м кенгликда шудгорланиши керак.

583. Дағал ем-хашак омборхоналари, штабел ва ғарамларидан электр узатиш линиясигача бўлган масофа камидаги 15 м, йўлларгача – камидаги 20 м, биноларга (иншоотларга) – камидаги 50 м бўлиши керак. Емни юклаш ва тушириш вақтида автомобиль двигатели ўчирилган бўлиши керак. Тутун чиқариш кувурлари олдида ётган ем олдирилгандан кейин автомобиллар двигатели ишга туширилиши мумкин.

584. Дағал ем-хашакларни қуйидаги ҳолатларда хўжаликларнинг ферма чордокларида сақлаш тақиқланади:

- а) хўжаликнинг томи ёнувчи материаллардан тайёрланган бўлса;
- б) чордок хоналари ва унга туташ хоналарнинг ёғоч қурилиш қисмларига ёниш хусусиятини пасайтирувчи ёнгинга қарши кимёвий суюклик билан ишлов берилмаган бўлса;
- в) чордокдаги электр сими механик шикастланишдан ҳимояланмаган ҳолатда ётқизилган бўлса;
- г) дудбуронлар атрофига 1 м масофада тўсик ўрнатилган бўлмаса.

585. Фалла майдонларида (пичан ва сомон ғарамларида) чекиш, очик оловдан фойдаланиш, шунингдек, пичан ва сомон тўпланган жойларда ва улардан 30 т дан кам бўлган масофада курук ўсимликлар, илдиз, хас ва экин қолдиқларини ёқиш тақиқланади. Дала шийпонларида чекишга фақат маҳсус белгиланган жойларда техника (машиналар) ва ёнувчи материаллардан камида 4 т масофада рухсат этилади.

586. Трактор, комбайн ва бошқа мавсумга жалб этилган техника воситаларини сақлаш ва уларга дала шароитида ёнилғи қуиши ишлари фақат маҳсус ажратилган майдонларда ёнилғи ташиш техникалари орқали уларнинг двигателлари ўчирилган ҳолда бажарилиши лозим. Бунда ушбу майдонлар бошокли дон экинлари далаларидан 100 т ва бино-иншоотлардан 50 т узоқликда жойлаштирилиши ҳамда курук ўтлар ва ёнувчи чиқиндилардан тозаланиб, атрофи 4 т кенгликда шудгорланган бўлиши керак. Тунги вақтда ёнилғи қуиши жойи ёритилиши керак.

587. Ўт унини тайёрлаш учун агрегатлар бостирма ёки хоналарда ўрнатилиди. Ёнувчи материаллардан тайёрланган бостирмаларга ёниш хусусиятини пасайтирувчи ёнғинга қарши кимёвий суюқлик билан ишлов берилиши лозим.

588. Ўт унини тайёрлаш жойидан бино, иншоот ва ёнилғи-мойлаш материаллари бўлган сифимларгача масофа камида 50 т, дағал ем омборлари учун эса камида 150 т бўлиши керак.

589. Ёнилғи баки агрегат хонаси ташқарисида ўрнатилган бўлиши керак. Ёнилғи кувурларида камида 2 жўмрак бўлиши керак (биринчиси – агрегатдан олдин, иккинчиси – ёнилғи баки олдида).

590. Сифими 1500 т дан ортиқ бўлган дон элеваторларида ва дон учун металл силосларда ўт ва озуқа унини сақлаш тақиқланади.

Агар ўт ёки озуқа унининг сақланган қисмида ўз-ўзидан қизиш белгилари мавжуд бўлса, уни шамоллатиш, транспорт механизмларидан ўтказиш ва омборларни шамоллатиш орқали совитиш керак.

591. Витаминли ўт уни қурилмада алантонларни аниқланган тақдирда, ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя этилиши, шунингдек, ёнғингача ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 150 kg миқдори ва ёнғин ўчирилгандан кейин ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 200 kg миқдори бостирмалар тагидаги алоҳида майдонларга жойлаштирилиб, камида 48 соат давомида кузатиб турилиши керак.

592. Тайёрланган ва қопларга қадоқланган витаминли ўт уни камида 48 соат давомида бостирма остида сақланиши керак.

593. Витаминли ўт унини шамоллатиш тизими соз ва ишчи ҳолатдаги омборларда сақлаш лозим.

594. Витаминли ўт унини ўз-ўзидан алантонларни олдинни олиш мақсадида маҳсус журналда сана, вақт ва ўлчов жойи рўйхати билан намлик ва ҳарорат ўлчовларининг кунлик назоратини амалга ошириш лозим. Сақлаш ҳарорати атроф муҳит ҳароратидан 5 °C дан ортиқ бўлмаслиги ва намликнинг

масса улуши – 11-13 фоиздан ошмаслиги керак. Намликни аниқлаш учун намлик ўлчагичлар ёрдамида экспресс усуллардан фойдаланиш мумкин. Витаминли ўт унининг намлиги 14 фоиз ёки ундан кўп бўлса, кўшимча қуритиш чоралари кўрилиши лозим.

Витаминли ўт унини сақлашга мўлжалланмаган бошқа омборхоналарда сақлашга (чорва ва паррандаларни сақлаш бинолари, дон омборлари ва бошқалар) рухсат этилмайди.

Витаминли ўт уни омборларида бошқа модда ва материалларни сақлаш тақиқланади.

595. Унни сақлаш алоҳида омбор ёки бўлинмада амалга оширилиб, ёнғинга қарши деворлари ёки шифтлари ҳамда шамоллатиш мосламаси билан таъминланган бўлиши керак.

Намликнинг омборга тушишига йўл кўйилмайди. Уннинг қопсиз сақланиши таъқиқланади.

596. Ун қоплари икки қатор қилиб, баландлиги 2 м дан ошмаган штабелларда сақланади. Қаторлар орасидаги йўлаклар камидаги 1 м ва деворлар бўйлаб 0,8 м кенгликда бўлиши керак.

597. Ўз-ўзидан ёнишнинг олдини олиш мақсадида ташкилот раҳбари сақлангаётган витаминли ўт уни ҳароратини назорат қилинишини ташкил этади.

598. Донни сақлаш учун мўлжалланган хоналарда қуидагилар тақиқланади:

а) техника ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳар қандай ёнғин хавфи мавжуд бўлган материалларни сақлаш;

б) одамлар доимий ёки қисқа муддат бўладиган хўжалик хоналари ва ишчи ўринларини жойлаштириш;

в) иситиш жиҳозларини декорация панжаралар билан беркитиш.

4-§. Пахта хомашёсини йигиш, ташиш, қуритиш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлашга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

599. Пахта йигим-терими мавсуми бошланишидан олдин унда иштирок этувчи барча шахслар ёнғинга қарши йўл-йўриқдан ўтиши керак. Пахта териш машиналари, тракторлар ва пахта ташиш автомобиллари ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари (пахта териш машиналари – иккитадан ўт ўчиргич, белкурак ва 2x2 т кигиз, трактор ва автомобиллар – биттадан ўт ўчиргич ва белкурак) ва соз ҳолатдаги учқун сўндиригич билан таъминланган бўлиши, шунингдек, электр таъминоти ва ёнилғи-мойлаш тизимлари соз ҳолатда бўлиши керак.

Гидравлик тизимдан мой, ёнилғи сизиб чиқса, шунингдек, учқун сўндиригич бўлмаса, қишлоқ хўжалик машиналарида пахта териш ва ташишга рухсат берилмайди.

600. Пахта терими давомида қуидагилар тақиқланади:

а) пахта даласида очик оловдан фойдаланиш ва чекиш;

- б) бункери пахта хомашёси билан тўлдирилган пахта териш машинасини далада қолдириш ва унга пахта майдонида ёнилғи қўйиш;
- в) носоз электр ускуналар билан пахта териш машинасидан фойдаланиш;
- г) пахтани куритиш майдончаларида пахта териш машиналарини сақлаш.

601. Пахта хомашёсини техникада ташиш даврида унинг усти брезент ёки қийин ёнадиган мато билан ёпилиши керак. Автомобиль кузовининг полида ёки тиркама корпусида тирқишлиар бўлишига йўл қўйилмайди.

602. Тракторлар, автомобиллар, пахта териш машиналарини тўхтатиб туриш, уларни таъмирлаш, мойлаш ва ёнилғи қўйиш, пахта хомашёсини табиий куритиш майдонларидан камида 50 м масофада амалга оширилади.

603. Пахта хомашёсини табиий куритиш майдонлари турар жой ва жамоат биноларидан ҳамда таъмирлаш цехларидан камида 150 м, юқори ва паст кучланишли электр линиялар таянчларидан уларнинг 1,5 та баландлигига тенг масофада жойлаштирилади.

604. Пахта хомашёсини табиий куритиш майдонлари ёнгинни ўчириш мақсадида 50 м³ дан кам бўлмаган микдорда сув захираси билан таъминланади.

605. Автомобиль йўлларида пахтани куритиш тақиқланади.

606. Пахта хомашёсини бирламчи қайта ишлаш ускуналаридағи чанг чиқишига тўсқинлик қилувчи курилмалар (зичланган жойи, маҳаллий сўриш) соз ҳолатда бўлиши керак.

607. Курилиш конструкциялари ва ускуналарнинг устига тушган пахта чанги ҳамда тўпланиб қолган пахта хомашёси зарур ҳолларда, лекин иш сменасида камида бир марта тозаланиши керак.

608. Тош, металл ва бошқа бегона буюмларни ушлаб қолувчи курилмалар соз ҳолатда сақланади.

609. Агрегатлар авриявий тўхтатилганда улардаги носозликлар бартараф этилгандан сўнг қайта ишга туширилади.

610. Карданли валлар ва тасмаларнинг айланувчи қисмлари пахта тушишининг олдини олиш мақсадида соз ҳолатдаги ҳимоя қопқоқлари билан ёпилиши керак.

611. Пахта териш машиналарининг ҳаракатланувчи ва айланувчи қисмлари пахта чанги ва толалардан тозаланиши лозим.

612. Элеваторлар стационар майдонча ва нарвонлар билан таъминланади. Майдонча камида 0,9 м баландликда панжара тўсиқлари билан ўралади ва пастки қисми 0,1 м баландликдаги яхлит қоплама билан ҳимояланади.

613. Транспортёрлар пахта хомашёсини пастки тасмадан олиб ташлаш учун мўлжалланган махсус курилмалар билан жиҳозланади.

614. Лентали транспортёрлар жойларини ўзгартириш электр таъминоти ўчирилган ҳолатда амалга оширилади.

615. Кичик механизмлар ўт ўчиргичлар билан таъминланиши керак.

616. Кабеллар транспорт воситаларининг ғилдираклари босиб ўтишидан ҳимояланган бўлиши керак.

617. Кўчма кичик механизмлар учун қўлланадиган эгилувчан кабеллар ракамланади ва қобиғининг ток қаршилиги йилига камидан бир марта синовдан ўтказилади. Синовдан ўтмаган кабелларни ишлатиш тақиқланади.

618. Стационар электр тақсимлаш ускуналарининг электр таъминоти ер остида жойлаштирилган кабеллар орқали амалга оширилади.

619. Электр ускуналарига жавобгар бўлган шахслар қуийдагиларга мажбур:

а) электр ускуналарини, аппаратларни ва электр тармоқларини ўз вактида профилактик кўрикдан ўтказиш ва жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш;

б) аппаратлар зўриқишдан ҳамда бошқа нормал иш режимидан, қисқа туташувлардан мунтазам равишда ҳимоя қилинишини назорат қилиш;

в) ёнгиндан сақловчи маҳсус ускун а ва воситаларнинг созлигини назорат қилиш.

620. Электр тармоқлари ва аппаратларининг учқун чиқаришига, қисқа туташувга, ҳаддан ортиқ қизиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган барча носозликлар мутахассис томонидан зудлик билан бартараф этилиши керак.

621. Пневмотранспорт машина ва қурилмаларнинг ерга уланиш тизими соз ҳолатда сақланиши лозим. Пахта хомашёсини вентилятор ёрдамида механизацияшган ҳолда ёйишга рухсат берилмайди.

622. Битта ғарамости майдони 25×14 м ёки 22×11 м бўлганда – ғарамлар сони олтитадан, ғарамости майдони 65×14 м бўлганда ғарамлар сони иккитадан кўп бўлишига йўл қўйилмайди. Бунда ғарам баландлиги 8 м дан ошмаслиги лозим.

623. Гурухлардаги пахта ғарамлари орасидаги масофа 15 м дан, гурухлар ўртасида масофа эса 30 м дан кам бўлмаслиги керак.

624. Пахта ғарамларини титиш даврида пахта ташувчи машиналар, механизмлар ва автопоездлар гурухлар орасидаги 30 м ли масофани сақлаган ҳолатда жойлаштирилиши керак.

625. Пахта тозалаш ва қабул қилиш корхоналари худудларида ўтказилган электр кабеллар устидан автотранспорт ва кичик механизмларнинг ўтишига рухсат этилмайди.

626. Автотранспорт воситалари ва кичик механизмлар ҳамда агрегатларда юзага келган носозликларни бартараф қилиш, улар пахта ғарамидан камидан 5 м узокликдаги масофага ўтказилиб, ўчирилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

627. Фрезалар қозикларининг учлари учқун чиқармайдиган материалдан тайёрланиши лозим.

628. Фреза қозикларининг ёпиқ омбор шифти ва полига ҳамда бошқа металл (бетон) конструкцияларига тегмаслиги учун стреланинг юқорига ва пастга ҳаракати чегараланиб қўйилиши лозим.

629. Куритиш қурилмасидан фойдаланишда куйидагилар таъминланиши лозим:

- а) иссиқлик генераторларининг соз бўлиши;
- б) иссиқлик ишлаб чиқарувчи қурилмаларда ўлчаш воситалари ва хавфсизликнинг автоматлаштирилган тизими ишлаши;
- в) куритиш камераси эшиги ва таъминлагичининг маҳкамлиги;
- г) барабан ва шнек бўлимларини пахта хомашёсидан даврий равишда тозаланиши.

630. Пахта хомашёсини қуритиш учун ишлатиладиган иссиқлик ишлаб чиқарувчи қурилмалар ёнмайдиган конструкциялардан тайёрланган алоҳида хоналарга ўрнатилади.

631. Куритиш қурилмасининг ишлаши доимий назорат қилинади. Пахта хомашёси ҳарорати чиқишида 70°C дан ошишига йўл қўйилмайди.

632. Куритиш барабанидан сарғайган пахта чиқса, дарҳол пахта ва иссиқ ҳаво бериш ҳамда механизмларнинг ишлашини тўхтатиш керак. Агар қуритиш барабанидан келаётган пахта ёнса, қуритгич дарҳол тўхтатилиб, чўғланган пахта ўчирилиши ва тозаланиши керак.

633. Куритиш бошланиши факат пахтанинг қизиб кетиши ёки ёниши сабабларини синчиклаб текшириш ва бартараф этиш орқали қайта тикланиши мумкин.

634. Пахта хомашёси тозалагичларнинг жойини ўзгартиришда панжаралар орасидаги тирқишлиар ўзгармаслиги ва тешикли тўрлар юзаси бегона жисм ва ўтлар билан тиқилиб қолмаслиги учун панжаранинг ҳолати кузатиб борилиши лозим.

Панжараларни тозалаш ва тола тозалагичларнинг сўриш камерасидаги тиқилган жисмларни бартараф этиш факат ёғоч таёқчалар ёрдамида бажарилади.

635. Пахта толасини сақлаш факат тойларда амалга оширилади. Барча очилиб кетган тойлар ҳар смена охирида қайта ишланади.

636. Пахта тойларини штабелларда очиқ майдонларда сақлашда штабелнинг ўлчамлари узунлиги 22 м, кенглиги 11 м ва баландлиги 8 м дан ошмаслиги керак.

Штабеллар ўлчами камайтирилса, улар орасидаги масофа энг баланд штабелнинг иккита баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

637. Очиқ майдонлардаги сақланадиган пахта толалари тахланган барча штабелларнинг усти брезент билан ёпилган бўлиши лозим.

638. Бостирма остида сақланадиган пахта толалари эни 2 м дан кам бўлмаган кўндаланг йўлаклар қолдириб тахланади.

Бунда йўлаклар сони:

- майдони 300 дан 600 m^2 гача бўлса – битта;
- майдони 1200 квадрат m^2 гача бўлса – учта;
- майдони 1800 m^2 гача бўлса – тўртта бўлиб, улар тенг масофада бўлиши керак.

Пахта толаси баландлиги бўйича эса томнинг панжараси ёки ферма шифтигача камидаги 1 м очик жой қолдириб тахланади.

639. Пахта тойларини ёпик омборларда сақлаганда улар маҳсус тагликлар устига тахланади. Бунда узунлиги камидаги 2 м ли битта йўлак ва ҳар бир эшик тўғрисида ушбу кенгликда кўндаланг йўлаклар қолдирилади. Омборнинг периметри бўйлаб девор билан орасида камидаги 1 м бўлган йўлак қолдирилиши лозим.

Омборлар ичидаги ҳар қандай тўсиқларни ўрнатиш тақиқланади.

640. Ёпик омборлар ва бостирма остидаги поллар, шунингдек, очик майдонлардаги штабелларнинг остидаги асослар ёнмайдиган материаллардан ишланган бўлиши керак.

641. Автомобиллар ва тракторлар пахта толаси бўлган ёпик омборлар, бостирмалар ва штабелларга факат тутун чиқариш қувурининг қарама-қарши томони билан хайдаб келинади. Бунда тутун чиқариш қувури учун сўндиригич билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Барча ҳолларда автомобиллар, мотовозлар, автодрезина, автокран ва мотоцикллар пахта толалари бўлган бостирма ва штабелларга 3 м дан яқинроқ киришига рухсат этилмайди.

642. 2400 т дан кўп пахта хомашёсини сақлашга мўлжалланган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш масканларида юқори босимли ёнғинга қарши сув манбаси ташкил этилиши лозим.

643. 2400 т гача пахта хомашёсини сақлашга мўлжалланган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш масканларида ёнғинни ўчириш учун ёнғинга қарши сув ҳавзаларидан фойдаланишга рухсат берилади.

644. Сув ҳавзаларига ёки табиий сув манбаларига бориш учун эни 3,75 м дан кам бўлмаган қаттиқ қопламали йўл ва 12x12 м ўлчамли майдон ташкил этилади.

36-боб. Автомобилларга ёнилғи қувиш шохобчаларига қўйиладиган ёнғин ҳавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий қоидалар

645. Автомобилларга ёнилғи қувиш шохобчаларидаги (кейинги ўринларда – АЁҚШ) қуидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

а) обьект раҳбари томонидан тасдиқланган АЁҚШда юзага келган аварияни бартараф этиш режаси (кейинги ўринларда – АБЭР);

б) обьект раҳбари томонидан тасдиқланган АЁҚШ худудидан одамлар ва транспорт воситаларини эвакуация қилиш режаси;

в) АЁҚШ ишли-хизматчиларининг лавозим йўриқномалари, АЁҚШда ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш учун жавобгарларни тайинлаш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

г) ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ ёнғин ҳавфсизлиги чоралари тўғрисидаги йўриқномалар;

д) ёнфинга қарши йўл-йўриқни қайд қилиш журнали.

646. Енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюкликлар ҳамда ёнувчи газларни сақлаш резервуарларининг тўлдириш даражаси резервуарга ўрнатилган пеногенератор ва бошқа ускуналар жойлашган жойдан келиб чиқсан холда техник паспортда кўрсатилган сатҳигача бўлиши, лекин 85 фоиздан ошмаслиги керак.

647. Технологик ускуналар статик электр токидан ҳимояланган бўлиши керак.

648. АЁҚШнинг люклари, эшиклари ва технологик қудуқларининг люк қопқоқлари учунга хавфсиз бўлиши керак (рангли металлардан тайёрланган ёки учқун ҳосил қилмайдиган прокладкалар билан таъминланган).

649. Сиқилган, суюлтирилган ёки эриган ёнувчи газлар бўлган баллонлар металл шкафларга жойлаштирилиши керак. Шкафлар шамоллатиб туриладиган бўлиши керак.

650. Шламдан тозалаш ишлари якунлангандан сўнг шламларни дархол ёнилғи қуиши шохобчалари худудидан чиқариб ташлаш керак.

651. Ёнилгини қуиши жараёнида ёнилғи буғларининг рециркуляциясини амалга ошириш учун резервуарнинг деаэрация кувурини беркитиш тақиқланади.

652. АЁҚШ худудида (бино, иншоот ва технологик тизимларда) таъмиrlаш ишларини амалга оширишда объект раҳбари тегишли ёнгин хавфсизлиги чораларини таъминлаши лозим.

653. Учқун ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида нефть маҳсулотларини ташувчи цистерналар, кўчма ёнилғи қуиши шохобчаларининг қопқоқ ва пробкаларини бураш маҳсус калитлар ёрдамида бажарилиши керак. Уларни болғалар, кескичлар ва бошқа воситалар ёрдамида очишга йўл қўйилмайди.

654. Резервуарларни ёнилғи билан тўлдириш фақат ёпик усулда амалга оширилиши керак.

655. Ёнилғи буғларининг атроф мұхитга чиқарилиши резервуарларнинг деаэрация кувурларидан ташқари ёки ёнилғиси бўлган автоцистернанинг ҳаво клапанлари орқали амалга оширилиши керак.

656. Ҳар бир автоцистерна нефть маҳсулотларини тўкиш жараёни бошланишидан олдин алоҳида ерга уланиши керак. Ерга улаш мосламасини узишга фақат тўкиш жараёни якунлангандан сўнг рухсат этилади.

657. Бир вактнинг ўзида автоцистернадан ёнилғи сақлаш резервуарини тўлдириш ва АЁҚШнинг бошқа резервуаридан транспорт воситаларига ёнилгини қуиши фақат остки клапан билан жиҳозланган автоцистерналар учун алоҳида ўтиш жойи мавжуд бўлган ёнилғи қуиши шохобчаларига рухсат берилади.

658. Бошқа ёнилғи қуиши шохобчаларида ёнилғи сақлаш резервуарларини тўлдиришда шохобча ходимлари таркибига кирмайдиган (автоцистерна ҳайдовчиси бундан мустасно) одамларнинг ҳудудда бўлишига йўл қўйилмайди.

659. Ёнилгини автоцистернадан резервуарга түкиш жараёни автомобилларга ёнгилғи куйиш шохобчаси ишчилари ва автоцистерна ҳайдовчиси томонидан назорат қилиниши керак. Шу билан бирга, АЁҚШ худудида 2 ва ундан ортиқ автоцистерналарнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

660. АЁҚШларнинг пастки клапан билан жиҳозланмаган резервуарларига автоцистерналардан ёнилгини тўлдиришда қуидагилар бажарилиши лозим:

а) автоцистерна учун мўлжалланган ёнилғи куйиш майдончасида ҳар бири камида 100 L ҳажмли 2 та транспортировка қилинадиган ҳаво-кўпикли ўт ўчиригичларни ўрнатиш ва шай ҳолга келтириш;

б) автоцистерна учун мўлжалланган ёнилғи куйиш майдончасидаги нефть маҳсулотлари билан ифлосланган атмосфера ёғинларини чиқариш учун арикларни беркитиш ва тўкилган ёқилгини авариявий резервуарга юборувчи кувурни очиш;

в) автоцистернани унга мўлжалланган майдончага ўрнатиш ва ерга улаш.

Ерга улаш ўтказгичини автоцистернанинг ифлосланган ва бўялган металл корпусларига улашга йўл қўйилмайди. Ҳар бир автоцистерна ундаги нефть маҳсулоти тўлиқ тўкиб олингунча алоҳида ерга уланган бўлиши лозим.

661. Транспорт воситаларига ёнилғи куйишда қуидаги талабларга риоя қилиниши керак:

а) мототехника воситалари ёнилғи куйиш колонкаларига двигателлари ўчирилган ҳолда ўрнатилади, двигателни ишга тушириш ва тўхтатиш ёнилғи куйиш колонкаларидан камида 15 m масофада амалга оширилади, автомобиллар эса – ўзининг ҳаракати билан;

б) ерга тўкилган нефть маҳсулотлари устига қум сепиб қўйилади ёки маҳсус шимдирувчи восита (адсорбент) билан тозаланади. Шимдирилган қум, адсорбент ва мойланган матолар оғзи маҳкам ёпиладиган металл идишга йиғилиб, иш куни якунлангандан сўг ёнилғи куйиш шохобчаси худудидан олиб чиқиб кетилади;

в) ёнилғи куйилаётган транспорт воситаси билан ундан кейинги транспорт воситаси орасидаги масофа камида 3 m, навбатда турган кейинги автомобиллар ўртасида эса камида 1 m оралиқ масофа бўлиши керак. Шу билан бирга, ҳар бир транспорт воситаси шохобча худудидан чиқиб кетиш ва ҳаракатланиш имкониятига эга бўлиши керак;

г) ёнилгини автомобиль бакика куйиш жараёнида ҳайдовчилар бевосита иштирок этиши керак. Оч рангли нефть маҳсулотларини шиша идишлар ва полиэтилен идишларга антистатик мосламаларсиз қуийш тақиқланади.

662. АЁҚШда қуидагилар тақиқланади:

а) двигатели ишлаб турган транспорт воситаларига ёнилғи куйиш;

б) техник ва фойдаланиш хужжатларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари транспорт воситаларининг ер ости резервуарлари устидан ҳаракатланиши;

в) момақалдироқ ва атмосферада зарядланиш юзага келиши хавфи мавжуд бўлган вақтларда резервуарларга ёнилғи тўлдириш ва автомобилларга ёнилғи қуиши;

г) ёнилғи ва мойлар билан ифлосланган ҳамда статик разряд ҳосил қилувчи кийим-бошларда ишлаш;

д) ичидаги йўловчилари бўлган транспорт воситаларига ёнилғи қуиши (енгил автомобиллар бундан мустасно);

е) 1-9-синфларга мансуб хавфли юклар (портловчи моддалар, сиқилган ва суюлтирилган ёнувчи газлар, енгил алангаланувчи суюқликлар ва материаллар, заҳарли ва радиоактив моддалар ва бошқалар) ортилган транспорт воситаларига ёнилғи қуиши (ушбу транспорт воситалари учун мўлжалланган маҳсус шохобчалар бундан мустасно);

ж) шохобчада бензинни тўкиб олиш, саклаш ёки қуиши-тўкиши жараёнларида учқун сўндиригич билан жиҳозланмаган тракторларнинг худудга кириши;

з) қуиши-тўкиши жараёнлари олиб борилаётган жойдан 20 м радиусда, шунингдек, бевосита шохобчанинг ускуна ва биноларига (иншоотларига) тааллуқли бўлмаган таъмирлаш ва ёнгин хавфи мавжуд ишларни амалга ошириш.

663. Ҳаракатланувчи ёнилғи қуиши шохобчаларининг технологик курилмалари стационар ёнилғи қуиши шохобчалари учун белгиланган ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ жиҳозланган маҳсус майдончаларга ўрнатилиши керак.

664. Ҳаракатланувчи ёнилғи қуиши шохобчаларини бошқа мақсадларда ҳамда бошқа техникалардан ҳаракатланувчи ёнилғи қуиши шохобчаси сифатида фойдаланиш тақиқланади.

665. АЁҚШ ёнгин чиққан транспорт воситасини фавқулодда эвакуация қилиш учун узунлиги 3 м дан кам бўлмаган қаттиқ шатакка олиш мосламаси билан жиҳозланган бўлиши керак.

666. АЁҚШлар лойиҳага кўра ости клапан билан жиҳозланмаган автоцистернадан фойдаланишда ҳар бирининг сифими 100 L дан кам бўлмаган, камида 2 дона транспортировка қилинадиган ҳаво-кўпикли ўт ўчиригичлар билан таъминланиши лозим.

667. АЁҚШ қуидаги ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан жиҳозланиши керак:

а) фақат енгил автомобилларга мўлжалланган, 1 тадан 4 тагача ёнилғи тарқатиш устунларига эга бўлган ёнилғи қуиши шохобчаси – 1 дона ҳаво-кўпикли ўт ўчиригич (сифими 10 L ёки ўт ўчириш моддасининг оғирлиги 9 kg) ва битта кукунли ўт ўчиригич (сифими 5 L ёки ўт ўчириш моддасининг оғирлиги 4 kg), 5 тадан 8 тагача ёнилғи тарқатиш устунлари бўлган ёнилғи қуиши шохобчаси – 2 та ҳаво-кўпикли ўт ўчиригич (сифими 10 L ёки ўт ўчириш моддасининг оғирлиги 9 kg) ва 2 та кукунли ўт ўчиригич (сифими 5 L ёки ҳар биридаги ўт ўчириш моддасининг оғирлиги 4 kg).

Үт ўчиргичларни ёнилғи тұлдириш колонкасининг ёнига жойлаштириш лозим.

Тұлдириш жойлари орасидаги масофа 6 м дан ошмаса, 2 та шундай тұлдириш жойлари учун 1 та умумий үт ўчиргичлар жамланмаси үрнатилишига рухсат берилади;

б) юк машиналари, автобуслар, йирик қурилиш ва қишлоқ хұжалиги техникаларига мүлжалланган ёнилғи қуиши шохобчалари – 2 та транспортировка қилинадиган куқунли үт ўчиргичлар (хар бири камида 50 L сифимга эга) ва енгил автомобилларга мүлжалланган ёнилғи қуиши шохобчалари учун белгиланган міндерда ҳаво-күпикли күчма үт ўчиргичлар билан таъминланиши керак;

в) автоцистерналар үрнатылған майдон – 2 дона транспортировка қилинадиган куқунли үт ўчиргичлар (хар бири камида 50 L сифимга эга) билан таъминланиши лозим.

668. АЁҚШда ёнғин чиқиши ҳавфи пайдо бўлса, технологик тизимларнинг электр таъминоти ўчирилиб (аварияга ва ёнғинга қарши ҳимоя тизимларининг электр таъминотидан ташқари), обьект иши тўхтатилиши, шохобча худудидаги транспорт воситалари ва ташриф буюрувчилар ташқарига чиқарилиб, содир бўлган ҳолатни бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Шохобчада ёнғин содир бўлса, дарҳол ёнғин-кутқарув бўлинмаларини чақириш, обьектнинг ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимларини ишга тушириш ва мавжуд үт ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришни ташкил этиш керак.

669. Ёнилғи тұлдириш жойи ёки автоцистерна майдонида бензин сизиб чиқиши (тўкилиши) юзага келса, у ерда транспорт воситалари двигатели үт олдирилишига йўл қўйилмайди.

Бензиннинг авариявий сизиб чиқиши (тўкилиши) содир бўлиб, ерга ёйилган ёнилғида аланталаниш кузатилмаётган бўлса, ёнилғи тўкилган майдон үт ўчиргичнинг ҳаво-кўпиги билан тўлиқ қопланиши керак.

Автоцистерна майдонида юкоридаги каби тўкилиш юзага келганда, ҳосил қилинган кўпик қатлами резервуардаги ёнилғи тўлиқ тўкилиб бўлгунига қадар сақлаб турилиши керак.

2-§. Газ баллонли транспорт воситаларига ёнилғи қуиши шохобчаларига қўйиладиган ёнғин ҳавфсизлиги талаблари

670. Суюлтирилган газ ташувчи автоцистерналардан газни тўкиб олиш улардан бири масъул қилиб тайинланган икки нафар ишчилар назорати остида амалга оширилиши лозим. Тўкиб олиш кундузги вақтда амалга оширилиши керак. Газни қоронғи вақтда тўкиб олишга иш жойи етарли даражада ёруғлик билан таъминланган ҳолатдагина рухсат этилади.

671. Кўп тармоқли автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчаси (кейинги ўринларда – КТАЁҚШ), автомобилларга суюлтирилган газ қуиши шохобчаси (кейинги ўринларда – АГҚШ), автомобилларга газ тұлдириш компрессор шохобчаси (кейинги ўринларда – АГТҚШ)да қўлда олиб юриловчи (кўчма)

газ анализаторлар ёрдамида газ-ҳаво мұхити ўлчаб турилиши керак. Бунинг учун намуна олиш нұқталари белгиланған схемага эга бўлиши ҳамда ўлчовлар графиги ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

Ўлчов ўтказиш схемасида КТАЁҚШ ва АГҚШнинг технологик қурилмалари ва резервуарларидан 50 м радиусда жойлашган барча техник қудуклар, шахталар, қўшма коммуникациялар қудуклари ҳамда АГТКШнинг эгаллаб турган ҳудуди қамраб олиниши лозим. Ўлчашлар натижалари тегишли далолатномада қайд этилиши керак.

672. Автоцистерналарни бўшатишда унинг двигатели ўчиқ ҳолатда бўлиши керак (автомобиль двигатели ёрдамида суюлтирилган газларни тўкувчи насослар билан жиҳозланған ва тутун чиқариш қувури соз ҳолатдаги учун сўндиригичга эга бўлган ҳоллар бундан мустасно).

673. АГҚШ ҳудудида газ сизиб чиқиши аниқланса, ҳудудда бегона шахслар бўлмаслигини таъминлаш, шохобчадаги ва ундан 50 м радиусда жойлашган барча автомобилларнинг двигателлари ўт олдирилмаслигини назорат қилиш ҳамда юзага келган ҳолатни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

674. Газ баллонли транспорт воситаларига АГҚШ ва АГТКШларда куйидагилар тақиқланади:

- а) майший газ баллонларини тўлдириш;
- б) техник кўрикдан ўтказиш муддати тугаган баллонларни тўлдириш;
- в) АСГҚШ, АГТКШ ҳудудида унинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ишларни бажариш;
- г) автоцистернадан суюлтирилган газни тўкиб олиш вақтида газ баллонли автомобилларнинг баллонларини тўлдириш. Бундай вақтларда объект ҳудудига киришни тақиқловчи белги ўрнатилиши керак;
- д) суюлтирилган газ қувурларидан ерлантирувчи ток ўтказгич сифатида фойдаланиш;
- е) зичлаш материалари яроқсиз ҳолга келган ёки герметик-маҳкамлигини йўқотган суюлтирилган газ куювчи насос ва компрессорларидан фойдаланиш. Бунда насоснинг зичлаш материаллари ва герметик-маҳкамлагичлар ёғ ва бензинга чидамли бўлиши лозим;
- ж) газ баллонли транспорт воситаларнинг двитагели ишлаб турган ҳолатда, шунингдек, газ баллонлари автомобилнинг багаж қисмida жойлашган бўлса, автомобиль капоти ва багаж қапқоги ёпик турган вақтда ёнилғи қувиш;
- з) босим остида турган газ қувурлари ва аппаратларнинг гайка ёки уланмаларини қотириш ҳамда уларни металл жисмлар билан уриш.

675. Газ тўлдириш шлангини вентилга улаш ва ажратиб олиш, газни бошқариш клапанлари ва тўлдириш тугаганлигининг назорати АСГҚШ ёки АГТКШ оператори томонидан амалга оширилиши лозим. Суюлтирилган углеводород газ билан баллонларни тўлдириш унинг геометрик ҳажмининг 85 фоизидан ошмаслиги керак. Ёнилгини қуиб бўлгандан сўнг оператор

ташқи күрик орқали тўлдириш вентили ёпилганига ишонч ҳосил қилиши керак. Двигатель ишида ўзгариш юзага келса дархол тўхтатилиши ва автотранспорт воситаси газ қуиши колонкасидан хавфсиз масофага (камида 30 m) олиб чиқилиши керак.

37-боб. Лабораторияларга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

676. Нефть маҳсулотларининг намуналари тоза, қуруқ шиша идишларга куйилиши керак. Шишалар 90 фоиздан ортиқ бўлмаган ҳажмда тўлдирилиши ва пробка ёки винт қопқоклар билан ёпилиши лозим. Намуналарни очик идишларда сақлаш тақиқланади.

677. Намуналарни ташиш учун маҳсус қутилар ишлатилиши керак.

678. Лабораторияларнинг иш жойида ҳар бир турдан 1 kg дан кўп бўлмаган, лекин умумий оғирлиги 4 kg дан кўп бўлмаган ёнувчи моддаларни сақлашга рухсат этилади.

679. Лаборатория хонасидаги нефть маҳсулотлари ва бошқа енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар намуналари ёнғиндан огохлантирувчи “Ёнғин хавфи мавжуд: енгил алангаланувчи моддалар” белгиси бўлган маҳсус металл шкафларда (кутиларда) герметик ёпилган идишларда сақланиши лозим. Шкафлар (кутилар) хонадан чиқишидан қарама-қарши томонга ўрнатилиши керак.

680. Портлаб-ёниш хавфи мавжуд модда ва материаллар билан ишлаш учун мўлжалланган иш столи ва шкафлар зарба пайтида учкун пайдо бўлишини истисно қилувчи ёнмайдиган материаллар билан тўлиқ қопланган бўлиши керак. Кислота, ишқорлар, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар билан ишлашда суюқликнинг стол ёки шкафдан ташқарига тўкилишининг олдини олиш мақсадида ёнмайдиган материалдан тайёрланган қирралар билан кўшимча жиҳозланиши лозим.

681. Ҳаво тортувчи шкафлардаги электр қурилмалар портлашдан ҳимояланган ҳолда бажарилиши керак. Ўчириб-ёқиши мосламаси ва штепсель розеткалари ҳаво тортувчи шкафдан ташқарида ўрнатилиши лозим.

682. Портловчи газ ёки буғлар ажралиб чиқиши билан боғлик ишлар фақат ҳаво тортувчи шкафлар ичида бажарилиши керак. Носоз ҳаво тортувчи шкафлардан фойдаланиш тақиқланади.

683. Очик олов ёки электр иситиш мосламалари ишлатиладиган стол ва ҳаво тортувчи шкафларда енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни сақлаш, уларни тўкиш ва жиҳозларга юклашга йўл қўйилмайди.

684. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар солинган идишларни очик олов ва очик ҳолатдаги электр иситиш мосламаларида қиздиришга, шунингдек, сув билан таъсирлашадиган кимёвий моддалар ва бирикмалар солинган идишларни иситиш учун сувли ҳаммомдан фойдаланиш тақиқланади.

685. Совитиш ва шамоллатиш тизимлари носоз бўлган лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш мумкин эмас.

686. Сув мавжудлиги белгилари бўлган ва иситиш талаб қилинадиган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар олдиндан сувсизлантирилиши керак.

687. Тўкилган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар дархол йиғишириб олиниши ва улар тўкилган жой сув билан ювилиши лозим.

688. Ишлатилган енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни умумий канализацияга тўкиш тақиқланади.

689. Ёнилғи-мойлаш лабораторияларидаги лаборатория идишларини ювиш маҳсус хоналарда амалга оширилиши керак. Ушбу хоналар ҳаво тортувчи шамоллатиш тизими ва ишлаб чиқариш канализацияси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

690. Лаборатория хоналарида ёнувчи газ билан тўлдирилган баллонларни сақлаш тақиқланади.

691. Автотрансформаторлар ва кавшарлаш лампалари маҳсус ёнмайдиган тагликларга эга бўлиши керак.

692. Кимёвий моддалар билан ишлашда кўйидагилар тақиқланади:

- очик оловдан фойдаланиш;
- тўкилган суюқликларни шимдириш учун ёнувчан материаллардан (қипик, торф, матодан) фойдаланиш;
- тўкилган кукунсимон моддаларни учкун ҳосил қилувчи материалдан тайёрланган буюмлар билан йиғиб олиш;
- кимёвий моддаларни учкун ҳосил қилувчи материаллардан тайёрланган асбоблар билан парчалаш.

38-боб. Саноат обьектларига (ишлаб чиқариш обьектларига) кўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

1-§. Металлургия корхоналарига кўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

693. Сув билан таъсирланиш натижасида ўзидан ёнувчи газларни ажратувчи силикокальций, ферросилиций ва бошқа ёнувчи қаттиқ материаллар газ сизиб чиқиши учун туйнуклари бўлган қопқоқли курук ва тоза темир барабанларга қадоқланиши керак. Ушбу туйнуклар намлик тушишидан ҳимояланган бўлиши лозим.

694. Металлургия корхоналарида куйидагилар тақиқланади:

- гранулаларни майдалаш, юклаш-тушириш жойларида, транспорт галеряларида металл чангларнинг 5 мм дан ортиқ қалинликда тўпланиб қолиши;
- ёнувчи кукун ва пудра кўринишидаги ишлаб чиқариш қолдиқларини чиқинди тўплаш жойларига ташлаш;
- иш жойларида буюмларни пресслаш жараёнида керосин-стеарин аралашмасини тўкиш ва уларни тўплаш;

г) иш жойида ёғсизлантириш учун ишлатиладиган енгил алангаланувчи суюқликларни бир сменага етадиган миқдордан ортиқ, магний қотишмаларни қайта ишлаш участкаларида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни сақлаш;

д) титаннинг қипиғи, қириндиси ҳамда бошқа чиқиндилари ва қотишмаларини иш жойларида ҳамда очик ҳавода сақлаш. Титаннинг чиқинди қотишмалари доимий шамоллатиш тизимиға эга бўлган маҳсус ажратилган қуруқ хоналарда “Титан чиқиндиси” ёзуви туширилган герметик идишларда сақланиши керак. Бундай хоналарда кимёвий моддалар, ёнувчи суюқликлар ва бошқа ёнувчи материалларни сақлаш;

е) магнийли қотишма чиқиндиларини бошқа металларнинг чиқиндилари билан аРАЛАШТИРИШ.

695. Ёнгинни ўчириш воситалари ва моддаларининг яроқлилиги бир ойда камида бир марта, эритиш печларининг авариявий бункерлари эса ҳар ҳафтада бир марта текшириб турилиши керак.

696. Карбонизациялаш жараёнлари вақтида карбонлаш сиғими олдида бирор-бир буюмда ҳосил бўлган алангани сув ва кўпикли ўт ўчиргичлар ёрдамида ўчириш тақиқланади. Ёнгинни ўчириш учун қуруқ қум ёки углекислотали ўт ўчиргичлардан фойдаланиш керак.

697. Ишқорли ванналарда иссиқлик билан ишлов бериш жараённида куйидаги талабларга риоя қилиш керак:

а) изотермик сўндириш вақтида эритманинг оғирлиги иссиқ қисмлар чўқтирилганда ҳарорат 10°C дан ошмаслигини таъминлаши лозим;

б) ишқорли сиғимни ўраб турувчи қопламадаги ортиш дарчаси кулфланадиган эшикка эга бўлиши керак.

698. Тузли ванналарда иссиқлик билан ишлов бериш жараёнларида куйидаги талабларга риоя қилиниши керак:

а) ваннадаги эритма юзасида ҳосил бўладиган қоплама ва шлаклар вақти-вақти билан қуруқ маҳсус тешикли чўмич ёрдамида олиб ташланиши керак;

б) қотиб қолган тузларни киздирганда тузларнинг қаттиқлашган бўлаклари сочилиб (сачраб) кетмаслиги учун уларни уриб эзғилаш тақиқланади;

в) ванна печларида таъмирлаш ишлари тугалланганда улар яхшилаб куритилгандан сўнг иш бошлашга рухсат берилади;

г) эритилган туз ва металларнинг ёнишини ўчириш учун иш жойида кум тўлдирилган кути бўлиши керак.

699. Электр печларига маҳсулотни ортиш, тушириш, уларни текшириш, таъмирлаш ва тозалаш фақат электр таъминоти бутунлай ўчирилгандан кейин амалга оширилиши лозим.

700. Иш жойларини магний қириндиси ва чангидан тозалаш, иш жойининг ҳавосида чанг ва аэрозоллар пайдо бўлишини истисно қиласидиган тарзда, бир сменада камида уч марта бажарилиши керак.

Ишлатилган тозаловчи материаллар қопқоғи маҳкам ёпиладиган металл кутига йиғилиши ва ҳар сменада бир марта чиқариб ташланиши керак.

701. Магний қотишмасининг киринди ва чиқиндилари (магний-литий қотишмасидан ташқари) ускуналардан камида 6 т узоқликда ўрнатилган “Магний чиқиндиси” ёзувли маҳсус ёпиқ идишда йиғилиши лозим.

702. Магний ва унинг қотишмаларидағи ёнғинни ўчиришда кукун таркибли бирикмадан фойдаланиш керак. Кичик ёнғин ўчоқларини бартараф этиш учун қуруқ кум, кукусимон графит ва магний оксидидан фойдаланишга рухсат берилади. Ушбу моддаларни печда эритилаётган магнийни ўчиришда фойдаланишга йўл куйилмайди. Мазкур барча ёнғин ўчирувчи моддалар ёнаётган магний ўчоғига белкурак ёки стационар қурилмалар ёрдамида етказилиши керак.

703. Оловга бардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш биноларида портлаш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича маҳсус чораларни кўрмасдан ёнучи (портловчи) газлардан ёқилғи ва тикловчи муҳит сифатида фойдаланишга йўл кўйилмайди.

704. Эритиш камераси деворларини енгил алангаланувчи конденсатдан тозалаш ишлари механик усулда амалга оширилиши керак. Ушбу конденсат тўлиқ чиқариб ташланмагунга қадар вакуум камерасини таъмирлаш ишларини бажариш ва кўриқдан ўтказиш учун техник хизмат кўрсатувчи ходимларни киришига рухсат берилмайди.

705. Алюминий қукуни ишлаб чиқариладиган ва сакланадиган жойларда унинг оксидланиши, ўз-ўзидан алангаланиши ва портлашининг олдини олиш мақсадида намлик ва захни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

706. Майдалангандан портловчи моддалар пневматик ва бошқа қувур тармоқлари орқали узатилиши инерт газ муҳитида амалга оширилиши керак.

Ўз-ўзидан алангаланувчи материаллар сакланадиган бункерлар (омборхоналар) ушбу материалларнинг ҳароратини назорат қилувчи, ёнғинга қарши воситалар ишга туширилиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишловчи мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Бункерлар, конвейер галереяси ва бошқа хоналарнинг ускуна ва пол қисмидаги ёнувчи чангларни тозалаш ишлари – ҳар сменада, деворлар, шифтлар ва қурилиш конструкцияларини тозалаш эса – ҳафтада камида бир марта амалга оширилиши лозим.

707. Ишқорий металллар билан ишлашда қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

а) ишқорий металлар (литий ва натрий) ва кальцийни қуруқ ўткир пичоқ билан фильтрли қофоз устида кесиш керак. Ишқорий металл чиқиндилари қалин деворли идишларда тўпланиши ва сувсизлантирилган керосин ёки мой билан тўлиқ тўлдирилган бўлиши керак. Ишқорий металлар солиб ишлатилган идиш ва мосламаларни этанол билан тозалаб, сув билан ювиш керак;

б) ишқорли металларни сувсизлантирилган керосин ёки мойда, ҳаво кирмайдиган қилиб маҳкам ёпилган, қалин деворли идишларда саклаш лозим. Ишқорий металлар солинган идишлар деворлари ва остки қисми асбест билан қопланган мустаҳкам қопқокли металл кутиларга жойлаштирилиши керак;

в) ишқорли металларни қутидан олиш ва уларни идишларга солишда куруқ пинцет ёки ҳалқали қисқичлардан фойдаланиш зарур. Керосин устки қисмидаги металл бўлакчалар фильтрли қофозлар ёрдамида йўқ қилиниши керак;

г) ишқорий металлар билан ишлаганда мой, ҳаво ёки кум ванналаридан фойдаланиш керак.

708. Ишқорий металлар билан ишлаганда қуидагилар тақиқланади:

а) эритувчилар бўлмагандан уларнинг сув ёки галоген таркибли бирикмалар таъсирига учраши;

б) нисбий намлик 75 фоиздан ошадиган хоналарда ишқорий металлар билан ишлаш.

2-§. Енгил саноат корхоналарига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

709. Енгил саноат корхоналарида қуидагиларни:

а) мослама ичига металл, қаттиқ жисмлар (болтлар, гайкалар, сим бўлаклари, тошлар, шлак ва бошқалар) тушиб қолишига йўл қўймасликни;

б) ускуналарда юзага келган ортиқча юкланишини тезкорлик билан бартараф этишни;

в) ускуналардаги очик жойлар, айланали узатмалар юзасига толалар тушиб қолишининг олди олинишини;

г) чанг ҳавони регламент асосида сўриб олинишини ва герметикликни таъминлаш зарур.

3-§. Матбаа корхоналари ва нашриётларга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

710. Матбаа саноати обьектларида ёзув териш дастгоҳлари ўрнатилган бўлим хоналаридаги столлар ва шкафлар зангламайдиган ёки рухланган пўлатдан ишланган туника ёхуд иссиқликка чидамли пластмасса билан қопланиши керак.

711. Дастгоҳ ва жиҳозларни тозалашда ёнғин хавфи мавжуд бўлмаган суюқликлар ва эритмалардан фойдаланиш зарур.

712. Ишлаб чиқаришга қаттиқ ҳолатда келтирилган елим, маҳаллий ҳаво тортувчи шамоллатиш тизимиға эга бўлган маҳсус резервуарларда эритилиши керак.

713. Матбаа саноати обьектларида қуидагилар тақиқланади:

а) қуиши дастгоҳининг металл узатгичига намланган материалларни осиб қуиши;

- б) қуйиш қозонига бўёқлар ва ёнувчи моддалар билан ифлосланган ёзиш материалларини солиш;
- в) ёзув териш дастгоҳлари устида ёки уларнинг ёнида ёнувчи тозаловчи моддалар ва мойланган идишларни сақлаш;
- г) енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар сингиб қолган маҳсус кийимларда қуйиш аппаратига яқинлашиш ва дастгоҳларда ишлаш;
- д) гартоэритиш бўлинмаларининг полларини ёнувчан материаллар билан қоплаш;
- е) пресс йўлаги ёки иситувчи мосламада матрица материалини каучукнинг бензиндаги эритмаси билан қоплаш ёки очик усул билан графитлаш, шунингдек, уни иситиш қурилмаларида қуритиш;
- ж) бевосита стереотиплар ва гальваностереотиплар цехининг ўзида картонни намлаш ва тагликни очик усулда қуритиш.

4-§. Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғозларни ишлаб чиқариш саноати объектларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

714. Траспортерларнинг ёнувчи эстакадаларини участкаларга (кўпи билан 50 м масофада), камида 10 м узунликдаги ёнғиндан ҳимоя қилиш зоналарига бўлиш керак.

Ёнғинга қарши зоналари ташкил этилган жойлардаги эстакадалар, соз ҳолатдаги ёнғин ўчириш жўмраклари бўлган куруқ қувурлардан иборат бўлиши ва уларнинг диаметри белгиланган ўлчамларга мос келиши керак.

Куруқ қувурлар соз ҳолатдаги сувни ишга туширувчи мосламалар (насослар, электр задвижкалар)га эга бўлиши керак.

715. Қуритиш хоналари, шунингдек, ёғочни сақлаш жойлари мунтазам равишда қиринди ва бошқа чиқиндилардан тозаланиши керак. Материалларни юклаш учун белгиланган максимал рухсат этилган меъёрлардан ва қуритиш қурилмасининг рухсат этилган ҳарорат режимидан ошиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотлар йўлкаларни тўсиб қўймаслиги ва ёғоч штабелларда сақланиши керак.

716. Ёғочни қайта ишлаш саноатида ўтин ёки чиқиндиларни сақлаш уюмларда амалга оширилиши керак. Уюмларнинг максимал сақлаш ўлчамлари узунлиги 120 м дан, кенглиги 50 м дан ошмаслиги ва баландлиги 14 м гача бўлиши керак.

717. Ёғочни қайта ишлаш ва ёғочсозлик саноатида ёғочга кириб қолган металл бўлаклар йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан туриб, кесувчи асбобни ишга туширишга йўл қўйилмайди.

718. Елимли ёғоч конструкцияларни ишлаб чиқаришдаги технологик ускуналар ва мосламалар ҳар сменанинг охирида қатронлар ва елимлардан тозаланиши керак, бино поллари эса ҳар ҳафтада бир марта тозаланиши керак.

719. Вақти-вақти билан (ўчиб-ёниб) ишлайдиган куритиш камералари, калориферларга ёғоч материаллар ҳар бир юкланишидан олдин калориферлар ва вертикал күттаргичли чуқурлар ёғоч чиқиндилари ҳамда чанглардан тозаланиши керак.

720. Газ қуритиш қурилмаларининг дудбуронларидағи учқун ушлагичлар ҳолати ҳар сменада камида бир марта текширилиши шарт. Дудбуронларда ёриқлар мавжуд ҳамда учқун ушлагичлар носоз бўлса қуритиш қурилмаларини ишлатиш тақиқланади.

Дудбурон тизимининг газ чиқариш деворлари ва дудбурон қувурини конденсациялашда ажралиб чиқсан мой маҳсулотлардан ойига камида икки марта тозалаш керак.

721. Қуритиш камераларининг ўт қалаш жойлари бир ойда камида икки марта тозаланиши керак.

722. Мой маҳсулотлари тўлдирилган ускуналарни ишлатишда мой сизиб чиқиши ва тўкилишини, шунингдек, ёғоч қурилмалари ва буюмларига сингдирилишини истисно қилувчи чоралар кўрилиши керак.

723. Елимни иситиш буғ ёки соз ҳолатдаги ёпиқ турдаги электр иситиш қурилмалари ёрдамида амалга ошириш керак.

724. Игнабаргли дараҳт туридан қилинган шпонларни қуритишда газ-ҳаво аралашмасининг рециркуляция қилинишига йўл қўйилмайди.

725. Оҳакни куйдириш ва регенерация қилишда қуйидагилар тақиқланади:

а) печни тайёргарликдан ўтмаган ходимлар томонидан ишлатиш (ёкиш);
б) печга етказиб бериладиган ҳаво ва чиқадиган газлар ҳажми ўртасидаги белгиланган нисбат бузилганда, печ дудбуронининг тортиш кучи бўлмагандан фойдаланиш ҳамда уни назоратсиз қолдириш.

726. Кесиш, пардозлаш, саралаш ва қадоклаш цехлари ва участкаларида қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

а) парчаларни, толаларни ҳамда чангларни механик равищда тозалаш учун қурилмалар йўқлигига ҳамда улар носоз бўлганда фойдаланишни тақиқлаш;

б) целлюлоза, қофоз ва картон бўлакларини етказиб бериш воситаларининг узатувчи канал ва чуқурларида тўпланган қофоз ва кичик картон бўлакларини смена давомида камида бир марта тозалаш;

в) каландрирование (ишлов бериш) учун қурилмаларнинг статик электр токини ерга улаш мосламаси ҳар куни иш бошланишидан олдин текшириш.

727. Горизонтал ҳолатдаги вагонли реторт ва кўмир печларини ишлатишда қуйидагилар тақиқланади:

а) қуритиш мосламаси эшикларини тутун тортгич ишлаб турган ҳолатида ва тутун тортгич шиберини очик турган ҳолатда очиш;

б) ҳаво юбормасдан реторт ўчогига ўт қалаш;

в) буғлар ва газлар ўтишига имкон берадиган ва такозлар билан тўлиқ жамланмаган эшиклари зич ёпилмаган ретортдан фойдаланиш;

г) реторт цехидан ташқарида ёнаётган кўмирни ташиш;

д) портлаш хавфи мавжуд бўлган газ аралашмаси ҳосил бўлишининг олдини олиш учун ўчириш кутисини тўлиқ тўлдирмаслик;

е) ретортларни ортиш ва тушириш газ магистралининг задвижкалари очик ҳолда амалга оширилади.

728. Реторт цехининг кўмир сақлаш майдони, ҳаракатланувчи дастгоҳлар (лебедкалар) ўрнатилган омбор, чукурлар (котлованлар) ҳар сменада камида бир марта кўмир қолдиқларидан тозаланиши керак.

729. Босим остида ишлайдиаган печнинг конденсация тизими герметик бўлиши керак. Конденсацияланмаган газлар таркибидаги кислород мавжудлигини ҳар сменада камида бир марта текшириш шарт.

730. Полимеризацияланган ва модификацияланган канифолни, канифол эфирини, модификацияланган канифол қатрони ва елимларини ишлаб чиқаришда қўйидаги талабларга амал қилиш керак:

а) малеинали ангдрид билан канифолни модификация қилиш жараёнида ёнғиннинг олдини олиш учун қисман омиленланган канифолдан фойдаланишга йўл қўйилмаслик;

б) реактор юкландан кейин унинг қопқоги тозаланиши ва герметик ёпилиши керак;

в) реактор деворлари ва тубидаги маҳсулот қолдиқлари ўз-ўзидан алангаланишининг олдини олиш мақсадида люк қопқоги 180 °C дан юқори ҳароратда очилишига рухсат берилмайди.

5-§. Гугурт ишлаб чиқариш обьектларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

731. Гугурт ишлаб чиқаришда:

а) ишлаб чиқариш хоналари деворларига, полларга, шунингдек, асбобускуналар ва механизmlарга ёнувчи массалар ҳамда парафинлар тушганда зудлик билан тозаланиши ва сув билан ювилиши керак;

б) гугурт ишлаб чиқариш автомати (кейинги ўринлрада – автомат) цехининг полини тозалаш ва ювиш ҳар сменада камида 2 марта амалга оширилиши, канализация кудуғининг чўкинди чукурчаси ҳар бир ювишдан сўнг тозаланиши лозим;

в) автомат олдида жойлаштирилган ёндирувчи массанинг захираси бир марта кўзиш миқдоридан ошмаслиги керак;

г) ботириш идишига тушган гугурт чўпларини тозалаш жараёни рангли металлдан тайёрланган тўрли белкураклар ёрдамида амалга оширилиши зарур;

д) автоматларни дам олиш кунларига, профилактик таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда аварияларни бартараф этиш мақсадида тўхтатиш гугуртлар йўқлигига амалга оширилиши керак;

е) автоматларни қисқа муддатга тўхтатишда ботиравчи плита ботиравчи идиш ичига тушириб қўйилиши лозим;

ж) ёндирувчи массани тайёр маҳсулотни сақлаш, суртиш бўлими ва куритиш курилмалари ёнидан, фосфорли массани эса – автомат цехи ва гугуртларни қадоқлаш хонасидан олиб ўтиш тақиқиланади;

з) янчиш бўлимининг поллари доимо нам ҳолатда сақланиши, кимё цехидаги материаллар захираси кундалик ишлаб чиқариш талабларидан ошмаслиги керак. Цехда иш тугагач 100 kg дан ортиқ бертолет тузи ва ёпилган бир банка фосфорни қолдиришга рухсат берилади;

и) фосфорли ёнувчи аралашмани тайёрлаш ва сақлаш учун идишларнинг сифими 50 kg дан кўп бўлмаслиги, улар рангли металлдан тайёрланган бўлиши, шунингдек, кўтариш учун тутқичларга эга бўлиши керак;

к) сочилиб кетган бертолет тузи дарҳол сув солинган маҳсус идишларга ийғиб олинади;

л) бертолет тузи ва олтингугуртни курук ҳолда тегирмонда майдалашга йўл қўйилмайди;

м) фосфор ва ёндирувчи массаларнинг гугурт таёклари, гугурт ва турли ҳил чиқиндилар билан ёпилишига йўл қўйилмайди;

н) гугурт массалари учун кимёвий моддаларнинг оғирлигини ўлчаш маҳсус шкафларда, шамоллатиш тизими бўлган жойда амалга оширилиши керак.

732. Ёндирувчи массани тайёр маҳсулотларни сақлаш жойлари орқали, чўпларни куритиш бўлими, гугурт ётқизиш жойлари, фосфор массасини қўллаш учун автоматлардан 2 m дан яқин, фосфор массасини эса – курилмалардан 2 m дан яқин масофада ташишга йўл қўйилмайди.

733. Ёндирувчи ва фосфор массаси ҳар бир алмашганда идишларни бўшатиш ва иш тугаши билан ифлосланган асбоб-ускуналар ювилиши керак.

734. Гугурт массасини тайёрлаш ва автомат цехларининг ҳамда қутираш дастгоҳи ишчиларининг иш кийимлари қийин алангаланадиган материалдан тайёрланган бўлиши ёки ёниш хусусиятини пасайтирувчи бирикма билан шимдирилган бўлиши керак. Шимдирилиш ҳар ювилишидан кейин амалга оширилади.

735. Қутиларни қадоқлаш машиналари олдида тайёр гугуртлар захираси ҳар бир машина учун 20 кутидан ошмаслиги керак. Оралиқ сақлаш жойларида тайёр маҳсулот миқдори битта гугурт автомати ишлаб чиқариш ҳажмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

736. Сочилган гугуртларни жойлаштириш хоналарида ва кассеталарга жойлаштирилган ҳар бир машина учун гугурт захираси 10 та кичик ёки 5 та катта кассетадан ошмаслиги керак.

737. Қутини тўлдириш машиналари яқинидаги гугурт захираси 3 та кичик кассетадан ошмаслиги керак.

738. Гугурт солинган кассеталар стеллажларда сақланиши лозим. Улар рангли металлдан тайёрланган қистирмалар билан ажратилган ҳолатда 2 қатордан кўп бўлмаган тарзда жойлаштирилади.

739. Цехнинг бир жойида гугурт солинган 10 тадан ортиқ кичик ёки 5 тадан ортиқ катта кассеталарни сақлаш тақиқланади.

740. Гугурт чиқиндиси массаларини йигиши, ташиши ва йўқ қилиш ишлари ташкилот раҳбари томондан тасдиқланган йўриқномага асосан амалга оширилади.

741. Гугурт чиқиндиси массалари ва ёғоч идишлар объект худудидан ташқарида тўсилган ва қаттиқ қопламли майдонларда утилизация қилинади.

742. Гугурт чиқиндиси массалари утилизация қилиш жойига сув билан аралашган ҳолатда олиб борилади.

39-боб. Сақлаш объектларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий мақсаддаги омборлар ва базаларга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

743. Ёнувчи моддалар агрегат ҳолатидан қатъи назар оксидловчи моддалардан алоҳида сақланиши керак.

744. Енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, қаттиқ ва газсимон ёнувчи материаллар, ҳавода ўз-ўзидан аллангаланадиган, сув ва бир-бири билан таъсиrlашадиган моддалар ҳамда органик ва ноорганик пероксидлар алоҳида омборларда, секциялар ва бўлинмаларда сақланиши керак.

745. Курум, графит, майдонлардан ва кукусимон полимерлар алоҳида куруқ хоналарда ёки атмосфера ёғинлари ва ер ости сувларидан ҳимояланган хоналарнинг бўлимларида сақланиши лозим.

746. Омборлар рампаларида, платформаларда ва пандусларда юкларни, идишларни ва юклаш механизmlарини сақлашга йўл қўйилмайди.

747. Товар-моддий бойликларни (ёнувчи қадоқларда ёнувчи ва ёнмайдиган маҳсулотларни) очик майдонда сақлашда битта секция (штабел) майдони 300 m^2 дан ошмаслиги керак. Секциялар (штабеллар) орасидаги ёнфинга қарши оралиқлар 6 т дан кам бўлмаслиги керак.

748. Аэрозоль пакетларини оксидловчи ёнадиган суюқликлар, енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар билан битта хонада сақлашга йўл қўйилмайди.

Аэрозоль пакетларини факат ёпиқ идишларда ва ёпиладиган контейнерларда, контейнерларга қуёш нури таъсиr этмайдиган алоҳида ҳолларда бостирма остида ёки очик майдонларда сақлашга рухсат берилади.

749. Аэрозоль пакетларини ёрдамчи хоналарда сақлашда хоналарнинг майдони 20 m^2 дан ошмаслиги керак.

750. Майдони 1000 m^2 ва ундан ортиқ секциялар ҳамда секцияларга ажратилмаган омборларда штабелларнинг кенглиги ва узунлиги 25 m дан ошмаслиги керак.

751. Товарларни ва юкларни суриладиган токчали стеллажларда сақлашда ўтиш йўлларининг ўлчами:

стеллажлар бир томонлама жойлашганда – суриладиган токча кенглигининг ярмига;

стеллажлар икки томонлама жойлашганда – суриладиган токча кенглигида кенгайтирилиши керак.

752. Захарли металлар, шунингдек, кимёвий фаол металлар бошқа модда ва материаллардан алоҳида сақланиши керак.

753. Битта бинода куруқ ва тайёр бўёқларни сақлашда улар алоҳида жойларга жойлаштирилиши керак.

754. Ички ёниш двигателли транспорт воситалари ва бошқа механизмларни ёнувчи маҳсулотлар ёки ёнувчи қадоқлар сақланадиган омборларда ишлатишга йўл кўйилмайди.

755. Кимёвий моддалар сақланадиган стеллажлар ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши ва иситиш асбобларидан камида 1 т масофада жойлаштирилиши керак.

756. Кичик идишлардаги кимёвий моддалар очиқ стеллажларда ёки шкафларда, катта идишларда эса штабелларда сақланиши керак.

757. Металли калий ва натрийни ўчиришда кукунли ўт ўчиргич, куруқ кум ва куруқ магнезиядан фойдаланиш керак. Ёнгинни ўчиришда сув ва углекислотали ўт ўчиргичлардан фойдаланиш тақиқланади.

758. Пирофор металлар омборнинг алоҳида бўлинмаларида герметик идишларда пассивланган ҳолатда сақланиши керак.

759. Олдиндан фаоаллаштирилиши тўхтатилган металлар (алюминий, рух, цирконий, титан) кукунлари намлик ва ҳаво ўтказмайдиган герметик идишларда сақланиши керак. Бу бўлинмаларда бошқа моддалар сақланишига йўл кўйилмайди.

760. Ёнгина эриши мумкин бўлган кимёвий моддалар сақланадиган хоналар эритманинг эркин оқимини чекловчи курилмалар (кирралар, остоналар, пандуслар ва бошқалар) билан таъминланиши керак.

761. Кислоталар сақланадиган жойда тўкилган кислотани зарарсизлантириш учун эритмалар бўлиши керак.

Кислоталар сақланадиган жой олдиндан белгиланган бўлиши шарт.

762. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган идишларга солинган кимёвий моддаларни омборларга қабул қилиш, уларни сақлаш ва тарқатишга йўл кўйилмайди.

763. Ўз-ўзидан аланталанувчи материалларни стеллажларга ёки полга фақат бир қаторда баландлиги бўйлаб жойлаштиришга рухсат этилади.

764. Идишларга жойланмаган ҳолатдаги кимёвий моддалар (калий, суперфосфат) алоҳида омборларда тўкилган уюм ҳолатида алоҳида-алоҳида, узоқ ётиб босилиб кетадиганлар учун баландлиги 2 т дан, узоқ ётиб босилиб кетмайдиганлар учун эса 3 т дан ошмаган ҳолда сақланиши керак.

765. Аммиакли селитра алоҳида чордоқсиз бир қаватли оловга бардошлилиги I ва II даражали бўлган бинолардаги ёнмайдиган полларда сақланиши керак.

766. Кучли таъсир этувчи оксидловчи моддалар (магний ва кальций хлорат, водород пероксид ва бошқалар) оловга бардошлилиги I, II ва III даражали бўлган биноларнинг алоҳида бўлинмаларида сақланиши лозим.

767. Аммиакли селитрани сақлашда қуидаги талабларга риоя қилиниши керак:

а) аммиакли селитра сақлашга мўлжалланган бинолар (бўлмалар) курук ва тоза бўлиши ҳамда уларда илгари сақланган моддаларнинг қолдиклари бўлмаслиги керак;

б) аммиакли селитра омборхоналарига (деворлари ва дарвозаларига) “Аммиакли селитра” ёзуви ўрнатилган бўлиши керак;

в) тик турувчи поддонлардан фойдаланишда аммиакли селитра штабелларининг баландлиги 4,4 м гача бўлишига рухсат берилади. Яssi поддонларни икки қаватда ўрнатиш мумкин. Поддонсиз қопларни сақлашда улар 8-10 қаторда 1,5-1,8 м баландликда тахланади.

768. Модда ва материалларни транзит электр кабеллари ўтган, ёғ-мой тўлдирилган аппаратуралар мавжуд ҳамда газ коммуникациялари жойлашган хоналарда сақлаш тақиқланади.

769. Омборхоналарда енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар аралашмаларини тайёрлаш, нитро бўёқлар, лок ва эмалларни эритиш ишларини амалга ошириш тақиқланади.

770. Бўёқлар сақланадиган омборларнинг табиий шамоллатиш қопқоқлари доимо очиқ туриши керак.

771. Каучук ва автошиналарни омборга жойлаштиришда қуидаги талабларга амал қилиш зарур:

а) каучук ва автошиналар бир қаватли омборхоналарда сақланиши зарур, уларни ертўла ва цоколь қаватларида сақлаш мумкин эмас;

б) автошиналарни тахлашда тагликсиз “кудук” шаклида теришга йўл қўйилмайди, улар полга тагликсиз терилганда автошиналар “ковурғасига” (уларни тезкор эвакуация қилиш учун қулай ҳолатда) терилиши керак.

в) автошиналарни уюм қилиб сақлаш мумкин эмас;

г) ҳажми 25 m^2 дан катта бўлган шиналар сақлаш омборлари бинонинг ташки деворлари ёнида бўлиши керак;

д) каучук ва шиналар сақланадиган стеллажлар ёнмайдиган материаллардан тайёрланган бўлиши керак;

е) ёнувчи ва бошқа материалларни каучук ва резина сақланадиган бўлимда сақлаш мумкин эмас.

772. Кимёвий моддалар сақланадиган очиқ майдонлар ва бостирмалар ёғингарчилик ва куёш нурларидан ҳимояланган бўлиши керак.

773. Кислоталар қуйилган шиша идишлар 2 ёки 4 қаторли гурухларда сақланиши керак. Шиша идишларнинг гуруҳдаги умумий микдори 100 донадан ошмаслиги лозим. Гурухлар оралиғида 1 м дан кам бўлмаган ўтиш йўлларини қолдирилиши зарур.

774. Ишқорлар ва концентрацияланган кислоталар юпқа деворли шиша идишларда сақланишига йўл қўйилмайди.

775. Кислоталар сақланадиган омборларда қўйидагилар ман этилади:

а) кислотали шиша идишларни қизиган юзаларга яқин жойда жойлаштириш;

б) кислоталарни бошқа модда ва материаллар билан биргаликда сақлаш.

776. Омборхоналарда навбатчи авариявий ёриткичлардан, газ плиталаридан, электр иситиш асбобларидан фойдаланиш ҳамда розеткалар ўрнатиш тақиқланади.

777. Иш куни тугаганидан сўнг омборхонанинг барча электр таъминоти ўчирилиши керак.

778. Омборхонанинг электр ёриткичларини ёқиши-ўчириш мосламалари хонанинг ташқарисида ёнмайдиган материаллардан тайёрланган асосга ўрнатилган бўлиши керак.

2-§. Қаттиқ ёқилғи омборларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

779. Кўмир, ўтин ёки ёғочни қайта ишлаш саноатидан ҳосил бўлган иккиласми ёқилғи ва бошқа турдаги қаттиқ ёқилғи сақланадиган омборхоналар турли хил чиқиндилар ва ўсимликлардан тозаланган ҳамда уларнинг пол қисми текисланган ва зичланиб мустаҳкамланган бўлиши керак.

780. Қаттиқ ёқилғи материалларини органик моддалар бўлган ерга тахлаш мумкин эмас.

781. Объект худуди доимий равишда шоҳ-шаббалар, курук ўтлар ва бошқа ёнувчи чиқиндилардан тозаланиши керак.

782. Омборхоналарда ўз-ўзидан ёниб кетадиган ёқилғини ўчириш ва уни штабелдан ажратилгандан сўнг совитиш учун маҳсус майдончалар бўлиши керак.

783. Портлаб-ёниш хавфи хусусияти ўрганилмаган ёки номаълум бўлган ёқилғини ёқиб юбориш ва қаттиқ ёқилғи омборларида сақлаш ман этилади.

784. Омборхонага узок муддатга сақлаш учун олиб келинган ёқилғи вагонлардан тушириш кетма-кетлиги бўйича тахланиши керак.

785. Ҳар бир ёқилғи тури учун алоҳида майдончалар ажратилиши керак.

786. Ҳар хил турдаги кўмирлар алоҳида штабелларда сақланиши керак.

787. Барча турдаги қаттиқ ёқилғиларни уларни сақлашга мўлжалланмаган биноларда сақлаш тақиқланади.

788. Ёнгин-қутқарув техникалари омборхона ҳудудида ҳаракатланишини таъминлаш учун қуидаги кенгликдан кам бўлмаган ўтиш жойлари назарда тутилиши керак:

а) штабелларнинг (уюмлар) тагликларидан ажратувчи деворгача ва краности йўлининг фундаментигача – 3 м;

б) автойўлнинг ёки рельснинг ташқи чегарасидан – 2 м.

Ўтиш жойларини қаттиқ ёқилғи билан ва бошқа жиҳозлар билан тўсиш тақиқланади.

789. Қаттиқ ёқилғининг ўз-ўзидан қизиб кетиши аломатлари тизимли кузатиб борилиши лозим. Штабеллардаги ўз-ўзидан ёниб кетиш аломатларини белгиланган график асосида визуал кўрикдан ўтказиш керак.

790. Кўмирлар учун ёқилғи ҳароратини штабель ичидаги ускуналар ёрдамида ўлчаш факат штабель орасидаги ўз-ўзидан қизиши тугамаган ҳолатда ва ўз-ўзидан қизиб кетиш ўчогининг ҳажмини аниқлаш учун ўтказилади.

791. Кўмир штабеллари зичлаштирилган бўлиши, уларнинг ҳарорати штабеллар ёнбошига темир назорат қувурлари ва термометрларни ўрнатиш йўли билан доимий кузатиб борилиши зарур, шунингдек, штабеллар орасига ёғоч чиқиндилар, қофоз, сомон тушиб қолмаслигини назорат қилиш керак.

Ёқилғи омборларидаги штабеллар ҳолатининг барча кузатув маълумотлари (ҳарорати ва бошқалар) сақланаётган ёқилғи тўғрисидаги журналга қайд этилиши лозим. Ушбу журналга штабелларнинг ўз-ўзидан қизиб кетиши, ювилиши ва бошқа ҳолатлар аниқланганда кўрилган чоралар ҳам киритилиши зарур.

792. Кўмирни очиқ ҳолатда сақлаш майдонларидан сувнинг омборхона ҳудуди ташқарисига чиқиб кетишини таъминлаш зарур.

793. Штабеллардаги ёнган кўмирни ўчириш ва совитиш учун сувдан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ёниб турган кўмирни штабелдан ажратиб захира майдончасига ёйилгандан сўнг уни сув билан ўчириш мумкин. Ўз-ўзидан ёниб кетган кўмирни штабелларга қайтариб қўшишга рухсат этилмайди. Штабелда ҳосил бўлган чуқурни намланган кўмир билан тўлдириб, штабелнинг сатҳи билан тенглаштириб зичлаштириш зарур.

794. Бартараф этилган ёниш ўчоқлари ҳар бир сменада назоратга олиниши зарур.

795. Кўмир штабелларининг ҳолати устидан назорат бир ҳафта давомида ўтказилиши шарт. Бу штабеллар ҳолатида янги ўз-ўзидан ёниб кетиш ўчоқлари бўлмагандан уларни сақлаш ва ишлатиш оддий тартибда амалга оширилади.

796. Вагонлардан ёниш ўчоқлари бўлган ёқилғини бевосита ёқилғи штабелига ёки ёқилғини узатувчи ускунага ўтказиш, штабелдан ёқилғи узатиш трактига ўтказиш ман этилади.

3-§. Кальций карбиди омборларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари

797. Кальций карбиди захиралари курук, шамоллатиб туриладиган омборхоналарда полдан 0,5 т дан кам бўлмаган баландликда сақланиши керак. Омборхонанинг ойналари оқ рангга бўялган бўлиши керак.

798. Кальций карбидини сақлаш учун омборларни ертўлаларда, сув кувурлари мавжуд бўлган ва иситиладиган хоналарда, сув тўпланиши эҳтимоли мавжуд жойларда ҳамда очик майдонларда ташкил этиш тақиқланади.

799. Кальций карбидини сақлаш ва ташиш “Карбид” ёзувли герметик ёпиладиган металл идишда (барабанда) амалга ошириш зарур.

800. Ацетиленли ускуналар бўлган хоналарда кальций карбиди учун оралиқ сақлаш омбори бўлмаган ҳолда бир вақтнинг ўзида 200 kg дан ортиқ бўлмаган кальций карбидини сақлашга рухсат этилади, ушбу миқдорда бир барабандан ортиқ бўлмаган модда очик ҳолда бўлиши мумкин.

Кальций карбиди барабанлари омборларда горизонтал ёки вертикал ҳолатда сақланиши мумкин.

Механизациялашган омборларда кальций карбиди барабанлари вертикал ҳолатда 2 қатордан кўп бўлмаган, горизонтал сақланишда эса 3 қатордан кўп бўлмаган ҳолатда сақланади. Барабан қаторлари орасига қалинлиги 40-50 mm бўлган ёғоч тахта жойлаштирилиши керак.

Кальций карбиди барабанлари тахланган штабеллар ўртасидаги ўтиш жойларининг оралиғи 1,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

801. Кальций карбиди омбори биноси ва бошқа бинолар (иншоотлар) орасидаги ёнғинга қарши оралиқ масофаси 20 m дан кам бўлмаслиги керак.

802. Кальций карбидини бошқа материаллар ва маҳсулотлар билан бирга сақлашга йўл қўйилмайди.

803. Кальций карбиди омборларида куйидагиларга:

- а) карбид чангининг тўпланишига;
- б) идишлар ва бошқа материаллар сақланишига;
- в) барабанларни очишга;

г) кальций карбидини майдалаш ҳамда уни очик барабанларда сақлашга йўл қўйилмайди.

804. Кальций карбиди омборларидан 10 m дан яқин бўлган масофада оловли ишларни олиб бориш тақиқланади.

805. Кальций карбиди омборларидағи ёнғинларни ўчиришда сувдан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ёнғин ўчириш ишлари курук кум ёки углекислотали ўт ўчиргичлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

4-§. Ёнувчи толали материаллар омборларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

806. Техник хомашё маҳсулотларини (пахта, каноп, рапс, хмель ва бошқаларни) саклаш уюмларда, штабелларда, ғарамларда, бостирма остида, ёпиқ омборларда амалга оширилади, толалар ва каноп лослари (пакля) фақат ёпиқ омборларда сакланади.

807. Ёнувчи толали материалларни очик майдонларда штабелларда ва бостирма остида саклашда қуидагиларга риоя этиш зарур:

- а) штабелнинг оғирлиги 300 т дан ошмаслиги керак;
- б) штабелларнинг ўлчами 22 x 11 м дан ва баландлиги 8 м дан ошмаслиги керак;
- в) битта бўлмада штабеллар ёки бостирмалар сони 6 та дан ошмаслиги керак, бунда штабеллар орасидаги масофа 15 м дан кам бўлмаслиги, бостирмалар орасидаги барча йўналишларда 20 м дан кам бўлмаслиги керак;
- г) битта гурухда 4 тагача бўлма бўлиши мумкин (24 та штабель ёки бостирма), бўлмалар орасидаги оралиқ барча йўналишларда 30 м дан кам бўлмаслиги керак;
- д) битта секторда 4 тагача гурух бўлиши мумкин (96 та штабель ёки бостирма), гурухлар орасидаги оралиқ барча йўналишларда 50 м дан кам бўлмаслиги керак;
- е) секторлар оралиғидаги масофа 100 м дан кам бўлмаслиги лозим.

808. Ёнувчи толали материалларни саклаш учун мўлжалланган очик майдонлар, бостирмалар ва омборлар участкалари тўсилган бўлиши лозим, улардан тўсиқларгача бўлган масофа 5 м дан кам бўлмаслиги керак. Тўсиқ атрофидаги майдон ўсимликлардан тозалангандан бўлиши керак.

809. Енгил ёнувчи толали материаллар фақат тойларда сакланишига рухсат этилади. Очик (боғланмаган) тойлар алоҳида участкаларда ёки маҳсус ажратилган майдонларда ёнфинга қарши оралиқ масофаларга риоя қилган ҳолда сакланади.

810. Учкун сўндиригичларсиз бостирма ва штабелларга темир йўл ва автомобиль транспортини 5 м дан яқин, тракторларни эса 10 м дан яқин масофада ҳаракатланиши тақиқланади. Бу ерларда чекловчи тўсиқлар (брұслар) ўрнатилиши лозим. Ёпиқ омборхоналар, бостирма ва штабелларга автотранспорт воситаларининг кириши газ чиқиши қувурининг тескари томонидан амалга оширилиши керак, бунда газ чиқиши қувури норматив талабларга жавоб берадиган ва соз бўлган учкун сўндиригич билан жиҳозланган бўлиши керак.

5-§. Ёнувчи газлар омборларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

811. Ёнувчи газларни саклашда қуидагиларни таъминлаш зарур:

- а) газ баллонлари сакланадиган хоналарнинг ойналарини оқ рангли бўёқ билан бўяш ёки қуёш нурини қайтарувчи ёнмайдиган мосламалар билан жиҳозлаш;

б) баллонларни очик майдонларда саклашда уларни күёш нури ва ёғингарчиликдан ҳимоялайдиган қурилмаларни ёнмайдиган материаллардан тайёрлаш;

в) ёнувчи газлар тўлдирилган баллонларни кислород, сиқилган ҳаво, хлор, фтор ва бошқа оксидловчи ҳамда заҳарли газлар баллонларидан алоҳида саклаш;

г) гурухли баллонли ускуналарни бинонинг ташки (дарча, ойна, эшик жойи бўлмаган) деворларида ўрнатиш мумкин. Баллонлар жойлаштириладиган шкафлар ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши ва портлаш ҳавфи бўлган модда йиғилишига йўл қўймайдиган табиий шамоллатишга эга бўлиши;

д) кислородли баллонларни саклашда ва ташишда, уларга мойлар (ёғлар) тушиши ва мойланган материаллар билан баллоннинг арматурасига тегиш тақиқланади. Кислородли баллонларни ташишда уларнинг клапанларидан ушлашга рухсат этилмайди;

е) портлаш ҳавфи концентрацияси ҳосил бўлишини назорат қилиш учун хоналарда газ анализаторлар ўрнатиш. Газ анализаторлар бўлмагандан ташкилот раҳбари газ-ҳаво мухитининг намунасини олиш ва назорат ўрнатиш тартибини белгилаши керак;

ж) баллонлардан газ сизиб чиқиши аниқланганда улар омборхонадан ҳавфсиз жойларга олиб чиқилиши керак;

з) ёнувчи газлар тўлдирилган баллонлар жойлашган омборларга металл мих ва тақалар қоқилган оёқ кийимида кириш тақиқланади;

и) бошмоқларга эга бўлган, ёнувчи газлар тўлдирилган баллонлар, вертикал ҳолатда маҳсус бўлмаларда ёки қулашига йўл қўймайдиган бошқа ускуналарда сакланиши керак. Бошмоқларга эга бўлмаган баллонлар, горизонтал ҳолатда рамкаларда ёки стеллажларда сакланади. Бундай ҳолатда штабелнинг баландлиги 1,5 м дан ошмаслиги лозим, клапанлари эса ҳимояловчи қалпоклар билан ёпилган ва бир тарафга қаратилган бўлиши керак;

к) ёнувчи газлар омборхоналарида бошқа модда ва материалларни ҳамда жиҳозларни саклаш ман этилади;

л) ёнувчи газлар омборхоналари табиий шамоллатилади.

812. Суюлтирилган газлар ва ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни ёнувчи моддалар билан бирга ташиш ман этилади.

813. Ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни олиб юриш учун автоюклагичлардан фойдаланиш тақиқланади.

814. Ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни юклаш-тушириш ишларида, ташишда ва саклашда, уларнинг тушиб кетиши ва шикастланишининг олдини олиш чоралари кўрилиши керак. Автомашинадан баллонлар факат клапанларини юқорига қаратиб олиб тушилиши лозим.

815. Ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни баллонлар бир-бирига урилиши ва қулашига йўл қўймайдиган маҳсус кузовли автомашиналарда ташиш лозим.

816. Ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни юклаш-тушириш ишлари автомашинанинг двигатели ўчиқ ҳолатда амалга оширилиши керак.

817. Ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни сақлаш хонасининг поли учкун ҳосил қилмайдиган материаллардан ишланган бўлиши лозим.

818. Ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонлар омборхонасининг 10 м масофадаги атрофида ёнувчи материалларни сақлаш ва оловли ишларни амалга ошириш тақиқланади.

819. Баллонларни сақлаш учун мўлжалланмаган омборларда ёнувчи газлар билан тўлдирилган баллонларни сақлаш ман этилади.

820. Хизмат кўрсатиш ходимлари омборда сақланаётган газнинг ёнгин хавфини, баллонларни эвакуация қилиш тартибини ва аланталанган ёнувчи газларни ўчириш тартибини билиши шарт.

6-§. Дорихоналар ва уларнинг омборларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

821. Дорихоналарда портлаб-ёниш хавфи мавжуд бўлган моддалар алоҳида хоналарда ёки маҳсус жиҳозланган сақлаш жойларида (ёнмайдиган шкафларда) сақланиши керак.

822. Дорихоналарда енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар бошқа товарлардан алоҳида сақланиши керак. Бошқа вазифали биноларда жойлашган дорихоналарда қадоқланмаган ҳолатда сақланадиган енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар микдори 100 kg дан ошмаслиги лозим. 100 kg дан ортиқ қадоқланмаган ҳолатдаги енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликларни бошқа гурухлардаги портлаш-ёниш хавфи мавжуд моддаларини сақлаш хоналаридан алоҳида турган бинода сақлаш керак.

40-боб. Қурилиш обьектларига қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

1-§. Умумий қондалар

823. Қурилиш обьектларида (худуд, бино, иншоот, қурилиш ишлари олиб борилаётган иморат ва қурилма, қайта таъмирлаш, функционал вазифасини қайта ихтисослаштириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қайта тиклаш, модернизация қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш) ишлаб чиқариш, омбор ва ёрдамчи бино ва иншоотларни жойлаштириш қурилиш бош режасига мос бўлиши шарт.

824. Объект фаолиятини тўхтатмасдан реконструкция қилиш, қайта тиклаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, шунингдек, обьектларни навбат билан фойдаланишга туширишда обьект маъмурияти қурилиш-монтаж ташкилотлари билан биргаликда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш учун буортмачи ва пурратчи ташкилотлардан масъулларни буйруқ билан тайинлаши лозим (умумий обьект учун ва алоҳида бўлимлари учун).

825. Ёнувчи курилиш материалларини ёнғинга қарши оралиқларда саклаш тақиқланади.

826. Ёнувчи курилиш материаллари ва буюмларини, шунингдек, ёнувчи қадоқлардаги асбоб-ускуналар ва юкларни очиқ майдонларда саклашда улар майдони 100 m^2 дан ва баландлиги 2,5 м дан кўп бўлмаган штабеллар ёки гурухларда жойлаштирилиши керак.

827. Майдони 2 ва ундан ортиқ гектарга тенг курилиш ҳудудида камида иккита қарама-қарши ташкил этилган кириш жойлари бўлиши шарт. Йўллар йилнинг барча фаслларида ёнғин-қутқарув автомобиллари ўтиши учун қаттиқ қопламага эга бўлиши лозим. Кириш жойининг эни 4 м дан кам бўлмаслиги керак.

Йўлларнинг боши берк қисмларида ёнғин-қутқарув автомобилларининг айланиб олиши учун ҳалқасимон ўтиш жойи ёки ўлчами $12 \times 12 \text{ m}$ дан кам бўлмаган майдонча ташкил этилиши керак. Курилиш майдонига кириш жойида курилаётган ва ёрдамчи бино ва иншоотлар, кириш йўллари, сув манбалари, ёнғин ўчириш ва алоқа воситаларининг жойлашуви, уларга олиб борувчи йўл ва йўлкалар кўрсатилган ёнғинга қарши режалари ўрнатилиши шарт.

828. Курилиш бошланишидан олдин, курилиш майдончасидаги курилиши режалаштирилган бинога нисбатан ёнғинга қарши оралиқларда жойлашган барча бино ва иншоотлар бузиб ташланиши лозим, бунда уларнинг эни курилиш меъёр ва қоидаларининг талаблари билан аниқланади.

829. Курилиш техникаси ва механизмларини, агар бу курилиш ишлаб чиқариш технологияси билан асосланган бўлса, ёнғинга қарши оралиқларга риоя қилмасдан бинолар (иншоотлар) яқинида жойлаштиришга рухсат этилади.

Штабеллар (гурухлар) ҳамда улардан курилаётган ва вақтинчалик биноларгача (иншоотлар) ёнғинга қарши оралиқлар 18 м дан кам бўлмаслиги керак.

830. Оловга бардошлилик даражаси IV дан паст бўлмаган ва қаватлар сони 10 қаватдан юқори бўлмаган биноларда (иншоотларда) вақтинчалик устахона ва омбор ташкил этишга ушбу Қоидаларнинг талаблари бажарилган тақдирда йўл қўйилади. Маъмурий-маиший хоналарни эвакуация чиқиш жойларининг сони нормаларга мувофиқ бўлган тақдирда 4-қаватгача жойлаштиришга рухсат этилади.

831. Объект ҳудудида майший тиркамалар, блок контейнерлар ва бошқа вақтинчалик иншоотлар, объект раҳбари томонидан тасдиқланган жойлашиш тартиби (курилиши ташкил этиш лойиҳалари бош режаси) асосида жойлаштирилиши керак. Майший тиркамалар ва блок-контейнерларнинг гуруҳдаги сони 10 тадан ортиқ бўлмаслиги (майдони 800 m^2), ёнғинга қарши оралиқлар 15 м дан кам бўлмаслиги керак.

Вақтинчалик қурилмалар, курилаётган ва бошқа мавжуд бинолардан камида 18 м масофада ёки ёнғинга қарши деворлар ёнига жойлаштирилади. Ҳар бир вақтинчалик бино ва майший-тиркамалар унинг вазифаси, инвентар

рақами ва уларни ишлатишга ва ёнгин хавфсизлиги ҳолатига масъул шахслар номи ёзилган ёрлиқлар билан таъминланган бўлиши керак.

832. Курилиш майдончалари ҳудудида иш вақти тугагандан сўнг суткалик навбатчиликни амалга оширувчи шахслардан ташқари ишчи-хизматчилар ва бошқа шахсларнинг бўлиши (яшаши) тақиқланади.

833. Курилаётган бинога мебель ва бошқа ёнувчи ускуналарни (тасдиқланган иш жадвалига мувофиқ ўрнатиладиган ускуналар бундан мустасно) ички ёнгинга қарши сув таъминоти ва ёнгин автоматикаси тизими ишга туширилгандан сўнг олиб киришга рухсат этилади.

2-§. Курилиш-монтаж ишларини олиб боришга қўйиладиган ёнгин хавфсизлиги талаблари

834. Баландлиги 3 ва ундан юқори бўлган қаватли биноларни куришда зиналарни монтаж қилиш зина катакларини ташкил этиш билан бир вақтда амалга оширилиши керак.

Зина катакларида икки оёқли тахта нарвонни ишлатиш қаватлар сони 2 дан юқори бўлмаган биноларда рухсат этилади. Курилиш даврида ёнмайдиган поғонани ҳимоя қилиш учун ёнувчи материаллар билан ёпишга йўл қўйилади.

Курилаётган биноларнинг юқ кўтарувчи конструкциялари ўрнатилгандан сўнг, томларига лойиҳада назарда тутилган ташқи ёнгин нарвонини ва тўсикларини дарҳол ўрнатиш керак.

835. Баландлиги 3 ва ундан юқори қаватли биноларни куришда одатда инвентар металл ҳавозалардан фойдаланиш лозим.

Курилиш ҳавозалари периметри бўйлаб ҳар 40 м га бир донадан нарвон ёки икки оёқли нарвон билан, лекин бутун бино бўйлаб 2 тадан кам бўлмаган нарвон (икки оёқли нарвон) билан таъминланган бўлиши керак.

836. Баланд қаватли иншоотлардан (дудбуронлар, совитиш миноралари, тўғон, силос хоналари ва бошқалар) одамларни эвакуация қилиш учун бутун курилиш даврига, ёнмайдиган материаллардан тайёрланган камидга 2 та нарвон ташкил қилиш зарур.

837. Ёнувчи ва ёнмайдиган материалдан тайёрланган опалубкаларни бир вақтда 3 қаватдан кўп бўлмаган жойга ўрнатишга рухсат этилади. Бетон конструкциясининг мустахкамлиги таъминланганидан сўнг ёғоч опалубка ва ҳавозалар бинодан олиб чиқилиши лозим.

838. Бинонинг металл конструкцияларини оловга бардошлилик даражасини ошириш ишлари бино курилиши билан бир вақтда амалга оширилиши керак.

839. Бинолар ичидаги ёнувчи материаллар мавжуд бўлган тақдирда, девор ва шифтлардаги очик жойлар (тешиклар) орқали ёнгин тарқалишининг олдини олиш учун чоралар кўриш керак (талаб этилган оловга бардошлилик даражасини инобатга олган ҳолда ички ва ташкии деворлар ва томёпмаларнинг уланган жойларидағи тирқишлирини ёпиш, муҳандислик коммуникациялари ўтган жойларни зичлаш).

Бино ва иншоотларни вақтингчалик иситиш учун бўшлиқларни тўлдиришда ёнмайдиган ва қийин ёнувчан материаллардан фойдаланиш лозим.

840. Томга ёнувчи изоляцияловчи материалларни ётқизиш ва унда сув ўтказмайдиган тўшамни ташкил этиш, химоя шағал қатламини ёйиш, ёнувчи изоляцияловчи материаллардан фойдаланган ҳолда ўраб турувчи конструкцияларни ўрнатиш ишларини амалга ошириш 500 m^2 дан кўп бўлмаган майдонларга ажратган ҳолда амалга ошириш керак.

Иш жойларида изоляцияловчи ва ўрамли том ёпиш материалларининг миқдори иш сменаси эҳтиёжидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ёнувчи изоляцияловчи материаллар қурилаётган бинодан ташқарида алоҳида иншоотда ёки қурилаётган ва вақтингчалик бинолардан, иншоотлар ҳамда омборхоналардан камида 18 m узокликда бўлган маҳсус майдонда сақланиши керак.

841. Бинонинг фойдаланилаётган қисми қурилаётган қисмидан 1-турдаги ёнғинга қарши тўсиқ ва 3-турдаги ораёпмалар билан ажратилиши керак. Бунда бинонинг ҳар бир қисми норматив ҳужжатларга мувофиқ алоҳида кутқарув чиқиши йўллари билан таъминланиши лозим.

842. Қурилиш-монтаж ташкилотининг раҳбарлари (иш раҳбари) куйидагиларга:

объектда муҳандислик-техник ходимлар, ишчи-хизматчилар томонидан ушбу Қоидалар талабларининг ҳамда қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ва қурилишни амалга ошириш лойиҳасидаги ёнғинга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлашга;

курилиш майдонларида ишлаётгандар томонидан ёнгин хавфсизлиги талаблари, шунингдек, қурилишда ишлатилаётган моддалар, материаллар, конструкциялар ва қурилмалар ўрганилишини ташкил этишга;

курилиш майдончасида қурилиш бош режаси, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси, шунингдек, ушбу Қоидалар ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда назарда тутилган ёнғинга қарши сув таъминоти, кириш жойлари, огоҳлантириш ва алоқа тизимлари, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари бўлмаган (носоз) ҳолларда қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ асосий қурилиш-монтаж ишларини олиб боришга йўл қўймасликка мажбур.

843. Ёниш ва портлаб-ёниш хавфи мавжуд модда ва материаллардан, иссиқликни сақловчи ёнувчи материаллардан, шу жумладан, таркибида иссиқликни сақловчи ёнувчи материаллар бўлган конструкциялардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар қурилиш майдончасида, ёнгин хавфсизлиги учун масъул шахс томонидан имзоланган наряд-руҳсатнома бўйича, “Олов хавфи бор – ёниш ва портлаб-ёниш хавфи мавжуд модда ва материаллар ишлатилмоқда” ёзувли огоҳлантирувчи белги ўрнатилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

844. Қуритиш қурилмаларини ҳамда иссиқлик чиқарадиган мосламаларни қурилиш ва вақтингчалик бинолардан (иншоотлардан) ва хоналардан чиқиши жойларига (тамбурларига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

845. Курилиш майдонларининг иситиш хоналарида оловли ишларни бажаришга, шунингдек, электр калориферларидан ва инфрақизил нурланишли газли горелкалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

VII-бўлим. Якунловчи қоида

41-боб. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

846. Ушбу Қоидалар талабларини бузганлиги ва (ёки) бажармаганлиги учун юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига
1-илова

Ёнгин хавфсизлиги йўриқномалариға қўйиладиган ТАЛАБЛАР

1. Обектларда (фуқаролар мулки бўлган якка тартибдаги туар жойлардан ташқари) куйидагилар ишлаб чиқилиши керак:

- а) ёнгин хавфсизлиги бўйича умумий йўриқнома;
- б) таркибий бўлинмаларда ёнгин хавфсизлиги чоаралари бўйича йўриқномалар;
- в) технологик ускуналардан фойдаланиш ва авария режимида ишлатиш бўйича йўриқномалар;
- г) ёнгинга қарши сув таъминоти тизимларини ҳамда ёнгинга қарши автоматик қурилмаларни ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалар;
- д) электр қурилмаларидаги ёнгинларни ўчириш бўйича йўриқномалар;
- е) одамларни хавфсиз эвакуация қилишни таъминлаш бўйича ходимларнинг ҳаракатларини белгилайдиган йўриқномалар;
- ж) оловли ишларни ўтказишда хавфсизлик чоралари бўйича йўриқномалар;
- з) “ёнгин-қутқарув бўлинмаларини ташиш” иш тартибида ишлайдиган лифтлардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар;
- и) ёнгин содир бўлганда ходимларнинг ҳаракатлари тартиби ва бошқалар.

Объектда фақат ёнгин хавфсизлиги бўйича умумий йўриқномани ишлаб чиқишга рухсат берилади. Бунда колган йириқномаларнинг асосий талаблари, унинг бўлимлари сифатида киритилиши керак.

2. Ёнгин хавфсизлиги йўриқномалари бинолар (иншоотлар), уларнинг ёнгин хавфи бўйича хусусиятларини, технологик жараёнлар, технологик ва ишлаб чиқариш ускуналарини ҳисобга олган ҳолда Ёнгин хавфсизлиги қоидалари ҳамда ёнгин хавфсизлиги талабларини белгиловчи бошқа норматив-хукукий хужжатларга ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар асосида ишлаб чиқилиши керак.

3. Ёнгин хавфсизлиги йўриқномалари ушбу соҳада янги талаблар (норматив-хукукий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар) кучга киргандан, объекtnинг ёнгин хавфсизлигини таъминлашга талаблар ўзгарганда ҳамда юқори бошқарув органларининг тегишли топшириклари асосида даврий равишда қайта кўриб чиқилиши керак.

4. Объектларда Ёнгин хавфсизлиги қоидалари асосида ишлаб чиқариш хусусиятлари ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўз йўриқномалари ишлаб чиқилиши мумкин. Бунда ушбу йўриқномалар Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига зид бўлмаслиги ҳамда унинг талабларини пасайтираслиги керак.

Ёнгин хавфсизлиги бўйича умумий йўриқномалар объект раҳбари томонидан тасдиқланади ва қуидаги талабларни акс эттириши керак:

- а) ҳудудни, шу жумладан, йўллар, биноларга (иншоотларга) кириш жойларини сақлаш тартиби;
 - б) ёнгин содир бўлганда одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун биноларни (иншоотларни) сақлаш тартиби;
 - в) ёнгин режимига ва унинг бажарилиши бўйича корхонадаги барча ишчиларнинг мажбуриятлари;
 - г) объектда ишларни бажаришда пудратчилар (субпудратчилар) томонидан ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чоралари;
 - д) ёнгинга қарши сув манбалари, ёнгинга қарши воситалар, ёнгин сигнализацияси ва алоқа воситаларини сақлаш;
 - е) чекиш учун жойлар, уларни жиҳозлаш ва сақлаш тартиби;
 - ж) ёнгиндан сақлаш хизматини чақириш тартиби;
 - з) биноларга (хоналарга) кириш ва уларнинг калитларни сақлаш тартиби.
- Таркибий бўлинмаларда ёнгин хавфсизлиги чоаралари бўйича йўриқномалар қуидагиларни ўз ичига олиши керак.
- а) ишлаб чиқариш жараёнлари учун уларга риоя қилмаган тақдирда ёнгинга олиб келиши мумкин бўлган маҳсус ёнгинга қарши чоралари;
 - б) технологик ускунлар, сифимли иншоотлар ва агрегатларда уларни фойданиш учун ишга туширишга тайёрлашда ҳамда таъмирлашдан сўнг ёнгин хавфсизлиги чоралари;
 - в) омборхонада, устахонада, лабораторияда, цехда ёнгин хавфи мавжуд моддалар ва материалларни сақлаш тартиби ва меъёрлари;
 - г) очик оловли курилмалардан фойдаланиш тартибини ҳамда оловли ишларни бажариш учун маҳсус жиҳозланган жойларни ташкил қилиш;
 - д) ёнувчан материалларни йиғиш, сақлаш ва хонадан олиб чиқиши тартиби, майший хоналарни сақлаш ҳамда маҳсус кийим-бошларни сақлаш тартиби;
 - е) мавжуд ёнгинга қарши воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда улар устидан техник назоратни амалга ошириш бўйича жавобгарлик тақсимоти;
 - ж) ёнгин содир бўлганда ходимларнинг ҳаракатларини, ёнгин-қутқарув бўлинмаларини (авария-кутқарув хизматини) чақириш ва кўнгилли ёнгин ўчириш дружиналари аъзоларини йиғиш усуллари;
 - з) ёнгин содир бўлганда технологик ускуналарни тўхтатиш, вентиляция тизимларини ўчириш, ходимларни ҳамда моддий бойликларни эвакуация қилиш тартиби;
 - и) хоналарни беркитишдан олдин кўздан кечириш тартиби.

Технологик ускуналардан фойдаланиш ва авария режимида ишлатиш бўйича йўриқномалар куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) ёнғин хавфсизлиги талаблари (ишлаб чиқариш шароитларига мос ҳолда);

б) ҳаво узатиш тизимларини, ёнғинга қарши клапанларни, шамоллатиш тизимларини, фильтрлар ва бошқа қурилмаларни тозалаш муддатлари;

в) ёнғин содир бўлганда ишчи-хизматчиларнинг ҳаракатланиш тартиби.

Ёнғинга қарши сув таъминоти тизимларини ҳамда ёнғинга қарши автоматик қурилмаларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалар куйидагиларни белгилаши лозим:

а) обьектнинг тегишли бўлинмалари ўртасида ёнғин сигнализацияси қурилмалари ва ёнғинга қарши сув таъминоти учун жавобгарлик худуд чегаралари;

б) сув таъминоти тизимлари ва ёнғин автоматика ускуналарини ўрнатиш ҳамда уларни таъмираш устидан назорат тартиби;

в) техник ҳужжатларни юритиш талаблари.

Ушбу йўриқномалар намунавий йўриқномалар, шунингдек, ўрнатилган қурилмаларнинг лойиха ҳужжатлари ва паспорт маълумотлари асосида ишлаб чиқилиб, обьектнинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланади ҳамда Ёнғин-техник комиссияси томонидан белгиланган муддатларда қайта кўриб чиқилади.

Электр қурилмаларидаги ёнғинларни ўчириш бўйича йўриқномалар куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) технологик жараёндаги моддалар ва материаллар, жиҳозларнинг ёнғин хавфи;

б) электр иншоотларидаги ёнғинларни ўчириш учун ёнғин хавфсизлиги талаблари, шу жумладан, бинолар (иншоотлар), хоналарнинг ёнғин хавфини ҳисобга олган ҳолда.

Ушбу турдаги йўриқнома энергетика обьектлари учун ишлаб чиқилади (бошқа обьектлар учун талабларни бошқа йўриқномаларнинг тегишли бўлимларига киритишга рухсат берилади).

Одамларни хавфсиз эвакуация қилишни таъминлаш бўйича ходимларнинг ҳаракатларини белгилайдиган йўриқномалар куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) одамларни хавфсиз зонага имкон қадар тезроқ эвакуация қилиш имкониятини таъминлайдиган энг хавфсиз эвакуация йўллари ва чиқишлиарнинг рўйхати;

б) биринчи ва кейинги навбатдаги эвакуация қилиш тартиби;

в) кўшимча ёниш ўчоқлари, саросима ва бошқа ҳолатлар юзага келишини истисно қиласидиган чоралар.

Одамлар кўп ва (ёки) кун давомида ишлайдиган бинолар учун йўриқномалар одамларни хавфсиз ва тезкорлик билан эвакуация қилишни таъминлаш бўйича ходимларнинг ҳаракатларини акс эттириши керак. Тунда одамлар қоладиган обьектлар (мактабгача таълим ташкилотлари, интернатлар, касалхоналар ва бошқалар) учун йўриқномаларда ҳаракатларнинг иккита варианти кўзда тутилиши керак: кундузи ва тунги.

Оловли ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқномалар вақтинча ва доимий жойларда оловли ишларни бажаришда ёнгин хавфсизлиги бўйича маҳсус талабларни белгилайди.

“Ёнгин-кутқарув бўлинмаларини ташиш” иш режимига эга лифтларни ишлатиш бўйича йўриқномалар ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган, ёнгин-кутқарув хизмати билан келишилган ва ташкилот томонидан белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилган, белгиланган лойиха ҳужжатлари ва паспорт маълумотлари асосида ишлаб чиқилади.

Йўриқнома бевосита лифт кабинасининг бошқарув тизими ёнида ўрнатилади.

Ёнгин содир бўлганда ходимларнинг ҳаракатлари тартиби Ёнгин хавфсизлиги қоидаларнинг 4-бобини ва технологик ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Ёнгин содир бўлган тақдирда ходимларнинг ҳаракатланиши тартиби обьектнинг ёнгин хавфсизлиги чоралари бўйича умумий йўриқномасига ёки таркибий бўлинмаларда ёнгин хавфсизлиги чоралари бўйича кўрсатмаларга киритилишига рухсат берилади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига
2-илова

**Ёнғин хавфсизлиги бўйича ходимларнинг билимини
текшириш ва тайёргарлик ишлари
ТАРТИБИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ходимларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича билимларини ўрганиш ва синовдан ўтказиш меҳнат хавфсизлиги бўйича ўкув тизимининг бир қисми ҳисобланади.

2. Ишчилар, хизматчилар, раҳбар ходимлар ва ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассисларни ўргатиш ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин техник минимуми бўйича дастурни ўзлаштириш орқали амалга оширилади.

2-боб. Ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш

3. Ёнғинга қарши йўл-йўриқ моҳияти ва вақти бўйича куйидагиларга бўлинади: кириш, бирламчи, такрорий, режадан ташқари ва мақсадли.

4. Ёнғинга қарши йўл-йўриқ (кейинги ўринларда – йўл-йўриқ) ёнғин хавфсизлиги бўйича маҳсус тайёргарликка эга бўлган шахслар (меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис, ёнғин хавфсизлиги бўйича мухандис, ташкилот раҳбарининг буйруғига мувофиқ ушбу вазифаларни бажарадиган бошқа шахслар), улар йўклигига – ташкилот раҳбари томонидан берилади.

5. Кириш йўл-йўригининг мақсади ходимни ташкилотдаги иш шароитлари, унинг ёнғинга қарши режими ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий жиҳатлари билан таништиришдан иборат.

6. Кириш йўл-йўриғи:

маълумоти, мутахассислиги, иш стажидан қатъи назар ташкилотда доимий ёки вақтинча ишлаш учун қабул қилинган шахслар билан;

ташкилотда ёки унинг худудида ишларни амалга оширишга (хизмат кўрсатишга) жалб қилинган бошқа ташкилотлар ходимлари билан;

вақтинча хизмат сафарига юборилган ёки ташкилотда ишлаб чиқариш бўйича ўкув машғулотига (амалиётига) биринчи марта келган ишчилар билан;

ўкув лабораторияларида, устахоналарда, ишлаб чиқариш майдонлари ва полигонларида лаборатория ва амалий машғулотлар бошланишидан олдин олий ва ўрта маҳсус профессионал таълим ташкилотлари талабалари билан ўтказилиши керак.

7. Кириш йўл-йўриғи маҳсус ажратилган хонада ўтказилиши керак. Ушбу хона зарур кўргазмали куроллар, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғиндан ҳимоя қилиш техник воситаларининг намуналари, объектда мавжуд бўлган ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва алоқа воситалари билан таъминланган бўлиши лозим.

8. Кириш йўл-йўриғи куйидаги масалаларни ўрганишни ўз ичига олиши керак:

объектнинг ёнгин ва портлаш хавфи бўйича ўзига хос хусусиятлари ҳакида умумий маълумот;

ушбу ташкилотда (шу каби тоифадаги ташкилоларда) содир бўлган ёнгинларнинг сабабларини инобатга олган ҳолда ёнгинларнинг олдини олиш чора-тадбирлари;

ташкилотнинг ёнгинга қарши режимига қўйиладиган талаблар;

ходимларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари;

ёнгин хавфсизлиги белгилари;

ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари хусусиятлари, ёнгиндан ҳимоя қилишнинг техник воситалари ва улардан фойдаланиш тартиби;

ёнгин содир бўлганда ҳаракат қилиш тартиби (ёнгин-қутқарув бўлинмаларини чакириш, одамларни ва товар-моддий бойликларни эвакуация қилиш, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва ёнгиндан ҳимоя қилишнинг техник воситаларидан фойдаланиш, ёнгиндан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари).

9. Ўтказилган кириш йўл-йўриғи ёнгинга қарши йўл-йўриқларни рўйхатта олиш журналига қайд этилади.

10. Бирламчи йўл-йўриқнинг мақсади бўлинманинг ёнгин хавфсизлигини таъминлашда иш жойида ишларни бажаришда риоя килиниши лозим бўлган қоидалар билан таниширишдан иборат.

11. Бирламчи йўл-йўриқ қуйидаги шахслар билан ўтказилиши лозим:

ёнгинга қарши кириш йўриқномасидан ўтган ва иш жойига келган;

бир бўлинмадан бошқасига ўтказилганда, агар ёнгин хавфи ва (ёки) янги иш жойи учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг талаблари аввалгисидан фарқ қилса.

12. Бирламчи йўл-йўриқ бевосита иш жойида берилади.

13. Бирламчи йўл-йўриқ ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган дастур бўйича ёки ёнгин хавфсизлиги йўриқномаларига асосан ёнгинга қарши техник ҳимоя воситалари, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва алоқа воситаларини мажбурий намойиш этган ҳолда амалга оширилади.

14. Бирламчи йўл-йўриқ қуйидаги масалаларни ўрганишни ўз ичига олиши шарт:

модда ва материалларнинг портлаш-ёниш хавфлилиги;

ёнгин ва портлашнинг олдини олиш чоралари, уларнинг келиб чиқиши манбалари;

йўл-йўриқ берилаётган ходим томонидан иш бажариладиган ишлаб чиқариш майдончалари ва хоналарнинг ёнгин хавфи хусусиятлари;

мавжуд ёнгинга қарши техник ҳимоя воситалари, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари, алоқа воситалари, ёнгинни ўчиришда техника хавфсизлиги;

иш жойидаги ёнгинга қарши режим (худудни сақлаш, ўтиш жойлари ва йўллари, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларига бориш йўллари, чекиш режими ва бошқа талаблар).

15. Такрорий йўл-йўриқнинг мақсади ходимнинг билимларини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатга барқарор шаклланиши учун ташкилотдаги ёнгин хавфсизлигини таъминлаш талабларини такрорлашдан иборат.

16. Малака, маълумот, иш стажи, бажарилган ишнинг хусусиятидан қатъи назар барча ходимлар олти ойда камида бир марта бирламчи йўл-йўриқ дастурига биноан такрорий йўл-йўриқдан ўтадилар.

17. Режадан ташқари йўл-йўриқнинг мақсади ходимларнинг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги билимларни янгилаш ҳамда уларга янги маълумотларни етказишдан иборат.

18. Режадан ташқари йўл-йўриқ куйидаги ҳолатларда ўтказилади:

ёнгин хавфсизлиги бўйича янги ёки ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган норматив-хукуқий хужжатлар кучга кирганда (бунда йўл-йўриқ ва кейинги билимларни текшириш фақат мазкур норматив-хукуқий хужжатлар талабларига мувофиқ ва иш фаолияти янги (ўзгартирилган) талаблар билан боғлиқ бўлган ходимлар учун тааллукли);

технologик жараён ўзгарганда (шу жумладан, янги ишга ўтишда), курилмалар, жиҳозлар ва асбоблар алмаштирилганда ёки модернизация қилинганда ҳамда ёнгин хавфсизлигига таъсир этувчи бошқа омилларнинг пайдо бўлгандада (бунда йўл-йўриқ ва кейинги билимларни текшириш фақат мазкур ўзгартиришларга мувофиқ тегишли технологик жараённи амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ходимлар билан ўтказилади);

ходимлар томонидан норматив-хукуқий хужжатлар талаблари бузилиши оқибатида ёнгинларга ва (ёки) портлашларга олиб келиши мумкин бўлганда ёки улар содир бўлганда (бунда хукуқбузарликка йўл қўйган ходимлар билан ёнгинга қарши йўл-йўриқ ўтказилади ва бу борадаги билимлари текширилади);

давлат ёнгин назорати органлари (объектнинг мансабдор шахслари) томонидан ўтказилган текширувлар давомида ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилиши ҳамда улар етарли даражада ўзлаширилмаганлиги аниқланганда. Бунда мансабдор шахслар томонидан тақдим этилган асосли таклифлар ва йўл-йўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатига мувофиқ режадан ташқари йўл-йўриқ ўтказилади ва бу борадаги билимлари текширилади;

объектда содир бўлган ёнгинлардан ёки шунга ўхшаш объектлардаги ёнгинлар (портлашлар) тўғрисидаги маълумотлар тушгандан сўнг – барча ходимлар билан.

19. Режадан ташқари йўл-йўриқ ўтказилганлигини рўйхатга олишда унинг сабаблари кўрсатилади.

20. Ёнгинга қарши мақсадли йўл-йўриқ тегишли ходимлар билан куйидаги зарур ҳолларда ўтказлади:

лавозим (касб) учун бевосита мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаган бир марталик ишларни бажаришда;

авариялар, табиий оғатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишда; наряд-рухсатнома бериладиган ишларни амалга оширишда.

21. Мақсадли йўл-йўриқ ишлар бажариладиган жойга келишдан олдин берилади.

22. Ёнинга қарши бирламчи, такрорий, режадан ташқари ва мақсадли йўл-йўриқ бериш иш фаолиятини олиб бораётган таркибий тузилмаларда объект раҳбарининг буйруғи билан тайинланган, ёнгин хавфсизлиги учун жавобгар шахс томонидан ўтказилади.

23. Наряд-рухсатнома бўйича оловли ишларни олиб бораётган шахсларга мақсадли йўл-йўриқ берилганлиги тўғрисида наряд-рухсатномага тегишли белги қўйилади.

24. Ёнинга қарши йўл-йўриқларни якка тартибда ёки бир гурух шахсларга беришга рухсат этилади (умумий иш жойида бир хил турдаги ускуналарда ишлаётган шахсларга – иш жойида бирламчи, такрорий ва мақсадли йўл-йўриқ бериш, шунингдек, ишларнинг (хизматларнинг) битта турини бир хил лавозимда бажараётган шахсларга – режадан ташқари ва мақсадли йўл-йўриқ бериш).

25. Йўл-йўриқларни бериш (кириш ва мақсадлидан ташқари) иш жойида назарий билим ва амалий қўникмаларни (ёнгин содир бўлган тақдирда) текшириш орқали якунланади. Билимларни текшириш йўл-йўриқни ўтказган шахс томонидан амалга оширилади. Ушбу шахс текширишнинг холислиги учун жавобгардир. Назарий билимларни синааб қўриш учун тестлардан, шу жумладан, дастурий таъминот орқали фойдаланишга рухсат берилади.

26. Навбатдан ташқари билимларни текширишга давлат ёнгин назорати органлари томонидан амалга оширилаётган назорат ишлари давомида рухсат берилади. Ёнгин хавфсизлиги талаблари бўйича билимларни навбатдан ташқари текшириш хажми ва тартиби уни ўтказишга ташаббускор томонидан, йўл-йўриқларда берилган материаллар хажмини ҳамда объект фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини (технологик жараёни) инобатга олган ҳолда белгиланади.

27. Ходимларнинг ёнгин хавфсизлиги талаблари юзасидан билимлари ўз вақтида текширилишини назорат қилиш ташкилот раҳбари томонидан амалга оширилади.

28. Билим савияси (амалий қўникмалари) қоникарсиз бўлган шахслар ишга қўйилмайди ҳамда қайта йўл-йўриқдан ўтказилиб, билим савияси такроран текширилади.

29. Ёнинга қарши бирламчи, такрорий, режадан ташқари ва мақсадли йўл-йўриқлар ўтказилганлиги тўрисида ёнинга қарши йўл-йўриқларни қайд этиш журналига белгилар қўйилади. Бунда тегишли йўл-йўриқ дастурининг номи ёки ёнгин хавфсизлиги бўйича рақами кўрсатилиши шарт. Ёнинга қарши йўл-йўриқлар уларни ўтказган ҳамда йўл-йўриқдан ўтган шахсларнинг имзолари билан тасдиқланади.

30. Ёнфинга қарши йўл-йўрикларни қайд этиш журнали рақамланган, тикилган ва муҳрланиб, корхона раҳбарининг ёки йўриқномани ўтказишга масъул шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Журналлар охирги белги кўйилган кундан бошлаб 3 йил давомида сақланади.

31. Ёнфинга қарши йўл-йўрикларни (кириш, бошлангич, такрорий) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриклар билан бирлаштиришга рухсат этилади, агар ёнфинга қарши йўл-йўриқга тегишли масалалар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ дастурида тўлиқ ҳажмда назарда тутилган бўлса.

3-боб. Ёнгин-техник минимуми дастурларининг намуналари

1-§. Ташкилотда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган ходимлар, ёнфинга қарши йўл-йўриқ ўтказиш вазифаси юклатилган ходимлар, шунингдек, ёнгин-техник комиссиялар аъзолари учун ёнгин-техник минимуми дастури

1-мавзу: Кириш (1 соат).

Республикадаги ёнгинлар, уларларнинг сабаблари ва оқибатлари тўғрисида статистика маълумотлари. Ёнгинларнинг олдини олиш бўйича вазифалар.

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ва норматив-хуқукий хужжатлар. Ёнгин хавфсизлиги қоидалари. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хуқуqlари, мажбуриятлари, ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

2-мавзу: Модда ва материалларнинг ёниши, ёнгин ва портлаш хавфининг хусусиятлари, биноларнинг ёнгин хавфсизлиги тўғрисида умумий маълумотлар (2 соат).

Ёниш ҳақида умумий маълумот. Модда ва материалларнинг ёнгин ва портлаш хавфи кўрсатгичлари. Модда ва материалларни биргаликда сақлашда ёнгин хавфсизлиги талаблари. Курилиш материалларининг ёнгин-техник хусусиятлари, ёнфинга чидамлилик, уларнинг ёнгин хавфлилиги синфи, биноларнинг оловга бардошлилик даражаси тушунчаси. Курилиш конструкцияларининг ёнфинга чидамлилик даражасини ошириш ва ёнгин хавфини камайтириш усувлари. Ёнфинга қарши оралиқ масофа тушунчаси.

Ёнгин ҳамда ёнгин-портлаш хавфи бўлган биноларни, иншоотларни ва ташқи курилмаларни тоифалашнинг умумий принциплари, “Электр ускуналарнининг тузилиши қоидалари”га мувофиқ зоналар синфи.

3-мавзу: Ташкилотнинг ёнгин хавфлилиги (4 соат).

Ёнгинлар, уларга олиб келиши мумкин бўлган хавфли омилларнинг таснифи: атамалар ва тушунчалар, ёнгинлар синфлари, ёнгиннинг ривожланиш динамикаси асослари. Ёнгин хавфини таҳлил қилиш: асосий атамалар ва терминлар, бинолар, иншоотлар, технологик жараёнлардаги ёнгин хавфини таҳлил қилиш усувлари. Ёндириш манбаларининг таснифлари,

уларнинг энергетик хусусиятлари. Ёнгин тарқалишининг асосий йўллари. Объектларнинг ёнгин хавфи хусусиятлари (омиллари, аниқлашни қийнлаштирувчи, ёнгинни қуршаб олиш ва ўчириш, шунингдек, анча миқдорда заар, одамларнинг ўлимига ва тан жароҳати олишига олиб келиши мумкин бўлган хусусиятлари).

Иситиш, шамоллатиш тизимлари ва электр курилмаларининг ёнгин хавфи. Иситиш, шамоллатиш тизимлари ва электр курилмаларидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги талаблари. Яшиннинг ёнгин хавфсизлиги. Бинолар ва иншоотларни яшиндан ҳимоя қилиш тизимларининг синфлари. Яшиндан ҳимоя қилиш курилмасини ўрнатиш қоидалари. Статик электр токи: пайдо бўлиш сабаблари, ёнгин хавфлилиги, статик электр токидан ҳимоя воситалари (курилма, иш принципи, ўрнатиш ва фойдаланиш қоидалари).

4-мавзу: Ёнгин хавфи мавжуд ишларни олиб бориш ҳамда модда ва материалларни сақлашда ёнгин хафсизлиги чоралари (3 соат).

Оловли ишларнинг турлари ва уларнинг ёнгин хавфлилиги. Оловли ишларни бажариш учун доимий ва вақтингачалик жойларга қўйиладиган талаблар. Оловли ишларни ташкил этиш, уларни бажарувчи шахсларга рухсат бериш ва уларнинг бажаралиши устидан назорат қилиш тартиби. Портлаш ва ёнгин хавфи зоналари мавжуд бино ва хоналарда оловли ишларни бажаришда ёнгин хавфи хусусиятлари.

Кенг тарқалган енгил аллангаланувчи суюқликлар, ёнувчи суюқликлар, ёнувчи газлар, қаттиқ енгил аллангаланувчан материалларни сақлашда, ташибида ва иш жойларида фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги чоралари, бўёқларни ишлаб чиқариш ва бошқа ёнгинга хавфли ишларни олиб бориша ёнгин хавфлилик хусусиятлари.

5-мавзу: Ёнгинда хавфсиз эвакуация қилишни таъминлаш (2 соат).

Эвакуация йўллари ва чиқишлиар: терминлар, эвакуация қилиш учун йўллар ва чиқишлиарни белгилаш тартиби. Эвакуация йўллари ва чиқишлиар учун ёнгин хавфсизлиги талаблари. Дарслар олиб борилаётган объектларда ёнгин вақтида эвакуация режаси.

Ёнгин содир бўлганда одамларни эвакуация қилишда хабар бериш ва бошқариш тизими: мақсади, таснифи, кўлланилиши, умумий тузилиши ва ишлаш принципи, фойдаланиш қоидалари, ишчи ҳолатини назорат қилиш. Одамларни бинолардан эвакуация қилиш бўйича ўкув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш.

6-мавзу: Ёнгинга қарши техник ҳимоя воситалари тўғрисида умумий маълумотлар (2 соат).

Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари. Тузилиши, тактик ва техник хусусиятлари, фойдаланиш қоидалари.

Ташқи ва ички ёнгинга қарши сув таъминоти, вазифалари, умумий тузилиши. Ёнгинга қарши сув таъминоти иншоотлари ва муҳандислик-техник воситалар назоратини амалга ошириш, сақлаб турish қоидалари, ёнгин содир бўлганда улардан фойдаланиш тартиби.

Ёнгин сигнализацияси тизимлари ва ёнгин ўчириш курилмалари, вазифалари, таснифи, кўлланилиши, умумий тузилиши ва ишлаш принципи, фойдаланиш қоидалари, ишчи ҳолатини назорат қилиш.

Ёнгин содир бўлганда тутунга қарши ҳимоя: вазифалари, таснифи, кўлланилиши, умумий тузилиши ва ишлаш принципи, фойдаланиш қоидалари, ишчи ҳолатини назорат қилиш.

7-мавзу: Ташкилотда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий асослари (5 соат).

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул шахсларни тайинлаш. Ёнгин-техник комиссиясиялар (кейинги ўринларда – Комиссия): асосий вазифалари ва функциялари, Комиссияни ташкил этиш тартиби ва ишини ташкил этиш, Комиссия аъзолари ишини маънавий рағбатлантириш, уларининг ҳукуқлари, фаолиятини расмийлаштириш, ёнгинга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Кўнгилли ёнфиндан сақлаш бўлинмалари (кейинги ўринларда – КЁСБ): асосий вазифалари, бўлинмаларни ташкил этиш тартиби ва ишини ташкил этиш, ҳукуқлари ва мажбуриятлари, КЁСБ учун белгиланган имтиёзлар ва маънавий рағбатлантириш, ишчиларни КЁСБ аъзолигидан чиқариш. КЁСБнинг иш тартиби.

Ёнгин хавфсизлиги бўйича ишчиларни тайёрлаш ва билимларини текшириш (ёнгинга қарши йўриқнома, ёнгин-техник минимум). Объектда ёнгинга қарши режим. Ёнгинга қарши йўриқнома. Ёнгинга қарши тарғибот. Ёнгин хавфсизлиги ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш учун ахборот стендлари.

Объектларда содир бўлган ёнгинларни ҳисобга олиш: ёнгинларни давлат (идоравий) статистик ҳисобга олиш. Давлат (идоравий) статистика маълумотлари нотўғри берилганлиги учун жавобгарлик.

Амалий машғулот: ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган хужжатларни ишлаб чиқиш (объектда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича буйруқ, умумий объектнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича йўриқнома (алоҳида бўлимлар билан бошқа йўриқномаларни киритган ҳолда); одамларни эвакуация қилиш режаси).

8-мавзу: Ёнгин содир бўлганда ҳаракатланиш тартиби (2 соат).

Ёнгиннинг ривожланиш динамикаси ва унинг хавфли омилларининг тарқалишидан келиб чиқиб амалга ошириладиган ҳаракатлар.

Технологик ускуналарни, коммуникацияларни, электр курилмаларини ва шамоллатиш тизимларини ўчириш (зарур ҳолларда содир бўлган вазиятдан келиб чиқиб).

Ёнгин тўғрисида ёнгин-қутқарув бўлинмасига, шунингдек, объект раҳбарига хабар бериш (объектда мавжуд бўлган алоқа воситалари ва сигнализация, уларнинг жойлашиш жойлари, ускуналар, худудларда мавжуд бўлган товушли хабар бериш курилмалари, ёнгин содир бўлганда

улардан фойдаланиш қоидалари, алоқа воситалари орқали содир бўлган ёнгин тўғрисида хабарни етказиш тартиби).

Ёнгин-кутқарув бўлинмалари етиб келгунга қадар ёнгин ўчиришни ташкил этиш (КЕСБнинг жангавор бўлинма табели бўйича вазифалари, ёнгинни ўчириш тартиби, техника хавфсизлиги).

Ёнгин-кутқарув бўлинмаларини кутиб олишни ташкил этиш.

Ёнгин-кутқарув бўлинмалари ёнгин жойига етиб келганидан сўнг ёнгин ўчиришни ташкил этиш.

Бошқа ҳаракатлар (моддий бойликларни қўриқлаш, ёнгинни ўчиришга жалб этилмаган одамлар киришини чеклаш ва ҳаказо).

Амалий машғулот: ёнгин-кутқарув бўлинмаларига ёнгин тўғрисида хабарни бериш тартибини ўрганиш; ўт ўчиргичлардан фойдаланиш тартибини кўрсатиш ва қўллаш усулларини ўрганиш, ички ёнгинга қарши жўмраклардан фойдаланиш, ишчи-хизматчиларни эвакуация килиш ҳаракатларини машқ қилиш.

Ёнгин-техник минимуми бўйича билимларини синовдан ўтказиш (1 соат).

2-§. Оловли ишларни бажарувчиларни тайёрлаш ва (ёки) ишларни бажаришга масъул бўлган ишчилар учун ёнгин-техник минимуми дастури

1-мавзу: Оловли ишларни бажаришда ёнгин хавфсизлиги талабларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора тадбирлар. Оловли ишларни бажаришда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мансабдор шахслар ва ишчиларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги (2 соат).

Оловли ишларни бажаришда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг тартибга солувчи асосий норматив хуқуқий ҳужжатлар.

Оловли ишларни бажаришни ташкил этиш тартиби. Оловли ишларни бажариш босқичлари. Оловли ишларни бажаришга тайёрлаш ва ўтказиш учун жавобгар шахсларнинг мажбуриятлари. Оловли ишлар бажарилишини расмийлаштириш босқичлари.

Оловли ишларни бажарувчиларга қўйиладиган талаблар.

Оловли ишларни бажаришда масъул шахслар ва ижрочиларнинг ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги талабларини бузганлик учун жавобгарлик.

2-мавзу: Оловли ишларнинг ёнгин хавфлилиги. Ёнгин келиб чиқишининг асосий сабаблари. Оловли ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган модда ва материалларнинг ёнгин хавфлилиги (2 соат).

Ёнгин хавфини келтириб чиқарувчи омиллар. Модда ва материалларнинг ёнгин ва портлаш хавфлилигининг асосий кўрсатгичлари, ёнучан муҳити.

Оловли ишларни бажаришда фойдалиниладиган аппаратлар тузилиши ва уларнинг ёнгин хавфлилиги. Оловли ишларни бажаришда ёндириш

манбаи, уларнинг таснифи ва энергетик хусусиятлари. Ёнгин тарқалишининг асосий йўллари ва унинг хавфлари омиллари.

Ёнгин келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар, уларнинг аҳамияти.

Оловли ишларни бажариш натижасида республикада ва чет давлатларда содир бўлган ёнгинлар статистикаси ва таҳлили. Газ пайвандлаш, электр пайвандлаш, кавшарлаш лампаларидан фойдаланиш, темирни кесиш, битум ва қатронларни эритиш ҳамда учкун чиқариш билан боғлик бошқа ишларни олиб боришда (ишларни олиб бориш қоидаларини бузиш, ускуналарнинг носозлиги, иш якунлангандан сўнг ишлар олиб борилган жойларни назоратсиз қолдириш ва бошқалар) ёнгин чиқиш сабаблари.

3-мавзу: Оловли ишларни бажаришга тайёргарлик кўришда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чоралари (1 соат).

Оловли ишларни доимий ва вақтинчалик олиб бориш жойлари, уларнинг тавсифи. Оловли ишларни доимий ва вақтинчалик олиб бориш жойларини ташкил этиш ва уларга тайёргарлик кўришда кўйиладиган талаблар.

Объектлардаги ёнгинга қарши режим ва ёнгиннинг олдини олиш тизими. Ёнувчан муҳитни, ёндириш манбаи юзага келмаслиги (хосил бўлишини чеклаш) ва ёнгин тарқалишини чеклаш чоралари. Оловли ишларни бажариш жойларини ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва ёнгинга қарши техник ҳимоя воситалари билан таъминлаш микдорларини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби.

Ижрочилар ва масъул шахсларнинг қоида талабларидан четга чиқиши, ишлаш учун наряд-руҳсатномада назарда тутилган хавфсизлик чораларига риоя қилмаслик ва оловли ишлар турларига бўлган маҳсус талаблар бузилганлиги аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

4-мавзу. Электр пайвандлаш ишларини бажаришда ёнгин хавфсизлиги чоралари (1 соат).

Электр пайвандлаш ишларини бажаришда хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари. Электр токининг ёнгин хавфи кўринишлари. Шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш.

Электр пайвандлаш аппаратлари, уларнинг умумий талаблари. Техник хизмат кўрсатиш, режали-огоҳлантирув таъмирлаш ишлари. Пайвандлаш аппаратларини, кабелларни улаш. Пайвандлашда ишлатиладиган электродлар, ушлагичларга кўйиладиган талаблар.

Электр пайвандлаш ишларини бажаришда хавфсизлик чоралари.

5-мавзу. Газ пайвандлаш ва газли кесиш ишларини бажаришда ёнгин хавфсизлиги чоралари (1 соат).

Газ пайвандлаш ва газли кесиш ишларини бажаришда хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари. Шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш.

Сиқилган ва суюлтирилган газлар учун мўлжалланган баллонлар билан ишлаш хусусиятлари. Кальций карбидларини ташиш, саклаш ва ишлатиш қоидалари.

Ускунага қўйиладиган талаблар. Ацетилен генераторлари, уларга қўйиладиган умумий талаблар. Техник хизмат кўрсатиш, режали-огоҳлантирув таъмирлаш ишлари.

Газ узатиш шлангларини синовдан ўтказиш ва текшириш тартиблари. Ацетилен аппаратлари ва газ баллонларини жойлаштириш жойи, уларни очик оловдан ва бошқа иссиқлик манбаларидан ҳимоя қилиш.

Газ пайвандлаш ва газли кесиш ишларини бажаришда хавфсизлик чоралари.

Метил ацетилен-аллен фракциясидан (МАФ) фойдаланган ҳолда газ пайвандлаш, газли кесиш ва газ алангали ишларни бажариш хусусиятлари.

6-мавзу. Кавшарлаш, битум ва қатронларни эритиш билан боғлиқ ишларни бажаришда ёнгин хавфсизлиги чоралари (1 соат).

Кавшарлаш, битум ва қатронларни эритиш билан боғлиқ ишларни бажаришда хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари. Шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш.

Иш жойларига қўйиладиган талаблар. Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини жойлаштириш.

Ускунага қўйиладиган талаблар. Битумни эритиш қурилмалари ва қозонларни жойлаштириш. Кавшарлаш лампаларини ёқилғи билан тўлдириш. Техник хизмат кўрсатиш, режали-огоҳлантирув таъмирлаш ишлари.

7-мавзу. Оловли ишларнинг якуни бўйича ёнгин хавфсизлиги чоралари. Мансабдор шахслар ва ишчиларнинг вазифалари (1 соат).

Оловли ишларни бажаришда мансабдор шахслар ва ишчиларнинг вазифалари (жихозларни қабул қилиш, наряд-рухсатномани ёпиш, оловли ишлар бажарилгандан сўнг вақтинчалик ва доимий жойларнинг назоратини ташкил этиш). Оловли ишлар якуни бўйича ҳисобот хужжатларини сақланиши.

8-мавзу. Оловли ишларни бажаришнинг ўзига хос жиҳатлари (2 соат).

Ёнгин ва портлаш хавфи бўлган хоналарда, қурилмаларда, енгил алантанувчи ва ёнувчи суюқликлар бўлган сифимларда, босим остидаги ва ташқи технологик қурилмаларда оловли ишларни бажаришга тайёргарлик кўриш, наряд-рухсатномани расмийлаштириш ва ёзма топшириқ бериш жиҳатлари. Ишларни бажарувчи бригада таркиби.

Ёнгин ва портлаш хавфи бўлган хоналарда, енгил алантанувчи суюқликлар ва ёнувчи суюқликлар бўлган сифимларда, босим остидаги қурилмаларда оловли ишларни бажариш жиҳатлари.

Ёнгин хавфлилиги бўйича турли синфлардаги обьектларда оловли ишларни ташкил этиш ва бажаришнинг ўзига хос томонлари.

9-мавзу. Ёнгин (аланга) аниклангандаги ҳаракатлар. Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва ёнгинга қарши техник ҳимоя воситаларидан фойдаланиш. Жароҳат олганда биринчи ёрдам кўрсатиш (2 соат).

Худудда ёки бинода (иншоотда) ёнгин (тутун)ни аниқлаган шахсларнинг ҳаракатланиш тартиби. Ёнгин (фавқулодда вазият) тўғрисида ёнгин-күтқарув бўлинмалари, авария хизматлари ва объект раҳбарларига хабар бериш.

Ёнгин-күтқарув бўлинмалари ва бошқа авария хизматлари келгунига қадар ишчиларнинг ҳаракатлари. Ёнгин-күтқарув бўлинмалари ва бошқа авария хизматларининг учрашувини ташкил этиш.

Ўт ўчиргичлар ва ўт ўчириш воситаларининг таснифи. Ўт ўчиргичлардан фойдаланиш тартиби, уларга техник хизмат кўрсатиш, қайта зарядлаш муддатлари, хавфсизлик талаблари.

Ёнгинларни ўчиришда (фавқулодда вазиятларни бартараф этишда) ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва ёнгинга қарши техник ҳимоя воситаларидан фойдаланиш усуслари. Объектнинг хусусиятлари ва технологик жараёндан келиб чиқсан ҳолда ускуналар, коммуникациялар, электр курилмалари ва бошқа муҳандислик тизимларини манбадан ўчириш. Одамга зарар келтирувчи омиллар таъсирини камайтириш йўллари (электр токи, ёнишнинг иссиқлик, заҳарли маҳсулотлари таъсири).

Жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш (қон кетишини вақтинчалик тўхтатиш, юрак ва ўпка фаолиятини тиклаш (сунъий нафас олдириш, билвосита юрак массажи), стерил боғламни кўйиш, кўл-оёқлар сингандаги ҳаракатлар, дорилар қутисининг (аптечканинг) тўлиқ жамланганлиги ва ундан фойдаланиш тартиби).

10-мавзу. Амалий машғулот (1 соат).

Ёнгин (аланга) аниқлаганда ҳаракат қилиш тартибини ўрганиш. Жабрланувчиларга тез тиббий ёрдам келгунга қдар биринчи ёрдам кўрсатиш.

Ёнгин-техник минимуми бўйича билимларни синовдан ўтказиш (1 соат).

3-§. Фалла экинлари ҳосилини ўриб-йифиб олиш, дағал ем-хашакларни тайёрлаш ва сақлашга жалб этилган ишчилар учун ёнгин-техник минимуми дастури

1-мавзу. Кириш (0,5 соат).

Республикада содир бўлган ёнгинлар, уларларнинг сабаблари ва оқибатлари тўғрисида статистика маълумотлари. Фалла экинлари ҳосилини ўриб-йифиб олиш, дағал ем-хашакларни (пичан, сомонни) тайёрлаш, тахлаш ва сақлаш билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги объектларида содир бўлган ёнгинлар тўғрисида мисоллар. Ёнгиннинг олдини олиш вазифалари.

Ишчиларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хукуқ ва мажбуриятлари, ёнгин хавфсизлиги қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлиги. Давлат ёнгин назорати органлари ходимларининг хукуклари, ёнгин хавфсизлиги қонунчилигини бузганлик учун таъсир чоралари турлари.

2-мавзу. Қишлоқ хўжалиги объектларида ва тураг жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий талаблари (2 соат).

Худудни, ёнгинга қарши ораликлар, йўллар, ёнгинга қарши сув таъминоти манбаларини сақлаш. Электр ускуналари, иситиш тизимлари ва қурилмаларидан фойдаланишда ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган асосий чора-тадбирлар. Чекиш ва очик оловдан фойдаланиш тартиби. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлигининг умумий талаблари. Ёнувчи суюқликлар ва ёнувчи газлардан фойдаланишдаги ёнгин хавфсизлиги қоидалари. Туар жойларда ёнгин хавфсизлиги бўйича асосий чора-тадбирлар. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнгинларни ўчириш учун жамоатчиликни жалб қилиш (ташкilotларнинг ЁТК ва КЁСБ). КЁСК ҳақида умумий маълумот ва уларнинг қишлоқ жойлари учун аҳамияти.

3-мавзу. Иш жойида ёнгин хавфсизлиги чоралари (2 соат).

Фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик техникалари, агрегатлари, қурилмалари, шунингдек, ишлатилаётган модда ва материалларнинг ёнгин хавфи хусусиятлари.

Иш жойидаги ёнгинга қарши режим.

Ғалла экинлари ҳосилини ўриб-йифиб олиш, дағал ем-хашакларни (пичан, сомонни) тайёрлаш, тахлаш ва сақлашда ёнгин хавфсизлиги чоралари. Иш жойида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин ёки авариявий ҳолатларнинг эҳтимолий сабаблари. Ёнгин ёки авария ҳолатларида ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида ишчилар ишга киришганда ва унинг якунидаги ҳаракатлари.

4-мавзу. Ёнгинга қарши техник ҳимоя воситалари ҳақида умумий маълумотлар. Ёнгин вақтидаги ҳаракатлар (2,5 соат).

Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари, уларнинг мақсади, фойдаланиш қоидалари, ёзги ва қишки шароитларда сақлаш тартиби.

Алоқа, сигнализация, ёнгин ҳақида хабар бериш воситалари. Уларнинг жойлашган жойи, ёнгин содир бўлганда улардан фойдаланиш қоидалари.

Технологик ускуналарни, коммуникацияларни, электр қурилмаларини ва шамоллатиш тизимларини ўчириш (зарур ҳолларда содир бўлган вазиятдан келиб чиқиб). Ёнгин ҳақида телефон орқали хабар бериш тартиби. Одамларни (моддий бойликларни) эвакуация қилишни ташкил этиш.

Иш жойида ёки объект ҳудудида, аҳоли пунктида тутун, аланга ёки ёнгин аниқланганда ишчиларнинг ҳаракатлари. Ёнгин-кутқарув бўлинмалари ва КЁСКларини чақириш ҳамда уларни кутиб олиш тартиби. Ёнгин ва аланталарни ўчириш, техника хавфсизлиги.

Амалий машгулом: авария-кутқарув хизматига ёнгин ҳақида хабар бериш машқларини бажариш, шунингдек, ўт ўчиргичдан амалда фойдаланишини намойиш этиш.

Ёнгин-техник минимуми бўйича билимларни синовдан ўтказиш (1 соат).

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига
3-илова

**Ёнгин хавфсизлиги ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини
таъминлаш бўйича ахборот стендларини расмийлаштиришга
ва мазмунига қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

Ёнгин хавфсизлиги ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича ахборот стendi – ёнгин хавфсизлиги ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари мавзуидаги профилактик тусдаги матнли ёки графикили ахборот материалларини жойлаштириш учун мўлжалланган стационар курилма (кейинги ўринларда – стенд).

Ходимлар сони 15 нафардан ортиқ ёки бир вақтнинг ўзида объектда бўладиган одамларнинг сони 10 нафардан ортиқ бўлган объектларда стендлар расмийлаштирилиши шарт.

Стенд, ундаги маълумотлардан кенг танишиш имконини берадиган жойларга жойлаштирилади (масалан, бинонинг биринчи қавати, ташкилот ёки корхонанинг фойеси, объект биносига кириш қисмида ва ҳаказо). Стендга бориш йўли объектнинг иш вақти мобайнида очик бўлиши ва ҳеч қандай ташки тўсиклар билан чекланмаслиги керак.

Ахборот стендларини камида 490 x 770 мм ўлчамда, бир хил услубда тайёрлаш, профилактика материалларини жойлаштириш учун кутилар сони А4 форматида камида 4 та бўлиши тавсия этилади.

Стендларга жойлаштириш учун ахборот материалларининг рўйхати:
асосий ёнгин хавфсизлиги талаблари ва ёнгин содир бўлгандаги ҳаракатлар;
уй-рўзгорда ёнгин хавфсизлиги чоралари;
жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш тартиби;
объектнинг ёнгин хавфсизлиги ҳолати, содир бўлган ёнгинлар (фавқулодда вазиятлар), уларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;
профилактик варақалар, брошюралар ва бошқалар.;
ёнгин-кутқарув бўлинмаларининг “101” чақирув рақами ва бошқалар.;
бириктирилган давлат ёнгин назорати инспектори ҳақида маълумот (Ф.И.О., иш телефони).
Ёнгин хавфсизлиги масалалари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни стендларга жойлаштириш тақиқланади.

Объектнинг ёнгин хавфсизлиги паспорти

1. Ёнгин хавфсизлиги паспорти (кейинги ўринларда – паспорт) – объектнинг (бинонинг) мавжуд ёнгин хавфсизлиги даражасини тавсифловчи ва ёнгин хавфини камайтириш бўйича тавсияларни ўз ичига олган, белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган хужжат.

2. Ёнгин хавфсизлиги паспорти куйидаги объектлар учун ишлаб чиқилиши лозим:

а) ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд ишлаб чиқаришлар:

500 m² дан ортиқ ишлаб чиқариш майдонига эга ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қофоз саноати корхоналари;

кунига 50 млн m³ ортиқ газни ҳайдаш (ўтказиш) корхоналари;

кунига 20 минг t дан ортиқ нефтни ҳайдаш (ўтказиш) корхоналари;

кунига 15 минг t дан ортиқ нефтни қайта ишлаш корхоналари;

кунига 100 t дан ортиқ ишлаб чиқариш қувватига эга кимёвий тола ишлаб чиқариш корхоналари;

кунига 20 t дан ортиқ ишлаб чиқариш қувватига эга асоси ёнувчан бўлган лок-бўёқ маҳсулотлари корхоналари;

умумий сифими 20 000 m³ дан ортиқ бўлган нефть, нефть маҳсулотлари омборлари;

белгиланган қуввати 100 MV дан ортиқ бўлган электр станциялар ва иссиқлик электр марказлари;

сифими 15 минг t дан ортиқ бўлган дон маҳсулотларини сақлаш ва уларни қайта ишлаш элеваторлари;

куввати кунига 1 000 t дан ортиқ шакар ишлаб чиқариш корхоналари;

портлаш ва ёнгин хавфлилиги бўйича А, Б ва В тоифага кирувчи майдони 10 000 m² дан ортиқ бўлган ишлаб чиқариш ва (ёки) омборхона бинолари;

б) белгиланган вазифаси ёки лойиҳасига мувофиқ бир вақтнинг ўзида 800 дан ортиқ киши бўлиши мумкин бўлган изоляция қилинган хонага эга бинолар ва (ёки) иншоотлар:

шифохоналар, госпиталлар, даволаш станционарлари, туғруқхоналар, реабилитация марказлари;

мехмонхоналар, санаторийлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари;

концерт заллари, театрлар, амфитеатрлар, кинотеатрлар, маданият уйлари, спорт (кўнгилочар) саройлари, марказлар;

давлат бошқарув органлари, таълим, илмий ва лойиҳалаш ташкилотларини жойлаштириш учун фойдаланиладиган бинолар ва (ёки) иншоотлар, кутубхоналар;

бозорлар, савдо марказлари ва дўконлар, кўнгилочар ва дам олиш масканлари;

аэропортлар ва темир йўл вокзаллари;

телерадио марказлари;

кўп функцияли бино ва иншоотлар.

3. Ёнгин хавфсизлиги паспорти хўжалик ва тезкор бошқарувида обектларга эга бўлган юридик шахслар учун ишлаб чиқилади. Объектларни шартнома асосида объектнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгарликни зиммасига олиш билан бошқа юридик шахсга (ижара, беғараз фойдаланиш ва ҳаказо) фойдаланишга берилганда, паспорт ушбу объектдан фойдаланаётган юридик шахс учун ишлаб чиқилади.

4. Паспорт объект раҳбари томонидан тасдиқланади.

Паспорт камида уч нусхада ишлаб чиқилади ва бир нусхаси давлат ёнгин назорати органига тақдим этилади.

Объектнинг функционал вазифаси, технологик жараёни, хажмий-режалаштириш ва лойиҳалаш ечимларини ўзгартиришда паспорт янгиланиши шарт.

6. Паспорт объектнинг хусусиятларини ўз ичига олиши ва сарлавҳа саҳифаси, паспортнинг қисқача тавсифи, мазмуни, фойдаланилган манбалар рўйхати ва куйидаги бўлимларни ўз ичига олиши керак:

- а) объектнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-функционал схемаси;
- б) объектнинг ёнгин хавфи хусусиятлари;
- в) ёнгиндан ҳимояланиш хусусиятлари;
- г) портлашга қарши ҳимоя хусусиятлари;
- д) ёнгин содир бўлганда одамлар хавфсизлигини таъминлаш;
- е) муҳандислик тизимларининг ёнгин хавфсизлиги хусусиятлари;
- ж) ёнгинга қарши ҳимоя воситалари ва ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг хусусиятлари;
- з) ёнгин хавфсизлиги даражасини баҳолаш;
- и) объектнинг ёнгин хавфини камайтириш чоралари.

Ҳар бир бўлим (рўйхатдан охирги иккитаси бундан мустасно) объектдаги ёнгин хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ҳолатни тавсифловчи оралиқ хулосалар билан тугайди.

Паспортга технологик жараённи тасвиরловчи чизмалар, шунингдек, куйидаги режалар илова қилинади:

- а) ёнгин ўтиш жойлари кўрсатилган ҳолда объектнинг бинолар, иншоотлар, очиқ қурилмаларини жойлаштириш;

б) объектнинг ёнфинга қарши сув таъминоти;

в) бинолар ва ташқи қурилмаларга ёнфинга қарши ҳимоя ускуналарини жойлаштириш.

Функционал вазифаси ёки лойиҳасига мувофиқ бир вақтнинг ўзида 800 дан ортиқ кишилар бўлиши мумкин бўлган изоляция қилинган хонага эга бинолар ва (ёки) иншоотлар учун кўрсатилган хонанинг жойлашиш тартиби белгиланади.

7. Паспортнинг қисқача тавсифи қуидагиларни ўз ичига олиши керак: барча ишлаб чиқувчилар имзоси билан улар томонидан ишлаб чиқилган бўлимларни кўрсатган ҳолда тузувчи ташкилот ҳақида қисқача маълумот, ишлаб чиқсан ташкилот тўғрисида қисқача маълумот, паспортни ишлаб чиқиши учун асослар, паспорт ишлаб чиқилган бинолар ва ҳудуд чегараларининг тўлиқ рўйхати, илгари ишлаб чиқилган паспортга киритилган ўзгаришлар ва кўшимчалар ҳақида маълумотлар (мавжуд бўлса).

8. “Объектнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-функционал схемаси” бўлимига объектнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун ходимларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бўйсуниши ва жавобгарлиги, объектда ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш, кўрилаётган чора-тадбирларнинг изчиллиги ва сифати ҳақидаги маълумотлар киритилиши лозим.

9. “Объектнинг ёнфинга хавфли хусусиятлари” бўлимида жадвал шаклидаги қуидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) технологик жараёнларда ишлатиладиган барча модда ва материалларнинг ёнфинга хавфли кўрсаткичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари (мавжуд бўлса), ёнгин-порглаш хавфи мавжуд модда ва материалларни сақлаш (фойдаланиш) шароитлари, эҳтимолий ёндириш манбаларининг таҳлили натижалари, ёнфиннинг (порглашнинг) содир бўлиш, ривожланиш сценарийлари ва етказилиши мумкин бўлган заарлар;

б) порглаш ва ёнгин хавфи мавжуд барча хоналарнинг тоифалари, Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари бўйича зоналар синфи, портловчи аралашмаларнинг таснифи (тоифаси, гурухи);

в) барча биноларнинг порглаш ва ёнгин хавфилилиги тоифалари;

г) барча ташқи қурилмаларнинг порглаш ва ёнгин хавфилилиги тоифалари, уларнинг атрофидаги Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари бўйича зоналар синфи, портловчи аралашмаларнинг тоифалари ва гурухлари, портловчи зоналарнинг ўлчамлари;

д) ишлатиладиган модда ва материалларнинг бирга сақланиши мос келиши.

10. “Ёнфинга қарши ҳимоянинг хусусияти” бўлимида жадвал шаклидаги қуидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфилилиги ва оловга бардошлилиги, уларнинг майдони ва қавтлилиги;

б) бино ва иншоотларда фойдаланиладиган асосий қурилиш конструкцияларнинг оловга бардошлиқ чегаралари ва ёнгинга хавфлилик синфлари;

в) ёнгин-техник хусусиятларини кўрсатган ҳолда ёнгинга қарши тўсиклар ва улардаги тешиклар тўлдирилиши.

11. “Портлашга қарши ҳимоянинг хусусиятлари” бўлимида портлашларнинг олдини олиш учун кўлланиладиган ечимлар, портлаш мумкин бўлган хоналарнинг биноларда жойлашиши, портлашга қарши ҳимоя элементлари, иншоотларнинг енгил ташлаб юборувчи конструкциялари ва хусусиятларига оид маълумотлар бўлиши керак.

12. “Ёнгин содир бўлганда одамлар хавфсизлигини таъминлаш” бўлимида жадвал шаклидаги қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) биноларда, қаватларда, хоналардаги одамлар сони;

б) хоналар, қаватлар ва бинолар эвакуация ва чиқиш йўллари билан таъминланганлиги, уларнинг параметрлари баҳоланиши;

в) ёнгинда эвакуацияни бошқариш ва фойдаланилаётган хабар бериш тизим қурилмаларининг мавжудлиги ва хусусиятлари;

г) бинонинг тутунга қарши ҳимоя элементи қурилмаларининг мавжудлиги ва хусусиятлари.

13. “Муҳандислик тизимларининг ёнгин хавфсизлиги хусусиятлари” бўлимида электр ускуналар, иситиш ва шамоллатиш тизимларининг хусусиятлари, портлаш хавфи бўлган бино ва хоналарда яшинга қарши ҳимоя воситаларининг хусусиятлари, уларнинг ёнгин хавфсизлигига таъсир қилувчи ҳамда ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар жадвал шаклида бўлиши керак.

14. “Ёнгинга қарши техник ҳимоя воситалари ва ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари хусусиятлари” бўлимида жадвал шаклидаги қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) автоматик ёнгин ўчириш ва ёнгин сигнализацияси қурилмаларининг мавжудлиги ва хусусиятлари;

б) ички ва ташқи ёнгинга қарши сув таъминоти тизимларининг мавжудлиги ва хусусиятлари;

в) обьектнинг ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан таъминланганлиги.

15. “Ёнгин хавфсизлиги даражасини баҳолаш” бўлими олдинги бўлимлар орасидаги хулосалар асосида тузилади (зарур ҳолларда ёнгин хавфини баҳолаш) ва обьектнинг ёнгин хавфсизлиги ҳолати ҳақида батафсил хулосани ўз ичига олиши керак.

16. “Объектнинг ёнгин хавфини камайтириш чоралари” бўлимiga амалдаги норматив-хукуқий хужжатлар талабларига мувофиқлаштириш учун обьектда амалга оширилиши лозим бўлган асосланган чора-тадбирлар жадвал шаклида киритилиши лозим.

17. Паспорт бўлимларининг рўйхати ва уларнинг мазмунни объектнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин. Паспортни ишлаб чиқишда ёнғин хавфини баҳолаш тавсия этилади.

Эвакуация қилиш режаларига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

1. Эвакуация қилиш режаси (кейинги ўринларда – режа) обьект раҳбари томонидан тасдикланиши ҳамда график ва матнли қисмлардан иборат бўлиши керак.

2. Режанинг графикли қисмини тузишда қўйидагиларни хисобга олиш керак:

а) қават режасида қўйидагилар кўрсатилиши керак: зинапоялар, лифтлар ва лифт холлари, яшаш хоналари, майший-хўжалик хоналар, балконлар, ташки зинапоялар, шунингдек, зинапоя, лифт заллари эшиклари ва эвакуация йўлларида жойлашган эшиклар. Хоналарнинг номлари тўғридан-тўғри қават режаларида кўрсатилиши ёки улар рақамланиши ва хоналарга изоҳлар берилиши керак. Режада эшиклар очик ҳолда кўрсатилиши керак. Агар фойдаланиш вақтида алоҳида чиқиш жойлари қулфланган бўлса, эвакуация режасида эшик ёпиқ ҳолда ва калитлар сакланган жойда “Ташки эшик калитлари қутиси” ёзуви кўрсатилган бўлиши керак. Агар бинода ташки ёнғинга қарши зинапоя мавжуд бўлса, режада “Ёнғинга қарши зинапояга чиқиш йўли” ёзуви бўлиши керак;

б) қаватлардаги одамларни эвакуация қилишнинг асосий йўллари режада тўғри чизиқ билан, захира йўллари эса пунктир чизиқ билан кўрсатилади. Чизиқлар асосийларидан икки баробар қалин ва яшил рангда бўлиши керак. Қаватлардаги асосий эвакуация йўллари зинапоялар йўналиши бўйича кўрсатилган бўлиши керак. Агар ёнғин хавфидан ҳимояланиш нуктаи назаридан иккита зинапоя тенг бўлса, у ҳолда асосий эвакуация йўли энг яқин зинапояга кўрсатилади. Эвакуация йўлларини кўрсатувчи чизиқлар ҳар бир хонадан хавфсиз жойга ёки тўғридан-тўғри ташқарига чиқишига йўналтирилган бўлиши керак;

в) режанинг график қисмидаги белгиларни идрок қилишни яхшилаш мақсадида ташки контур (ёнғинга қарши жўмраклардан ташқари) қизил рангда, эвакуация йўллари эса яшил рангда чизилишига рухсат этилади; ёнғинга қарши жўмрак кўк рангда белгиланади;

г) режаларни чизиша жойлашган жойи тўғрисида тасаввурга эга бўлиш шароитларини яхшилаш мақсадида “сиз шу ердасиз” маъносидаги белгини режанинг изоҳида кўрсатиш керак;

д) қават режаларида шартли белгилар ёрдамида: қўл ёрдамида ишга тушириладиган ёнғин хабарларгичлари; телефон; ёнғинга қарши жўмраклар, ўт ўчиргичлар; тутун сўриш тизими қурилмаларини қўл билан ишга тушириш тугмалари жойлашган жойлари кўрсатилади. Шартли белгиларга қават режасининг пастки қисмida изоҳ берилиши керак;

е) режанинг график қисмидаги ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг, раҳбар ва объект бўйича масъул навбатчининг телефон рақамлари кўрсатилиши керак;

ж) режанинг график қисмининг намунавий шакли кўйида келтирилган 1-расмда кўрсатилган.

3. Режа навбатчи ходимлар хонасида ва ҳар бир қаватнинг зинапояларидан чиқиш эшиклари олдига (бинодан эвакуация чиқиш йўллари) шишиали (плёнка) қоплама остида кўзга кўринарли жойга жойлаштирилади.

Болаларни эвакуация қилиш режасида унинг график қисмидан ташқари кўйидагилар ҳам кўрсатилади:

а) хизмат ходимларидан шахсан ким одамларни (болаларни) эвакуация килади ва эвакуация тугагандан сўнг уларнинг рўйхат бўйича текширади;

б) эвакуация қилинаётган одамларни бинодан ёки соғломлаштириш муассасаси, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари худудидан хавфсиз жойга ҳаракатланиш йўллари;

в) мол-мulkни эвакуация қилиш жойи ва уни қўриқлаш учун жавобгар шахс;

д) ёнғин-қутқарув бўлинмасига ким хабар бериши ва алоқа воситасининг тури (телефон, рация, хабарчи ва бошқа йўл билан);

е) эвакуация режасига киритилган шахслар вақтинча йўқлигига уларнинг вазифасини бажарувчи шахслар захираси;

ж) ёнғинни ўчиришни ким ташкил этади.

“Тасдиқлайман”

(объект номи, лавозими)


(Ф.И.О., имзо)

(сана)

1-қават чизмаси

1-чикиш йўли

2-чикиш йўли



Шартли белгилар

- ← - асосий эвакуация йўли
- ← — — - захира эвакуация йўли
- кўл ёрдамида ишга тушириладиган ёнгин хабарларгичлари
- тутун тортиш қурилмасини кўлда ишга тушириш тутгаси
- товуш ва ёруғлик сигналларини қабул қилиш ва бошқариш қурилмаси
- кўчма ўт ўчиригич
- телефон
- ёнгин ўчириш жўмраги
- Сиз шу ердасиз

Хоналар экспликацияси

- 1 - 1-сонли хона
- 2 - 2-сонли хона
- 3 - 3-сонли хона
- 4 - 4-сонли хона
- 5 - 5-сонли хона
- 6 - 6-сонли хона
- 7 - 7-сонли хона
- 8 - холл
- 9 – лифт холли

Чизмани тузди

(объект номи, лавозими)

(Ф.И.О.)

1-расм. Режанинг график қисмини ишлаб чиқиш учун мисол

Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг керакли миқдорини аниқлаш

1. Ёнгинни ўчириш бирламчи воситаларининг турлари ва миқдори ёнувчи моддаларнинг физик-кимёвий ва ёнгин хавфли мавжуд хоссалари, уларнинг ўт ўчириш воситаларига бўлган алоқасини, шунингдек, ишлаб чиқариш бинолари, очик жойлар ва курилмаларнинг майдонини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

2. Технологик ускуналарни ўт ўчиригичлар билан жиҳозлаш, ушбу ускуна учун техник шартлар (паспортлар) талабларига ёки тегишли ёнгин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Чет элда ишлаб чиқарилган ускуналарни ўт ўчиригичлар билан жиҳозлаш, уларни етказиб бериш бўйича шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Муайян хонага ёки объектга ўт ўчиригичларнинг керакли турини аниқлаш ва миқдорини ҳисоблаш уларнинг ўчириш кувватига, максимал майдонига, шунингдек, ёнувчи модда ва материалларнинг ёнгин синфига кўра амалга оширилиши керак:

А синф – асосан келиб чиқиши органик бўлган, ёниши чўғланиш билан кузатиладиган қаттиқ моддаларнинг (ёғоч, мато, қофоз) ёнгинлари;

В синф – ёнувчи суюқликлар ёки эрийдиган қаттиқ моддаларнинг ёнгинлари;

С синф – газлар ёнгинлари;

Д синф – металлар ва уларнинг қоришмаларининг ёнгинлари;

Е синф – электр ускуналари ёниши билан боғлиқ ёнгинлар.

Ўт ўчиригич турини (кўчма ёки транспортировка қилинадиган) танлаш содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин ўчоқларининг ҳажмига боғлиқ. Агар улар катта бўлса, транспортировка қилинадиган ўт ўчиригичлардан фойдаланиш керак.

5. Фойдаланишнинг тегишли ҳарорат чегарасига эга бўлган ўт ўчиригични танлашда бино ва иншоотларнинг иқлим шароитларини ҳисобга олиш зарур.

6. Агар аралаш ёнгин ўчоқлари бўлса, унда ўт ўчиригични танлашда афзаллик унинг қўллаш доираси нуқтаи назаридан универсал ёнгин ўчиригичга берилади.

7. Турли тоифадаги хоналарнинг тўлиқ майдони учун (битта ёки бир груп ўт ўчиригичлар билан химояланадиган максимал майдон) 1 ва 2-жадвалларда “++” ёки “+” белгисидан олдин кўрсатилган турдаги ўт ўчиригичлар сонининг бирини танлаш керак.

8. Жамоат бинолари ва иншоотларнинг ҳар бир қаватида камида иккитадан кам бўлмаган кўчма ўт ўчиригичлар бўлиши керак.

9. Портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи бўйича Д тоифадаги хоналарнинг майдони 100 m² дан ошмаса, ушбу хоналар ўт ўчиргичлар билан жиҳозланмаслиги мумкин.

10. Агар ёнгин хавфи бўйича бир хил тоифадаги бир нечта кичик хоналар мавжуд бўлса, зарур ўт ўчиргичлар сони ушбу хоналарнинг умумий майдонини ҳисобга олган ҳолда 14-банд ва 1 ва 2-жадвалларга мувофик белгиланади.

11. Корхонадан қайта зарядлаш учун юборилган ўт ўчиргичлар, тегишли миқдордаги зарядланган ўт ўчиргичлар билан алмаштирилиши керак.

12. Компьютер хоналари, телефон станциялари, музейлар, архивлар ва бошқаларни ҳимоя қилишда ёнгинни ўчириш воситаларининг ҳимояланган ускуналар, маҳсулотлар, материаллар ва бошқалар билан ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Ушбу хоналар ўт ўчириш моддаларининг максимал рухсат этилган концентрациясини ҳисобга олган ҳолда хладонли ва углекислотали ўт ўчиргичлар билан жиҳозланиши лозим.

13. Стационар автоматик ўт ўчириш курилмалари билан жиҳозланган хоналар ўт ўчиргичлар билан жиҳозланиши белгиланган сонидан келиб чиқиб 50 фоиз миқдорида таъминланиши керак.

14. Содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин ўчогидан ўт ўчиргич жойлашган жойигача бўлган масофа: жамоат бинолари ва иншоотлари учун 20 m дан; портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи бўйича А, Б ва В тоифадаги хоналар учун – 30 m дан, Г тоифадаги хоналар учун – 40 m дан, Д тоифадаги хоналар учун – 70 m дан ошмаслиги керак.

15. Объектда ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини сотиб олиш, таъмиглаш, сақлаш ва ишлатишга шайлиги учун жавобгар шахс тайинланиши керак.

16. Объектга ўрнатилган ҳар бир ўт ўчиргич устига оқ рангли бўёқ билан тартиб рақами ёзиб қўйилиши керак. Унга белгиланган шаклда паспорт юритилади.

17. Ўт ўчиргичлар ҳар доим соз ҳолатда сақланиши, мунтазам кўздан кечирилиши, текширилиши ва ўз вақтида қайта зарядланиши керак.

18. Қишлоғини мавсумида (1°C дан паст ҳароратда), сув асосидаги зарядли ўт ўчиргичлар иситиладиган хоналарда сақланиши керак.

19. Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини йўлакларда ва ўтиш жойларида жойлаштириш одамларни хавфсиз эвакуация қилишга халакит бермаслиги керак. Улар 1,5 m дан ортиқ бўлмаган баландликда хоналардан чиқадиган жойларга яқин жойларда жойлаштирилиши керак.

20. Асбест, наматни (кигизни) қопқоқли металл идишларда сақлаш, вақти-вақти билан (уч ойда камида 1 марта) куритиш ва чангдан тозалаш тавсия этилади.

21. Ички ёнгинга қарши сув таъминоти ва автоматик ёнгин ўчириш курилмалари билан жиҳозланмаган ишлаб чиқариш хоналарида ва омборхоналарда ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини,

механизациялашмаган ёнгинни ўчириш воситалари ва ускуналарини жойлашириш учун, шунингдек, ташқи ёнфинга қарши сув таъминоти мавжуд бўлмаган обьектлар худуди ёки уларнинг бинолари (иншоотлари) ташқи технологик қурилмалари ташқи ёнфинга қарши сув манбаларидан 100 т дан узоқ масофада жойлашган тақдирда ёнфинга қарши қалқон билан жиҳозланган бўлиши керак. Ёнфинга қарши қалқонларнинг тури ва уларнинг талаб қилинадиган сони, бинолар (иншоотлар) ва ташқи технологик қурилмаларнинг портлаш ва ёнгин хавфи бўйича тоифасига, битта ёнфинга қарши қалқоннинг максимал ҳимоялаш майдонига ва ёнгин синфига кўра 3-жадвалга мувофиқ белгиланади.

22. Ёнфинга қарши қалқонлар 4-жадвалга мувофиқ ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари, механизацияланмаган ёнгин воситалари ва инвентарлар билан жамланади.

23. Ёнфинга қарши қалқон ёнига ўрнатилган сув сифимларининг ҳажми камида $0,2 \text{ m}^3$ бўлиши ва чеълаклар билан таъминланиши керак. Кум учун қутилар 3, 1 ёки $0,5 \text{ m}^3$ ҳажмга эга бўлиши ва белкурак билан таъминланиши керак. Кум осон олиниши ва ёғингарчиликдан ҳимояланган бўлиши керак.

24. Кум билан тўлдирилган қутилар, одатда, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар тўқилиши мумкин бўлган хоналарда ёки очик майдонларда ёнфинга қарши қалқонлар билан бирга ўрнатилиши керак.

Портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи бўйича А, Б ва В тоифадаги хоналар ва очик технологик қурилмалар учун қутилардаги кум захираси ҳимояланадиган ҳар бир 500 m^2 майдонга $0,5 \text{ m}^3$, Г ва Д тоифадаги хоналар ва очик технологик қурилмалар учун эса ҳимояланадиган ҳар бир 1000 m^2 майдонга $0,5 \text{ m}^3$ дан кам бўймаслиги керак.

25. Асбест, дағал жунли мато ёки намат ўлчами камида $1 \times 1 \text{ m}$ бўлиши ҳамда ушбу мато ўлчамининг 50 фоизидан катта бўлмаган майдондаги ва ҳавосиз ёниши мумкин бўлмаган модда ва материаллар ёнгин ўчогини ўчириш учун мўлжалланган бўлиши керак. Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни қўллаш ва саклаш жойларида ушбу матолар ўлчамлари $2 \times 1,5 \text{ m}$ ёки $2 \times 2 \text{ m}$ дан оширилиши мумкин.

Асбест мато, дағал жун матолар ёки намат (кигиз, ёнмайдиган материалдан тайёрланган чойшаб) сув ўтказмайдиган ёпиладиган ва ёнгин содир бўлганда тезда қўллаш имконини берадиган ғилофларда (қадокларда) сақланиши лозим. Ушбу воситалар камида 3 ойда бир марта қуритилиши ва чангдан тозаланиши керак.

26. Ёнфинга қарши қалқон тўпламидаги механизацияланмаган ёнфинга қарши қўл асбобларига қўйидаги операцияларни ўз ичига олган даврий хизмат кўрсатилади:

чанг, кир ва коррозия изларини тозалаш;

ГОСТ-12.4.026-2015 стандартига мувофиқ бўёқларни тиклаш;

фойдаланишдан кейин қолдиқ деформацияларни бартараф этиш учун лом ва багорларни тўғрилаш;

ГОСТ 12.3.023-80 талабларига мос ҳолда керакли асбобларнинг чархлаш бурчакларини тиклаш.

27. Ёнгинга қарши қалқонлар уларга ўрнатилган ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини тезкорлик билан олишда қулайликни ва уларни жойлаштириш талабларига риоя этилишини таъминлаши лозим.

28. Ёнгинга қарши қалқон ва ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг ранги ва бўяш схемаси ГОСТ 12.4.026-2015 стандартига мувофиқ амалга оширилади.

29. Ёнгинга қарши қалқон эшикларининг ташки томонида қум учун кути, сув учун бочкалар ва стендларда уларнинг тартиб рақамлари ва энг яқин ёнгин-қуткарув қисмининг телефон рақами кўрсатилган бўлиши керак. Ёнгинга қарши қалқонларнинг тартиб рақами “ЁҚҚ” ҳарфли индексдан сўнг кўрсатилади.

Хоналарни күчма ўт ўчиргичлар билан жиҳозлаш меъёрлари

Хона тоифаси	Ҳимояланы-диган чегара майдони m^2	Ёнгин синфи	Сигими 10 L бўлган кўпикли ва сувли ўт ўчиргичлар	Кукуили ўт ўчиргичлар, ўт ўчириш моддасининг оғирлиги kg			Углекистлотали ўт ўчиргичлар, ўт ўчириш моддасининг оғирлиги L	Хладонли ўт ўчиргичлар, ўт ўчириш моддасининг оғирлиги L	
				2	4	8(9)			
A, Б, В1-В4 (ёнувчан газлар ва суюкликлар)	200	A	2++	-	2+	1++	-	-	-
		B	4++	-	2+	1++	-	-	4+
		C	-	-	2+	1++	-	-	4+
		D	-	-	2+	1++	-	-	-
		E	-	-	2+	1++	-	2++	-
В1-В4 (ёнувчан газлар ва суюкликлардан ташқари)	400	A	2++	4+	2++	1+	-	-	2+
		D	-	-	2+	1++	-	-	-
		E	-	-	2++	1+	2+	4+	2++
Г	800	B	2+	-	2++	1+	-	-	-
		C	-	4+	2++	1+	-	-	-
Г, Д	1800	A	2++	4+	2++	1+	-	-	-
		D	-	-	2+	1++	-	-	-
		E	-	2+	2++	1+	4+	2++	2+
Жамоат бинолари	800	A	4++	8+	4++	2+	-	4+	-
		E	-	-	4++	2+	4+	2++	4+

Изоҳ. 1. Турли синфдаги ёнгинларни ўчиришида кукуили ўт ўчиргичлар тегишили зарядга эга бўлиши керак: A синф учун – ABCЕ кукин; B, C, E синфлар учун – BCE ёки ABCЕ ва D синф учун D.

2. “++” белги билан объектларни жиҳозлаш учун тавсия этилган ўт ўчиргичлар кўрсатилган, “+” белги билан тавсия қилинан ўт ўчиргичлар бўлмаган тақдирда ва тегишили асосга эга бўлмаган ҳолда рухсат этиладиган ўт ўчиргичлар кўрсатилган, “-” белги билан бу объектларни жиҳозлаш учун рухсат этилмаган ўт ўчиргичлар кўрсатилган.

3. Ҳажми $50 m^3$ дан кўп бўлмаган ётиқ хоналардаги ёнгинларни ўчириши учун кўчма ўт ўчиргичлар ўрнига ёки уларга қўшишча равишда ўз-ўзидан ишлайдиган кукуили ўт ўчиргичлардан фойдаланилади.

4. Қозонхоналар ҳар бир ўт қалаш қутисига ўт ўчириши воситасининг оғирлиги 4 kg дан кам бўлмаган 1 дона кукуили ўт ўчиргич ёки сигими 5 L дан кам бўлмаган 1 дона кўпикли ўт ўчиргич билан таъминланниши керак.

6-иловага
2-жадвал

Хоналарни транспортировка қилинадиган ўт ўчиргичлар билан жиҳозлаш мөъёрлари

Хона тоифаси	Химояланадиган майдони m^2	Ёнғин синфи	Ҳаво-күпикли ўт ўчиргичлар, сиғими 100 L	Күпик-кукунли ўт ўчиргичлар, сиғими 100 L	Кукуни ўт ўчиргичлар, ўт ўчириш моддасининг оғирлиги 80 дан 90 kg гача	Углекистлотали ўт ўчиргичлар, ўт ўчириш моддасининг оғирлиги kg	
						25	80
A, Б, В1-В4 (ёнувчи газлар ва суюкликлар)	500	A	1++	1++	1++	-	3+
		B	2+	1++	1++	-	3+
		C	-	1+	1++	-	3+
		D	-	-	1++	-	-
		E	-	-	+	2+	1++
В1-В4 (ёнувчи газлар ва суюкликлардан ташқари), Г	800	A	1++	1++	1++	4+	2+
		B	2+	1++	1++	-	3+
		C	-	1+	1++	-	3+
		D	-	-	1++	-	-
		E	-	-	1+	1++	1+

Изоҳ. 1. Турили синфдаги ёнғиларни ўчиришида кукунли ва ҳаво-күпикли ўт ўчиргичлар тегишили зарядга эга бўлиши керак: A синф учун – ABCE кукунлари; B, C, E синфлари учун – BCE ёки ABCE ҳамда D синф учун – D кукуни.

2. “++”, “+” ва “–“ белгиларининг маънолари б-илованинг 1-жадвалидаги 2-изоҳда келтирилган.

Бинолар (иншоотлар) ва худудларни ёнғинга қарши қалқонлар билан жиҳозлаш мөйёллари

T/p	Хоналарнинг ёки ташки технологик қурилмаларнинг портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича тоифаси ҳамда хоналарнинг функционал вазифаси бўйича номланиши	Бир дона ёнғинга қарши қалқон билан ҳимояланадиган майдон, м ²	Ёнғин синфи	Қалқон тури
1	A, Б, В1-В4 (ёнувчи газлар ва суюқликлар)	200	A	ЁҚҚ-А
			B	ЁҚҚ-В
			E	ЁҚҚ-Е
2	В1-В4 (қаттиқ ёнувчи модда ва материаллар)	400	A	ЁҚҚ-А
			E	ЁҚҚ-Е
3	Г, Д	1800	A	ЁҚҚ-А
			B	ЁҚҚ-В
			E	ЁҚҚ-Е
4	Қишлоқ хўжалиги экинларини қайта ишлаш корхоналарнинг хоналари ва очик майдонлари	100	-	ЁҚҚ-КХ
5	Турли пайвандлаш ва бошка оловли ишларни олиб боришга мўлжалланган хоналар	-	A	ЁҚҚ-Т

Изоҳ.

ЁҚҚ-А – А синфидағи ёнғин ўчоқлари учун ёнғинга қарши қалқон;
ЁҚҚ-В – В синфидағи ёнғин ўчоқлари учун ёнғинга қарши қалқон;
ЁҚҚ-Е – Е синфидағи ёнғин ўчоқлари учун ёнғинга қарши қалқон;
ЁҚҚ-КХ – қишлоқ хўжалигиобъектлари учун ёнғинга қарши қалқон;
ЁҚҚ-Т – транспорттировка қилинадиган ёнғинга қарши қалқон.

Ёнгинга қарши қалқонларни механизациялашмаган асбоб ва инвентарлар билан жиҳозлаш меъёрлари

Т/р	Механизациялашмаган асбоб ва инвентарлар, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг номлари	Ёнгин синфи ва ёнгинга қарши қалқоннинг турига қараб жиҳозлаш меъёрлари				
		А-синфи ЁҚҚ-А	В-синфи ЁҚҚ-В	Е-синфи ЁҚҚ-Е	ЁҚҚ-КХ	ЁҚҚ-Т
1	Ўт ўчиргичлар:					
	кўпикли ва сувли, ўт ўчириш моддасининг сигими, L / оғирлиги, kg, 10/9	2 ⁺	2 ⁺		2 ⁺	2 ⁺
	кукунли					
	ўт ўчириш моддасининг сигими, L / оғирлиги, kg, 10/9	1 ⁺⁺	1 ⁺⁺	1 ⁺⁺	1 ⁺⁺	1 ⁺⁺
	ўт ўчириш моддасининг сигими, L / оғирлиги, kg, 5/4	2 ⁺	2 ⁺	2 ⁺	2 ⁺	2 ⁺
	угликслотали ўт ўчириш моддасининг сигими, L / оғирлиги, kg, 5/3			2 ⁺		1
2	Лом	1	1		1	1
3	Багор	1			1	
4	Ёғоч дастакли илгак			1		
5	Коннуссимон челак	2	1		2	1
6	Электр симларини кесиш учун тўплам: қайчи, дизлектрик пойафзал ва дизлектрик резинали гиламча			1		
7	Асбестли тўшама, жун толали мато (намат, ёнмайдиган мато)		1	1	1	1
8	Тифли белкурак	1	1		1	1
9	Яполоқ белкурак	1	1	1	1	

Т/р	Механизациялашмаган асбоб ва инвентарлар, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг номлари	Ёнғин синфи ва ёнғинга қарши қалқоннинг турига қараб жиҳозлаш мөъёrlари				
		А-синфи ЁҚҚ-А	В-синфи ЁҚҚ-В	Е-синфи ЁҚҚ-Е	ЁҚҚ-ҚҲ	ЁҚҚ-Т
10	Айри, паншаха				1	
11	Кирилмаларни ташиш учун арава					1
	Сув саклаш учун сигум хажми:					
12	0,2 m ³	1			1	
	0,02 m ³					1
13	Қум солинган қути		1	1		
14	Қўл насоси					1
15	Диаметри 51 sm, узунликдаги 18-20 m ёнғинни ўчириш енги					1
16	Ҳимоя экранни 1,4 x 2 m					6
17	Экранларни осиб кўйиш учун тиргаклар					6

Изоҳ.

1. Турили синфидаги ёнғинларни ўчиришида кукунли ўт ўчиргичлар тегишили зарядга эга бўлиши керак: А синфидаги ёнғинлар учун кукунли – ABC(E), В ва (E) – BC(E) ёки ABC(E) ўт ўчиргичлар.

2. “++”, “+” ва “-“ белгиларининг маънолари б-илованинг 1-жадвалидаги 2-изоҳда келтирилган.

3. Кўпикли, сувли, кукунли ва углиқислотали кўчма ўт ўчиргичлар учун икки хил маркировка белгиланган: эски маркировкада сигум ҳажми L да белгиланган бўлса, янги маркировкада ўт ўчириши моддасининг оғирлиги кўрсатилган. Ёнғинга қарши қалқонларни кўчма ўт ўчиргилар билан жиҳозлаша ҳам янги ва ҳам эски маркировкадан фойдаланиш мумкин.

Ёнгинни ўчириш бирламчи воситаларининг меъёрлари

Т/р	Хоналар номлари	Ҳисоблаш меъёри	Ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг номлари			
			Кўчма ўт ўчиргичлар			Ёнгинга қарши мато
			Углекислотали ўт ўчириш мoddасининг оғирлиги 5 kg дан кам бўлмаган	Кукунли ўт ўчириш мoddасининг оғирлиги 8 kg дан кам бўлмаган ёки 2 та 4 kg	Сувли, хаво-кўпикли ҳажми 10 L дан кам бўлмаган ёки 2 та 5 L	
1.	Маданий-маърифий, томоша, даволаш, илмий, таълим ва согломлаштириш муассасалари, оромгохлар, турар жойлар ва бошқа бинолар					
	а) йўлак тизимидағи майший-хизмат хоналар	йўлакнинг 20 пагонометр	-	1	1	
	б) йўлак тизимисиз (вестибуль билан), лекин ҳар бир хонага камида битта	200 м ²	-	1	1	
	в) архивлар, кутубхоналар	100 м ²	1	1		
	г) нусха олиш, кўпайтириш ускуналарининг хоналари, фонотека, видеотекалар	200 м ²	2	2		
2.	Лабораториялар, лекин ҳар бир хонага камида битта	50 м ²	1	1		
3.	Ошхона, омборлар, устахоналар	ҳар бир хонага	1	1	1	
4.	Мехмонхона, ётоқхона, дала ҳовли ва йўлак тизимли турар жойлар	йўлакнинг ҳар 20 пагонометр	2	1	1	-
5.	а) муассаса комплексининг студия-аппарат тезкор-технологик хоналари	50 м ²	1	1		

Т/р	Хоналар номлари	Ҳисоблаш мөйёри	Ёнгинни ўчиришининг бирламчи воситаларининг номлари			Ёнгинга қарши мато	
			Кўчма ўт ўчиргичлар		Кукуили ўт ўчириш моддасининг оғирлиги 8 kg дан кам бўлмаган ёки 2 та 4 kg		
			Углекислотали ўт ўчириш моддасининг оғирлиги 5 kg дан кам бўлмаган	Сувли, хаво-кўпикли хажми 10 L дан кам бўлмаган ёки 2 та 5 L			
	б) ёрдамчи хоналар	ҳар бир хонага	1	1	1		
6.	Қозонхоналар	ҳар 100 m^2	1	1		1	
7.	Гараж хонаси, лекин камида ҳар бир хонага	ҳар 100 m^2	-	1	1	1	
8.	Омборлар	100 m^2	-	1	1		
9.	Ошхона, клуб, конференция зали ва бошқалар, лекин ҳар бир қаватта камида иккитидан	ҳар 100 m^2	-	1	1		
10.	Шахсий туар жойлар, дала ҳовли ва бошқа иншоотлар			1	1		
11.	Лифт двигатели хонаси	ҳар бир хонага	2	1	1		

Изоҳ. 1. Ушибу жадвалда кўрсатилмаган бинолар учун ёнгинни ўчиришининг бирламчи воситалари уларнинг ёнгин хавфини хисобга олган ҳолда юкрида кўрсатилган тартибда, шунингдек, ушибу илованинг 2-жадвалига биноан жамоат бинолари учун нормаларга мувофиқ белгиланиши керак.


2. Жамоат ва маъмурий бино ва иншоотларининг ҳар бир қаватида камида иккитадан кўчма ўт ўчиргичлар жойлаштирилиши керак.

Портлаб ёниш ва ёнгин хавфи мавжуд хоналар, бинолар ва ташки қурилмаларнинг тоифаларини аниқлаш

Портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи мавжуд хоналар, бинолар ва ташки қурилмаларнинг тоифалари амалдаги ШНҚ 2.01.19. “Хона, бино ва ташки қурилмаларнинг портлаб ёниш ва ёнгин хавфи бўйича тоифаларини аниқлаш” ва “Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари” (кейинги ўринларда – ЭУТҚ) норматив хужжатларига кўра белгиланади.

Портлаб ёниш ва ёнгин хавфи бўйича хона тоифасининг шакли ва ЭУТҚ бўйича зона синфлари 2-расмда кўрсатилган.

Портлаш ва ёнгин хавфи учун хона тоифаси индексининг шакли
ва ЭУОҚ учун зона синфи



Айлана диаметри: 200, 250, 300 мм.

Ёзувлар эшиклар ва дарвазаларининг рангига қарама-қарши бўлган рангда бажарилади.

Кўрсаткич эшик ва эшикларнинг панелларига ер ёки пол қисмидан 2/3 баландликда ўрнатилади.


2-расм. Хоналарнинг портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи бўйича тоифаси
ҳамда ЭУТҚга кўра ёнгин синфи зонасининг кўрсаткичи

Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари түғрисида маълумот картаси шакли

Ёнғин хавфсизлиги чораларининг маълумот картаси – биноларда сақланыётган ёки фойдаланилаётган портловчи моддалар, материаллар ва маҳсулотлар (енгил алангаланувчи ва ёнувчан суюқлик, чанг, газлар, аэрозол қадоқдаги маҳсулотлар ва ҳоказоларнинг ёнғин хавфлилигини тавсифловчи стационар ёки вақтингчалик кўрсаткич).

Маълумотлар картаси хона тоифаси индикатори остидаги эшикларнинг (дарвоза) ташқи томонига жойлаштирилган ва хонадаги портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд материалларнинг рухсат этилган максимал миқдори ГОСТ 19433 га мувофиқ ёнғинни ўчириш бўйича чора-тадбирлар коди ва сақланган материалнинг хавф белгиси түғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Картанинг шакли, умумий ўлчамлари ва дизайнни 3-расмда кўрсатилган.

ГОСТ 19433 бўйича хавф белгиси



Ёнғинни ўчириш чорлари бўйича код

Сақланган моддалар миқдори тоннада
ёки газ баллонлари донада

3-расм. Маълумотлар картасининг шакли

Изоҳ. Картанинг узунлигига баландлиги нисбати 2:5, картанинг баландлиги 200, 250, 300 мм.

Ёнғинни ўчиришдаги чоралар кодлари

Рақамли ва харф кодлари	Ёнғинни ўчириш бўйича чоралар
1	Сувдан фойдаланманг! Ёнғинни ўчирувчи куруқ воситалардан фойдаланинг
2	Сув дастакларини қўлланг
3	Пуркалган сувни қўлланг
4	Таркиби хладон моддали ёки кўпик қўлланг
5	Оқова сувларга моддалар тушишининг олдини олиш
6	Кўпик ишлатманг
7	Умумий фойдаланишдаги кункунларни ишлатманг
Д	Нафас олиш аппаратлари ва химоя қўлқоплари зарур
П	Нафас олиш аппаратлари ва қўлқоплар факат ёнғин ҳолатида зарур
К	Тўлиқ химоя мажмуаси зарур
Э	Эвакуация зарур

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига
9-илова

**Автоматик ёнгинни ўчириш қурилмалари ҳамда автоматик
ёнгин сигнализацияси билан ҳимоя қилинадиган бинолар,
иншоотлар, хоналар ва ускуналарнинг рўйхати**

Ушбу рўйхат бинолар, иншоотлар, хоналар ва ускуналарни (кейинги ўринларда – объект) автоматик ёнгин сигнализацияси (кейинги ўринларда – АЁС) ва автоматик ёнгин ўчириш қурилмалари (кейинги ўринларда – АЁЎК) билан барча босқичларда ҳимоялаш, ўрнатиш, ишлатиш, таъмирлаш ва ҳоказоларнинг тартибга солувчи асосий талабларни белгилайди. Ушбу рўйхатнинг талаблари идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилот ва идоралар учун мажбурийдир.

Ушбу рўйхатга киритилмаган объектлар, қурилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ (ҚМҚ, ШНҚ, РХ, ЁҲҚ ва бошқалар) ҳамда идоравий нормалар ва рўйхатлар талабларига мувофиқ АЁС ва АЁЎҚ билан жиҳозланади.

Ҳимоя объекти	AЁЎҚ	AЁС
	Меъёр кўрсаткичи	
I. Бинолар		
1. Ёнувчан изоляцияли енгил металл конструкциялардан ишланган турар жой, умумий ётоқхоналар ва жамоат бинолари: - бир қаватли; - икки ва ундан юқори қаватли.	Майдони 500 m ² ва ундан катта Майдонидан катъи назар	500 m ² гача
2. Енгил алангланувчи ва ёнувчи суюқликларни сотишга ихтисослаштирилган савдо корхоналари бинолари (сигими 20 L дан ошмайдиган идишларда қадоқланган товарлар бундан мустасно).	Майдонидан катъи назар	
3. Икки ва ундан юқори қаватли меҳмонхона бинолари.	Ёнгинга қарши бўлма майдони 800 m ² ва ундан катта бўлганда	Ёнгинга қарши бўлма майдони 800 m ² гача бўлганда
4. Ёнгин хавфи бўйича “В” тоифадаги омборлар: - баландлиги икки ва ундан юқори қаватли; - 5,5 m ёки ундан ортиқ баландликдаги жавонларда сакланадиган.	Майдонидан катъи назар	
5. Транспорт воситаларини саклаш учун ёпик турдаги бинолар: - ер остида, қаватлар сонидан қатъи назар; - ер устида, икки ёки ундан ортиқ қаватли; - механизациялашган.	Майдонидан катъи назар	
6. Автотранспорт воситаларини саклаш, техник хизмат кўрсатиш, диагностика ва созлаш бинолари: - ёнгинга бардошлилик бўйича I ва II-даражали;	Хоналарнинг умумий майдони: 7000 m ² ва ундан катта	7000 m ² гача

Химоя объекти	AЕЎҚ	AЕС
	Меъёр кўрсаткичи	
- ёнгинга бардошлилик бўйича III-даражали;	3600 m ² ва ундан катта	3600 m ² гача
- ёнгинга бардошлилик бўйича IV-даражали.	2000 m ² ва ундан катта	2000 m ² гача
II. Хоналар		
Жамоат биноларидағи (иншоотларидағи) хоналар		
1. Цирклардаги безак буюмлари, бутафориялар ва реквизитлар хоналари, дурадгорлик устахоналари, ем-хашак, инвентар ва хўжалик, реклама маҳсулотларини саклаш ва ишлаб чиқариш хоналари, саҳнага хизмат кўрсатувчи ва таъмиrlашга мўлжалланган хоналар, хайвонлар учун омборхоналар, томошабинилар зали гумбази остидаги чордоқ хоналари.	Майдонидан қатъи назар	
2. Жамоат биноларидағи ишлаб чиқариш ва омборхонларга мўлжалланган хоналар.	Ишлаб чиқариш, саклаш (саклаб туриш) хоналарига кўйиладиган талабларга мувофик	
Ишлаб чиқариш хоналари		
3. Портлаб-ёниш хавфи бўйича “А” ва “Б” тоифадаги хоналарда (8-бандда кўрсатилганлардан ва донни қайта ишлаш ва саклаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналардан ташқари).	300 m ² ва ундан катта	300 m ² гача
4. Ишкорий металлар мавжуд хоналарни қаватларга жойлаштиришда: - цоколь қаватларида; - ер усти қаватларида.	300 m ² ва ундан катта 500 m ² ва ундан катта	300 m ² гача 500 m ² гача
5. Ёнгин хавфи бўйича “В1” тоифадаги хоналарни қаватларга жойлаштиришда (донни қайта ишлаш ва саклаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналардан ташқари); - цоколь ва ертўла қаватларида; - ер усти қаватларида (8-15 бандларда кўрсатилганлардан ташқари).	Майдонидан қатъи назар 300 m ² ва ундан катта	
6. Ёнгин хавфи бўйича “В2-В3” тоифадаги хоналарни жойлаштиришда (7-15 бандларда кўрсатилганлардан ва донни қайта ишлаш ва саклаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналардан ташқари): - цоколь қавати ва ертўладан тўғридан-тўғри ташқарига чиқиши йўллари мавжуд бўлмаганда; - цоколь қавати ва ертўладан тўғридан-тўғри ташқарига чиқиши йўллари мавжуд бўлганда; - ер усти қаватларида.	300 m ² ва ундан катта 700 m ² ва ундан катта 1000 m ² ва ундан катта	300 m ² гача 700 m ² гача 1000 m ² гача
7. Ёғ-мой ертўлалари.	Майдонидан қатъи назар	
8. Алюминий кукуни асосида суспензиялар, резина елимларини тайёрлаш хоналари; ёнгил аланталанувчи ва ёнувчи суюкликлар асосида лок, бўёқ, елим, мастика ва сингдирувчи аралашмаларни тайёрлаш хоналари; бўёқлаш, синтетик каучукнинг полимеризациялаш, газ турбинали двигателлар ўрнатилган компрессор хоналари, нефтни оловли қиздиргичлар хоналари. Суюқ ёқилғида ишловчи двигателли генераторлар хоналари.	Майдонидан қатъи назар	

Химоя объекти	AЕЎҚ	AЕС
	Меъёр кўрсаткичи	
9. Юқори волтли синов хоналари, шунингдек, ёнувчи материаллар билан ҳимояланган хоналар.	Майдонидан қатъи назар	
Алоқа тармоқлари хоналари		
10. Узатиш мосламалари куввати 150 kVt ва ундан юқори бўлган узатиш радиостанциялари, қабул қилиш мосламалари сони 20 дан ортиқ бўлган қабул қилиш радиостанциялари, узатиш мосламаси куввати 1 kVt дан ортиқ бўлган стационар космик алоқа станциялари, узатиш мосламалари куввати 25-50 kVt бўлган ретрансляция телевизион станциялари, тармоқ узеллари, шаҳарлараро ва шаҳар телефон станциялари, телеграф станциялари, чекка худудлардаги кучайтириш пунктлари ва туманлар алоқа тармоқларининг шамоллаштиш, трансформаторлар ва ажратувчи курилмалар хоналари.		Майдонидан қатъи назар
11. Чекка худудлардаги кучайтириш пунктларининг техник цехлари, оралик радио-релей станциялари, қабул қилиш ва узатиш радиомарказларининг тунги ва кечки сменаларсиз хизмат кўрсатиладиган ҳамда хизмат кўрсатилмайдиган хоналари.	Майдонидан қатъи назар	
12. Ҳаракатдаги радиоалоқа уяли тизимининг таянч станцияларидаги хизмат кўрсатилмайдиган аппарат хоналари ҳамда ҳаракатдаги радиоалоқа уяли тизимининг радио-релей станцияларидаги аппарат хоналари.	24 m ² ва ундан катта	24 m ² гача
13. Асосий кассалар, ўтказмаларни назорат қилиш бюроси хоналари ва почта алоқа бўлимларининг ҳисоблаш марказлари, шаҳар ва туман почта алоқа бўлимларининг хоналари: - бинонинг умумий ҳажми 40 минг m ³ ва ундан катта; - бинонинг умумий ҳажми 40 минг m ³ гача.	24 m ² ва ундан катта	24 m ² гача
14. Кваз-электрон ва электрон турдаги коммутация ускуналари компьютер билан биргаликда ўрнатиладиган автоматик телефон алмашув станциялари, бошқарув комплекси сифатида ишлилатиладиган, кириш-чикиш курилмалари, электрон коммутация станциялари хоналари, узеллар, электралоқа хужкатлари марказлари, ҳажмiga кўра: - рақамлар, каналлар ёки уланиш жойлари 10 минг ва ундан ортиқ; - рақамлар, каналлар ёки уланиш жойлари 10 мингтагача.	Майдонидан қатъи назар	Майдонидан қатъи назар
15. Станцияларнинг сигими бўйича автоматик шаҳарлараро телефон станцияларининг компьютерлари асосида бошқариладиган курилмалар учун ажратилган хоналар: - шаҳарлараро каналлар 10 минг ва ундан ортиқ; - шаҳарлараро каналлари 10 мингтагача.	24 m ² ва ундан катта	24 m ² гача
16. Почта жўнатмаларини саклаш, саралаш ва жўнатишга тайёрлаш хоналари.	500 m ² ва ундан катта	500 m ² гача

Химоя объекти	AЕЎҚ	AЁС
	Меъёр кўрсаткичи	
Транспортлар воситаларини саклаш хоналари		
17. Транспорт воситаларини бошқа мақсадлар учун мўлжалланган биноларда саклаш хоналарида (якка тартибдаги тураржой бинолари бундан мустасно) жойлашувига кўра: - ертўлаларда ва ер ости қаватларида (шу жумладан, кўпrik остида); - цоколь ва ер устидаги қаватларда.	Майдонидан катъи назар 3 ва ундан ортиқ автомобиллар	3 тагача автомобиллар
Жойлаштириш ва саклаш хоналари		
18. Портлаб-ёниш хавфи бўйича “А” ва “Б” тоифадаги хоналарда (донни қайта ишлаш ва саклаш бино ва иншоотларида жойлашган хоналардан ташқари).	300 m ² ва ундан катта	300 m ² гача
19. Каучук, резина ва резинатехник буюмлар; - целлулоид ва целлулоид буюмлари; - гугурт, ишқорли металлар ва пиротехника буюмлари; - мўйна, жун, мўйна ва ундан тайёрланган буюмлар; - ёнадиган асосда кино-фото-аудио тасмалар; - кимматбаҳо металлар ва тошлар.	Майдонидан катъи назар	
20. Ёнгин хавфи бўйича “В1” тоифадаги хоналарни қаватларга жойлаштиришда (19-бандда кўрсатилганлардан ва донни қайта ишлаш ва саклаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналардан ташқари): - цоколь ва ертўла қаватларида; - ер усти қаватларида.	Майдонидан катъи назар 300 m ² ва ундан катта	300 m ² гача
21. Ёнгин хавфи бўйича “В2-В3” тоифадаги хоналарни қаватларда жойлаштиришда (19-бандда кўрсатилганлардан ва донни қайта ишлаш ва саклаш бино ва иншоотларда жойлашган хоналардан ташқари): - цоколь ва ертўла қаватларида; - ер усти қаватларида.	300 m ² ва ундан катта 1000 m ² ва ундан катта	300 m ² гача 1000 m ² гача
III. Иншоотлар		
1. Жамоат ва саноат биноларининг кабель иншоотлари*.	100 m ³ ва ундан катта	100 m ³ гача
2. Саноат бинолари оралигига ётқизилган кабель туннеллари ва тўлик ёпиқ галереялар (шу жумладан комбинацияланган).		50 m ³ ва ундан катта
3. Шаҳар кабель коллекторлари ва туннеллари (шу жумладан, бошқа коммуникациялар билан комбинацияланган).		Хажми ва майдонидан катъи назар
4. Металл қувурлар орқали мойли кабеллар ётқизилган кабель иншоотлари.		Хажми ва майдонидан катъи назар
5. Ёғоч материалларини ташиш учун ёпиқ галереялар, туннеллар.		Узунлигидан катъи назар
6. Осма шифтлар юқорисидаги бўшликларда “Г1-Г4” алангаланиш гурухига мансуб материаллардан тайёрланган изоляцияли хаво каналлари ва қувурларни ётқизишда, шунингдек, аланга тарқатмайдиган кабеллар (симлар), шу жумладан, улар биргаликда ётқизилганида**:		Узунлигидан катъи назар

Химоя объекти	AЕЎҚ	AЕС
	Меъёр кўрсаткичи	
- ҳаво каналлари, қувурлар ёки кабеллар (симлар), шу жумладан, улар биргаликда ётқизилганида, кабелларнинг (симларнинг) ёнувчи массаси ҳажми билан; - ёнадиган массанинг умумий ҳажми бўлган ёнмайдиган турдаги кабеллар учун.	1 метр кабель линияси учун 7 ва ундан ортиқ L бўлганда	1 метр кабель линияси учун 1,5 дан 7 L гача бўлганда
7. Темир йўл ва автомобил йўллари туннеллари.	Узунлиги 2500 м ва ундан ортиқ	Узунлиги 300 м ва ундан ортиқ
IV. Ускуналар		
1. Енгил алангаланувчи ва ёнувчан суюкликлар қўлланадиган бўяш камералари.	Майдони ва туридан қатъи назар	
2. Куритиш камералари.	Майдони ва туридан қатъи назар	
3. Ёнувчи чикндиларни йигиш жойлари (циклон, бункерлар).	Майдони ва туридан қатъи назар	
4. Автомобиллар ва тиркамаларга ўрнатилган дизель ва бензинли электр курилмали кўчма электр станцияларнинг синов станциялари.	Майдонидан қатъи назар	
5. Ёнувчи материалларни ва ёнувчи қадоқдаги ёнмайдиган материалларни саклаш учун баландлиги 5,5 м дан ошик бўлган стеллажлар.	Майдонидан қатъи назар	
6. Мой қиздириш учун сифимлар.	3 м ³ ва ундан ортиқ	

*) Кабель иншоотлари – электр кабелларини (шу жумладан, бошқа коммуникациялар билан биргаликда) ётқизишда ишлатиладиган туннеллар, каналлар, ертўлалар, шахталар, каватлар, икки қаватли поллар, галереялар ва камералар.

**) 1. Кабель иншоотлари, осма шифтлар ва икки қаватли поллар орасидаги бўшликлар куйидаги ҳолларда автоматик ёнгин ўчириш курилмалари билан жиҳозланмайди:

- пўлатли сув ва газ қувурларига ёки қопқоклари бутунлай очиладиган пўлат кутиларга (коробларга) кабелларни (симларни) ётқизишда;

- ёнмайдиган химоя қобиқли қувурлар ва ҳаво қувурларига ётқизишда;

- ёритиш занжирини таъминлаш учун ёнмайдиган “ЁНМ” турдаги якка кабелларни (симларни) ётқизишда;

- ёнмайдиган “ЁНМ” ва “Ё1” ёниш гурухига кирувчи материаллардан ишланган осма шифтлар орасидан умумий ёнувчан массаси 1 м кабель линияси учун 1,5 L дан кам бўлган “ЁНМ” туридаги кабелларни (симларни) ётқизишда;

2. Бинолар (хоналар) тўлиқ АЕЎҚ билан химояланиши керак бўлган ҳолларда осма шифтлар орасидаги бўшликлардан “Ё1-Ё4” ёниш гурухига кирувчи материаллардан ишланган химоя қобиқлари билан ўралган ҳаво каналлари ва қувурлари ўтказилганда ёки умумий ёнувчан массаси 1 м кабель линияси учун 7 L дан кўп бўлган кабеллар (симлар) ётқизилганда тегишли қурилмалар билан химояланиши керак. Агар шифтдан осма шифтгача бўлган оралиқ 0,4 м дан ошмаса, АЕЎҚларни ўрнатиш талаб этилмайди.

3. Кабелларнинг (симларнинг) химоя қобиқларини ёнувчан массаси ҳажми бегиланган тартибда тасдиқланган усулда аникланади.

Модда ва материалларни сақлаш тартиби

Гурух коди	Гурухдаги моддаларнинг хусусиятлари	Биргаликда сақлашга рухсат этилмайдиган гурухлар коди
1	Хусусиятлари бўйича портлаши мумкин бўлган, портлаш орқали ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган портловчи моддалар	2.1, 2.2, 2.3, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
2	Сиқилган, суюлтирилган ва босим остида эритилган газлар:	
2.1	ёнмайдиган заҳарли бўлмаган газлар	1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
2.2	захарли газлар	1, 2.1, 2.3, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
2.3	енгил алангаланувчи газлар	1, 2.1, 2.2, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
2.4	енгил алангаланувчи заҳарли газлар	1, 2.1, 2.3, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
3	Енгил алангаланувчи суюқликлар, суюқлик аралашмалари, таркибида қаттиқ моддаларга эга эритма ёки суспензиялар, ёпиқ сигим ичидан чакнаш ҳарорати 61°C ва ундан паст бўлган енгил алангаланувчи буғларни ажратувчи суюқликлар:	
3.1	ёпиқ сигимда чакнаш ҳарорати 18°C ва ундан паст бўлган енгил алангаланувчи суюқликлар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
3.2	ёпиқ сигимда чакнаш ҳарорати 18°C дан 23°C гача бўлган енгил алангаланувчи суюқликлар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3

Гурух коди	Гурухдаги моддаларнинг хусусиятлари	Биргаликда сақлашга рухсат этилмайдиган гурухлар коди
3.3	ёпик сигимда чакнаш ҳарорати 23 °C дан 61 °C гача бўлган енгил алангаланувчи суюқликлар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
4	Енгил алангаланувчи модда ва материаллар (портловчилардан ташқари) сақлаш ва ташиш вактида иситилиш натижасида ташки алангаланиш манбаларидан енгил ёнадиган, ишқаланиш вактида намликни сингдирадиган, ихтиёрий кимёвий ўзгаришларга кодир: 4.1 ташки ёниш манбаларидан осон ёниб кетадиган ва фаол ёниб турадиган енгил алангаланувчи қаттиқ моддалар 4.2 нормал сақлаш ва ташиш шароитида ўз-ўзидан кизиб кетиши ва ёниши мумкин бўлган ўз-ўзидан алангаланувчи моддалар 4.3 сув билан таъсиrlашганда енгил алангаланувчи газлар чиқарадиган моддалар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3 1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3 1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
5	Кислородни ажратиб чиқарадиган, ёнишни ушлаб турадиган ва тегишли шароитларда бошқа моддалар билан аралашиб, ўз-ўзидан ёниб кетишга ва портлашга олиб келиши мумкин бўлган оксидловчи моддалар ва органик пероксидлар: 5.1 ўзи ёнувчан бўлмаган, аммо бошқа моддаларнинг енгил алангаланишига имкон берадиган ва ёниш пайтида кислород чиқарадиган оксидловчи моддалар 5.2 ёнувчан бўлган органик пероксид ва гидропероксид оксидловчи моддалар сифатида ҳаракат қилиши мумкин, бошқа моддалар билан хавфли таъсир ўтказади	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3 1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
6	Организмга тушиши ёки терига ва терининг шиллик қатламига тегиши натижасида ўлим, заҳарланиш ёки касалланишига олиб келувчи заҳарли моддалар: 6.1 заҳарли моддалар (юқори хавфли ва ўта хавфли)	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 7, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3

Гурух коди	Гурухдаги моддаларнинг хусусиятлари	Биргаликда сақлашга рухсат этилмайдиган гурухлар коди
7	Радиоактив моддалар (изотоплар)	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 8.1, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
8	Терини, кўз ва нафас йўлларининг шиллиқ пардалари шикастланишига, органик материаллар ва кимёвий моддалар билан ўзаро таъсирилашганда ёнгинлар чиқиши мумкин бўлган металларнинг коррозияси ва транспорт воситаларининг шикастланишига олиб келадиган ўткир ва коррозион моддалар:	
8.1	кислоталар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.2, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
8.2	ишқорлар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.3, 9.1, 9.2, 9.3
8.3	турли ўткир ва коррозион моддалар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 9.1, 9.2, 9.3
9	Сақланишида хавфи паст бўлган моддалар:	
9.1	61 °C дан юқори ҳароратда чақнайдиган қаттиқ ва суюқ ёнувчи моддалар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3
9.2	намлиқда заҳарли ва коррозияга олиб келадиган моддалар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3
9.3	ёнгинда ёки бошқа моддалар билан реакцияга киришганда заҳарли ёки қўзғатадиган кучсиз заҳарли моддалар	1, 2.1, 2.2, 2.3, 2.4, 3.1, 3.2, 3.3, 4.1, 4.2, 4.3, 5.1, 5.2, 6.1, 7, 8.1, 8.2, 8.3

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига
11-илова

ТАСДИҚЛАЙМАН*
ташкилот, корхона, цех

(раҳбар ёки ёнгин хавфсизлигига
жавобгар масъул шахснинг лавозими,
Ф.И.О.)

(имзо)
20 ____ й. “ ____ ”

Оловли ишларни олиб бориш учун наряд-рухсатнома

1. _____
(сана, иш бошқарувчининг лавозими,
_____ (кимга) берилган.
ишни олиб боришга масъул, Ф.И.О.,)

2. _____
(ишнинг хусусияти ва мақсади кўрсатилади)
_____ ишни бажариш учун.

3. Иш бажариш жойи _____
(бўлинма, майдон, қурилма,
аппарат, ишлаб чиқариш жойи, хона)

4. Ижрочиларнинг таркиби

Т/р	Ижрочиларнинг Ф.И.О.	Малака (тоифаси)	Ёнгинга қарши йўл-йўриқни олдим	
			Имзо	Сана
1				
2				
3				

5. Режалаштирилган иш вақти:

Бошланиш вақти ____ сана ____ Якунланиш вақти ____ сана ____

6. Иш жойларининг (жойининг) ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чоралари

(иш жойини тайёрлаш вактида амалга оширилдиган

ёнгин хавфсизлигининг ташкилий ва техник чоралари кўрсатилади)

7. Келишилган: объектдаги хизматлар билан,

(сана, оловли ишлар олиб бориладиган хизматларнинг номи,

масъулнинг Ф.И.О, имзо)

(цех, майдон, масъулнинг Ф.И.О, имзоси)

8. Иш жойи тайёрланди: тайёргарлик учун жавобгар

(лавозими, Ф.И.О., имзо)

(сана, вакти)

9. Наряд-рухсатнома

(сана, вақти, нарядни берган шахснинг имзоси,

гача узайтирилган.

Ф.И.О., лавозими)

10. Наряд-рухсатномани узайтириш (7-бандга мувофик)

(сана, хизматининг номи, маъсулнинг лавозими,

келишилган.

Ф.И.О., имзо)

11. Ижрочилар жамоаси таркибидаги ўзгаришлар

12. Иш түлиқ бажарилди, иш жойлари тартибга келтирилди, асбоблар ва материаллар олиб ташланди, одамлар чиқарилди, наряд-рухсатнома ёпилди

(иш раҳбари, имзо, сана, вақти)

(смена бошлиғи (смена бўйича раҳбар) иш бажариладиган жой бўйича,

Ф.И.О., имзо, сана, вақти)

*) Агар ишларни хавфсиз олиб боришни тартибга солувчи норматив ҳужжат талаб қиласа.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига
12-илова

Яшовчилар учун намунавий эслатманинг режа матни

Агар сиз жойлаштириш воситасига биринчи бор келган бўлсангиз, чиқиш ва зинапояларнинг жойлашган жойини яхши эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

Сизнинг хонангизда ёнгин юзага келганда:

ходиса хақида зудлик билан ёнгин-күтқарув хизматига, ушбу телефон рақами _____ (ёнгин-күтқарув бўлинмаларининг телефон рақамини кўрсатинг) орқали маъмурият ёки хизмат кўрсатувчи шахсларга хабар беринг;

агар ёнгинни ўз кучингиз ва имкониятингиз ёрдамида ўчира олмасангиз, хонани тарк этинг ва эшикни қулфламасдан ёпинг;

хавфли худудни тарк этинг ва маъмурият ёки ёнгин-күтқарув бўлинмаларининг кўрсатмаси бўйича ҳаракат қилинг.

Хонангиздан ташқарида ёнгин содир бўлган тақдирда:

воқеа тўғрисида дарҳол ёнгин-күтқарув хизматига _____ телефон орқали хабар беринг;

хонани тарк этишдан олдин, дераза ва эшикларни ёпинг ва бинодан чиқиб кетинг;

агар коридорлар ва зинапояларни қуюқ тутун қоплаган бўлса ва Сиз хонани тарк эта олмасангиз, хонангизда қолиб, деразаларни тўлиқ очиб қўйинг. Ёпиқ ҳолатдаги ва тирқишилари тўлиқ беркитилган эшик Сизни узоқ вақт давомида хавфли ҳароратдан ҳимоя қилиши мумкин. Тутун билан заҳарланишнинг олдини олиш учун тирқишиларни ва шамоллатиш туйникларни сувга намланган сочиқ ва чойшаб билан ёпинг.

Телефонингиз орқали маъмуриятни манзилингиз тўғрисида хабардор қилишга ҳаракат қилинг.

Ёнгин-күтқарув бўлинмалари воқеа жойига келганда деразага боринг ва улар Сизга ёрдам бериши учун ишора қилинг.

Эвакуация пайтида лифтдан фойдаланиш тавсия этилмайди. Сиз балконда ёки пешайвонда ёнгиндан ҳимояланишнинг мумкин, шу билан бирга Сиз балкон эшигини ёпишингиз керак.

**Яшовчилар учун ёнгин хавфсизлиги қоидалари хақида
ЭСЛАТМА**

Хурматли меҳмонлар!

Сиздан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраймиз!

хонада электр иситиш мосламаларидан фойдаланишда (кофе қайнаткич, дазмол, электр чойнак) ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг;

хонани тарк этганда телевизор, радио, кондиционер, ёритиш чирокларини ўчиришни унутманг.

Эслатиб ўтамиз, ёритиш чирокларини ёнувчан материалдан ясалган буюмлар билан қоплаш хавфли.

Умид қиласизки, Сиз ёткенда ётган вақтингизда чекмайсиз ва ўчирилмаган сигаретани қолдирмайсиз. Бу хавфли.

Лифтда ўчирилмаган сигарета билан бўлишга рухсат этилмайди.

Илтимос, сигаретани чиқинди қутиларига ташламанг, бунинг учун кулдондан фойдаланинг.

Хонага ёнгин хавфи мавжуд модда ва материалларни олиб кириш ва у ерда саклаш мумкин эмас.

Маъмурият

